

ИНОМЖОН БОБОҚУЛОВ

# ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СТРАТЕГИК ТАҲЛИЛ  
ВА ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАШ ОЛИЙ МАКТАБИ

---

ИНОМЖОН БОБОҚУЛОВ

# ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

ДАРСЛИК

Тошкент  
Complex Print  
2025

**614.8(075.8)**

**68.9я73**

**Б 79**

**Хавфсизлик асослари** [Матн] : дарслик / И.И. Бобоқулов ва бошқалар. – Тошкент: Complex print, 2025. – 280 б.

**УЎК 614.8(075.8)**

**КБК 68.9я73**

**Масъул муҳаррир:** Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби бошлиғи, профессор Атаев М.И.

**Муаллифлар:** Абдукаримов Ғ.О., с.ф.ф.д. (PhD), доц. (9-мавзу); Бобоқулов И.И., ю.ф.д., проф. (1-8, 16-19-мавзулар); Гуламов А.Ғ., с.ф.ф.д. (PhD), доц. Сафаров Р.Ж., с.ф.ф.д. (PhD), доц. (10-мавзу); Исламов И.Н., т.ф.д., проф. (9, 10, 14-мавзулар); Йўлбарсхўжаев У.Ш. (15-мавзу); Муқимов Ш.А., и.ф.ф.д. (PhD) (12, 15-мавзулар); Олимов Ю.Ю., с.ф.ф.д. (PhD), доц. (11-мавзу); Тухтаматов Х.Р., п.ф.ф.д. (PhD), доц. (13-мавзу).

**Тақризчилар:** Таджиев Ш.Ш., сиёсий фанлар доктори, доцент

Зоҳидов А.А., иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ушбу дарслик хавфсизлик тадқиқотлари эволюцияси, назарий асослари, хавфсизликка оид асосий концепциялар, хавфсизлик соҳалари, турлари ва даражаларини ўрганишга бағишланган. Дарслик соҳа мутахассислари, олий ўқув юртлари ўқитувчилари, тадқиқотчилар, талабалар, шунингдек, халқаро муносабатлар ва хавфсизлик масалалари билан қизиқувчи китобхонлар учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йилдаги 55-сонли буйруғига асосан нашр рухсатномаси берилган.

ISBN 978-9910-8906-9-7

© Муаллифлар жамоаси, 2025.

© Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2025.

© «Complex Print» нашриёти, 2025.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш**  
**олий мактаби ташкил топганлигининг**  
**25 йиллигига бағишланади**



## МУНДАРИЖА

<b>СЎЗБОШИ</b> .....	<b>8</b>
<b>I БЎЛИМ. ХАВФСИЗЛИККА КИРИШ</b>	
<b>1-МАВЗУ. ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ</b> .....	<b>10</b>
1.1. Хавфсизлик тушунчаси ва унинг объекти .....	10
1.2. Хавфсизликнинг субъектлари: тушунчаси ва таснифи .....	13
1.3. Хавфсизлик фани: предметни аниқлаш муаммолари .....	17
<b>2-МАВЗУ. ХАВФСИЗЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ</b> .....	<b>20</b>
2.1. Стратегик тадқиқотларининг асосий жиҳатлари .....	20
2.2. Хавфсизлик тадқиқотлари ривожланишининг замонавий тенденциялари ..	22
2.3. Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари .....	27
2.4. Тинчлик тадқиқотлари .....	28
<b>3-МАВЗУ. ХАВФСИЗЛИККА ОИД НАЗАРИЯ ВА КОНЦЕПЦИЯЛАР</b> .....	<b>36</b>
3.1. Хавфсизликнинг анъанавий назариялари: реализм ва либерализм .....	36
3.2. Секьюритизация концепциясининг асосий жиҳатлари .....	42
3.3. Секьюритизация концепцияси ва унинг танқидчилари .....	45
<b>II БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ</b>	
<b>4-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ</b> .....	<b>48</b>
4.1. Миллий хавфсизлик тушунчаси .....	48
4.2. Миллий манфаатлар: тушунчаси ва таснифи .....	55
4.3. Давлат – миллий хавфсизликнинг асосий субъекти .....	55
4.4. Миллий хавфсизликка таҳдидлар .....	57
<b>5-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУРКУМИ</b> .....	<b>60</b>
5.1. Миллий хавфсизлик соҳалари .....	60
5.2. Шахс ва инсон хавфсизлиги .....	63
5.3. Жамият хавфсизлиги .....	65
5.4. Давлат хавфсизлиги .....	67
<b>6-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ</b> .....	<b>72</b>
6.1. Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари .....	72
6.2. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари .....	75
6.3. Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари .....	77
<b>7-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ</b> .....	<b>82</b>
7.1. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари: тузилиши, тушунчаси .....	82
7.2. Миллий хавфсизлик концепцияси – хавфсизлик сиёсатининг асоси .....	84
7.3. Миллий хавфсизлик концепцияси, стратегияси ва доктриналарининг ўзaro нисбати .....	86

<b>8-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ</b> .....	<b>90</b>
8.1. Миллий хавфсизлик ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти сифатида . . . .	90
8.2. Миллий хавфсизликка оид қонунчилик: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати . . . . .	91
8.3. Миллий хавфсизлик ҳуқуқи: предмети ва методлари . . . . .	96
<b>9-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ</b> . . .	<b>102</b>
9.1. Фуқаролик жамияти ва миллий хавфсизлик муносабатларининг келиб чиқиши . . . . .	102
9.2. Фуқаролик жамияти институтлари миллий хавфсизликни таъминлашнинг иштирокчиси сифатида . . . . .	106
9.3. Фуқаролик жамияти институтлари миллий хавфсизликни таъминлаш субъектлари сифатида. . . . .	108
9.4. Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятининг асосий функциялари, шакллари ва усуллари . . . . .	111
<b>III БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИ</b>	
<b>10-МАВЗУ. СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> .	<b>116</b>
10.1. Сиёсат ва хавфсизликнинг ўзаро нисбати . . . . .	116
10.2. Сиёсий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида	119
10.3. Сиёсий хавфсизликнинг ўзига хослиги . . . . .	124
10.4. Сиёсий хавфсизлик соҳасидаги миллий манфаатлар ва уларга қаратилган таҳдидлар . . . . .	126
<b>11-МАВЗУ. ҲАРБИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> .	<b>134</b>
11.1. Ҳарбий хавфсизлик тушунчаси ва моҳияти . . . . .	134
11.2. Ҳарбий хавфсизлик турлари . . . . .	138
11.3. Давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизими . . . . .	139
11.4. Ҳарбий таҳдидлар тизими . . . . .	143
<b>12-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> . . . . .	<b>148</b>
12.1. Иқтисодий хавфсизлик: ретроспектив таҳлил . . . . .	148
12.2. Иқтисодий хавфсизликнинг мазмун-моҳияти . . . . .	151
12.3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими . . . . .	156
12.4. Иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар . . . . .	162
<b>13-МАВЗУ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> . . . . .	<b>166</b>
13.1. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси, объекти ва предмети . . . . .	166
13.2. Миллий хавфсизликни таъминлашда ахборот хавфсизлигининг ўрни ва аҳамияти . . . . .	171
13.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими . . . . .	176
13.4. Ахборот хавфсизлиги таҳдидлари ва манбаларининг таснифи . . . . .	183

<b>14-МАВЗУ. МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ СОҲАСИ СИФАТИДА</b> .....	<b>186</b>
14.1. Маънавий хавфсизлик тушунчаси .....	186
14.2. Маънавий хавфсизликни таъминлаш тизими .....	188
14.3. Маънавий соҳадаги ҳаётӣ муҳим миллий манфаатлар ва уларнинг таснифи .....	192
14.4. Маънавий хавфсизликка қаратилган ташқи ва ички таҳдидлар .....	195
<b>15-МАВЗУ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> .....	<b>202</b>
15.1. Экологик хавфсизлик тушунчаси .....	202
15.2. Экологик хавфсизликка таҳдидлар .....	209
15.3. Экологик хавфсизликни таъминлаш тизими .....	213
<b>IV БЎЛИМ. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР</b>	
<b>16-МАВЗУ. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ</b> .....	<b>218</b>
16.1. Минтақавий хавфсизлик тушунчаси .....	218
16.2. Минтақавий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омиллар .....	220
16.3. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими .....	224
16.4. Минтақавий хавфсизлик комплекси назариясининг асосий жиҳатлари ..	226
<b>17-МАВЗУ. МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b> .....	<b>230</b>
17.1. Минтақавий ташкилотлар: тушунчаси ва ривожланиш босқичлари .....	230
17.2. Минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ва БМТ билан ҳамкорлиги .....	232
17.3. Минтақавий коллектив хавфсизлик механизмлари .....	236
<b>V БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК</b>	
<b>18-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ВА БМТ</b> .....	<b>244</b>
18.1. Халқаро хавфсизлик тушунчаси .....	244
18.2. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари ...	247
18.3. БМТ Хавфсизлик Кенгаши халқаро хавфсизликни таъминлашнинг марказий бўғини .....	251
<b>19-МАВЗУ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА КУЧ ИШЛАТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ</b> .....	<b>256</b>
19.1. Куч ишлатишга оид халқаро тақиқлар .....	256
19.2. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи .....	260
19.3. Таклиф бўйича интервенция .....	263
19.4. Гуманитар интервенция .....	263
19.5. Ҳимоя қилиш масъулияти .....	265
<b>ХУЛОСА</b> .....	<b>268</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>269</b>

## СЎЗБОШИ

Хавфсизлик шахс, жамият ва давлат, инсоният ва халқаро ҳамжамият барқарор тараққиётининг муҳим шарти ва объектив заруратидир. Ушбу мураккаб ва кўпқиррали ижтимоий ҳодисанинг турли кўринишлари, даражалари (миллий, минтақавий ва халқаро), соҳалари (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва бошқалар) ва тизимости элементлари (шахс, жамият, давлат хавфсизлиги)ни ўрганиш ва тадқиқ этиш мамлакатимиз ижтимоий-гуманитар фанларининг ҳам назарий, ҳам амалий йўналиши ҳисобланади.

Хавфсизлик, аниқроғи, унинг бирламчи даражаси, марказий бўғини ва асосий ғояси ҳисобланган миллий хавфсизлик давлат мустақиллиги омили билан узвий боғлиқ. Бошқача айтганда, миллий хавфсизлик сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса сифатида суверен давлатга хос хусусиятдир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини қўлга киритиши фундаментал конституциявий-ҳуқуқий қадриятлар, жумладан, давлат суверенитети, конституциявий тузум ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш масаласини кун тартибига кўйди. Қайд қилиб ўтилган ушбу қадриятлар миллий хавфсизликнинг асосий объектлари ва фундаментал ҳаётий муҳим миллий манфаатлари сирасига киради.

Таъкидлаш жоизки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги макони ҳамда мамлакатимиздаги хавфсизлик муаммоларига оид илмий адабиётлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари доирасида кўтарилган мавзулар, уларнинг тузилиши, мазмуни, шунингдек, номланиши муаллифларнинг хавфсизлик фани предмети борсидаги қарашларининг турлича эканлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, мазкур фан предмети аниқлашнинг мураккаблиги, хавфсизлик феноменининг *фанлараро ёки тармоқлараро* хусусиятга эгалиги билан ҳам изоҳланади. Хавфсизликка оид асосий тушунча ва категориялар турли ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан, халқаро муносабатлар, геосиёсат, халқаро ҳуқуқ, сиёсатшунослик, иқтисодиёт, экологиянинг ўқитиш ва тадқиқот предмети ташкил этади. Бироқ муҳокама қилинаётган (шаклланиб келаётган) фан соҳаси бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан хавфсизлик каби мураккаб ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳодисани ўрганишда тизимли ва комплекс ёндашувнинг мавжудлиги билан фарқланади.

Муайян маънода хавфсизлик фанини «предмет олди» характериغا эга деб баҳолаб, ушбу ҳолатни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

*биринчидан*, тарихан миллий хавфсизлик сиёсий йўналтирилган ва эстатик хусусият касб этиб, авваламбор, хавфсизликнинг бирламчи субъекти – давлат эҳтиёжларига хизмат қилган. Шахс ва жамият хавфсизлигига оид масалалар анъанавий хавфсизлик тадқиқотлари предмети ташкил этмаган;

*иккинчидан*, ўтган асрнинг 70-йилларига қадар, ҳарбий-сиёсий соҳа ва давлат суверенитети миллий хавфсизлик тизимида устувор йўналиш бўлиб, қуролли кучлар уни таъминлашнинг ягона самарали воситаси ҳамда халқаро муносабатларнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланган. Хавфсизликнинг бошқа соҳа ва йўналишлари ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг ўзга куч ва воситалари иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган;

*учинчидан*, миллий хавфсизлик масалалари ваколатли давлат органларининг мутлақ юрисдикциясига тегишли бўлиб, кенг илмий жамоатчилик учун ёпиқ ҳисобланган. Илмий тадқиқотлар ихтисослаштирилган таълим муассасалари доирасида амалга оширилган.

Қайд қилиб ўтиш лозимки, ушбу дарслик фаннинг нисбатан методологик ёндашуви, яъни унинг тузилиши, мавзулар доираси, хавфсизлик соҳалари, турлари ва бошқалар МДҲ мамлакатларида хавфсизлик масалаларига оид маълум назарий қарашлар ва сиёсий-ҳуқуқий амалиётдан келиб чиқиб ишлаб чиқилди.

Дарслик хавфсизлик назариясининг асосий жиҳатлари, хусусан, хавфсизликка оид қарашлар ва концепциялар, хавфсизликка қаратилган асосий таҳдидлар, миллий манфаатлар, миллий хавфсизликнинг тизимости элементлари, миллий хавфсизликни таъминлаш тизими, миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва концептуал асослари, миллий хавфсизлик соҳалари, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг асосий жиҳатларини ўрганишга бағишланган.

Дарслик ўн тўққизта мавзуни ўз ичига олган беш бўлимдан иборат.

Биринчи бўлим «Хавфсизликка кириш» деб номланиб, унда хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳияти, хавфсизлик субъектлари ва уларнинг таснифи, хавфсизликка оид назарий-концептуал ёндашувлар (стратегик тадқиқотлар, хавфсизлик тадқиқотлари, секьюритизация, тинчлик тадқиқотлари) ва хавфсизликнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги аҳамияти тадқиқ этилган.

Иккинчи бўлим «Миллий хавфсизлик асослари» деб номланган бўлиб, миллий хавфсизлик тушунчаси, миллий манфаат ва унинг таснифи, миллий хавфсизликка қаратилган асосий таҳдидлар, шахс, жамият, давлат хавфсизлиги ва уларнинг ўзига хослиги, миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари, куч ва воситалари ҳамда конституциявий-ҳуқуқий асослари, миллий хавфсизлик концепцияси, стратегияси ва доктриналарининг ўзаро нисбати, миллий хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли таҳлил этилган.

Учинчи бўлим миллий хавфсизлик соҳаларига бағишланган бўлиб, унинг доирасида сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ахборот, маънавий ва экологик хавфсизликнинг фарқли ва ўхшаш жиҳатлари, асосий таҳдидлар, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар ва уларнинг таснифи, соҳалар кесимида хавфсизликни таъминлаш тизими ва таркибий қисмлари кўриб чиқилган.

Тўртинчи бўлим «Минтақавий хавфсизлик ва минтақавий ташкилотлар» деб номланиб, унда минтақавий хавфсизликнинг мазмун ва моҳияти ҳамда асосий минтақавий хавфсизлик механизмлари, шунингдек, минтақавий хавфсизлик комплекси назариясининг асосий жиҳатлари, минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими ва уни белгилаб берувчи асосий омиллар, минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми, фаолияти ва БМТ билан ҳамкорлик масалалари ёритилган.

Бешинчи бўлим «Халқаро хавфсизлик» деб аталиб, унда халқаро хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари, халқаро-ҳуқуқий воситалари, халқаро хавфсизликни таъминловчи замонавий кўп томонлама механизмлар, халқаро муносабатларда куч ишлатишни ҳуқуқий тартибга солиш масалалари таҳлил этилган. Ушбу бўлимда халқаро хавфсизликни таъминлашнинг замонавий босқичида БМТ Хавфсизлик Кенгаши фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган.

Китобхон ҳукмига эълон қилинаётган дарслик мамлакатимизда хавфсизликка оид билимларни муайян бир тизимга солиш ва ўрганишга қаратилган илк уринишлардан бири ҳисобланади. Дарслик хавфсизлик тадқиқотларига бағишланган мамлакатимиз ва хорижда нашр этилган монографик тадқиқотлар, илмий мақолалар, дарсликларни ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини инобатга олган ҳолда тайёрланди. Шунингдек, мавзуларни белгилаш ва уларнинг мазмунини ёритишда мамлакатимиз ижтимоий-гуманитар фанларининг илғор ютуқлари ҳамда мавжуд концептуал ва доктринал ҳужжатлардан кенг фойдаланилди.

Муаллифлар соҳа мутахассислари ва китобхонларнинг дарсликни мазмунан бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қиладиган танқидий фикр ва мулоҳазаларни миннатдорчилик билан қабул қилади.

**Иномжон Бобоқулов**  
**юридик фанлар доктори, профессор**

# I БЎЛИМ. ХАВФСИЗЛИККА КИРИШ

## 1-МАВЗУ. ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ



«Дунё ягона, бироқ  
воқеликлар турфа хил».

**Кен Бут**

**Хавфсизлик** – хавф-хатарнинг йўқлиги, хавфдан холилик, хавф бўлмаган ҳолат.

**Резюме.** Ушбу мавзу хавфсизлик тушунчасининг мураккаб ижтимоий табиатини очиб беришга ҳамда хавфсизлик объекти ва субъектининг ўзаро алоқадорлиги, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва таснифига бағишланган. Хавфсизлик фанининг предмети, мақсади ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадорлигини ўрганиш алоҳида вазифа сифатида белгиланган.

**Таянч сўзлар:** хавфсизлик, хавфсизлик предмети, хавфсизлик объекти, хавфсизлик субъекти ва актор, этатизм, хавфсизликнинг бирламчи ва ҳосила субъекти, хавфсизлик фани предмети.

### 1.1. Хавфсизлик тушунчаси ва унинг объекти

«Хавфсизлик» тушунчаси хавфсизликка оид тадқиқотларнинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этувчи энг муҳим категориясидир. У таҳдид, манфаат, хавфсизлик объекти ва субъекти, соҳа ва даражалари, хавфсизлик тизими ва тизимости элементлари каби (хавфсизликка оид ижтимоий муносабатларга хос) тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англаб етишда ҳамда хавфсизлик борасидаги билим ва тасаввурларни кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Қўлланиш кўламидининг кенглиги ва «тарихий илдишлари»нинг чуқурлигига қарамасдан, «хавфсизлик» тушунчасининг моҳиятини тўлиқ қамраб олувчи таърифни ишлаб чиқиш анчайин мушкул вазифа ҳисобланади. Ушбу тушунчанинг мураккаб табиати, мутахассислар фикрича, «дунё ягона, бироқ воқеликлар турфа хил» тезисига жо бўлади [Бут, 2005; Б. 2].

Гап шундаки, хавфсизлик ҳаддан зиёд амалий аҳамият касб этиб, сиёсат, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар билан узвий боғлиқ ҳолда кўрилади. Турли сиёсий мактаблар, қарашлар, мафкура ва сиёсий режимларнинг мавжудлиги эса, ўз навбатида, хавфсизликнинг хилма-хиллигини белгилаб, унинг субъектив табиати ҳамда ҳосилавий аҳамиятини намоён қилади ҳамда турлича тушуниш ва қабул қилиш учун шароит яратади.

Хавфсизлик, луғавий маъносига кўра, *хавф-хатарнинг йўқлиги, хавфдан холилик, хавф бўлмаган ҳолат* маъноларини билдиради. Бироқ бу жўн ва тушунарли изоҳ мазкур мураккаб ижтимоий ҳодисанинг туб маъносини англаб етмоқчи бўлган зукко талаба ёки тадқиқотчи (давлат сиёсатини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган амалиётчи)да қатор саволларни туғдиради.

Жумладан, хавфсизликнинг объекти *нима ёки ким?* Яъни *таҳдид кимга ёки нимага қаратилган?* Айнан қандай *хавф ва таҳдиднинг йўқлиги* (амалда) хавфсизлик (хавф бўлмаган ҳолат)нинг мавжудлигини англатади? *Мутлақ хавфсизлик* тўғрисида сўз юритиш мумкинми?

Мазкур саволларнинг мантикий занжирдан келиб чиқиб бажарилиши лозим бўлган биринчи навбатдаги вазифа бу *хавфсизликнинг объекти (referent object)* борасида аниқлик киритиб олишдир. Хавфсизликнинг объекти, авваламбор, хавф ва таҳдид йўналтирилган нарса ёки предмет бўлиб, уни ҳимоя қилиш зарурати, одатда, тегишли қонунлар, халқаро шартномалар, хавфсизлик концепцияларида белгилаб қўйилади. Бошқача айтганда, хавфсизлик объектини ҳимоя қилиш «қонуний» жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Хавфсизлик объекти турли кўриниш ва шаклда намоён бўлади. Хусусан, *шахс, жамият, миллат, давлат ёки халқаро ҳамжамият; суверенитет, миллий қадриятлар, мафкура, тил, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари; ахборот технологиялари, атроф-муҳит, сув ресурслари* ва х.к. У бир ҳолатда *субъектив* хусусиятларга эга бўлиши (мисол учун, шахс, жамият, давлат, миллат), муайян *тизим, ғоялар мажмуи* (мафкура, тил, конституциявий тузум), *ҳуқуқий ҳолат* (давлат суверенитети, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари), *восита* ёки *манба* (ахборот технологиялари, сув ресурслари) сифатида ҳам белгиланиши мумкин.

Қайд қилиб ўтилган рўйхат тўлиқ ва тугал эмас. Ҳар бир алоҳида давлат ва жамиятнинг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб, улар турли кўринишда намоён бўлиши мумкин. Шу билан бирга, муайян хавфсизлик объектлари (мисол учун, давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик) барча давлатлар учун хосдир.

Хавфсизлик тадқиқотларида кенг тарқалган анъанавий қарашга кўра, хавфсизликнинг объекти – бу, авваламбор, манфаатдир, яъни шахс, жамият ва давлатнинг англаб етилган эҳтиёжлари.

Таъкидлаб ўтиш муҳимки, хавфсизлик объектини аниқлаш муайян объектив ва субъектив омиллар ва шарт-шароитлар таъсирида амалга ошади. Тадқиқотчи, мутахассис, ваколатли мансабдор шахс ушбу жараёнда жамиятдаги ҳукмрон сиёсий режим табиати (демократик, авторитар ёки тоталитар), геосиёсий омиллар (давлатнинг географик жойлашуви, ландшафти, табиий ресурслари, иқтисодий имкониятлари, демографик ҳолати), халқаро ҳамжамият аъзолари билан ҳамкорлиги ва алоқаларининг замонавий ҳолати, минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазият кабиларни инобатга олиши лозим.

Демак, хавфсизлик объектини аниқлаш идрок этиш билан боғлиқ жараён бўлиб, унинг субъектив табиатга эгаллигини ифодалайди. Субъективлик унга қарама-қарши турган объектга нисбатан субъектнинг ички (психик) ҳолати эмас, балки, унинг амалий фаолияти натижаси, субъектлараро ҳамкорликнинг ҳосиласи сифатида кўрилиши лозим.

Хавфсизликнинг объекти нима ёки ким? Яъни таҳдид кимга ёки нимага қаратилган? Айнан қандай хавф ва таҳдиднинг йўқлиги (амалда) хавфсизлик (хавф бўлмаган ҳолат)нинг мавжудлигини англатади? Мутлақ хавфсизлик тўғрисида сўз юритиш мумкинми?

**Хавфсизлик объекти** – бу, авваламбор, манфаатдир, яъни шахс, жамият ва давлатнинг англаб етилган эҳтиёжлари.



Уолтер Галли

Табийки, хавфсизлик объектининг ким ёки нима эканлигидан келиб чиқиб, хавфсизлик тушунчасининг мазмуни ва унга бериладиган таъриф ҳам турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, озиқ-овқат хавфсизлиги тўғрисида сўз кетганида, унинг мазмунини очиб берувчи асосий тезис ҳар бир *инсоннинг* етарли даражада соғлик учун хавфли бўлмаган ҳамда фаол ҳаёт учун зарур бўлган озиқ-овқат истеъмолига «*эга бўла олиш ҳуқуқи*» тушунилади. Тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу ҳуқуқнинг таъминланиши ҳукуматларнинг мажбурияти сифатида белгилаб қўйилган.

Давлат хавфсизлигининг объекти, яъни унинг ҳаётий муҳим манфаатлари – давлат суверенитети, конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлигининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилинганлик ҳолати тарзида тушунилади. Мазкур қарашда «манфаат», «таҳдид» ва «ҳимояланганлик ҳолати» каби хавфсизликнинг анъанавий жиҳатлари олдинги ўринга чиқиб, хавф ва таҳдидларнинг доимий йўлдоши сифатида намоён бўлади.

Шахс хавфсизлиги тўғрисида сўз кетганида, давлат ёки миллий хавфсизликка оид анъанавий қарашдан фарқли ўлароқ, хавф ва таҳдиддан ўзга категориялар (хусусан, ҳуқуқ ва эркинликлар) қўлланади. Халқаро хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини белгилашда эса давлатнинг қудрати, кучлар мувозанати, миллий манфаат каби омиллар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Халқаро муносабатларда кенг тарқалган қарашга кўра, хавфсизлик «*танланган қадриятларга нисбатан таҳдидларни камайтириш*» деб, таърифланади (Уильямс) (*the alleviation of threats to cherished values*).

**Давлат хавфсизлигининг объекти** – давлат суверенитети, конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлигининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилинганлик ҳолати.

**Этатизм** – давлатни жамият тараққиётининг олий натижаси ва мақсади, деб билувчи сиёсий тафаккур йўналиши; ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларига давлатнинг фаол аралашувини ифодаловчи тушунча. Стратегик тадқиқотлар доирасида давлат хавфсизликнинг бош объекти, асосий субъекти, актори сифатида кўрилади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин устувор аҳамият касб этиб келган этатик ёки анъанавий концепциянинг постбиполяр халқаро муносабатлар тизимининг янги воқелигига мос келиши кескин тортишувларга сабаб бўлди. Глобаллашув, миллий хавфсизлик қамровининг «юқори сиёсат»дан, яъни соф ҳарбий-сиёсий ўлчам доирасидан, «қуйи сиёсат»га оид муаммолар томон кенгайиши, трансчегаравий актор ва таҳдидларнинг пайдо бўлиши, инсон ўлчамининг хавфсизлик тадқиқотлари ва давлатлараро муносабатларнинг муҳим предметиға айланиши каби омиллар этатизмнинг мавқеига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари тарафдорлари хавфсизликнинг мазмун-моҳиятини анъанавий ёки эстатик ёндашувдан фарқли ҳолда кўрадилар. Уларнинг фикрича, *маълум даражадаги хавфнинг мавжудлиги ижтимоий ҳаётнинг зарурий шарт сифатида умум қабул қилинган ҳолат* бўлиши лозим. Маълум бир даражагача индивид, гуруҳ хавфсиз ҳолатда эмас ва шу боис уларда танлаш имконияти мавжуд бўлмайди.

*Хавфсизлик кишилар ҳаётида пайдо бўлаётган макон (имконият) сифатида тушунилиши мумкин.* Хавфсизлик яшаб қолиш ёки мавжуд бўлиб қолиш тушунчаси билан бир хил эмас. *Хавфсизлик инсонга унинг мавжудлигига таъсир кўрсатувчи таҳдидлар билан эмас, балки ўзга бир машғулотлар билан банд бўла олиш имкониятини беради.* Хавфсизликнинг муайян даражасининг мавжудлиги индивид ва гуруҳларга маълум вақт, энергия ҳамда муайян фаолият билан шуғулланиш ва танлаш имкониятини яратади.

Мутахассислар ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасидаги муайян категорияларни **«моҳиятан мунозарали тушунчалар» («essentially contested concepts»)** деб баҳолайдилар (У. Галли). Ҳақ тарафдорларининг фикрига кўра, ижтимоий фанлар тизимида шундай тушунчалар борки, уларнинг мазмуни борасида бетараф таърифнинг ишлаб чиқилиши мумкин эмас. Шу боис, бу каби тушунчалар доимо муайян академик баҳснинг предмети бўлиб қолади.

Ўзга бир қарашга кўра, хавфсизлик **«моҳиятан ҳосила тушунча»der («essentially derivative concept»)**. Ушбу ёндашув тарафдорлари хавфсизликни сиёсат ва иқтисод билан бевосита алоқадорлигига урғу берадилар.

Бугунги кунда сиёсатдан ҳоли, барча назарий мактаблар вакиллари қабул қиладиган, ҳамма учун мақбул бўлган хавфсизлик таърифининг мавжуд бўлиши эҳтимоли шубҳа остига олинади. Хавфсизликнинг моҳиятини аниқлашда хавфсизлик муаммолари ким томонидан (сиёсий реалист, марксист, феминист ёки либерал интернационалист) тадқиқ этилишига боғлиқ. Уларнинг барчаси хавфсизлик объекти, таҳдид турлари ва субъектларига нисбатан турлича ёндашувга эга. Демак, хавфсизлик «сиёсат нима ва у қандай бўлиши кераклигини турлича англаш маҳсули сифатида» қабул қилиниши керак.

## 1.2. Хавфсизликнинг субъектлари: тушунчаси ва таснифи

Умумфалсафий ёндашувга кўра, *субъект* – муайян ижтимоий муносабатнинг иштирокчиси бўлиб, фаолияти *объектга*, яъни предмет, нарса, ҳодиса ёки индивидга йўналтирилган бўлади. Мутахассислар субъект объектнинг бир қисми эканлиги ва улар доимо ўзаро таъсирда бўлишини таъкидлайдилар [Назаров, 2004]. Объект-субъект алоқадорлигининг муҳим функционал хусусияти, *субъект фаолияти доираси ва унинг чегараларини* белгилашда объектнинг ҳал қилувчи ролида намоён бўлади.

Маълум даражадаги хавфнинг мавжудлиги ижтимоий ҳаётнинг зарурий шарт сифатида умум қабул қилинган ҳолатдир.

Объект-субъект алоқадорлигининг муҳим функционал хусусияти, *субъект фаолияти доираси ва унинг чегараларини* белгилашда объектнинг ҳал қилувчи ролида намоён бўлади.



Георгий Ивашченко

Фаолият ҳар қандай ижтимоий мавжудотнинг мавжуд бўлишини таъминловчи усул ва унинг туб моҳиятини англатувчи омилдир.

Фаолият, ўз навбатида, бирор-бир натижага эришишни якуний мақсад қилиб қўйган босқичма-босқич ва изчил амалга оширилиши лозим бўлган жараён дур. Фаолият доирасида субъект мустақил ишлаб чиқилган режаларни амалга оширади ва эришилган натижалар самараси эвазига ўз эҳтиёжларини қондиради. «Фаолият – деб ёзади Г.В. Ивашченко, – ҳар қандай ижтимоий мавжудотнинг мавжудлигини белгиловчи усул ва унинг туб моҳиятини англатувчи омилдир. Ижтимоий ҳаётда фаолиятнинг у ёки бу жиҳатини намоён этмайдиган бирорта ҳам ҳодиса мавжуд эмас».

Фаолият субъекти (индивид, муайян ижтимоий гуруҳ, давлат) руҳий-маънавий салоҳият, *ирода* соҳибидир. Ирода фаолиятнинг муҳим жиҳати ва мезонидир. Ирода, яъни мақсадга эришиш ва вазифани бажариш учун зарур бўлган матонат ва қатъиятнинг мавжудлиги субъектнинг мақсади, хулқ-атвори ҳамда фаолиятнинг изчиллигини таъминлайди.

Хавфсизлик ижтимоий ҳодисадир. Табиийки, унинг доимий асосини фаолият субъектининг бизни ўраб турган дунёга, мавжудлик шарт-шароитлари ва хавфсизлик объектига қаратилган актив ҳаракати ташкил этади. Хавфсизлик – субъектлар фаолиятининг натижаси, маҳсули сифатида намоён бўлади.

Хавфсизлик соҳасидаги субъектлар фаолиятининг мазмунини муайян манфаатларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш ташкил этади. Ҳар қандай манфаат объектив эҳтиёжлардан келиб чиқиб субъектив тарзда белгиланади.

Эҳтиёжлар ўз табиатига кўра объектив ҳодиса бўлиб, уларнинг мавжудлиги бевосита субъектларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмайди. Аксинча, айнан эҳтиёжлар хавфсизлик субъектларининг хоҳиш-истаги ва маълум маънода уларнинг хулқ-атворини белгилаб беради. Фаолият субъектлари томонидан англаб етилган объектив эҳтиёжлар ҳаётий муҳим миллий манфаатлар кўринишида тегишли ҳужжатларда ўз аксини топади. Мавжудлик, *миллий ўзликни сақлаб қолиш, ривожланиш* – хавфсизлик субъектининг энг муҳим эҳтиёжи, ҳаётий муҳим манфаатлари сифатида намоён бўлади.

Демак, хавфсизлик субъектлари фаолиятини объектив эҳтиёжларни қондириш ва субъектив манфаатларга эришиш билан боғлиқ жараён тарзида тавсифлаш мумкин. Манфаатлар объектив эҳтиёжлар билан ўзаро алоқадорликдагина мавжуд бўлади. Субъектлар фаолиятининг самарадорлиги манфаатларни амалга ошириш учун зарур бўлган муайян шарт-шароитларни тақозо этади. Ушбу шароитлар субъектлар томонидан яратилиб, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, молиявий ва бошқа кўринишда бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, шарт-шароит фаолият тизимининг одатий мавжуд компоненти ҳисобланмайди. Бу, ўз навбатида, муайян бўшлиқнинг мавжудлигини англатади. Шунинг учун ҳам

мазкур жараёнда уни тўлдириш ёки бартараф этиш хавфсизлик соҳасидаги фаолиятнинг муҳим босқичи ва иштирокчиларнинг устувор вазифаси саналади. Мазкур ўринда хавфсизлик субъект манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати эмас, балки субъект мавжудлигининг шарт-шароитлари тарзида таърифланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Хавфсизлик субъекти – *норматив, ҳуқуқий тушунча*. Хавфсизлик субъектларининг доираси, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва ваколатлари, ўзига хос хусусиятлари тегишли тарзда норматив-ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб қўйилади. Хавфсизлик маконидаги бошқа иштирокчилардан фарқли ўлароқ, хавфсизлик субъектлари нафақат ҳуқуқ ва эркинликларга эга, балки уларга ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган юридик мажбуриятлар ҳам юкланади.

Шунинг учун ҳам хавфсизлик субъектини бир вақтнинг ўзида ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатига эга бўлган *ҳуқуқ субъекти* сифатида ҳам баҳолаш (квалификациялаш) мумкин. Хавфсизлик субъекти ким, қандай шароитларда ва қандай ҳуқуқий хусусият ёки хоссаларга эга бўлиши лозимлиги фақат қонунлар (халқаро шартномалар) билан белгиланади. Ушбу белгиларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ёки ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ҳисобланади.

Хавфсизлик субъекти фаолиятининг асосий мақсади хавфсизлик объектини ҳимоя қилиш, унинг мавжудлигини таъминлаш ҳамда тегишли шарт-шароитларни яратишдан иборат. Шунинг учун субъект фаолиятига бунёдкорлик, яратувчанлик ва ижодкорлик хос. Хавфсизлик субъекти фаолияти қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва халқаро ташкилотларни таъсис этишда, тинчликпарварлик операцияларда иштирок этишда, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашга оид ташқи сиёсий ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда намоён бўлади.

Хавфсизлик субъектларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: *асосий (бирламчи)* ва *ҳосилавий (иккиламчи)*.

Асосий субъектлар суверен ёки мустақил ирода ва манфаат соҳиблари бўлиб, шу боис хавфсизлик соҳасидаги муносабатларнинг *ipso facto* иштирокчилари саналади. Одатда ушбу гуруҳни шахс, жамият ва давлат ташкил этади. Улар ўз навбатида бошқа субъектларнинг яратувчиси, таъсисчиси ва асосчисига айланади. Ҳосилавий субъектлар бирламчи субъектлар *сиёсий-ҳуқуқий иродасининг* амалдаги ифодаси сифатида вужудга келади.

Бирламчи субъектлардан фарқли ўлароқ, ҳосилавий субъектларнинг ҳуқуқий ҳолати муайян маънода чекланган бўлади. Уларнинг фаолияти доираси ва ваколатлари таъсис ҳужжатлари қоидалари билан белгиланади. Мазкур гуруҳга жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, халқаро ташкилотларни киритиш мумкин.

**Хавфсизлик субъекти**  
– *норматив, ҳуқуқий тушунча* бўлиб, унинг рўйхати *расман* ўрнатилади. Хавфсизлик субъектларининг доираси, ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва ваколатлари *норматив-ҳуқуқий жиҳатдан* белгилаб қўйилади.

**Давлат** – жамиятни ташкил этишнинг энг муҳим шакли ва сиёсий тизимнинг асосий институти; халқаро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқнинг суверен, бирламчи субъекти. Давлатнинг бош мақсади сиёсий ҳокимиятни ташкил этиш ва жамиятни бошқариш ҳисобланади. Ҳокимият барқарорлигининг кафолати, аҳоли ва ҳудуднинг ҳимоячиси сифатида давлат бошқарув ва мажбурлов аппарати эга. У объектив равишда алоҳида сиёсий-ҳуқуқий хусусият – суверенитет соҳиби бўлиб, давлатлараро тизимнинг марказий ва тизим яратувчи элементиدير.

## Хавфсизлик асослари

Хавфсизлик субъекти фаолиятининг асосий мақсади хавфсизлик объектини ҳимоя қилиш, унинг мавжудлигини таъминлаш ҳамда тегишли шарт-шароитларни яратишдан иборат.

Давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳудудий яхлитлик, конституциявий тузум ва давлат суверенитети ташкил этади.

Ҳар қандай хавфсизлик субъекти акторлик хусусиятига эга бўлиши мумкин. Бироқ барча акторлар ҳам хавфсизлик субъекти сифатида баҳоланмайди.

Хавфсизлик субъектларини, шунингдек, субъектив, макон ва соҳа белгиларига кўра таснифлаш мумкин.

Субъектив белгиларига кўра, улар шахс, жамият ва давлат; соҳа белгиларига кўра, сиёсий, иқтисодий, ахборот; макон белгилари хавфсизлик даражаларига мувофиқ келиб, миллий, минтақавий ва халқаро; хавфсизлик субъектлари деб номланиши мумкин. Макон (хавфсизлик даражаси)га хос бўлиниш вертикал ва муайян маънода иерархик хусусиятга эга. Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг анъанавий субъектларига суверен давлатлар ва халқаро ташкилотларни киритиш мумкин.

Давлатнинг хавфсизлик субъекти сифатидаги мақомининг ўзига хослиги шундаки, у барча хавфсизлик соҳалари, даражалари ва тизимости элементлари доирасида фаолият олиб бориш «ваколатига» эга бўлган асосий иштирокчи ҳисобланади. Хавфсизлик субъектлари тизимида давлат етакчи мавқени эгаллайди: у халқаро муносабатларда халқ номидан иштирок этади; миллий хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини белгилайди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва қабул қилади; халқаро хавфсизликни таъминлашнинг институционал ва шартномавий асосларини яратади; халқаро-ҳуқуқий воситаларни шакллантиради; халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни ўрнатади. *Ҳудуд, аҳоли ва сиёсий ҳокимият* бирлигини ифодаловчи давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини, *авваламбор, ҳудудий яхлитлик, конституциявий тузум ва давлат суверенитети* ташкил этади.

### **Хавфсизлик субъекти ва акторларнинг ўзаро нисбати.**

Халқаро муносабатлар ва хавфсизлик тадқиқотларида субъект тушунчаси билан бир қаторда актор ибораси ҳам кенг қўлланилади. «Актор» умумлашма ва кенг қамровли тушунча. Актор сиёсий фаолиятнинг муайян бир шакли билан фаол шуғулланувчи субъект. Ушбу тушунча билан халқаро муносабатларнинг ҳар қандай иштирокчиси (кенг маънода) ёки давлатлараро муносабатларда кучли мавқе, таъсир ва қудратга эга бўлган иштирокчиси (тор маънода) ифодаланади. Суверен давлатлар анъанавий тарзда замонавий халқаро муносабатларнинг бирламчи ва асосий акторларидир. Шу билан бирга, уларнинг доираси нодавлат ва/ёки трансчегаравий акторлар ҳисобига кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда актор ибораси жаҳоннинг қудратли давлатлари билан бирга халқаро ҳамжамят, халқ, БМТ, НАТО, ЖСТ, БРИКС, Рим Папаси, ТМК, террористик ташкилотлари ва бошқаларга нисбатан ҳам қўлланилади. Маълум субъектив хусусиятлардан – мақоми, фаолият кўлами ёки таъсир доираси, мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, уларни давлат ва нодавлат; суверен ва носуверен; миллий ва трансмиллий; минтақавий ва халқаро каби гуруҳларга бўлиш мумкин.

Хавфсизлик субъектларига хос қуйидаги хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) объектив эҳтиёжлар асосида белгиланадиган манфаатга эгалиги;
- 2) фаолияти кўлами, ҳуқуқ ва мажбуриятларининг норматив жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилиши;
- 3) фаолиятининг бунёдкорлик ва яратувчанлик характерига эгалиги;
- 4) хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш мақсадида тегишли куч ва воситалардан фойдаланиш, жумладан, қонуний тарзда куч ишлатиш ваколатига эга бўла олиши ва бошқалар.

### **1.3. Хавфсизлик фани: предметни аниқлаш муаммолари**

Хавфсизлик ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ҳодиса ҳамда ижтимоий муносабатлар тизими сифатида, шубҳасиз, муайян фан доирасида ўрганилишни тақозо этади. Хавфсизликнинг назарий ва амалий жиҳатлари, хусусан, хавфсизлик тушунчасининг мазмун-моҳияти, хавф ва таҳдидлар табиати, келиб чиқиш сабаблари, хавфсизлик субъектлари фаолияти, миллий манфаатлар ва уларни амалга ошириш механизмлари, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий, концептуал ва ташкилий асосларини яратиш ва бошқалар ушбу фаннинг муҳим тадқиқот объектлари сирасига киради.


Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи таълим муассасаларида хавфсизлик масалалари «*Хавфсизлик тадқиқотлари*» («*security studies*») деб номланувчи фан доирасида ўқитилмоқда. Хавфсизлик тадқиқотлари «стратегик тадқиқотлар» негизида юзага келган хавфсизликка оид қарашлар тизими бўлиб, аввалгисидан хавфсизликнинг барча даража (миллий, минтақавий ва халқаро) ва соҳалари (иқтисодий, экологик, ижтимоий, гуманитар ва бошқалар) ҳамда субъектлари (шахс, жамият, давлат ва халқаро ҳамжамият)ни қамраб олиши билан фарқ қилади.

Бироқ яқин вақтларга қадар, хавфсизликка оид масалалар халқаро муносабатлар (фани)нинг тизимости элементи ва ажралмас таркибий қисми бўлиб келган. Хавфсизлик тадқиқотларига оид мавжуд дарсликларда халқаро муносабатларнинг бевосита таъсири ҳамон сақланиб қолмоқда. Хусусан, ушбу дарсликларнинг маълум бир қисмини халқаро муносабатларга оид мактаблар, назарий қарашлар ва концепциялар, категориялар ташкил этади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида хавфсизлик муаммоларига оид адабиётлар таҳлили хавфсизликка оид фаннинг «предмет олди» ҳолатида эканлигини кўрсатмоқда. Ушбу йўналишда нашр этилган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг мазмун-моҳияти, тузилиши, номланиши (хусусан, «Секуляритология», «Хавфсизлик назарияси», «Хавфсизлик асослари», «Миллий хавфсизлик» ва бошқалар) муаллифларнинг хавфсизлик (фани) предмети борасида турли қарашларга эгалигини кўрсатмоқда.

**Хавфсизликка оид фаннинг мақсади** – хавфсизлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш ҳамда унинг предмети ҳақида объектив билимлар ва тасаввурга эга бўлиш ҳамда уларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва тизимга солиш орқали хавфсизлик муаммоларини ҳал этишнинг назарий ва амалий ечимини бериш.

**Хавфсизликка оид фаннинг предмети** – кенг маънода хавфсизлик субъектларининг, яъни хавфсизликка оид ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги ўзаро муносабатлари.



**Хавфсизлик** – бу, авваламбор, субъектларнинг объектив эҳтиёжларни қондириш ва субъектив манфаатларга эришишга қаратилган сиёсий фаолиятини ифодалайди.

Фан предметини аниқлашнинг мураккаблиги хавфсизлик феноменининг предметлараро хусусиятга эгалиги билан изоҳланади. Унинг асосий тушунча ва категориялари турли ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида ҳам тадқиқ қилинади. Хусусан, ҳарбий, сиёсий, озиқ-овқат, экологик хавфсизлик соҳаларига оид категориялар хавфсизлик тадқиқотлари билан бир қаторда, сиёсатшунослик, халқаро муносабатлар, геосиёсат, иқтисодиёт, экология каби фанларнинг ҳам объектини ташкил этади. Шунинг учун мазкур фанлар хавфсизлик муаммоларининг умумназарий жиҳатларини ўрганишда ва тадқиқ этишда муҳим ўрин тутаяди.

Маълум маънода хавфсизлик муаммоларига оид фанни ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзига хос синтези сифатида кўриш мумкин. Бироқ муҳокама қилинаётган фан соҳасининг хавфсизлик каби мураккаб ижтимоий ва сиёсий-ҳуқуқий ҳодисани ўрганишда тизимли ва комплекс ёндашувни талаб этиши билан бошқа ижтимоий-гуманитар фанлардан фарқ қилади.

Хавфсизликка оид фаннинг предметини кенг маънода хавфсизлик субъектлари, яъни хавфсизликка оид ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш борасидаги ўзаро муносабатлари ташкил этади.

Хавфсизлик фани хавфсизликнинг асосий субъектлари – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, ушбу манфаатларни таъминлашга хизмат қилувчи куч ва воситалар, миллий манфаатларга қарши қаратилган хавф ва таҳдидларни, хавфсизлик субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий ва концептуал асосларини ўрганади.

Хавфсизликка оид фаннинг мақсади – хавфсизлик субъектлари манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали тизимини яратиш, унинг предмети ҳақида объектив билимлар ва тасаввурга эга бўлиш ҳамда уларни назарий жиҳатдан умумлаштириш ва тизимга солиш орқали хавфсизлик муаммоларини ҳал этишнинг назарий ва амалий ечимини беришдан иборат.

Хавфсизликка оид фаннинг вазифалари сифатида куйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

*биринчидан*, хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини англаб етиш, унинг объекти, предмети ва субъектларига оид билимларга эга бўлиш;

*иккинчидан*, хавфсизлик тадқиқотларининг ривожланиш босқичлари ҳамда замонавий тенденцияларига оид билим ва тасаввурларга эга бўлиш;

*учинчидан*, хавфсизликка оид назария ва концепциялар, хавфсизликнинг соҳалари, тизимости элементлари ва даражаларини аниқлаш;

*тўртинчидан*, миллий хавфсизликнинг таянч тушунчалари, норматив-ҳуқуқий ва концептуал асосларини, таҳдид ва хавфларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, уларга қарши курашиш, олдини олиш усул ва механизмларини ўрганиш;

*бешинчидан*, минтақавий хавфсизликнинг назарий жиҳатлари, уни таъминлашда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли борасида тегишли билимларга эга бўлиш;

## Хавфсизлик асослари

*олтинчидан*, халқаро хавфсизлик, коллектив хавфсизлик, БМТ ва унинг асосий органлари, хусусан, Хавфсизлик Кенгашининг халқаро хавфсизликни таъминлашдаги ўрни ва ролини билиш ва бошқалар.


Хавфсизлик предметини тушунишга бўлган талабнинг ортиши давлат ва жамиятнинг ҳам назарий, ҳам амалий эҳтиёжлари билан изоҳланади. Чунки янги халқаро муҳитда давлат институтларининг сиёсий қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ зарурий эҳтиёжлари ҳам «хавфсизлик» ҳодисасини жиддий таҳлил ва тадқиқ этишни тақозо қиларди.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:


1. Хавфсизлик тушунчаси ва унинг моҳияти борасида қандай фикрдасиз?
2. Хавфсизлик объекти деганда нимани тушунасиз?
3. Хавфсизлик субъектларини қандай таснифлаш мумкин?
4. Хавфсизлик субъекти ва актори тушунчаларининг ўзаро нисбатини қандай баҳолайсиз?
5. Хавфсизликка оид фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобокулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – 160 б.
2. Иващенко Г.В. О понятии безопасности // <http://www.inet-lib.com>
3. Цыганков П.А. Теория международных отношений: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Гардарики, 2007.
4. Buzan, B. and Hansen, L. Chapter 7: 'Widening and deepening security', In: *The Evolution of International Security Studies* – Cambridge: Cambridge University Press, 2009. – 400 p.
5. *Critical Security Studies and World Politics* / Ken Booth, ed. – London: Lynne Rienner Publishers, 2005. – 323 p.
6. Krause, K. 'Critical Theory and Security Studies: The Research Programme of «Critical Security Studies»', *Cooperation and Conflict*, 33 (1998).
7. Paul D. Williams (ed.). *Security Studies: an Introduction*. 2 nd ed. – London: Routledge, 2013.
8. Richard Ullman (1983), 'Redefining security'. // *International Security*, 8(1) – pp. 129-153.



## 2-МАВЗУ. ХАВФСИЗЛИК ТАДҚИҚОТЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ



Барри Бузан

Хавфсизлик муайян давлат миқёсида давлат томонидан давлатнинг ҳарбий қудрати орқали эришиладиган давлатнинг ҳолатидир.

**Резюме.** Хавфсизлик тадқиқотлари анъанавий тарзда халқаро муносабатларнинг энг муҳим тизимости тармоғи сифатида кўрилади. Ушбу тадқиқотлар сиёсий реализмнинг ҳукмронлиги остида ривожланди. Хавфсизлик тадқиқотлари эволюцияси ҳамда мазмун-моҳиятини тушунишда буюк давлатлар сиёсати, технологиялар, халқаро сиёсатнинг муҳим воқеалари, академик мунозараларнинг ички динамикаси ва институционаллашув муҳим саналади. Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари – стратегик ёки анъанавий хавфсизлик тадқиқотлари асослари танқидига оид қарашлар мажмуи.

**Таянч сўзлар:** хавфсизлик тадқиқотлари, стратегик тадқиқотлар, хавфсизлик тадқиқотларида инсон хавфсизлиги, танқидий хавфсизлик тадқиқотлари, тинчлик тадқиқотлари, глобаллашув, хавфсизликнинг минтақалашуви, халқаро ташкилотлар, трансчегаравий таҳдидлар, трансмиллий акторлар.

### 2.1. Стратегик тадқиқотларнинг асосий жиҳатлари

20-асрнинг 40-50 йилларида хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий жиҳатларини ўзида мужассам этувчи «стратегик тадқиқотлар» ёки «хавфсизликнинг анъанавий тадқиқотлари» тушунчалари кенг муомалага кирди. Стратегик тадқиқотларнинг «олтин даври» 1945-1965 йилларга тўғри келиб, унинг доирасида *ҳарбий соҳа* хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг устувор йўналиши, *қуролли куч* эса – миллий хавфсизликни таъминлашнинг ягона самарали воситаси (қуроли) сифатида қаралди. Ҳарбий таҳдид ҳамда душман тимсолининг мавжудлиги хавфсизликнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

Назария ва амалиётда хавфсизлик сиёсати таҳдидларни бошқариш билан уйғун тарзда кўрилди. Хавфсизлик субъектлари тизимида давлат ҳамда давлат суверенитетини ҳимоя/мудофаа қилиш ўзининг мутлақ ҳукмрон мавқеини сақлаб қолди. Тадқиқотчилар «стратегик тадқиқотлар»ни «куч инструментларининг халқаро муносабатларга таъсири» (Б.Бузан) ёки «халқаро муносабатларда ҳарбий ўлчамнинг тушунилиши» (К.Бут ва Э.Херринг), дея изоҳлайдилар.

Ҳарбий таҳдид – хавфсизлик тадқиқотларидаги анъанавий қарашнинг ажралмас таркибий қисмидир. Асрлар давомида

халқаро муносабатлар душман тимсолисиз, унинг тажовузи ва таҳдидларисиз тасаввур қилинмаган. Б. Максвини традиционалистлар ёндашувини ифода этиб, қуйидаги фикрни келтиради: «агар жунгли сифатида таърифланаётган дунёда аниқ душман мавжуд бўлмаса, ёки реал дунё бизнинг онгимизда ҳосил бўлган дунёдан фарқли бўлса, у ҳолда хавфликка таҳдидлар қайтадан яратилиши лозим...» [Максвини, 1999; Б. 36].

Стратегик тадқиқотлар ҳарбий-сиёсий характер касб этиш билан бирга миллий хавфсизлик концепциясининг устуворлигига асосланган тадқиқотлар ҳисобланади. Етакчи мутахассислар таъбири билан айтганда, хавфсизлик «муайян давлат миқёсида давлат томонидан давлатнинг ҳарбий қудрати орқали эришиладиган давлатнинг ҳолати» сифатида таърифланади (К.Уолц). Албатта, ушбу фикр стратегик тадқиқотлар ҳукмрон бўлган давр учун хос бўлиб, мавжуд воқеликни тасдиқлайди. Зеро, «темир парда» ўрнатилган вақтдан бошлаб, Ғарб ва Шарқ қарама-қаршилиги халқаро муносабатларнинг мазмун ва моҳиятини белгилаб берувчи муҳим омил бўлиб келди.

Хавфсизликнинг (ҳарбий) таҳдид ва давлат (манфаатлари) мудофаасига йўналтирилган анъанавий ёки «тор» концепцияси, аввало, АҚШ сиёсий фанларида устувор бўлган сиёсий реализмнинг кучли таъсири остида ривожланди. Яқин вақтларга қадар хавфсизлик соҳаси Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ғарбнинг қудратли давлати сиёсати эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилувчи «*фавқулодда Америка лойиҳаси*» сифатида қараб келинди.

Демак, стратегик тадқиқотлар – хавфсизликка оид қарашлар тизими бўлиб (концепция), унинг доирасида *ҳарбий соҳа* устувор йўналиш, *ҳарбий куч* миллий хавфсизликни таъминлашнинг ягона самарали воситаси (қуроли), суверен давлат эса унинг бирламчи субъекти сифатида кўрилади. Стратегик тадқиқотлар миллий хавфсизлик концепциясининг устуворлигига асосланади.

Шу билан бирга, унинг тарафдорлари ўз қарашларида муайян камчиликларнинг мавжудлигини инкор этмайдилар. Стратегик тадқиқотлар доирасидаги бу каби жиҳатларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни қайд қилиб ўтиш мумкин:


*биринчидан*, мавҳум (абстракт) таҳдид назариясига алоҳида эътибор қаратилиши ҳамда уни ўзаро конфликтларнинг барча жиҳатларига нисбатан қўлланилиши;

*иккинчидан*, хавфсизликнинг ноанъанавий соҳалари ҳамда ноҳарбий миссиялар (хусусан, тинчликпарварлик операциялари, гуманитар ёрдам ва бошқалар)га етарли даражада ўрин ажратилмаганлиги;

*учинчидан*, стратегик тадқиқотлар «географияси»нинг чекланганлиги, яъни асосий эътиборни АҚШ, Европа ва собиқ Иттифоққа қаратилганлиги ва бошқа минтақаларнинг унинг предмети доирасидан четда қолганлиги;



Кеннет Уолц



**Ақл маркази** – сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳага оид муаммоларнинг ечими бўйича тавсия бериш ва ғоялар ишлаб чиқишга ихтисослашган экспертлар ва мутахассислардан иборат кенгаш; тармоқлараро ижодий ёндашувни талаб этувчи маълум амалий муаммони таҳлил этиш мақсадида экспертларни жалб этиш асосида фаолият юритувчи ҳукумат ва ноҳукумат ташкилот.

Постбиполяр дунё хавфсизлик тадқиқотларининг ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлди. Мафкуравий ва ҳарбий-сиёсий жиҳатдан қарама-қарши блокларнинг барҳам топиши хавфсизлик ҳодисасининг мураккаб ва кенг қамровли характерини очиб берди.

*тўртинчидан*, иқтисодий, сиёсий, молиявий, мафкуравий ва бошқа шу каби ноҳарбий куч ва таъсир инструментларини ўрганиш даражаси етарли бўлмаганлиги;

*бешинчидан*, хавфсизликнинг халқаро ва минтақавий даражаларининг миллий хавфсизлик тадқиқотлари «сосяси»да қолганлиги ва етарли эътибор берилмаганлиги.

Тегишли давлат идораларининг хавфсизликка оид тадқиқот натижаларига нисбатан амалий эҳтиёжининг ўсиб бориши «ақлий марказлар» фаолиятининг ривожланишига олиб келди. Асосан АҚШ Қуролли кучлари тизимидаги кирувчи идоралар таркибидаги мазкур таҳлил марказларига ҳарбий бўлмаган ёки фуқаровий ихтисосликка эга бўлган мутахассисларнинг жалб этилиши, ўз навбатида, фикрлар алмашинуви, хавфсизликка оид билимларни ҳарбий-сиёсий соҳа доирасидан кенгайтиши, истиқболда стратегик тадқиқотларни ижобий ривожланиши, хавфсизлик предметини ҳам кенгайтишига жиддий таъсир кўрсатди.

20-асрнинг сўнги ўн йиллиги бошида «совуқ уруш» ва икки қутбли дунёнинг барҳам топиши халқаро муносабатлар назарияси ва унинг муҳим тармоғи ҳисобланган хавфсизлик тадқиқотларида сезиларли ўзгаришларга олиб келди. «Совуқ уруш» даври учун хос бўлган ғоя ва қарашлар академик доираларда ҳамда сиёсатчилар ўртасида жиддий мунозара ва эътирозларга сабаб бўлди. Кескин тортишувлар хавфсизликнинг замонавий талқини ҳамда Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳал қилувчи мавқега эга бўлган хавфсизлик концепциясининг постбиполяр дунё воқелигига мос келиши атрофида кечди.

Постбиполяр дунё хавфсизлик тадқиқотларининг ўзига хос бурилиш нуқтаси бўлди. Мафкуравий ва ҳарбий-сиёсий қарама-қарши блокларнинг барҳам топиши хавфсизлик ҳодисасининг мураккаб ва кенг қамровли характерини очиб берди. Хавфсизликнинг минтақавийлашуви, глобаллашуви ҳамда трансчегаравий характери кучайди, трансчегаравий таҳдидлар ва нодавлат акторлар хавфсизлик сиёсатининг муҳим омилига айланиши натижасида анъанавий ва эстатик ёндашувнинг нисбатан эрозияси кузатилди.

Айрим тадқиқотчилар собиқ Иттифоқ тимсолидаги ҳарбий таҳдиднинг барҳам топиши билан «хавфсизлик вакууми» вужудга келганлигини таъкидлашса, иккинчи гуруҳ, «совуқ уруш»нинг тугаши экспертлар ҳамжамияти учун хавфсизлик ва у юзага келаётган дунёга оид анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқиш учун қулай шарт-шароит яратганлигига урғу беришди.

## **2.2. Хавфсизлик тадқиқотлари ривожланишининг замонавий тенденциялари**

20-асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб, хавфсизликка оид қарашлар тизими турли воқеа, ҳодиса ва жараёнлар таъсирида сезиларли ўзгаришларга учради. Хусусан, давлатлар миллий иқтисодиётлари ўзаро боғлиқлигининг ўсиб бориши, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини

таъминлаш, фан-техника тараққиёти, глобаллашув жараёнлари, трансмиллий аҳамият касб этувчи омилларнинг саҳнага чиқиши давлатлараро муносабатларга таъсир кўрсатди. Хавфсизликнинг нигоҳи, традиционалистлар фикрича, «*юқори сиёсат*» («*high policy*»)дан, яъни соф ҳарбий-сиёсий соҳадан «*қуйи сиёсат*» («*low policy*») – халқаро ҳаётнинг бошқа жабҳалари (иқтисодиёт, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари)га қаратилди.

**Глобаллашув** – мамлакатлар, халқларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро яқинлашуви, улар ўртасидаги алоқаларнинг кенгайиши (жумладан, иқтисодий глобаллашув, маданий глобаллашув), бирлашуви; воқеа-ҳодисаларнинг бир давлат чегаралари доирасидан чиқиб, умумжаҳон, умуминсоний миқёсга эга бўлиши, бутун Ер шарини қамраб олиши. Глобаллашув жараёнлари трансчегаравий таҳдидларнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Халқлар, миллатлар ва давлатлар иқтисодиёти, сиёсати ҳамда хавфсизлигининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги шароитида муайян ички муаммоларнинг узоқ муддат давомида давлат чегараси доирасида қолиши эҳтимоли камайди. Улар, шубҳасиз, трансчегаравий аҳамият касб эта бориб, минтақавий ва халқаро даражада ўзини намоён қилади. Глобал муаммолар (атроф-муҳит деградацияси, иқтисодий нотенглик, қашшоқлик, ноқонуний миграция, одам савдоси, терроризм), ўз навбатида, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кучайтирди.

Хавфсизлик тадқиқотлари миллий хавфсизлик ва ҳарбий соҳа билан бир қаторда, хавфсизликнинг бошқа даражалари – минтақавий, халқаро, глобал хавфсизлик ва соҳалари – иқтисодий, экологик, ижтимоий, гуманитар хавфсизликни илмий билишнинг муҳим объектлари сифатида эътироф этади.

Субъектлар/акторлар доираси сон ва сифат жиҳатидан ўзгарди. Хавфсизлик субъектлари тизими халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар, трансмиллий акторлар, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, индивид ва бошқалар ҳисобига кенгайди. Уларнинг объектив эҳтиёжлари, ҳаётини муҳим манфаатлари хавфсизлик сиёсати объекти сифатида сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топди.

Ушбу ўзгаришларга мос равишда хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари доираси ҳам кенгайиб борди. Бироқ Қуролли кучлар, давлатнинг ҳарбий қудрати («қаттиқ куч») ўз мавқеини сақлаб қолди. Шу билан бирга сиёсий, ҳуқуқий (халқаро-ҳуқуқий), иқтисодий, мафкуравий, шунингдек, институционал (халқаро ташкилотлар, молиявий институтлар) куч ва воситалари ҳам хавфсизликни таъминлаш тизимида муҳим ўрин тутди бошлади.

Хавфсизлик тадқиқотлари миллий хавфсизлик ва ҳарбий соҳа билан бир қаторда хавфсизликнинг бошқа даражалари – минтақавий, халқаро ва глобал ҳамда соҳалари – иқтисодий, экологик, ижтимоий, гуманитар ва бошқаларни илмий билишнинг муҳим объектлари сифатида эътироф этади.

**«Юқори сиёсат»** – соф ҳарбий-сиёсий соҳа. «Қуйи сиёсат» – халқаро ҳаётнинг иқтисодиёт, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари каби бошқа жабҳалари.

Миллий ва минтақавий, ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги чегараларнинг емирилиши, трансмиллий ёки трансчегаравий таҳдидлар кўламининг ортиб бориши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, минтақавий ташкилотларнинг таъсис этилиши хавфсизликнинг минтақалашувини кучайишига туртки бўлмоқда.

Хавфсизликка оид адабиётларда давлатнинг ҳукмрон мавқеи ва миллий хавфсизликнинг устуворлиги адолатли танқидга учради. Сезиларли бурилиш минтақавий ва халқаро хавфсизлик томон амалга оширилди. «Инсон ўлчами» хавфсизлик тадқиқотларининг долзарб йўналишига айланди.

### **Хавфсизлик тадқиқотларининг замонавий тенденциялари.**

*Хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва давлатлар хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлигини кучайиб бориши.* Хавфсизликнинг бўлинмаслиги замонавий давлатлараро муносабатларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бугунги мураккаб дунёда алоҳида олинган давлат, ҳарбий-сиёсий жиҳатдан у қай даражада қудратли бўлмасин, ўз хавфсизлигини айри/якка ҳолда самарали таъминлай олмаслиги тобора аён бўлиб бормоқда. Хавф ва таҳдидларнинг мураккаб табиати давлатларни ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро ташкилотларга мурожаат қилиш, коллектив хавфсизлик ва коллектив мудофаа тизимларини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Умумий/ялпи/коллектив хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи, ўз навбатида, хавфсизлик борасидаги миллий стратегияларнинг ўзаро мувофиқлигига асосланади.

*Хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотлар ролининг ошиб бориши.* Ўтган давр мобайнида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотларнинг ўрни ва роли сезиларли даражада ортди. Коллектив хавфсизлик, кучлар мувозанатини таъминлаш ҳамда суверен давлатларнинг миллий манфаатларини амалга ошириш механизми сифатида тузилган мазкур институтлар халқаро сиёсатда тобора ўз «сўзи»га эга бўлган субъектлар сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ташкилотлар бевосита давлатларнинг ички ишлари деб баҳолаб келинган соҳа ва ваколат (миграция, терроризм, инсон ҳуқуқлари, атроф-муҳит ва бошқа)лар доирасига («гуманитар аралашув» орқали) кириб бормоқда.

*Хавфсизлик тадқиқотларида минтақавий ёндашувнинг кучайиб бориши.* Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида минтақа ва хавфсизликнинг минтақалашuvi суверен давлат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим омили ва хусусиятига айланмоқда. Миллий ва минтақавий, ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги чегараларнинг емирилиши, трансмиллий ёки трансчегаравий таҳдидлар кўламининг кенгайиб бориши, янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, минтақавий ташкилотларнинг таъсис этилиши хавфсизликнинг минтақалашувини кучайишига туртки бўлмоқда.

Минтақа давлатларининг географик ёки масофа жиҳатдан яқинлиги, муаммо, таҳдид ва манфаатларининг уйғунлиги/умумийлиги ҳамда уларни ҳал этиш, бартараф қилиш ёки эришиш мақсадида минтақавий институтлар, норма ва қоидаларнинг яратишга бўлган объектив эҳтиёжнинг мавжудлиги хавфсизлик муаммоларига минтақавий ёндашувнинг муҳимлигини белгилаб беради.

Умумий/ялпи/коллектив хавфсизликни таъминлаш эҳтиёжи, ўз навбатида, хавфсизлик борасидаги миллий стратегияларнинг ўзаро мувофиқлигига асосланади.

20-асрнинг иккинчи ярмига келиб мутахассислар минтақавий ёндашув асосини ташкил этувчи қатор хавфсизлик концепцияларини илгари сурдилар. Жумладан, «умумий хавфсизлик» («common security»), «минтақавий хавфсизлик комплекси» («regional security complex»), «хавфсизлик ҳамжамияти» («security community») ва бошқалар.


*Трансчегаравийлик омили.* Халқаро саҳнада *трансмиллий алоқаларнинг* кучайиши, *трансмиллий* акторлар ва *таҳдидларнинг* пайдо бўлиши хавфсизлик концепциясининг мазмун-моҳиятини ва унинг чегараларини кенгайтишига олиб келди. Одатда, трансмиллий алоқалар жисмоний шахслар, ахборот ва ғоялар, капитал ва бошқа моддий бойликларнинг ҳаракати натижасида юзага келади. Шу билан бирга, таҳдид ташувчилар, бузғунчи ғоя ва мафкуралар, қурол-яроғ, қора дори ҳам давлат чегараларини кесиб ўтади.

*Трансмиллий акторлар* – халқаро муносабатларда нисбатан янги ҳодиса бўлиб, ўз таркибига кенг доирадаги иштирокчиларни – трансмиллий корпорациялар, халқаро ноҳукумат ташкилотлар, турли шаклдаги давлатлараро уюшмаларни қамраб олади. Террористик ва экстремистик ташкилотлар, уюшган жиноий гуруҳларни ҳам ушбу рўйхатга киритиш мумкин. Таниқли америкалик олим С. Хантингтон трансмиллий акторлар фаолиятини таҳлил қилар экан, уларга хос уч мезонни ажратиб кўрсатади: ички жиҳатдан мураккаб, функционал жиҳатдан ўзига хос ва давлатлараро чегараларни тан олмайдиган акторлар.

Мазкур акторларни вужудга келтириш халқаро муносабатлар ривожининг табиий ва муқаррар натижаси сифатида кўриш мумкин. Икки мафкуравий тизим ўзаро қарама-қаршилигининг тугаши, мустамлака тизимнинг емирилиши, қудратли давлатларнинг ўз мақсадлари йўлида учинчи томондан фойдаланиш амалиёти ҳамда минтақавий конфликтлар кўламнинг кенгайтиши, охир-оқибатда трансмиллий акторларни вужудга келишига замин яратди.


Молиявий, моддий-техникавий ва бошқа турдаги ёрдамни олиб турган акторлар, ўз навбатида, ҳомийларининг миллий манфаатларини амалга оширишга хизмат қилмоқда. «Совуқ уруш» даврида бу каби акторларнинг фаолияти қудратли давлатларнинг манфаатлари доирасида тийиб турилган ва уларнинг назорати остида бўлган. Бироқ СССРнинг парчаланиб кетиши билан «тийиб туриш назарияси» ўзининг аввалги мавқеини йўқотди. Оқибатда миллий ҳукуматларга бўйсунмайдиган кучлар юзага келди.

*Трансчегаравий таҳдидлар* – муайян бир давлат чегарасидан ташқарига чиқиб, таъсир доираси бир неча давлат (худуди)ни қамраб олувчи таҳдидлар гуруҳини ифодалайди. Глобаллашув шароитида трансчегаравий таҳдидларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Хавф субъекти ва манбаларини, ҳаракатни содир этиш услуби ва инструментлари («жиноят қуроли»)ни



**Сэмюэл Хантингтон**

Таниқли америкалик олим С. Хантингтон трансмиллий акторлар фаолиятини таҳлил қилар экан, уларга хос уч мезонни ажратиб кўрсатади: ички жиҳатдан мураккаб, функционал жиҳатдан ўзига хос ва давлатлараро чегараларни тан олмайдиган акторлар.



**Трансчегаравий таҳдидлар** – хавф субъекти ва манбалари ҳаракатни содир этиш услуб ва инструментларини аввалдан аниқлаш қийин бўлган, ҳаракатларнинг экстерриториаллиги билан анъанавий (ҳарбий) таҳдидлардан фарқланиб турувчи таҳдидлар гуруҳи (ҳалқаро терроризм, қора дорининг ноқонуний савдоси ва одам савдоси).

аввалдан аниқлашнинг қийинлиги ва мураккаблиги, ҳаракатларнинг экстерриториал аҳамият касб этиши трансчегаравий таҳдидларни анъанавий (ҳарбий) таҳдидлардан фарқлаб турувчи муҳим белгилар ҳисобланади.

Ушбу гуруҳга халқаро терроризм, экстремизм, наркотиклар ва қурол-яроғларнинг ноқонуний савдоси, одам савдоси каби таҳдидларни киритиш мумкин. Замонавий босқичда трансчегаравий акторлар ва таҳдидлар ҳодисаси халқаро муносабатларда сезиларли аҳамият касб этиб бормоқда. Трансмиллий таҳдидларнинг чегара билмас хусусияти, хавфлилик даражасининг юқорилиги ҳамда муайян давлат чегараларидан ташқарида ҳам «хавф субъектларини» бирлаштира олиш салоҳиятининг, яъни интегротив хусусиятининг мавжудлиги, суверен давлатларни ўзаро ҳамкорлик қилишга ундайди. Ўзбекистон Республикасининг тегишли концептуал ҳужжатларида трансчегаравий таҳдидларга қарши курашиш борасида самарали чора-тадбирларни кўриш мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилади.

2001 йил 11 сентябрь АҚШдаги воқеалар, шубҳасиз, хавфсизликка оид қарашларга жиддий таъсир кўрсатди. Мутахассислар ўртасида анъанавий куч ва воситалар, хусусан, куч ишлатиш ҳамда тийиб туриш сиёсатининг терроризмга қарши курашдаги самарадорлиги шубҳа остига олинди. Терроризм таҳдиди уни олдини олиш, қарши туриш ҳамда курашда жамият аъзолари фаоллиги ва халқаро ҳамкорликнинг муҳимлигини кўрсатди. Шу билан бирга, терроризм хавфи хавфсизликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий жиҳатларининг аҳамиятини янада ортишига олиб келди.

Шунингдек, 2020-2021 йилларда юз берган пандемия ҳодисаси трансчегаравий таҳдидларни «сифат» жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди. Ушбу феномен бу тур таҳдидларнинг келиб чиқиши доим ҳам давлатлараро муносабатларнинг табиати билан боғлиқ бўлмаслигини ва унинг ечими давлатларо тизим доирасидан чиқиб, бутун инсониятнинг иштирокини талаб этишини тасдиқлади.

Мустамлака тузумининг барҳам топиши, янги мустақил давлатларнинг вужудга келиши, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижаси ўлароқ, *миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий қадриятлар ва маданиятларнинг тикланиши, ўз миллий ва этник илдизларига мурожаат* хавфсизлик концепцияси ривожининг янги босқичига кўтарди. Бу эса, ўз навбатида, давлатларнинг хавфсизлик сиёсатида ички омиллар аҳамиятининг кучайишига олиб келди.

*Инсон ўлчами аҳамиятининг ортиши.* 20-асрнинг 70-йилларидан бошлаб, халқаро ҳаётда шахс «солиштирма оғирлиги»нинг ортиб бориши кузатилади. Шубҳасиз, глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши кураш, экологик муаммолар, фавқулодда ҳолатлар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва бошқалар давлатлараро муносабатларнинг предметиға айланди.

## Хавфсизлик асослари

Бу эса, ўз навбатида, ўзаро муносабатларда шахснинг манфаатлари ва иштирокини таъминлаб берди. Хавфсизлик тадқиқотларида давлатлараро ҳамкорликнинг ноҳарбий сектори олдинги ўринга чиқди. Халқаро ташкилотлар фаолиятида гуманитар мавзу марказий ўрин тута бошлади. Халқаро ҳуқуқда «инсон ўлчами» ривожланди. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Яқунловчи актида (1975) халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойили – инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишнинг мустаҳкамлаб қўйилиши бу йўналишдаги муҳим ютуқ бўлди.

*Миллий хавфсизлик соҳаларининг кенгайиши ва ихтисослашиши.* Ҳозирги кунда ҳар бир давлат ва жамият учун хавфсизликнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, ахборот, мафкуравий, энергетик, озиқ-овқат каби соҳалари ва улар доирасидаги миллий манфаатларни таъминлаш устуворлик касб этмоқда. Бу ҳолат хавфсизлик ҳодисасини тизимли ва комплекс равишда тушуниш ҳамда ўрганиш эҳтиёжини оширди. Миллий хавфсизликни таркибий қисмларга «ажратилиши» мутахассислар томонидан глобаллашувнинг замонавий таҳдидларига ўринли жавоб сифатида баҳоланади.

«Стратегик тадқиқотлар» тарафдорлари фикрига кўра, хавфсизлик чегарасининг кенгайиши негизда «совуқ уруш» тугаши билан боғлиқ эйфория ётибди. Қуролли кучнинг давлат хавфсизлик сиёсатининг муҳим инструменти сифатидаги аҳамиятини шубҳа остига қўйган ушбу ҳолат биринчи маротаба юзага келаётгани йўқ. Бундай ҳолатлар жаҳон урушларидан кейинги даврда ҳам пайдо бўлган ҳамда сиёсатшунос ва тадқиқотчилар қарашларида устувор бўлган. Шу боис, Фарб-Шарк қарама-қаршилигининг тугаши давлатлараро антагонизмнинг барҳам топганлигини англатмайди. Ҳатто қуролли конфликт мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам давлатлар ўртасидаги қуролли кучлар мувозанати хавфсизликни идрок этишда муҳим детерминант бўлиб хизмат қилади (Ж. Най).

Анъанавийчилар фойдасига салмоқли аргумент сифатида дунёнинг қудратли давлатлари ҳарбий бюджетининг ўсиб бораётганлигини келтириш мумкин. Хусусан, АҚШнинг ҳарбий бюджети ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 4-5% ини ташкил этди. Бу каби тенденция Австралия, Жанубий Корея, Исроил, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатларга ҳам хос.

### 2.3. Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари


Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари (*critical security studies*) – стратегик ёки анъанавий хавфсизлик тадқиқотлари асослари танқидига оид қарашлар мажмуи. Ибора муаллифи сифатида К. Бут эътироф этилади. Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари ривожда К. Бут ва Р. Вин Жонс асарлари муҳим ўрин тутди. Бу икки мутахассис 1995 йилда Аберистуит университети (Буюк Британия)да мазкур йўналишдаги илк ўқув курсини очишди. Танқидий хавфсизлик тадқиқотларининг асослари 20-асрнинг 90-йилларига келиб яратилган бўлса-да, уларнинг илдизлари стратегия ва халқаро хавфсизликка оид «янгича фикрлаш» шакллана бошлаган 70-йилларга бориб тақалади. Қўшилмаслик



2001 йил 11 сентябрь  
воқеалари



Жозеф Най



ҳаракати, муқобил мудофаа, тинчлик тадқиқотлари, инсон хавфсизлиги каби қарашлар ушбу тадқиқотларнинг ўзига хос ибтидоси ҳисобланади. Унинг тарафдорлари стратегик тадқиқотлар доирасида Англо-Америка (тадқиқотчилари)нинг ҳукмронлиги, ядровий тийиб туришга ҳаддан ташқари эътибор қаратилиши, инсон ва жамият хавфсизлиги ҳамда «Учинчи дунё» мамлакатлари хавфсизлиги масалаларининг қамраб олинмаганлигини жиддий танқид остига оладилар.

Танқидий тадқиқотларда энг муҳим масала – бу давлат ва унинг суверенитетининг хавфсизлик сиёсати ва тадқиқотлар предметининг марказий мавзусига айлантирилганлигида кўрилади. Шунингдек, давлатнинг шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат ва халқлар хавфсизлигининг ҳимоячиси ғояси рад этилади. Давлат хавфсизлик сиёсатининг якуний мақсади эмас, балки воситасидир. Шу боис, «совуқ уруш» ниҳоясида анъанавий хавфсизлик тадқиқотлари ноанъанавий таҳдидлар, нодавлат акторлар, ички конфликтлар, миллатлараро низолар, минтақавий хавфсизлик ҳамда хавфсизликнинг ўзга соҳаларини таҳлилий ва академик жиҳатдан қамраб олмади.

Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари инсон хавфсизлигини бошланғич ва асосий объекти деб ҳисоблайди. Мазкур ўринда эмансипация ғояси муҳим ўрин тутди.

*«Хавфсизлик хавфнинг йўқлигини билдиради. Эмансипация одамлар/инсонларни (индивид ёки гуруҳ сифатида) эркин танлаш орқали шуғулланиши мумкин бўлган машғулотлардан тийиб турувчи жисмоний ва бошқа чекловлардан озод қилишдир. Уруш ва уруш хавфи, камбағаллик, сифатсиз таълим, сиёсий жиҳатдан сиқувга олиш ва бошқалар айнан шундай чекловлардир. Хавфсизлик ва эмансипация бир танганинг икки томонидир. Куч/қудрат ва тартиб эмас, балки эмансипация ҳақиқий хавфсизликни яратади» [Бут, 1991].*

Демак, хавфсизлик – танлаш имкониятининг мавжудлигидир. Албатта, муайян имкониятга эга бўлиш учун тирикликнинг/мавжудликнинг ўзи етарли эмас. Тириклик хавфсизликни кафолатламайди, чунки у таҳдидларни бартараф этмайди. Шу маънода хавфсизлик – мавжудлик-плюс (плюс бу таҳдидлардан эркинлик ва шу боис муайян танлаш имкониятига эга бўлиш)га эквивалент ҳисобланади (the plus being some freedom from life-determining threats, and therefore space to make choices). *Хавфсизлик инсонга унинг мавжудлигига таъсир кўрсатувчи таҳдидлар билан эмас, балки ўзга бир машғулотлар билан банд бўла олиш имкониятини беради.*

**Танқидий хавфсизлик тадқиқотлари** – стратегик ёки анъанавий хавфсизлик тадқиқотлари асослари танқидига оид қарашлар мажмуи.

## 2.4. Тинчлик тадқиқотлари

Тинчлик тадқиқотлари – стратегик ёки уруш тадқиқотларига нисбатан муқобил ёндашув ёки қараш бўлиб, 20-асрнинг

50-60-йилларида аввал Европа (Скандинавия мамлакатлари, Буюк Британия ва Германия)да, кейинчалик АҚШда ривожланган.

Ушбу тадқиқотларга кўра, уруш ва конфликтларни бартараф этишнинг энг мақбул йўли – барқарор тинчликни ўрнатиш ҳисобланади. Тинчлик тадқиқотлари урушларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилиши, ташқи сиёсий кризисларни бартараф этиши, шунингдек, ҳарбий таҳдид ёки ҳарбий кучни қўллаш имконияти мавжуд бўлмаган инсонпарвар тинч дунёни яратиши керак.

**«Тинчлик тадқиқотлари» тушунчасининг мазмуни ва моҳияти.** *«Тинчлик тадқиқотлари»* – ижтимоий-сиёсий фаннинг йўналиши сифатида урушларнинг юзага келмаслиги ва инсонлар учун мақбул бўлган муҳитни яратиш мақсадида куч ишлатмаслик ҳамда зўравонлик ва тазйиқ ўтказмаслик масалаларини таҳлил этади. Қолаверса, мазкур йўналиш урушларнинг олдини олиши ёки уларни тинч йўл билан ҳал этиши учун конфликтга жалб қилинган барча томонларнинг «умумий ғалабасига» интилади.

«Тинчлик тадқиқотлари» конфликтларнинг сабабларини тушуниш, урушларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, геноцид, терроризм, инсон ҳуқуқларининг қўпол тарзда бузилиши, тинч ва адолатли жамият куриш масалаларини тадқиқ этади.

Мазкур тадқиқотларда *«оммавий қирғин қуроллари (ядро, кимёвий, бактериологик ва бошқалар) урушни олиб боришнинг инструменти сифатида кўрилмаслиги ва халқаро-ҳуқуқий актлар билан тақиқланиши лозим»*, деган тамойил мустаҳкамланган. «Тинчлик тадқиқотлари» соҳасидаги илмий ишларда халқаро муносабатлар структураси ҳарбий йўл билан эмас, сиёсий ирода билан барқарорлаштирилиши қайд этилган. Ушбу йўналишдаги аксарият илмий тадқиқотларнинг бош ғоясида *замонавий жараёнларда давлатлар ўртасида тинчликни таъминлашга қодир бўлган ягона орган – умумжаҳон ҳукуматини яратиш масаласи ётади*. Бу фақат битта давлатга бўйсунмаслиги (масалан АҚШ), балки давлатларнинг ҳарбий ва иқтисодий салоҳиятини инобатга олган ҳолда Россия, Хитой, Ҳиндистон ва учинчи дунё мамлакатлари иштирок этиши ҳамда барча давлатларнинг умумий манфаатларига хизмат қилиши лозим.

Бугунги кунда кўпгина давлатларда ушбу йўналишда 300 дан ортиқ мустақил ва номдор илмий тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг дастлабкиларидан бири ва ҳозирги кунда ҳам фаолият кўрсатаётгани «Осло тинчлик тадқиқотлари институти» (Peace Research Institute Oslo) бўлиб, у 1959 йилда Норвегиянинг Осло шаҳрида Йохан Галтунг томонидан ташкил этилган. Шунингдек, «Стокгольм халқаро тинчлик тадқиқоти институти» (Stockholm International Peace

«The plus being some freedom from life-determining threats, and therefore space to make choices».

**Тинчлик тадқиқотлари**  
– стратегик ёки уруш тадқиқотларига нисбатан муқобил ёндашув ёки қараш.



«Тинчлик тадқиқотлари»да «тинчлик» тушунчаси нафақат урушнинг бўлмаслиги (салбий тинчлик), балки етарли озик-овқат ва ичимлик суви билан таъминланган, аёллар ва болаларнинг таълим олиш ҳамда инсонларнинг дахлсиз ҳуқуқлари ҳимояланган адолатли ва барқарор шароитларнинг мавжудлиги сифатида (ижобий тинчлик) ҳам тушунилади.

Research Institute) ва Швециянинг Упсала университети қошидаги «Тинчлик ва конфликтларни тадқиқ этиш департаменти» (Department of Peace and Conflict Research) ҳам халқаро даражадаги таъсири юқори бўлган муассасалардир. Бу каби тузилмалар қаторига АҚШдаги «Дунё тартиботи институти», Буюк Британияда Ланкастер университети қошидаги «Ричардсон институти», Германияда «Тинчлик муаммолари ва халқаро конфликтларни тадқиқ этиш Гессен фонди» ва Гамбург университети қошидаги «Тинчлик муаммолари ва сиёсий хавфсизликни тадқиқ этиш институти», Россия Федерациясидаги «Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар институти» ва «Тинчликни тадқиқ этиш халқаро ассоциацияси»ларини киритиш мумкин.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши «тинчлик тадқиқот»ларининг янада ривожланишига туртки бўлди. Кўпгина университетларда тинчлик ва уруш масалаларига йўналтирилган курслар қайта ишлана бошланди. Тинчлик масалалари бўйича АҚШдаги дастлабки бакалаврият дастури 1948 йилда Глэддис Мьюир томонидан Манчестер университетида ташкил этилган. 1980-йилларда ядровий уруш эҳтимолининг ортиши ҳамда «Вьетнам уруши»нинг натижасида бутун дунё бўйлаб тинчлик масалалари дастурлари янада жадаллаштирилди. «Совуқ уруш» якунланганидан сўнг, «тинчлик тадқиқотлари»нинг предметида айрим ўзгаришлар кузатилди. Хусусан, соҳа мутахассислари сиёсий зўравонлик, инсон ҳуқуқлари ва хавфсизлиги, ижтимоий адолат, демократлаштириш, тинчликнинг барқарор шакллари яратиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади.

«Тинчлик тадқиқотлари»да «тинчлик» тушунчаси нафақат урушнинг бўлмаслиги (салбий тинчлик), балки етарли озик-овқат ва ичимлик суви билан таъминланган, аёллар ва болаларнинг таълим олиш ҳамда инсонларнинг дахлсиз ҳуқуқлари ҳимояланган адолатли ва барқарор шароитларнинг мавжудлиги сифатида (ижобий тинчлик) ҳам тушунилади. Шундай экан, «тинчлик тадқиқотлари» ўз ичига адолатлилиқ (унинг бутун дунёдаги инсонлар учун етарли шарт-шароит ва талаблари), демократия ва эркинлик (сабаби булар тинчликнинг асослари), иқтисодиёт асослари ва тизими ҳамда барқарор экологик муҳит масалаларини ҳам ўрганади. Бу ғоядан келиб чиқиб, «адолатли дунё»нинг ташкил этилиши тинчликни таъминлашнинг ягона барқарор воситаси, деб тан олишади.

#### **Й. Галтунгнинг тинчликка оид қарашлари.**

Й. Галтунгнинг қарашларига кўра, зўравонликнинг (куч ишлатиш) 3 хил кўриниши мавжуд: «*тўғридан-тўғри зўравонлик*» (direct violence), «*структуравий зўравонлик*» (structural violence)

ва «маданий зўравонлик» (cultural violence). Бунда «тўғридан-тўғри зўравонлик»ка ошкора куч ишлатиш, агрессия акти, уруш, қонли низолар, репрессия, геноцид ва шу қабиларни билдиради.

«Структуравий зўравонлик» – билвосита зўравонлик бўлиб, мавжуд тизимнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида юзага келади. Бунда бошқарувчиларнинг ўз қўли остидагиларни қаттиқ ишлатиши (эксплуатация қилиши) натижасида улар доимий равишда очарчилик ёки касалликда қолиб кетиши, азият чекиши ёки охир-оқибатда ундан вафот этиши; онга таъсир этиш ёки сингдириш; ахборотни чеклаш; маргиналлашувни қайд этиш ўринли. «Структуравий зўравонлик»ка мисол тариқасида *очарчилик, юқумли касалликларнинг авж олишини* киритиш мумкин.

Й. Галтунгнинг қарашларига кўра, «структуравий зўравонлик» «тўғридан-тўғри зўравонлик»ка нисбатан бир неча баробар кучли ҳисобланади. Олим бу фикрга ўзининг Ҳиндистондаги «Ганди тадқиқотлари маркази»да ишлаб юрган даврида *«мамлакатда уйсиз одамларнинг кўчаларда ухлашлари, ёш болаларнинг очликдан қийналиши ҳамда касалларнинг ўз ўлимини кутиб ётиши»* қабиларни кузатиш орқали келган. Бу эса, ўз навбатида, очарчилик ёки унинг олдини олиш (даволаш) мумкин бўлган касалликлар натижасида *секин (қийинчиликдаги) ўлимга* олиб келди.

Й. Галтунгнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1965 йилда агар Ҳиндистоннинг барча штатларида давлатнинг миллий бойликлари тўғри ва адолатли тақсимланганда 14 миллион одамни очарчиликдан қутқариш мумкин бўларди. Қиёслаш учун ўша йили бутун дунёда бўлган халқаро ва фуқаролик урушлари оқибатида 140 минг одам вафот этган. Мамлакатнинг «*ҳалокатли иқтисодиётдан*» гуманитар соҳага бироз бўлса ҳам ёрдам кўрсатилганда айримларни очарчиликдан, бошқаларни эса касалликдан қутқариш мумкин бўларди, деган фикрни илгари суради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Й. Галтунг қайд этадики «**ҳеч бир инсоннинг ва умуман халқнинг ҳаётида бирламчи қондирилмаган эҳтиёжлари бўлмаслиги лозим. Бу эҳтиёжларга эса очарчилик, чанқоқлик, бошпана, бирламчи хавфсизлик киради.**

«Маданий зўравонлик» «структуравий зўравонлик» ва «тўғридан-тўғри зўравонлик»ни оқлаш ва легитимлаштириш учун ишлатиш мумкин бўлган *маданиятнинг* дин ва мафкура, тил ва санъат билан ифодаланган рамзий соҳасини тадқиқ этишни тақлиф этади. «Маданий зўравонлик» натижасида «структуравий



Йохан Галтунг

Зўравонликнинг (куч ишлатиш) 3 хил кўриниши мавжуд: «тўғридан-тўғри зўравонлик», «структуравий зўравонлик» ва «маданий зўравонлик».

Ҳеч бир инсоннинг ва умуман халқнинг ҳаётида бирламчи қондирилмаган эҳтиёжлари бўлмаслиги лозим. Бу эҳтиёжларга эса очарчилик, чанқоқлик, бошпана, бирламчи хавфсизлик киради.



зўравонлик» ва «тўғридан-тўғри зўравонлик» *адолатли* ва *амалга оширилиши лозим* бўлган фаолият сифатида кўринади. Қолаверса, «маданий зўравонлик» *бирон-бир адолатсиз ҳаракатни одилликка* ёки *ҳеч бўлмаса, мақбулликка ўзгартириш* имконини беради (масалан, мамлакат, миллат номидан ўлдириш адолатли, ўзи учун ўлдириш адолатсизлик ҳисобланади).


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «маданий зўравонлик» *эксплуатация ва репрессияни нормал ва табиий ҳодиса сифатида* ҳисоблашга ёки *умуман пайқамасликка ундайди ва мажбур қилади* (масалан, айримлар уйсиз одамларга бефарқ қарайдилар ёки ҳаттоки, уларнинг таҳқирланишини яхшилик ифодаси сифатида баҳолайдилар).

1969 йилда Й. Галтунг «**конфликтли учбурчак**» ёки «**ABC учбурчаги**» (attitudes, behavior, contradictions) деб номланган моделни ишлаб чиқиб, у конфликтнинг таъсири ва сабабларини ўрганади (1-расм). Учбурчак конфликтли вазиятнинг учта жиҳатини ажратиб кўрсатади: учбурчакнинг юқори «В» қисмида *хулқ-атвор* (одамларнинг хатти-ҳаракатлари, баёнотлари, ҳақоратлари ва бошқалар – зўравонлик, геноцид, дискриминация, қўзғолончиларнинг ҳужуми), «А» қисмида *муносабатлар* (ҳис-туйғулар, қарашлар ва нотўғри фикрлар – расизм, дискриминация муносабатлари, қурбонлик, жароҳат), «С» қисми *қарама-қаршилик* (нотенглик, ҳудуд ёки ресурслар бўйича низо). Учбурчак айсберг сингари икки қисмга бўлинган: юқори қисми («В» ҳарфли) кўриниб туради, пастки қисми («А» ва «С» ҳарфли) яширин ҳисобланади.

«Конфликтли учбурчак»нинг ўзига хослиги шундан иборатки, «А» бурчаги бу мақсад бўлиб, айнан мақсадларнинг тўқнашуви салбий фикрлар, ҳис-туйғуларга олиб келади ҳамда буни одам ўз бошидан кечириб, у кўринмас қисмдир. «В» бурчак – воситалар, яъни ҳаракатлардир. «С» бурчак – номувофикликдир, яъни «А» ва «В» ўртасида содир бўлган нарса.

Салбий фикрлар ва ҳис-туйғулар салбий ҳаракатларга олиб келади. Бу қисм инсоннинг амалга оширган хатти-ҳаракатлари сифатида барчага кўриниб туради. «С» бурчак – номувофикликдир, яъни «А» ва «В» ўртасида содир бўлган нарса. Мазкур учбурчак барча турдаги зиддиятли вазиятларни, шу жумладан кўпчилик иштирокидаги конфликтларни таҳлил қилиш учун ишлатилади.

«Конфликтли учбурчак» ёки «ABC учбурчаги» (attitudes, behavior, contradictions)нинг ўзига хослиги шундан иборатки, «А» бурчаги бу мақсад бўлиб, айнан мақсадларнинг тўқнашуви салбий фикрлар, ҳис-туйғуларга олиб келади ҳамда буни одам ўз бошидан кечириб, у кўринмас қисмдир. «В» бурчак – воситалар, яъни ҳаракатлардир. «С» бурчак – номувофикликдир, яъни «А» ва «В» ўртасида содир бўлган нарса.



1-расм. Й. Галтунгнинг «конфликтли учбурчаги»


Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Й. Галтунг фаолияти давомида ўзининг назарий қарашларини 100 дан ортиқ халқаро конфликтларда қўллашга ва шу орқали айримларида тинчликка эришишга муваффақ бўлган. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Перу ва Эквадор ўртасидаги конфликтли ҳолатнинг бартараф этилишини келтириш мумкин. 1942 йил Перу ва Эквадор ўртасидаги давлат чегараси тўғрисидаги шартнома имзоланган бўлиб, унга кўра, давлат чегараси Амазонка дарёсининг юқори бассейни бўйлаб белгиланди. Бироқ дарё ўз ўзанини ўзгартирганлиги сабабли, давлатлар ўртасида 500 квадрат километр майдон бўйича низоли вазият юзага келди.

Натижада, 1942-1998 йиллар оралиғида икки давлат ўртасида 3 марта уруш бўлиб ўтди. 1995 йилда Гватемалада бўлиб ўтган тинчлик конференциясида Эквадор давлатининг собиқ президенти билан бирга Й. Галтунг мамлакат номидан асосий музокарачи сифатида таклиф этилди. Музокаралар давомида томонлар ҳар бир квадрат километр фақат бир давлатга тегишли бўлиши кераклигини таъкидлади.

Бироқ Й. Галтунг мазкур баҳсли ҳудудни иккала давлат томонидан бошқариладиган ва иқтисодий фойда келтирадиган «табиий ҳудудга» (парк) айлантириш ғоясини берганида, собиқ президент таклифга рози бўлган ҳолда ўтган давр мобайнида бу каби фикрни биринчи марта эшитаётганлигини таъкидлайди. Перу давлати ҳам мазкур ғояни айрим ўзгартиришлар киритган ҳолда қўллаб-қувватлайди. Натижада, 1998 йили Бразилияда томонлар тинчлик шартномасини имзолашга муваффақ бўлади.

**Ишончни мустаҳкамлаш** – медиатор урушаётган томонларнинг ишончини қозониш мақсадида уларнинг мақсади, конфликт билан боғлиқ бўлган бевосита ёки билвосита қўрқувларини англаши лозим.

Й. Галтунг конфликтни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича TRANSCEND методида уч босқичдан иборат бўлган тинч йўл билан ҳал этиш тушунилади: ишончни мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларнинг самимийлиги, бўшлиқни аниқлаш.



Мазкур ҳудуд ўша даврдан буён «эркин савдо зонасига» айлантирилиб, давлатлар ўз маҳсулотларини божхона тўловисиз сотиш ёки сотиб олиш имконига эга бўлди<sup>1</sup>.

Шундан келиб чиқиб, «тинчлик тадқиқотлари» зўравонлик ва конфликтларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда муҳим роль ўйнайди. «Тинчлик тадқиқотлари»да низоларни ҳал этиш ва халқаро муносабатларнинг структурасини барқарорлаштиришда ҳарбий куч ва воситалар билан эмас, балки сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишга эришилади.

«Тинчлик тадқиқотлари»нинг шаклланиши ва ривожланишида Й. Галтунгнинг хизматлари беқиёс. У нафақат тинчлик, можаро ва воситачилик назарияларини ишлаб чиққан, балки уларни амалиётда ҳам қўллаган. Икки томон ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилишнинг анъанавий ва қониқарсиз усулларини (А давлат ғалаба қозонди ва Б давлат мағлуб бўлди ёки аксинча) қўллаш ўрнига, Й. Галтунг омон қолиш, фаровонлик, эркинлик ва мустақиллик каби воқеликларни ва инсоннинг асосий эҳтиёжларини ҳурмат қиладиган усулдан фойдаланади.

Й. Галтунг томонидан ишлаб чиқилган усуллар баъзи урушларнинг давом этишини олдини олишга ёрдам берди ва кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Й. Галтунг ўзининг назарий ёндашувларини давлат раҳбарлари билан баҳам кўриб, уларнинг фикрларини танқид қилмасдан, аксинча ижобий ёндашув ва таклифларга йўналтириш орқали илҳомлантирган.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Стратегик тадқиқотларнинг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
2. Стратегик ва хавфсизлик тадқиқотларининг ўзаро нисбатини кўриб чиқинг.
3. Хавфсизлик тадқиқотларининг замонавий тенденциялари нималарда намоён бўлади?
4. Танқидий хавфсизлик тадқиқотларининг ўзига хос жиҳатлари нималардан иборат?
5. Қўшилмаслик ҳаракатининг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб беринг?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Цыганков П.А. Теория международных отношений: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Гардарики, 2007. – 316 с.
2. Barry Buzan. Security: a New Framework for Analysis /by Barry Buzan, Ole Waever, and Jaap de Wilde. – London: Lynne Rienner Publishers, 1998. – 237 p.

«Тинчлик тадқиқотлари»да низоларни ҳал этиш ва халқаро муносабатларнинг структурасини барқарорлаштиришда ҳарбий куч ва воситалар билан эмас, балки сиёсий мулоқот йўли билан ҳал этишга эришилади.

<sup>1</sup> Наука глобального мира или миролюбология: первое общее благо и право человека, революция социальных наук, созидание мира из гармонии и победа мира над войной в XXI веке. Всемирный учебник для школ, колледжей, университетов и академий. Санкт-Петербург. 2015 – С. 143-144.

3. Bill McSweeney. Security, Identity and Interests: a Sociology of International Relations. – Cambridge: Cambridge University press, 1999. – 239 p.


4. Buzan B. and Hansen L. Chapter 7: 'Widening and deepening security', In: The Evolution of International Security Studies – Cambridge: Cambridge University Press, 2009. – 400 p.

5. Galtung, Johan and Karl G. Yakobsen. 2000. Searching for Peace: The Road to TRANSCEND, Pluto Press: London. – 290 p.

6. Galtung J., 2000, 'Conflict Transformation by Peaceful Means (The Transcend Method)', participants' and trainers' manual, United Nations Disaster Management Training Programme, Geneva // <https://www.transcend.org>

7. Ken Booth, Eric Herring. Key Guid to Information Sources in Strategic Studies. – London: Mansell, 1994.

8. Walt S. The Renaissance of Security Studies // International Studies Quarterly. – Indiana, 1991. – No. 35.



## 3-МАВЗУ. ХАВФСИЗЛИККА ОИД НАЗАРИЯ ВА КОНЦЕПЦИЯЛАР



Николло Макиавелли

**Резюме.** Хавфсизлик тадқиқотлари халқаро муносабатларнинг анъанавий мактаби саналмиш сиёсий реализмнинг кучли таъсири остида ривожланди. Кейинги ўринда либерализм, конструктивизм ва тинчлик тадқиқотларини алоҳида ажратиш мумкин. Хавфсизликнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилишда секьюритизация концепцияси муҳим ўринни эгаллайди.

**Таянч сўзлар:** сиёсий реализм, либерализм, конструктивизм, секьюритизация, тинчлик тадқиқотлари, кучлар мувозанати, альянслар, таъсир доираси, миллий манфаатлар, мавжудликка таҳдид, структуравий ва маданий зўравонлик.

### 3.1. Хавфсизликнинг анъанавий назариялари: реализм ва либерализм

**Сиёсий реализм** халқаро муносабатлар (фани)нинг фундаментал асосларини шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутувчи назарий мактабдир. Хавфсизлик тадқиқотлари ҳам халқаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми сифатида бевосита сиёсий реализмнинг таъсири ва ҳукмронлиги остида ривожланди. Фукидид, Н.Макиавелли ва Т.Гоббс қарашларига асосланган ушбу мактабнинг йирик намоёндалари Эдвард Карр, Фредерик Шуман, Жон Герц, Ханс Моргентау, Жорж Кеннан, Жорж Шварценбергер, Раймон Арон, Генри Киссинжер, Арнольд Уолферс ва бошқалар ҳисобланади.

Реализмга кўра, суверен давлат халқаро муносабатларнинг асосий ва ҳал қилувчи иштирокчиси, тизим яратувчи элементидир. Ж.Шварценбергер таъбири билан айтганда, «суверен давлатларнинг бирлиги (ансамбли) халқаро ҳамжамиятнинг аристократияси (элитаси)ни ташкил этади». Давлатлараро муносабатлар эса анархистик характер касб этади, яъни суверен тенгликка асосланган халқаро муносабатлар тизимида легитим зўравонликликни қўллашга нисбатан монопол (танҳо) ваколлатига эга бўлган олий ҳокимият мавжуд эмас. Шунинг учун ҳар қандай суверен давлатнинг халқаро саҳнадаги бош мақсади – ўз қудрати ва кучига таянган ҳолда ўз хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Давлатнинг мавжудлиги ва ўзлигини сақлаб қолиш эса хавфсизлик соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим вазифасидир.



## Хавфсизлик асослари


Х. Моргентау давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиб, уларнинг ўз куч-қудратини оширишга бўлган интилишлари сабабларини очиб берган ва сиёсий реализмнинг олти принципини ишлаб чиққан. Х. Моргентауга кўра, *реализмнинг асосий белгиси миллий манфаатлар концепциясидир*. «Миллий манфаатлар» сиёсий реализмнинг энг муҳим категорияси сифатида халқаро саҳнада давлатлар сиёсатининг асосий ундовчи мотиви ва рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Барча катта ва кичик давлатлар ўз манфаатларига эга ва ўзаро алоқаларида уларга асосланади. Бироқ ҳар бир давлатнинг миллий манфаатини ҳисобга олган ҳолда умумий манфаатлар уйғунлигига эришишнинг имкони йўқ. Анархистик муҳитда ўз манфаатларига асосланиб фаолият юритаётган давлат муқаррар равишда манфаатларнинг зиддиятига, қарама-қаршилигига дуч келади. Шунинг учун миллий манфаатларни таъминлаш ҳар бир давлатдан халқаро майдонда ўз куч-қудратини мустаҳкамлаш ва таъсирини кенгайтиришни талаб этади.



Ханс Моргентау

**Таъсир доираси** – халқаро муносабатларда бирор-бир давлат (актор)нинг муайян ҳудуд (мамлакат) ёки минтақада бу ерда расмий ҳокимиятга эга бўлмасдан туриб, жараёнларга таъсир қила олиш қудратини англатувчи тушунча. Халқаро ҳуқуқ давлатларнинг суверен тенглигига асосланади. Бироқ халқаро ҳамжамият аъзолари аҳолисининг сони, табиий захираларининг ҳажми, ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий қудрати билан билан бир-биридан фарқ қилади. Қудратли давлатлар ўз устунлигидан хавфсизлигини мустаҳкамлаш, бойлигини орттириш ҳамда бошқа давлатларнинг хулқ-атворини назорат қилиш мақсадида фойдаланади. Назорат қилиш ва таъсир кўрсатишнинг услублари сифатида иқтисодий суқилиб кириш, сиёсий босим, ҳарбий аралашувни келтириш мумкин. Қудратли ташқи актор муайян ҳудудни ўз назоратига олиш, таъсир кўрсатиш ёки имтиёзли мақомга эга бўлишга, ҳарбий, сиёсий ёки иқтисодий жиҳатдан устунликка даъвогарлик қилади. Ушбу саъй-ҳаракат нафақат ўзга ташқи акторларни мазкур ҳудудда ўз мавқеини мустаҳкамланишига тўсиқ бўлади, шу билан бирга, минтақа давлатларининг мустақиллиги ва автономлиги чекланишига олиб келади. Бу тушунча халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ўрнатилган ва белгиланган эмас. Одатда, у ташқи акторнинг минтақа давлат(лар)и билан *quid pro quo*, яъни хизматга яраша хизмат (ёки сендан угина мендан бугина) кўринишида таъминланади. Бироқ таъсир (ёки манфаатлар)

**Реализмнинг асосий белгиси** – миллий манфаатлар концепцияси.



доирасини ўрнатишга оид «келишувлар» ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиши мумкин. Хусусан, Ялта конференциясида (1945) уч иттифоқчи давлат раҳбарлари: У. Черчилл, И. Сталин ва Т. Рузвельт Шарқий Европада томонларнинг таъсир доираси бўйича келишдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин НАТО, Америка давлатлари ташкилоти, Варшава шартномаси ташкилоти АҚШ ва Совет Иттифоқининг таъсир доирасини мустаҳкамлашнинг муҳим ташкилий механизмлари бўлиб хизмат қилди.

Либерализм ғоясига кўра, халқлар маданий, этник ёки диний мансубликларига, дунё эса географик жиҳатдан мамлакатлар, минтақалар ва китъаларга бўлиниши тан олинмайди.

Реализм тарафдорларига кўра, барқарорлик ва тартибот халқаро ҳуқуқ ёки халқаро ташкилотлар фаолиятдан эмас, балки альянслар тизимидан унумли фойдаланиш маҳсули.

Куч сиёсати ёки куч нуқтаи назаридан амалга ошириладиган сиёсат давлатлараро тизимда устунлик қилади. Моргентау таъбири билан айтганда, «халқаро сиёсатда барча давлатлар ҳам бир хилда иштирок этмайди ... давлатнинг халқаро сиёсатга муносабати динамик сифатга эга ва у давлат қудратининг ўзгариши билан ҳамоҳанг тарзда ўзгариб боради...». Суверен давлатлар қудратидаги мавжуд фарқ улар ўртасида ўзига хос иерархияни шакллантиради: буюк давлатлар, ўрта ва кичик давлатлар. Халқаро муносабатларда барча давлатларнинг ўз қудратини оширишга интилиши боис кучлар мувозанати халқаро муносабатларни бошқариш ва тартибга солишнинг мақбул механизми, ҳарбий-сиёсий иттифоқ ва альянслар эса халқаро хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситаси деб кўрилади.

Аслида ҳам, реализм назарияси ғоясининг марказида, унинг энг кўзга кўринган вакиллари билан бири Н. Макиавелли таъбири билан айтганда, «*мақсад барча воситаларни оқлайди*», деган тушунча ётади.

Реализм тарафдорларига кўра, барқарорлик ва тартибот халқаро ҳуқуқ ёки халқаро ташкилотлар фаолиятдан эмас, балки альянслар тизимидан унумли фойдаланиш маҳсули. Авваламбор, ҳарбий ва иқтисодий қудратини ўзида ифодаловчи ҳокимият давлатнинг энг муҳим ресурсидир. Унинг ёрдамида давлат халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчиларининг иродасига таъсир кўрсатиш орқали уларнинг хулқ-атворини назорат қилиш имкониятига/салоҳиятига эга бўлади.


Бошқача айтганда, «халқаро сиёсат, умуман ҳар қандай сиёсат каби, ҳокимият учун курашдир» (Моргентау). Ушбу ёндашувга кўра, давлатлар мавжуд экан, улар давлатлараро тизимнинг ўзгармас қонунларига мос равишда фаолият юритиб, халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчилари бўлиб қолаверади. Халқаро муносабатлар характери ва табиатини ўзгартиришнинг эса иложи йўқ. Ушбу қоида сиёсий реализм назариясининг асосий бошланғич қоидаси, яъни инсон табиатининг ўзгармаслиги ғоясидан келиб чиқади.

**Альянс** – давлатларнинг шартномавий мажбуриятлари ҳамда умумий сиёсий ва ҳарбий мақсадларига асосланган иттифоқи, бирлашмаси. Альянслар давлат манфаатларини амалга ошириш ва ташқи ҳарбий таҳдидларга қарши курашишнинг самарали воситаси бўлиб келган. Манфаатдор давлатлар ўзаро шартномавий мажбуриятлар орқали ўз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини мустақамлаш, умумий душманга қарши курашиш, ҳудудий яхлитлик ва сиёсий мустақилликни таъминлаш, мавжуд ҳуқуқий тартибот (статус-кво)ни сақлаб қолишни мақсад қилади. Коллектив мудофаа ва тийиб туриш тизимлари ушбу мақсадларга эришишнинг самарали механизмларидир. Халқаро муносабатларда кучлар мувозанатини таъминлашда альянслар муҳим роль ўйнайди. Мутахассисларнинг фикрича, альянслар мудофаа мақсадларида тузилган бўлса-да, иккинчи томон учун агрессив аҳамият касб этади ва уларни қарши туриш чораларни амалга оширишга ундайди. Альянслар фаолиятида куч компонентининг устунлиги уларни бошқа хавфсизлик механизмларидан фарқлаб турувчи асосий хусусиятидир. БМТ Низоми коллектив мудофаа иттифоқларини (51-модда), минтақавий битим ёки органларни (52-модда) тузишга монелик қилмайди. Альянслар, одатда, формал ва институционал, очиқ ва ёпиқ, икки томонлама ва кўп томонлама бўлади. Уларга мисол сифатида «Муқаддас иттифоқ» (1815), «Учлар иттифоқи» (1882), Ғарбий Европа иттифоқи (1948), НАТО (1949), АНЗЮС (1951), Варшава шартномаси ташкилоти (1955) ва АУКУС (2021)ни келтириш мумкин.



Жон Миршаймер

20-асрнинг 70-йилларига келиб, халқаро савдонинг ривожланиши, давлатлараро ва минтақалараро ҳамкорликнинг кучайиши ҳамда интеграциявий жараёнларнинг тезлашиши натижасида хавфсизлик назариясида классик реализм асосидаги неореализм (ёки таркибий реализм) оқими юзага келди. Хавфсизлик назариясидаги мазкур йўналиш Кеннет Уолц, Роберт Гилпин, Жон Миршаймер ва Барри Бузан каби тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилди. Неореализм назарияси классик реализмнинг таянч қоидаларига, авваламбор, давлатнинг халқаро муносабатларнинг марказий элементи эканлиги ғоясига таянади. Неореализм, шунингдек, миллий давлатнинг устунлиги, куч ишлатиш ва халқаро муносабатларда конфликтларни вужудга келтиришни инкор этмайди, бироқ иқтисодий қудратни халқаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ва давлатнинг устунлигини белгиловчи омил, деб билади.



**Секьюритизация** – дискурсив жараён бўлиб, муайян ҳодиса, воқеа, ҳолат ва ижтимоий муаммо, жамият аъзоларининг аксарият қисми томонидан тан олинishi орқали мавжудликка таҳдид сифатида белгиланади.

**Барри Бузан**

Реалистлар «совуқ уруш»нинг тугаши ва глобаллашув жараёнлари миллий ва халқаро хавфсизлик концепцияларини идрок этишда туб бурилишга олиб келмаганлигига ишонадилар. Чунки давлатлараро тизимнинг фундаментал асослари сезиларли ўзгаришларга учрамади: халқаро муносабатларнинг анархистик табиати, давлатнинг етакчи акторлик мақоми ҳамда қудратли давлатларнинг – *primus inter pares*, яъни тенглар ичида етакчилиги сақланиб қолмоқда. Шунингдек, ҳар қандай давлатнинг бош мақсади мавжуд бўлиб қолиш ҳамон долзарб саналади. Халқаро майдонда ҳамжамият аъзолари хавфсизлигини таъминлашга қодир давлатлардан устун турувчи ҳокимият мавжуд эмас; давлатлараро қарама-қаршилик ва рақобат замонавий халқаро муносабатлар характерини белгиловчи омиллар бўлиб қолмоқда.

**Либерализм** замонавий халқаро муносабатларнинг асосий назарий мактабларидан бири ҳисобланади. Либерализмнинг фундаментал асосларини Жон Локк, Гуго Гроций, Имануэл Кант, Жан Жак Руссо, Адам Смит, Давид Рикардо каби мутафаккирларнинг қарашлари ташкил этади.

Ушбу мактабнинг энг машхур намоёндаси сифатида И. Кант номи тилга олинади. У ўз асарларида ахлоқнинг сиёсатдан устуворлиги ҳамда инсон ҳуқуқининг муқаддаслигини таъкидлайди. Бўлиб ташла ва ҳукмронлик қил ақидасини ахлоққа зид хатти-ҳаракат, деб баҳолайди. «Абадий тинчлик тўғрисидаги» асарида Кант уруш ва милитаризм тарихий тараққиёт жараёнлари натижасида ўз-ўзидан барҳам топишини асослаб беради. Савдони кучайтириш, конституциявий республика бошқарувини рағбатлантириш ҳамда улар ўртасида халқаро институтларни тузишга замин яратувчи конфедерацияларни яратиш, унинг фикрича, «абадий тинчлик» истиқболини кенгайтиришнинг энг мақбул йўллари дидир. Кант ҳуқуққа асосланиб қурилган давлатнинг халқаро муносабатларда ҳам ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатни амалга ошириши эҳтимоли камлигини асослайди.

Маълумки, биринчи жаҳон урушидан кейин либерал мутафаккирлар халқаро ҳуқуқ, халқаро суд, халқаро ҳамкорлик институтлари масалаларига асосий эътиборни қаратдилар. Улар халқаро тартибот ва хавфсизликни таъминлаш муаммоларини демократияни ёйиш орқали ҳал этиш мумкинлигига ишонишади.

Либерализм доирасида кенг тарқалган «демократик тинчлик» тезисига кўра, либерал давлатлар бошқа либерал давлатлар билан уруш олиб бормади. Демократик режимлар бошқа сиёсий тизимларга қараганда тинчликсеварлиги билан ажралиб туради. Мазкур назарияга кўра, кенг миқёсда хавфсизликни таъминлаш ёки тинчликка йўл либерал институтлар, демократик тизимлар ҳамда инсон ҳуқуқларини универсал даражада ҳурмат қилинишини рағбатлантириш билан бевосита боғлиқдир (Дойл).

Либерализмнинг фундаментал асосларини Жон Локк, Гуго Гроций, Имануэл Кант, Жан Жак Руссо, Адам Смит, Давид Рикардо каби мутафаккирларнинг қарашлари ташкил этади.

Демократик давлатлардан ташкил топган халқаро тизим охир-оқибат ўзаро алоқаларда «абдий тинчлик»ни таъминлаб, конфликт ва урушларни йўқ бўлишига олиб келади.

Халқаро муносабатлар фақатгина уруш ва тинчлик ҳолатлари билан ифодаланмаслиги керак: у кўпқиралли ва мураккаб ҳодисадир. Трансчегаравий иқтисодий ва савдо алоқаларнинг кучайиши «тижорат либерализми» ғояларининг ривожланишига туртки берди. Халқаро савдо ва меҳнат тақсимоти, эркин бозор халқаро муносабатларнинг барча иштирокчилари учун манфаатли бўлиб, ўзаро қарама-қаршиликни вужудга келтирмайди. Савдо душманлик аҳамияти касб этмайдиган ҳамкорлик туридир. Неолиберал институционализм асосий эътиборни конфликтларни юмшатишда халқаро институтларнинг ролига қаратади. Бу йўналишнинг йирик вакиллари сифатида Роберт Коохейн ва Роберт Акселрод номлари келтирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, либерализмнинг асосий жиҳатлари сифатида куйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин:

1) суверен давлат халқаро муносабатларнинг ягона ва рационал актори эмас: давлатлар билан бирга, халқаро ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, трансмиллий компаниялар ва алоҳида шахслар ҳам иштирокчилар доирасини ташкил этади;

2) халқаро ташкилотлар, халқаро ҳуқуқ, ахлоқ, халқаро муносабатларнинг демократлашуви халқаро муносабатлар табиатига таъсир кўрсатиб, унинг анархистик характерини сусайишига олиб келади;

3) манфаатларнинг «табиий гармонияси», яъни миллий манфаат ва халқаро манфаатнинг бир бутунлиги, яхлитлигига эришилади;

4) халқаро муносабатлар иштирокчилари доираси кенглиги ва, табиийки, мақсадларнинг турли-туманлиги умуминсоний қадриятлар ва универсал демократик принципларга асосланган инсоният манфаатларига мос келадиган жаҳон тартиботини яратиш сари ҳаракат кетаётганини билдиради;

5) халқаро муносабатлар тизимида олий ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги «ўз-ўзига ёрдам бериш» принципининг ҳукмрон бўлишини англатмайди. Коллектив хавфсизлик тизими халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим ва самарали воситаси сифатида кўрилади.

Интеграция, демократлаштириш, низоларни ҳал этиш ва ҳуқуқий тартибот хавфсизликни таъминлашнинг таянч принциплари ва стратегиялари эканлиги эътироф этилади. Танқидчилар (реализм тарафдорлари) халқаро тизимни либерал демократиялар эмас, балки аввало, миллий-давлатлар ташкил этишини уқтирадилар (Миршаймер).

Кенг миқёсда хавфсизликни таъминлаш ёки тинчликка йўл либерал институтлар, демократик тизимлар ҳамда инсон ҳуқуқларини универсал даражада ҳурмат қилинишини рағбатлантириш билан бевосита боғлиқдир.

**Майкл Дойл**

Секьюритизация – сиёсатни амалга оширишнинг кескин шакли бўлиб, унинг доирасида одатий сиёсий жараён чегарасидан ташқари чиқувчи чоратadbирларнинг қўлланилиши оқланади. Фавқулодда чораларни қўллаш зарурияти мавжуд муаммоларнинг ўзига хос табиати билан изоҳланади.

**Барри Бузан**



Оле Вейвер

### 3.2. Секьюритизация концепциясининг асосий жиҳатлари

Секьюритизация – замонавий хавфсизлик тадқиқотларида кенг муҳокама предметига айланган назариялардан биридир. Кўпчилик мутахассислар мазкур концепцияни хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг самарали таҳлилий инструменти деб баҳолайдилар. Бироқ унинг танқидчилари фикрига кўра, секьюритизация маънавий ва норматив асосга эга бўлмаган назариядир. Шунга қарамай, унинг атрофида кечаётган академик мунозара бу концепцияни долзарб, муайян маънода анъанавий ёндашувга муқобил ва шубҳасиз илмий аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди.


Секьюритизация концепциясининг илмий муомалага киритилиши Копенгаген мактаби ва унинг ёрқин намоёндалари Барри Бузан ва Оле Вейвер номлари билан узвий боғлиқ. Концепция борасидаги илк қарашлар Оле Вейвернинг «Секьюритизация ва десекуритизация» [Вейвер, 1995; Б. 46-86] номли мақоласида ўз аксини топди. Унинг фан оламига тўлиқ ва кенг қамровли тақдироти Б. Бузан ва О. Вейвернинг ҳаммуаллифликдаги «Хавфсизлик: таҳлил учун янги асос» (1998) асари орқали амалга оширилди.

Концепция 20-асрнинг сўнги ўн йиллигида рўй берган воқеликлар негизида вужудга келди. Унинг шаклланиши хавфсизлик оламига «қуйи сиёсат» муаммоларининг кириб келиши ҳамда анъанавий ёндашувнинг замонавий хавфсизлик тадқиқотларида доим ҳам ўзини оқламаслиги билан бевосита боғлиқ.

Концепциянинг мазмун ва моҳияти унинг субъектлараро мулоқот эканлиги билан изоҳланади. Ушбу концепция хавфсизликни муайян жараён ва хавфсизлик муаммоси (таҳдид)ни жараённинг натижаси сифатида кўради. Айнан мулоқотда муайян (ижтимоий) муаммо таҳдид сифатида белгиланади; мулоқот ва аудиториянинг розилиги билан уни бартараф этишга қаратилган фавқулодда ва кескин чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва қўлланади.

«Хавфсизлик: таҳлил учун янги асос» [Бузан, 1998; Б. 239] китоби муаллифларининг эътирофига кўра, хавфсизлик концепцияси унинг таҳлилий ёки фалсафий тавсифи ёки хавфсизлик субъектларининг хавфсизлик борасидаги тасаввурлари қандайлигидан эмас, балки унинг (сўзсиз, амалий) қўлланишидан келиб чиқиб белгиланиши лозим.

Хавфсизликнинг амалий табиати, ўз навбатида, ижтимоий муаммолар тизимида хавфсизлик муаммоси ёки хавфсизлик субъекти манфаатларига таҳдидни аниқлаш билан бевосита боғлиқ. Бу концепция доирасида аниқланган таҳдид *мавжудликка таҳдид* («*existential threat*») сифатида баҳоланади.



**Мавжудликка таҳдид** – давлат ва жамиятнинг негизини ташкил этувчи туб миллий манфаатларга зарар етказишга қаратилган таҳдид. Сиёсий реализм мактаби доирасида шаклланган анъанавий қарашга кўра, мавжудликка таҳдид, авваламбор, давлатнинг мавжудлиги билан узвий боғлиқ тушунча. Давлатнинг мавжуд бўлиб қолиши барча замонларда ҳаётий муҳим миллий манфаат саналиб, давлат тасарруфидаги барча куч ва воситалар билан ҳимоя қилиниши оқлаб келинган.

**Мавжудликка таҳдид** – давлат ва жамиятнинг негизини ташкил этувчи туб миллий манфаатларга зарар етказишга қаратилган таҳдид.

Хавфсизлик муаммоси ёки таҳдид объектив тарзда мавжуд бўла олмайди. Секьюритизация доирасида таҳдид объектив ҳодиса эмас, балки субъектив фаолиятнинг, яъни хавфсизлик муносабати иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги маҳсули сифатида намоён бўлади.

Концепция муаллифларига кўра, жамиятдаги ҳар қандай масалани уч тоифага бўлиш мумкин: носий, сиёсий ва хавфсизликка оид масалалар. Биринчиси қолган иккисидан фарқли ўлароқ, давлат сиёсати даражасига кўтарилмайди. Хавфсизлик муаммоси сиёсат дунёсидан ташқарида мавжуд бўла олмайди. Хавфсизликка оид масала ҳаётий муҳим, ўта зарур ва мутлақ устувор аҳамият касб этади. Шу боис, у фавқулодда, махсус ва кескин чоралар кўрилишини тақозо этади ҳамда ўрнатилган одатий тартибдан четга чиқувчи ҳаракатларни амалга оширилишини оқлайди.

Таъкидлаб ўтиш муҳимки, муайян масала (масалан, маданият ёки дин)нинг ушбу спектрда жойлашуви доимо бир хил бўлмайди ва давлатдан давлатга, жамиятдан жамиятга қараб ўзгариб боради. Яъни алоҳида олинган давлатда ягона мафкура ҳукмрон бўлган жамиятда, мафкура хавфсизликнинг муҳим объектига айланади.

Секьюритизация барча акторлар ва табиийки, барча таҳдидларни тўлиғича қамраб олмайди. Аксинча, у кучлар ва имкониятларга асосланган назариядир. Шунинг учун одатда секьюритизация жараёнининг биринчи қадами, секьюритизация ҳаракати (securitizing move), ҳукумат томонидан амалга оширилади. Бу унинг кучи, қудрати, мавқеи ҳамда манфаатдорлиги билан изоҳланади. Албатта, мазкур жараёнда сиёсат субъектлари фаолияти муҳим ўрин тутаяди. Ҳукуматнинг муваффақияти бу аудиториянинг маълум ўрнатилган қоида ва нормаларни ўзгартириш борасидаги розилигига эришиш билан баҳоланади.

Бироқ таҳдиднинг аниқланганлиги хавфсизлик ҳодисаси мазмунини тўлиқ очиб бериш учун етарли эмас. Бу хавфсизликни англаш билан боғлиқ жараённинг ибтидосидир. Шу билан бирга, аудитория (ҳалқаро жамият, аҳоли, миллат) томонидан муаммони таҳдид сифатида қабул қилиниши/тан олиниши секьюритизация доирасидан кейинги хатти-ҳаракатлар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Секьюритизация доирасида таҳдид объектив ҳодиса эмас, балки субъектив фаолиятнинг, яъни хавфсизлик муносабати иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлиги маҳсули сифатида намоён бўлади.

**Секьюритизациянинг асосий компонентлари** – хавфсизлик объекти, секьюритизация акторлари ва функционал акторлар.

Демак, секьюритизация – дискурсив жараён бўлиб, муайян ҳодиса, воқеа, ҳолат ва ижтимоий муаммо жамият аъзоларининг аксарият қисми томонидан тан олиниши орқали мавжудликка таҳдид сифатида белгиланади [Бузан, 2003; Б. 16].

**Секьюритизациянинг асосий компонентлари:**

- хавфсизлик объекти (referent object) – бу мавжудлигига таҳдид солинаётган ва мавжуд бўлиб қолишга қонуний даъво қилишга ҳақли бўлган нарса, масала, ҳодиса ёки актор. Хусусан, секьюритизация объекти давлат, миллий суверенитет, мафкура, миллий иқтисодиёт ва х.к. бўлиши мумкин;

- секьюритизация акторлари (securitizing actors) – бу хавфсизлик объекти мавжудлигига таҳдид солаётган муайян муаммони хавфсизлик масаласига айланишини (securitize) таъминловчи акторлар (иштирокчилар). Улар, биринчи навбатда, ҳукумат ва шу билан бирга индивид, ижтимоий гуруҳлар, нодавлат ташкилотлар бўлиши мумкин;

- функционал акторлар – хавфсизлик динамикасига таъсир кўрсатадиган акторлар бўлиб, улар бевосита хавфсизлик объекти ёки актори ҳисобланмайди. Бироқ хавфсизлик соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёнига сезиларли таъсир кўрсата олувчи акторлардир [Бузан, 1998; Б. 36].

**Секьюритизация – сиёсатнинг кескин кўриниши.**

Секьюритизация доирасида одатий сиёсий жараён чегарасидан ташқари чиқувчи чора-тадбирларнинг қўлланилиши оқланади. Жумладан, «махфийлик» грифи остида сиёсатни амалга ошириш, муайян ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши, жамият ва давлатга тегишли куч ва воситаларнинг махсус вазифаларни бажаришга сафарбар этилиши ва бошқалар. Фавқулодда чораларни қўллаш зарурияти мавжуд муаммоларнинг ўзига хос табиати билан изоҳланади.

Секьюритизация сиёсатни амалга оширишнинг кескин шакли ҳисобланади. Унинг доирасида одатий сиёсий жараён чегарасидан ташқари чиқувчи чора-тадбирларнинг қўлланилиши оқланади.

**Десекьюритизация** – сиёсий ҳамжамиятнинг муайян ҳолат (ҳодиса, воқеа ёки вазият)ни хавфсизлик объектининг *мавжудлигига таҳдид* сифатида кўришдан воз кечиш ёки унинг хавфлилиқ даражасини пасайтириш орқали таҳдидга нисбатан шошилинч, махсус ва фавқулодда чоралар кўрилишини камайтириш ёки тўхтатишга қаратилган жараён. Десекьюритизация муайян масала ёки акторни *хавфсизлик кун тартибидан олиниши* ҳамда уни *одатий ҳолат (сиёсий макон)га қайтишини* билдиради. Одатда ушбу жараён билвосита аҳамиятга эга бўлиб, хавфсизлик объектига қаратилган бошқа таҳдидларнинг саҳнага чиқиши ва уларга нисбатан эътиборнинг ортиши билан юз беради.

Б.Бузан муайян объектни хавфсизлик таҳдидига айланиш жараёнини тадқиқ этиб, унинг сиёсийлашуви ва секьюритизация жараёни орқали таҳдидга айланиш тизимига алоҳида эътибор қаратган. Хавфсизлик *ҳаракат* бўлиб, сиёсатни ўрнатилган норма ва қоидалар доирасидан ташқарига олиб чиқади. Бу ҳодиса (хавфсизлик) ё сиёсатнинг алоҳида махсус тури (кўриниши), ёхуд сиёсатдан юқори турувчи ҳодиса. Шунинг учун секьюритизацияни сиёсийлашувнинг (politization) кескин кўриниши сифатида белгилаш мумкин.

Таъкидланганидек, мазкур концепция доирасида таҳдиднинг объектив табиати инкор этилади ва у субъектлараро фаолиятнинг маҳсули сифатида баҳоланади. Муҳими, хавфсизлик объектига «реал» хавф солиб турган қандайдир объектив таҳдидни баҳолаш эмас, балки таҳдид сифатида нимани тушуниш ва унга коллектив жавоб қайтариш борасида хавфсизлик субъектларининг умумий келишуви шаклланишини идрок этишдир.

*Секьюритизация муайян индикаторларга муҳтож эмас. Секьюритизация (жараёни)ни ўрганишнинг мақбул усули – дискурс (нутқ, муҳокама) ва сиёсий конфигурацияни тадқиқ этишдир.*

Шундай қилиб, хавфсизлик – жамият учун энг муҳим муаммони ажратиб олиш, уни аудитория томонидан мавжудликка таҳдид сифатида тан олинishi ҳамда фавқулодда ёки махсус чоралар қўллаш босқичларидан иборат муайян жараён натижасидир. Шу боис муаллифлар хавфсизликни «на объектларда ва на субъектларда, балки субъектлар ўртасида ётадиган ҳодиса», деб таърифлайдилар [Бузан, 1998; Б. 31].

### **3.3. Секьюритизация концепцияси ва унинг танқидчилари**

Мазкур назариянинг жиддий танқидчиларидан бири К.Бутнинг фикрига кўра, секьюритизация тадқиқотлари хавфсизликнинг чигал/чалкаш концептуаллашувига (a confused conceptualization of security) асосланган. Авваламбор, мазкур назария хавфсизликни субъектнинг мавжуд бўлиб қолиши билан боғлайди ва уларни (хавфсизлик ва мавжудликни) айнан ўхшаш тушунчалар сифатида кўради [Бут, 2007; Б. 164].

К.Бут таъбирига кўра, тириклик мавжудлик ҳолатидир. Бироқ тириклик/мавжудлик етарли даражада яхши яшаш ёки сиёсий ва ижтимоий режаларни амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларга эга бўлишга синоним эмас. Фикрининг тасдиғи сифатида машҳур италян шоири, прозаик ва таржимон Примо Левининг Аушвиц (Освенцим)даги концентрацион лагерда биринчи кун ташналиқдан том четида осилиб турган муз парчасига етиб келгани ва қўриқчи томонидан ортига қайтиш буюрилганда унинг «Warum?» («Нима учун?») деган саволига қўриқчининг «Hier ist kein warum» («Бу ерда нима учун йўқ») деб берган жавобини келтиради (Леви, 1996; Б. 35).

**Хавфсизлик** – жамият учун энг муҳим муаммони ажратиб олиш, уни аудитория томонидан мавжудликка таҳдид сифатида тан олинishi ҳамда фавқулодда ёки махсус чоралар қўллаш босқичларидан иборат муайян жараён натижасидир.

Тириклик мавжудлик ҳолатидир. Бироқ тириклик/мавжудлик етарли даражада яхши яшаш ёки сиёсий ва ижтимоий режаларни амалга ошириш учун тегишли шарт-шароитларга эга бўлишга синоним эмас.

**Кен Бут**

**Хавфсизлик** – танлаш имкониятининг мавжудлигидир. Хавфсизлик – мавжудлик-плюс (плюс бу таҳдидлардан эркинлик ва шу боис муайян танлаш имкониятига эга бўлиш)га эквивалент ҳисобланади.

Юқоридаги фикрни хулосалаб қуйидагини таъкидлайди: бу ерда қисқа ёки узокроқ муддат тирик ёки мавжуд бўлиб қолиш учун шароит бор, бироқ шубҳасиз хавфсизлик, ҳаттоки «нима учун?» деб сўрашнинг имконияти йўқ [Бут, 2007; Б. 104].

*Хавфсизлик – танлаш имкониятининг мавжудлигидир.* Албатта, муайян имкониятга эга бўлиш учун тирикликнинг/мавжудликнинг ўзи етарли эмас ва у, албатта, хавфсизликни тақозо этади. Шу маънода хавфсизлик мавжудлик-плюс (плюс бу таҳдидлардан эркинлик ва шу боис муайян танлаш имкониятига эга бўлиш)га эквивалент ҳисобланади (*the plus being some freedom from life-determining threats, and therefore space to make choices*) [Бут, 2007; Б. 104]. Плюс бу танлаш имконияти бўлиб, у мавжудликка таҳдидлардан эркинлик ҳолатидан келиб чиқади. Тириклик/мавжудлик хавфсизликни кафолатламайди, чунки у таҳдидларни бартараф этмайди [Бут, 2007; Б. 106].

Демак, хавфсизлик инструментал қадрият сифатида индивидлар ва гуруҳларга ўз ҳаётини куриш ва мавжудлигини белгилаб бериш учун (муайян даражада) шарт-шароит яратиш имкониятини беради («Survival is being alive; security is living») [Бут, 2007; Б. 107].

*Секьюритизация (жараёни)ни ўрганишнинг мақбул усули – бу дискурс (нутқ, муҳокама) ва сиёсий конфигурацияни тадқиқ этишдир».* Ушбу мулоқотга кўра, хавфсизликни ким томонидан айтилиши, муайян вазиятда кимнинг хавфсизлиги борасида сўз кетаётганлиги ва таҳдид кимга қаратилганлиги муҳим масала. Танқидчиларнинг фикрига кўра, дискурсга асосланган ёндашув «таҳдидлар дискурсдан (нутқ актидан ёки мулоқотдан) ташқарида мавжуд бўлмайди деган нотўғри тасаввурга асосланади» [Бут, 2007; Б. 165].

Дискурсив жараёнда ҳал қилувчи овозга, шубҳасиз, сиёсий элита, [Бут, 2007; Б. 165] ҳукумат ва сиёсий ҳокимиятнинг ўзга соҳиблари эга бўлади. Шу ўринда танқидчиларда табиий савол туғилади: «сиёсий овозга эга бўлмаганлар-чи?» [Бут, 2007; Б. 165]. Дискурсив жараёнда асосий иштирокчилар манфаатларининг бирламчи аҳамият касб этиши секьюритизация тадқиқотларини элитага оид [Бут, 2007; Б. 165] ва «хавфсизликни яратувчи акт *шакли* тор белгиланадиган» назария сифатида хулоса қилишга асос бўлади [Мақдональд, 2008; Б. 564].

Копенгаген мактаби тарафдорлари хавфсизликни «салбий қадрият», яъни мавжуд муаммони одатий сиёсий жараёнлар доирасида ҳал этишдаги муваффақиятсизлик сифатида кўради [Бузан, 1998; Б. 29]. Танқидий хавфсизлик тадқиқотларига кўра, хавфсизлик ва сиёсатни бир-биридан ажратиш ва уларни айри ҳолда кўриш мумкин эмас. Сиёсат ва хавфсизлик соҳаларининг бир-биридан айри ҳолда кўрилиши Копенгаген мактаби ёндашувининг фундаментал муаммоси сифатида баҳоланади [Бут, 2007; Бут, 2005. Б.169].


«Survival is being alive;  
security is living».

**Кен Бут**

Танқидчилар фикрига кўра, нутқ актининг *табиати* фақатгина хавфсизликка таҳдидларни аниқлашга қаратилганлиги билан изоҳланади. Улар «хавфсизликнинг яратилиши» («construction of security») ва «нутқ акти орқали таҳдиднинг белгиланиши» («discursive positioning of threats») бир хил нарса эмас, деб таъкидлашади [Мақдональд, 2008; Б. 564].

Ушбу ёндашув хавфсизликни муайян контекстда «норматив мақсад ёки туб қадриятларнинг намоён» («as a normative goal or expression of core values») бўлиши сифатида тушунишни инкор қилади. Табиийки, бундай ёндашув хавфсизлик сиёсатини моҳиятан салбий ҳодиса сифатида намоён қилади [Мақдональд, 2008; Б. 564].

Мазкур концепция доирасида халқаро хавфсизлик масалалари сиёсий конструктивизм ва классик реализм кесимида тадқиқ этилади. Унинг негизида реализмнинг марказий тушунчалари (хусусан, давлат, мудофаа, таҳдид) ётади. Секьюритизация тили, дейди унинг танқидчилари, хавфсизликни эстатик доирада, доимо ҳарбий, нолга тенг ва қарама-қарши тушунча сифатида мустаҳкамлаб қўяди [Бут, 2007; Б. 165].



### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Реализм назариясининг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
2. Либерализм назариясининг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.
3. Секьюритизация назариясининг асосий жиҳатлари нималардан иборат?
4. Хавфсизлик тадқиқотларида Копенгаген мактабининг ўрни қандай?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Barry Buzan, Ole Waever. Regions and Powers: the Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 564 p.
2. Critical Security Studies and World Politics / Ken Booth, ed. – London: Lynne Rienner Publishers, 2005. – 323 p.
3. David A. Baldwin. The Concept of Security // Review of International Studies, No 23, 1997.
4. Ken Booth. Theory of World Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 521 p.
5. Michael Doyle. 'Kant, liberal legacies, and foreign affairs, part I', Philosophy and Public Affairs, 1983, vol. 12, no. 3 – pp. 205-235.
6. Ole Waever, 'Securitization and Desecuritization', in Ronnie D. Lipschutz (ed.), On Security (New York: Columbia University Press, 1995).

Секьюритизация концепцияси танқидчиларига кўра, «хавфсизликнинг яратилиши» ва «нутқ акти орқали таҳдиднинг белгиланиши» бир хил нарса эмас.

## II БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ

### 4-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ



Давид Болдуин

**Миллий хавфсизлик –** хавфсизлик назариясининг фундаментал кесими, бирламчи даражаси ва етакчи ғоясидир.

**Резюме.** Миллий хавфсизлик – хавфсизлик назариясининг фундаментал кесими, бирламчи даражаси ва етакчи ғоясидир. Мазкур маъруза «миллий хавфсизлик» тушунчасининг концептуал таҳлилига бағишланган. Мавзу доирасидаги вазифалардан яна бири – миллий хавфсизликнинг таркибий элементларини аниқлаш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини очиб беришдан иборат.

**Таянч сўзлар:** миллий хавфсизлик, миллий манфаат, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар, миллий хавфсизлик субъекти, давлат хавфсизлиги, миллий хавфсизликка таҳдидлар, риск, таҳлика, хавф.

#### 4.1. Миллий хавфсизлик тушунчаси

Муайян тушунча концептуал таҳлилининг ижобий жиҳати шундаки, у материални назарий жиҳатдан ташкил қилинишини ва тушунчаларнинг боғлиқлигини умумий тарзда баён қилинишини таъминлайди. Мутахассислар таъбири билан айтганда, аниқ тушунчалар назариянинг ўрнини боса олмайди, лекин тасаввур ва қарашларни шаклланишида фойдали ҳисобланади [Болдуин, 1997; Б. 7].

«Миллий хавфсизлик» тушунчаси сиёсий муомалага АҚШ президенти Т. Рузвельт томонидан киритилганлиги таъкидланади (1904)<sup>1</sup>. Жаҳон ҳуқуқий амалиётида миллий хавфсизлик тўғрисидаги илк қонунда (АҚШ, 1947) ушбу тушунча «ички, ташқи ва ҳарбий сиёсатнинг интеграцияси» тарзида тавсифланди. Ички ва ташқи сиёсат давлат ҳарбий салоҳиятини кучайишига хизмат қилувчи омил сифатида кўрилади. Қонун доирасида миллий хавфсизлик кенгаши таъсис этилиб, унга вазирлик ва идораларнинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлигини таъминлаш, миллий хавфсизликка оид масалаларда президентга тегишли маслаҳатларни бериш ва бошқа вазифалар юкланган.

Мазкур қарашларда «этактик ёндашув»нинг ҳукмрон мавқеи яққол намоён бўлади. Яъни, хавфсизликка давлат манфаатлари нуқтаи назаридан қаралиб, реал мавжуд бўлган ёхуд потенциал таҳдидлар тадқиқотнинг муҳим объекти сифатида кўрилган. Хавфсизлик сиёсатининг бош мақсади ҳам концептуал, ҳам амалий жиҳатдан таҳдидларни бошқариш сифатида тушуниланган.

<sup>1</sup> Сўз 1904 йилда Т. Рузвельтнинг «Монро доктринасига кўшимча» («Corollary to the Monroe Doctrine») номи билан тарихга кирган АҚШ Конгрессига йўллаган йиллик мактуби тўғрисида кетмоқда. Мазкур «кўшимча» Ғарбий ярим шар давлатлари ички ишларига АҚШнинг қуролли аралашувини кучайиши ва уни «жандарм»га айланишини таъминлади.

Бугунги кунда ҳам анъанавий ёндашувнинг кучли таъсири, ворисийлик ва хавфсизлик масаласига ёндашув борасида муайян изчиллик сақланиб қолмоқда. Хусусан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо-давлатларнинг миллий хавфсизликка оид қонун, концепция ва доктриналарида миллий хавфсизлик «шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати» тарзида таърифланади.

Бу ҳолат ҳозирги замон илмий тафаккурининг сиёсий ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифода этилишининг ўзига хос кўринишидир. Ушбу таърифга кўра, таҳдид хавфсизлик тизимини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида ифодаланади. Бундан келиб чиқадики, хавфсизлик объекти (ҳаётий муҳим манфаатлар)га йўналтирилган таҳдид(лар)ни бартараф этиш бу жараёнга унинг иштирокчилари – хавфсизлик субъектлари (шахс, жамият ва давлат)ни бевосита жалб этиш орқали амалга оширилади. Хусусан, уруш ёки фавқулодда ҳолатнинг эълон қилиниши, умумий ҳарбий сафарбарликнинг жорий этилиши, муайян таҳдидлар хавфи остида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар иш режимининг кучайтирилиши ва бошқаларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Қайд қилинган таърифда «ҳимояланганлик ҳолати» хавфсизлик субъектлари томонидан хавф ва таҳдидларни олдини олиш ва уларга қарши курашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини яратишни англатади.

Миллий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларнинг асосий мақсади реал ёки потенциал таҳдидларга қарши кураш тизимини яратишдир. Одатда бу чора-тадбирлар бевосита хавф ва таҳдидларнинг юзага келишини бартараф этишга қаратилган тегишли шарт-шароитларни яратишни назарда тутмайди. «Ҳимояланганлик ҳолати» хавф ва таҳдидларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш орқали эмас, балки бевосита таҳдидларнинг ўзи билан курашишга йўналтирилган.

Демак, «миллий хавфсизлик» тушунчасининг анъанавий таърифи бевосита қадриятлар (сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий), миллий манфаатлар ва мақсадларни таҳдидлардан ҳимоя қилишни ифодалайди.

«Миллий хавфсизлик» – икки асосли тушунча. Сўз бирикмасидан «хавфсизлик» сўзи тадқиқотчи учун тушунарли ва унинг иккиланишига сабаб бўлмайди. Бироқ ҳар қандай атаманинг семантик жиҳатида жиддий эътибор берувчи синчков ўқувчида ушбу бирикмадаги «миллий» сўзининг «маъновий юки» борасида савол туғилиши табиий: Миллий хавфсизлик муайян бир миллат хавфсизлигини англатадими ёки миллий ва давлат хавфсизлиги бир хил тушунчаларми?

**Миллий хавфсизлик** –  
шахс, жамият ва  
давлатнинг ҳаётий  
муҳим манфаатларни  
ташқи ва ички  
таҳдидлардан  
ҳимояланганлик ҳолати.

Миллий хавфсизлик  
муайян бир миллат  
хавфсизлигини  
англатадими ёки миллий  
ва давлат хавфсизлиги  
бир хил тушунчаларми?



Арнольд Вулферс

Кенг маънода миллий хавфсизлик «давлат хавфсизлиги» тушунчаси билан синоним, тор маънода эса сиёсий ва ҳудудий мансубликка асосланган муайян миллат (фуқаролар хавфсизлиги)ни англатади.

Маълумки, «миллий хавфсизлик» («national security») атамаси Ғарб илмий адабиётларида қабул қилинган тарзда бошқа тилларга кириб келган [Прохожева, 2005; Б. 25]<sup>1</sup>. Шу боис ҳам ушбу ибора «миллат» ва «миллий давлат» каби тушунчалар билан узвий боғлиқдир. «Миллат», аниқроғи унинг инглиз тилидаги эквиваленти – «nation», авваламбор, муайян бир ҳудуд ва ҳукуматга эга бўлган бир ёки бир неча халқлар (миллатлар)ни бирлаштирувчи кишилар ҳамжамияти (бирлиги)ни ифодалайди. Ушбу қарашнинг муҳим жиҳати шундаки, у миллатни сиёсий нуқтаи назардан ташкил этилганлигини кўрсатади. Миллий давлат («nation-state») – миллатнинг тадрижий ривожланишининг ўзига хос ҳосиласи - сиёсий ташкилотнинг шакли бўлиб, унинг доирасида нисбатан бир хил (ўхшаш) халқлар муайян суверен давлат аҳолисини ташкил этади.

Шу ўринда миллий давлатчилик концепциясининг Европа ва АҚШда турлича мазмун касб этишини таъкидлаб ўтиш лозим. Миллий мансублик ёки фуқаролик (nationality) Европа давлатчилиги тарихида, авваламбор, муайян титул миллат, яъни давлат яратувчи ёки давлатга ном берган миллатнинг мавжудлигига асосланади. Америка сиёсий амалиётида миллий мансублик/фуқаролик келиб чиқиши ва миллатидан қатъи назар, унинг суверенитети остидаги ҳар қандай аҳолига нисбатан қўлланилади. Мазкур қарашлардаги умумийлик шундаки, ҳар икки ҳолатда миллат жамиятнинг сиёсий ташкилоти, яъни (кенг маънода) давлат тушунчаси билан уйғун кўрилади.

Шунинг учун «миллий хавфсизлик» кенг маънода давлат тушунчаси билан ҳамоҳанг тушунилиб, «давлат хавфсизлиги» тушунчаси билан синоним, тор маънода эса сиёсий ва ҳудудий мансубликка асосланган муайян миллат (фуқаролар хавфсизлиги)ни англатади. Мисол учун, хавфсизлик тадқиқотларида долзарб аҳамият касб этиб бораётган маънавий хавфсизлик соҳаси ҳамда унинг марказий мавзулари (миллий кадриятлар, менталитет, тил омили) бевосита миллат (одатда титул миллат)га тааллуқли бўлади. Бу давлатга дахлдорлигини «миллий валюта», «миллий иқтисодиёт», «миллий қуролли кучлар» каби тушунчаларнинг кенг муомалага кириб келганлиги билан изоҳланади.

Арнольд Вулферс ўзининг «Миллий хавфсизлик икки маъноли тушунча» номли машҳур мақоласида «хавфсизлик» тушунчасининг ноаниқ табиатига аниқлик киритиш ва қўлланилишини енгиллаштириш учун уни деталлаштириш, тафсилотларини аниқлаш кераклигини таъкидлайди [Вулферс, 1952; Б. 481-502]. Унинг фикрига кўра, миллий хавфсизлик тушунчасининг «...тафсилотларини очиб бермасдан қўллаш янада кўпроқ парокандаликка сабаб бўлади...» [Вулферс, 1952; Б. 483].

<sup>1</sup> Собиқ Иттифоқда 1934 йил қонунчиликда «давлат хавфсизлиги» тушунчасининг белгиланиши тадқиқотчилар томонидан «жамиятни давлатлаштиришнинг» ёрқин мисоли сифатида баҳоланади.

Д. Болдуин А. Вулферс ғоясини ривожлантириб, миллий хавфсизлик тушунчаси маъносини очиб беришга хизмат қилувчи «Хавфсизлик ким учун? Қандай қадриятлар ҳимоя қилиниши лозим?» [Болдуин, 1997; Б. 13] каби бир қатор тафсилот/шартларга тўхталиб ўтади. Албатта, «бошланғич нуқта» борасида ойдинликка эришиш «миллий хавфсизлик» тушунчаси моҳиятини концептуал жиҳатдан таҳлил қилишда муҳимдир.

Миллий хавфсизлик – сиёсий-ҳуқуқий қадриятдир. Бироқ бугунги кунда у мутлақ мавқега эга эмас. Мустақиллик, эркинлик, инсон ҳуқуқлари каби унга муқобил жамият ва давлат ривожиди ўз ўрнига эга бўлган қадриятлар мавжуд ва уларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда. Бироқ қадриятлар тизимида хавфсизлик бирламчи аҳамиятга эга. Чунки қайд қилиб ўтилган қадриятларнинг таъминланиши, ҳимоя қилиниши ва мустаҳкамланиши хавфсизлик, яъни барқарор ҳолатнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир.

Миллий хавфсизлик – субъектлараро муносабатларнинг маҳсулидир. Субъективлик миллий хавфсизликнинг барча таркибий қисмларига хос жиҳат. Жумладан, миллий хавфсизлик сиёсати, унинг куч ва воситалари, манфаатлар ва таҳдидлар бевосита субъектларнинг ўзаро муносабати натижасида ишлаб чиқилади ва аниқланади.

«Миллий хавфсизлик» – норматив тушунча. Хавфсизлик субъектларининг амалий фаолияти учун тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган «миллий хавфсизлик» тушунчаси муҳим асос бўлиб хизмат қилади. Чунки амалдаги қонунчилик ҳужжатлари давлатнинг хавфсизлик борасидаги расмий қарашлар тизимини белгилаб бериш билан бирга, миллий хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади. Табиийки, хавфсизлик/ҳуқуқ субъектининг фаолияти амалдаги қонунчиликка мувофиқ бўлиши лозим. Хавфсизликнинг қай тарзда, яъни тор ёки кенг маънода таърифланиши жамият ва давлат тараққиёти ҳамда инсон фаолияти соҳаларининг ўзаро мувозанатини таъминлашда муҳим ўрин тутаяди.


#### **4.2. Миллий манфаатлар: тушунчаси ва таснифи**

Миллий манфаат – *давлатнинг* энг муҳим мақсадлари, интилишлари ва эҳтиёжлари; давлат ва жамиятнинг мавжудлиги, ривожланиши учун бирламчи, устувор ва фундаментал аҳамиятга эга бўлган англаб етилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа эҳтиёжлар мажмуи.

Адабиётларда кенг тарқалган аънавий қарашга кўра, *миллий манфаат* суверен давлатга хос, биринчи навбатда, унинг ташқи сиёсатига тааллуқли ҳодисадир. Ушбу қарашга мувофиқ, миллий манфаат давлат ташқи сиёсатининг мақсад ва вазифаларини аниқлаш ёки англаб етишга хизмат қилувчи муҳим *таҳлилий инструмент*дир. Анархистик табиатга эга бўлган халқаро муносабатлар тизимида миллий манфаат куч тимсолида

**Миллий хавфсизлик** – сиёсий-ҳуқуқий қадрият, субъектлараро муносабатларнинг маҳсули ва норматив тушунча ҳисобланади.

**Миллий манфаат** – *давлатнинг* муҳим мақсадлари, интилишлари ва эҳтиёжлари; давлат ва жамиятнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун устувор аҳамиятга эга бўлган англаб етилган сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа эҳтиёжлар мажмуи.



**Чарльз Бирд**

кўрилиб, давлат сиёсатининг раҳбарий қоидаси ва унинг кўрсаткичи сифатида таърифланади. Х. Моргентау таъбири билан айтганда: *«фақатгина бир қатъий императив/талаб, фақатгина бир муҳокама мезони, ҳаракатнинг ягона принципи мавжуд, бу миллий манфаат»*.

Миллий манфаат категорияси давлатчилик институтининг ривожланиши жараёни билан узвий боғлиқдир. Ушбу ҳодисани илк бор чуқур тадқиқ этган америкалик олим Чарльз Бирдга кўра, «миллий манфаат» категорияси сиёсий лексиконга 16-асрда Европада миллий-давлатлар ва миллатчилик ғояларининг ривожланиши негизда муайян сулола ёки давлат-оила манфаатларини англатувчи *raison d'Etat*ни ўрнини босувчи тушунча сифатида кириб келган.

Миллий манфаат жамиятнинг умумий манфаатларини ўзида намоён этиб, халқ суверенитети ва давлатнинг легитим (қонуний)лиги ғоялари билан узвий боғлиқ ҳолда кўрилади. Ч. Бирд *«миллий манфаат» тушунчасини рационал (жиҳатдан) тушуниш/англаниш, аниқ таъриф бериш ҳамда алоҳида кўлланиш объекти бўла олади»*, деб таъкидлайди. Унинг танқидчилари фикрича, давлат олий мақсадларининг кўплиги «миллий манфаат»га рационал таъриф бериш имконини бермайди (Арон).

«Миллий манфаат» концепциясининг ривожланиши сиёсий реализм мактаби ва унинг нуфузли вакили Ханс Моргентау номи билан узвий боғлиқ. Сиёсий реализм назарияси жаҳон сиёсатида юз бераётган воқеаларни тушунишда миллий манфаат категориясининг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, уни *халқаро муносабатлар таҳлилининг «бошланғич нуқтаси»*га айлантирди. Моргентауга кўра, *«миллий манфаат – бу объектив борлиқ»*. У давлат географик жойлашувининг ўзига хослиги ва ушбу хусусиятдан келиб чиқувчи давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишига асосланади. Миллий манфаат хавфсизликнинг фундаментал шарт-шароитларини ҳамда давлатнинг фаровонлигини акс эттиради.

Сиёсий реализм миллий манфаат табиатини тадқиқ этишда марказий мавзу сифатида суверен давлатнинг мавжудлигини кўради. *«Миллий манфаатнинг барча турлари асосини, – деб ёзади Р. Осгуд, – мавжуд бўлиб қолиш ёки яшаб қолиш ташиқил этади. Чунки бошқа барча манфаатлар ҳамда уларга асосланган мақсадларга эришиш айнан миллий мавжудлик (ҳолати) билан боғлиқ»*. Миллий манфаат ва миллий хавфсизлик бир-бирини тақозо қилувчи тушунчалардир. Р. Аронга кўра, *миллий манфаат келиб-кетувчи ҳукмдорларга уларнинг мақсадлари хавфсизлик ва давлатнинг буюклиги эканлигини эслатиб туради*.

Ҳозирги кунда миллий манфаатнинг давлат фаолияти учун бирдек муҳим ички ва ташқи жиҳатларининг мавжудлиги эътироф этилмоқда. Таниқли олим Ф. Фукуяма ушбу ҳодисанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатига эътиборни қаратиб, *«буғунги кунда ҳеч бир муболағасиз ҳар қандай давлатнинг»*

Миллий манфаатнинг барча турлари асосини мавжуд бўлиб қолиш ёки яшаб қолиш ташкил этади. Чунки бошқа барча манфаатлар ҳамда уларга асосланган мақсадларга эришиш айнан миллий мавжудлик (ҳолати) билан боғлиқ.

**Роберт Осгуд**


асосий «миллий манфаат»и меҳнат унумдорлигига эришиш ва аҳоли жон бошига даромадларнинг ўсиш даражасини таъминлаш билан белгиланади», деб ёзади.

Мазкур ўринда мутахассислар «жамоат манфаатлари» (*public interests, общественные интересы*) тушунчасини келтиришади. Сиёсий реализм вакиллари бу икки тушунчанинг бир-биридан тубдан фарқ қилишини таъкидлайдилар. Унга кўра, жамоат манфаатлари миллий манфаатлардан фарқ қилиб, ички давлат муносабатларига тааллуқли ва жамият фаровонлигини таъминлаш учун қўлланилади.

Миллий манфаат қандай аниқланади? Формал ёндашувга кўра, миллий манфаатлар *сиёсат/хавфсизлик субъектлари* томонидан расман белгиланган давлат ва жамиятнинг англаб етилган *объектив эҳтиёжларидир*. Бу вазифа тегишли ваколатли давлат органларига юкланади ва одатда миллий хавфсизлик концепцияларида ўз аксини топади. Халқаро муносабатлар бўйича таниқли француз олими Ж.-Б. Дюрозелнинг қуйидаги фикрини ҳам келтириш ўринли: «*объектив миллий манфаат тўғрисидаги ҳар қандай мулоҳаза субъективдир*». Реалистик мактаб қарашларига яқин бўлган яна бир ёндашувга кўра, миллий манфаатлар халқаро муносабатларнинг анархистик табиати ва давлатнинг олий истаги, хавфсизлик эҳтиёжидан келиб чиқади. Хавфсизликни таъминлаш, ўз навбатида, кучга эга бўлиш ва уни рационал бошқаришни тақозо этади. Айнан мазкур йўналишда олиб бориладиган сиёсат миллий манфаатларга хизмат қилиши мумкин.

Миллий манфаатлар одатда *ҳаётий муҳим (таянч, фундаментал, доимий), муҳим ва четдаги (периферийный)* турларга бўлинади. Шу билан бирга, қайд қилиш лозимки, миллий манфаатларнинг умумқабул қилинган таснифи мавжуд эмас. Хусусан, Х.Моргентау ўзининг миллий хавфсизлик концепциясига бағишланган кўплаб асарларида турлича иборалардан фойдаланади: бош ва иккиламчи; умумий, ҳаётий, зарурий, доимий, ўзгарувчан ва ҳ.к. Ўзбекистонлик таниқли олим, профессор М.Х.Рахмонкулов миллий манфаатларни ҳаётий муҳим ва одатий/кундалик турларга бўлади. Унинг фикрича, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар фундаментал манфаатлар ва миллий кадриятлардан ташкил топган.

Замонавий миллий хавфсизлик концепцияларида ўз аксини топган формал ёки юридик ёндашувга биноан, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар деганда *шахс, жамият ва давлат манфаатлари йиғиндис*и тушунилади. Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш демакдир. Ҳаётий муҳим манфаатлар миллий хавфсизлик сиёсатининг бош мазмуни ва якуний мақсадини ташкил этади. Сиёсий реализм мактаби вакилларида кўра, уларни барча замонларда мавжуд воситалар, хусусан, куч ишлатиш билан ҳимоя қилиш зарур. Давлат манфаатларининг «*солиштирма оғирлиги*» халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари манфаатларига нисбатан реал устунликка эга.



**Жамоат манфаатлари** миллий манфаатлардан фарқ қилиб, ички давлат муносабатларига тааллуқли ва жамият фаровонлигини таъминлаш учун қўлланилади.

Миллий манфаат – базис, миллий хавфсизлик эса – устқурмадир. Мазкур категориялар ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирда ривожланувчи хавфсизлик сиёсатининг икки босқичини акс эттиради: 1) сиёсатни шакллантириш ва ифода этиш; 2) уни амалга ошириш босқичлари.

**Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизликнинг ўзаро нисбати.** Одатда, шахс/инсон, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжлари «субъективлашув», яъни хавфсизлик субъектлари томонидан англаб етилиши ва тегишли ҳужжатларда ифодаланиши орқали манфаат кўринишига эга бўлади. Бошқача айтганда, манфаат – шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларини субъектив шаклда намоён бўлишидир. Аммо манфаат ўз ҳолича сиёсатда намоён бўла олмайди, у мақсад сифатида белгиланиши лозим. «Мақсад – сиёсатчилар тушунчасидаги миллий манфаатлардир» [Логунов, 2009; Б. 19]. Манфаат ва мақсад ўртасидаги умумийлик шундаки, уларнинг ҳар иккиси жамиятнинг объектив эҳтиёжларини ифодалайди. Уларнинг ўртасидаги фарқ, биринчиси (манфаат) англанадиган/идрок этиладиган, иккинчиси (мақсад) мавжуд ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ёрдамида амалга ошириладиган субъектив фаолиятни назарда тутаяди. Бошқача айтганда, «мақсад – бу ҳаракатдаги манфаатдир» [Бэттлер, 2002; Б. 150-151].

Миллий манфаат – базис (моддий асос), миллий хавфсизлик эса – устқурмадир. Мазкур категориялар ўзаро боғлиқлик ва ўзаро таъсирда ривожланувчи хавфсизлик сиёсатининг икки босқичини акс эттиради: 1) сиёсат (манфаат)ни шакллантириш ва ифода этиш; 2) уни амалга ошириш босқичлари. Манфаат категорияси биринчи, хавфсизлик – иккинчи босқичга тегишлидир. Ушбу маънода миллий хавфсизлик – ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишга йўналтирилган сиёсатдир [Бэттлер, 2002; Б. 154-155].

Демак, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар (хавфсизлик объектлари) – хавфсизлик (сиёсати) субъектлари томонидан англаб етиладиган, тизимга солинадиган, тегишли сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйиладиган, маълум тарихий даврда унинг мавжуд бўлиб қолиши, фаровонлиги ва тараққиётининг зарур ҳамда ҳимоя қилиниши шарт бўлган шахс/инсон, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларидир.

Миллий манфаатларнинг ҳақиқий соҳиби – бу суверен давлатдир. Ўзбекистон, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларига мос равишда ўзининг миллий манфаатларига эга. Ҳаётий муҳим миллий манфаатларнинг кафолатли ҳимояланганлик ҳолати Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг мазмунини ташкил этиб, унинг барқарор ривожланиши шартидир. «Миллий манфаатлар» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонун, «Мудофаа доктринаси» ҳамда мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган.

«Мудофаа тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш мақсадида Қуролли Кучлар ташкил этилади ва сақланади. «Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси»да ташқи сиёсат асоси сифатида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва уларни халқаро майдонда

**Миллий манфаатларнинг ҳақиқий соҳиби** – бу суверен давлатдир. Ўзбекистон, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларига мос равишда ўзининг миллий манфаатларига эга. Ушбу маънода миллий манфаат тушунчасининг амалий аҳамияти дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлатнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

илгари суриш белгиланган. Концепцияга асосан, Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларига, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигига амал қилган ҳолда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Шунингдек, Концепцияда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг асосий устувор йўналиши унинг ҳаётий муҳим манфаатлари чамбарчас боғлиқ бўлган Марказий Осиё минтақаси эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилган.


#### 4.3. Давлат – миллий хавфсизликнинг асосий субъекти

Хавфсизлик субъектлари тизимида давлат марказий ўринни эгаллайди. Давлат – объектив равишда алоҳида сиёсий-ҳуқуқий хусусият, яъни ҳудудий устуворлик ва халқаро муносабатларда мустақилликни белгилаб берувчи суверенитет соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. Суверенлигидан келиб чиқиб, давлат *ipso facto* халқаро ҳуқуқнинг субъектидир.

Давлат халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизлик тизимларида етакчи ўринни эгаллайди. Зеро, хавфсизликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини, куч ва воситаларини яратиш, хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш унинг ваколати доирасини ташкил этади. Миллий манфаат, қайд қилинганидек, суверен давлатгагина хос бўлган жиҳат. У хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни ҳаракатлантирувчи куч сифатида халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари манфаатларига нисбатан реал устунликка эга. Шунинг учун давлатларни ички давлат ва халқаро муносабатларда тизим яратувчи элемент сифатида таърифлаш мумкин.

Ўрта аср мутафаккирлари ҳам хавфсизлик масалаларида давлатнинг ҳал қилувчи ролини алоҳида таъкидлаб ўтишган. Бу борада инглиз мутафаккири Т.Гоббснинг асарлари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг қарашларида давлат муҳим сиёсий кадрият сифатида таърифланади. Гоббс кучли давлат ҳокимияти тарафдори бўлиб, давлатни жамият аъзоларининг ўзаро шартномаси асосида уларнинг тинчлиги ва умумий ҳимояси учун жамиятга тегишли барча куч ва воситалардан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга масъул бўлган «ягона шахс» тимсолида таърифлайди.

Левиафан – «сунъий инсон» – давлатнинг биринчи навбатдаги вазифаси – хавфсизликни таъминлашдир. Унинг фикрича, «токи кишилар уларни қўрқувда тутиб турувчи умумий ҳокимиятсиз яшар эканлар, улар уруш деб аталмиш ҳолатда, яъни барчанинг барчага қарши уруши ҳолатида бўлади». Бу ҳолат, Гоббс таъбири билан айтганда, «табиий ҳолат». Ўзликни сақлаб қолиш ва фаровон ҳаёт кечириш, хавфсизлик тўғрисида қайғуриш, давлат ҳокимияти остида ўзаро ҳаёт кечиришнинг асосий сабаби ва мақсади ҳисобланади.



**Левиафан** – «сунъий инсон» – давлатнинг биринчи навбатдаги вазифаси – хавфсизликни таъминлашдир.

Хавфсизлик субъектлари тизимида **давлат** марказий ўринни эгаллайди. **Давлат** – объектив равишда алоҳида сиёсий-ҳуқуқий хусусият, яъни ҳудудий устуворлик ва халқаро муносабатларда мустақилликни белгилаб берувчи суверенитет соҳиби эканлиги билан ажралиб туради. Суверенлигидан келиб чиқиб, давлат *ipso facto* халқаро ҳуқуқнинг субъектидир.

Давлатнинг асосий белгилари сифатида махсус бошқарув ва мажбурлов аппарати (армия, полиция, суд, солиқ ва бошқалар)га ҳамда ҳуқуқий тасарруфи (судлов ҳуқуқи, юрисдикцияси) жорий этилган ҳудудга ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш ваколатига эгаллик кабиларни келтириш мумкин. Давлат ҳокимияти универсал характерга эга бўлиб, унинг юрисдикцияси фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ташкилот ва корхоналар, давлат ва жамоат ташкилотларига тааллуқлидир.

Демак, давлат – 1) сиёсий тизимнинг асосий элементи бўлиб, унинг расмий вакили, мажбурлов восита ва чораларига таянувчи институт; 2) мамлакат миқёсида фаолият олиб борувчи ҳукуматнинг расмий органлари мажмуаси; 3) халқаро муносабатлар иштирокчиси – халқаро ҳуқуқ субъекти.

Ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш ҳамда умумравнақи йўлида хизмат қилиш **давлатнинг бош ички функцияси**. Жамиятда манфаатлар тўқнашуви юз берганда давлат бош арбитр сифатида иштирок этиб, ижтимоий конфликтларни кескинлаштирмаслик ва уларни тинч йўл билан ҳал этишга интилади.

**Миллатчилик** – миллат айтириш, бир миллатни ҳар томонлама улуғлаш, ўзга миллат(лар)нинг ҳуқуқ, эҳтиёж ва манфаатларини назар-писанд қилмаслик, маданиятини камситиш ва менсимаслик, бир миллатнинг устунлиги ва алоҳидалиги (фавқулоддалиги) ҳамда ўз миллатини ўзга миллатга қарши қўйиш ғоясига асосланган *мафкура ва сиёсат*. Ушбу ўринда «миллатчилик»ни хорижий тиллардаги илмий адабиётларда кенг тарқалган «nationalism» тушунчасига нисбатан салбий маъно касб этувчи тушунча эканлигини қайд қилиб ўтиш лозим.

**Давлатнинг бош ички функцияси** – ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришиш ҳамда умумравнақи йўлида хизмат қилиш.

**Давлатнинг ташқи функцияси** халқаро майдонда ўз манфаат ва мақсадларини амалга оширишга қаратилади. Уларнинг ичида энг асосийлари – миллий хавфсизликни таъминлаш, халқаро муносабатларда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда иштирок этишдир.

Хавфсизликка оид замонавий тадқиқотларда давлатнинг ҳал қилувчи ўрни тегишли тарзда инобатга олинади. Бироқ замонавий хавфсизлик тадқиқотларида давлатнинг хавфсизлик муносабатларининг ягона соҳиби эканлиги ғояси жиддий танқид остига олинмоқда. Давлат қаторида индивид (шахс, инсон), ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, халқлар ва халқаро ҳамжамият хавфсизликнинг муҳим субъектлари ва хавфсизлик объектлари сифатида намоён бўлмоқда.

#### 4.4. Миллий хавфсизликка таҳдидлар

Хавфсизлик тушунчасига берилган анъанавий таърифда хавф ва таҳдидлар унинг асосини ташкил этиши айтилади. Улар шахс, жамият, давлат ва халқаро ҳамжамият ривожининг доимий йўлдоши ҳисобланади. Шу боис, ушбу ҳодисалар ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабабларга ўз вақтида ва етарли даражада эътиборни қаратмаслик, миллатлараро зиддиятлар, ҳокимиятга ишончсизлик, давлатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувини кучайишига ва бошқа кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хавф ва таҳдидларни келтириб чиқарувчи манбаларнинг турли-туманлиги муайян таснифни талаб этади. Хавф ва таҳдидлар қуйидаги белгилари бўйича гуруҳларга ажратилади:


- таъсир кўрсатиш объектларига кўра – ташқи ва ички;
- хавфсизлик соҳалари бўйича (иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, экологик ва ҳ.к.);
- макон ёки кўламига кўра (миллий, минтақавий ва халқаро);
- намоён бўлиш услуби ва шаклларига кўра (баёнот, келажакда хавф туғдириши мумкин бўлган ва ҳимоя чоралари кўрилишини талаб қилувчи шарт-шароитлар мажмуи, аниқ ҳаракатлар ва ҳ.к.);
- манбалари ва ҳаракатлантирувчи кучларига кўра (табiiй, инсон фаолияти билан боғлиқ ва ҳ.к.);
- ижтимоий хавфлилик даражасига қараб (риск, таҳлика, хавф ва таҳдид) ва бошқалар.

Хавф турлари ижтимоий хавфлилик даражасига биноан ушбу кетма-кетликда жойлаштирилган:

**Риск** – хавфсизлик субъектларининг бевосита фаолияти натижасида вужудга келадиган ноқулай ва кўнгилсиз вазиятларни англатувчи хавфнинг энг қуйи кўриниши/тури. Риск доимо қандайдир эҳтимолликни англатади. Субъект (субъектлар) бирор-бир ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ҳамда вужудга келган янги шарт-шароитлар таъсирида риск у ёки бу ҳолатга ўтиши мумкин.


Риск субъект томонидан қабул қилинган муайян қарорнинг натижаси бўлиб, нафақат танлаш, балки истиқболдаги воқеалар ривожини ва маълум йўқотишлар ҳам унинг фаолиятига боғлиқ. Мисол учун, атом электростанциясини (АЭС) қуриш борасида расмий ҳукумат (хавфсизлик субъекти) кутилаётган иқтисодий, сиёсий фойда (дивиденд) билан вужудга келиши мумкин бўлган эҳтимолдаги зарарни қиёсий таҳлил этиш орқали АЭСни қуриш ёки қурмаслик бўйича қарорни қабул қилади. Шунинг учун хавфнинг мазкур турини *хавфсизлик субъектининг «онгли фаолияти» маҳсули* сифатида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, ўзга субъектларнинг фаолияти ҳам бошқа иштирокчилар учун риск сифатида баҳоланади. Масалан, қўшни давлатнинг трансчегаравий дарёда гидротехник иншоотни қуриш бўйича қабул қилган қарори.



**Риск** – одатда хавфсизлик субъектларининг бевосита фаолияти натижасида вужудга келадиган ноқулай ва кўнгилсиз вазиятларни англатувчи хавфнинг энг қуйи кўриниши/тури ҳисобланади.

**Таҳлика** – бевосита муайян таҳдид характериға эға бўлмаса-да, бироқ бартараф этувчи ва олдини олувчи чоратадбирларни амалға оширилишини талаб этувчи ҳолат/ҳодиса/вазият.



**Хавф** – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий ва мунтазам равишда бузилиши, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларини емириш, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зарар етказиш қобилиятига эга эҳтимолдаги (ёки реал) воқеа/ҳодиса/жараён/ҳолат.

**Таҳдид** – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафақат яққол ният, балки хавфсизлик объектига бевосита зиён етказиш қобилияти ва тайёргарлик намоён бўлади.

**Таҳлика** – бевосита муайян таҳдид характериغا эга бўлмасда, бироқ бартараф этувчи ва олдини олувчи чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб этувчи ҳолат/ҳодиса/вазият. Таҳликани бартараф этиш учун узоқ муддатли ва комплекс иқтисодий-ижтимоий, ташкилий-ҳуқуқий, гуманитар ва бошқа турдаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади. Хавфлилик даражасидан келиб чиқиб ишсизлик, наркомания, коррупция каби ижтимоий ҳодиса ва иллатларни ёки уларнинг мажмуини хавфнинг мазкур турига киритиш мумкин.

**Хавф** – шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий ва мунтазам равишда бузилиши, жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларини емириш, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига жиддий зарар етказиш қобилиятига эга эҳтимолдаги (ёки реал) воқеа/ҳодиса/жараён/ҳолат.

Хавф – маълум бир зарар етказиш, яъни хавфсизлик объекти тузилмаси (структураси)нинг ёки бошқа хусусиятларини ўзгартириш орқали унинг чидамлилиқ ва рақобатбардошлиқ салоҳиятини камайтириш эҳтимолидир.

**Таҳдид** – хавфнинг энг олий даражаси бўлиб, унда нафақат яққол ният, балки хавфсизлик объектига бевосита зиён етказиш қобилияти ва тайёргарлик намоён бўлади. Хавфнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, миллий хавфсизлик концепцияларида фақатгина таҳдидлар белгилаб берилади. Бу ҳолат мазкур тур хавфларнинг ўзига хос жиҳати ҳисобланади.

Таҳдид хавфнинг аниқ ва бевосита шаклидир. Таҳдидларнинг предмет хусусиятига эгаллигини, мисол учун, уларнинг жиноят қонунчилигида ўз аксини топганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида агрессия, терроризм, коррупция, одам савдоси каби шахс, жамият ва давлат учун хавфли бўлган жиноят (таҳдид) турлари белгилаб қўйилган.

Таҳдид хавфсизлик субъектига хос муайян манфаатга қаратилган бўлади. У субъектнинг манфаатларни ҳимоя қилишга оид фаолият эркинлигини чеклайди. Ўз вақтида тегишли чора-тадбирларни кўрмаслик хавфсизлик тизимининг емирилишига, давлат ва жамиятнинг инқирозига олиб келиши мумкин.

Таҳдидлар одатда халқаро муносабатлар ва жамиятдаги мавжуд зиддиятлар негизида вужудга келади. Зиддиятлар муқим, доимий бўлмаганлиги учун турли ички ва ташқи омиллар таъсирида ўз моҳияти ва йўналишини ўзгартириб туради. Хавф ва таҳдидларга қарши курашнинг самарадорлиги, авваламбор, уларни келтириб чиқарувчи бирламчи сабабларни аниқлашда намоён бўлади.

Бевосита таҳдидларга қарши кураш уларнинг оқибатлари билан кураш демакдир. Бу каби фаолият фақатгина вақтинча самара беради, муаммоларнинг ечимини қисман таъминлайди, бироқ хавф манбаи сақланиб қолаверади. Муайян шарт-шароитлар ва омиллар таъсирида у янги хавф ва таҳдидларни келтириб чиқаради. Хавф манбалари ва уларнинг намоён бўлиш шакллари бир бутун уйғунликда ва тизим сифатида кўришгина

уларга қарши курашда самара бериши мумкин. *Таҳдидларга қарши кураш – бу асосан мудофаа, уларнинг манбаларига қарши кураш эса стратегик ҳужумдир* (А. Першин).

### **Назорат саволлари ва топшириқлар:**

1. «Миллий хавфсизлик» тушунчасининг мазмун ва моҳияти борасида ўз фикрингизни баён қилинг.
2. Сизнинг назарингизда миллий хавфсизлик тушунчаси яна қандай элементларни қамраб олиши лозим?
3. Ўзбекистон Республикасининг ҳаётий муҳим миллий манфаатлари нималардан иборатлигини аниқланг. Агар уларга ўзгартиришлар киритиш лозим бўлса, Сиз нималарни киритган ва уларни қандай талқин қилган бўлар эдингиз?
4. Хавфсизлик назариясида «субъект» ва «актор» атамаларининг ўзаро нисбатини таҳлил қилинг.
5. «Бир вақтнинг ўзида шахс, жамият ва давлат хавф ва таҳдидларнинг субъекти ва объекти бўлиши мумкин», деган тезисни Сиз қандай тушунасиз? Уларни изоҳлаб беришга ҳаракат қилинг.
6. Миллий хавфсизликка таҳдидлар таснифини келтиринг ва уларни муҳокама қилинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бэттлер А. Национальные интересы, национальная безопасность и международная безопасность // Полис. № 4, 2002. – С. 146-159.
2. Логунов А.Б. Региональная и национальная безопасность: Учебное пособие. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 432 с.
3. Общая теория национальной безопасности: Учебник / Под общ. ред. А.А. Прохожева. – Изд. 2-е, доп. – М.: Изд-во РАГС, 2005. – 344 с.
4. Рахманкулов М.Х. Актуальные проблемы развития конституционно-правовых основ внешней политики Республики Узбекистан в условиях демократического обновления страны - Т.: УМЭД, 2015. – 132 с.
5. Турсунов А.С., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т., 2004. – 47 б.
6. Arnold Wolfers. «National Security» as an Ambiguous Symbol // Political Science Quarterly, No 4, Vol LXVII, December 1952, pp. 481-502.
7. David A. Baldwin. The Concept of Security // Review of International Studies, No 23, 1997.

**Сепаратизм** – ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш; одатда, кўп миллатли давлат таркибидаги миллий озчилик (вакиллари)нинг ажралиб чиқиш ва янги мустақил давлат тузишга ёки миллий (давлат) автономияга эга бўлишга интилиши. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан, ШХТнинг «Терроризм, сепаратизм ва экстремизм билан кураш тўғрисида»ги конвенциясида сепаратизмнинг «давлатнинг ҳудудий яхлитлигини бузиш», «давлатнинг дезинтеграцияси»га қаратилган жиҳатлари қайд қилиб ўтилади. Айрим давлатларнинг конституцияларида «худудий сепаратизм»га нисбатан чақирқиқлар конституциявий тузумга тажовуз сифатида баҳоланади (мисол учун, Молдова Республикаси Конституцияси, 32-модда).

## 5-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ТУРКУМИ



**Резюме.** Хавфсизлик туркумининг таркибий қисмлари сифатида *миллий хавфсизликнинг тизимости элементлари* (шахс, жамият ва давлат), *соҳалари* (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва бошқа) ҳамда *даражалари* (миллий, минтақавий ва халқаро)ни киритиш мумкин. Қайд қилиб ўтилган элементлар йиғиндиси ва уларнинг ҳар бири алоҳида тарзда мустақил тизимни ва табиийки, мустақил тадқиқот предметини ташкил этади.

Анъанавий деб қабул қилинаётган ушбу элементлар аввалги маърузаларда ҳам муҳокама қилинганидек, муайян эволюцион жараённинг натижасидир. Миллий хавфсизлик туркумини ташкил этувчи элементлар доираси ва фаолият кўлами доимий равишда кенгайиб боради. Хавфсизлик субъекти ва объекти давлат ва унинг анъанавий манфаатлари доирасидан чиқиб, шахс ва жамият ҳамда уларнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобига бойиди.

**Таянч сўзлар:** миллий хавфсизлик туркуми, миллий хавфсизликнинг тизимости элементлари, шахс ва инсон хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги, давлат хавфсизлиги, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий субъектлари, миллий хавфсизлик соҳалари, хавфсизлик даражалари.

### 5.1. Миллий хавфсизлик соҳалари

Халқаро муносабатларнинг ривожини ҳамда давлат ва жамиятнинг объектив эҳтиёжларининг кенгайиши шароитида миллий хавфсизликнинг янги соҳалари ҳарбий-сиёсий соҳа ҳукмронлигини енгиб ўтиб, давлат хавфсизлик сиёсатининг кун тартибига чиқди.

Умумназарий жиҳатдан соҳа – инсон фаолияти, илм-фан, маданият ва шу кабиларнинг муайян бир тармоғи ҳамдир. Миллий хавфсизлик соҳаси, ривожланиб келаётган йўналиш саналиб, хавфсизлик муносабатларининг сифат жиҳатдан хусусий аҳамият касб этувчи тармоғи, тури ҳисобланади.

Миллий хавфсизлик соҳаси хавфсизликнинг нисбатан мустақил тармоғи, йўналиши. Ўзига хос ижтимоий муносабатлар тизими ҳамда уларни тартибга солувчи сиёсий-ҳуқуқий нормалар мажмуи; хавфсизлик объекти ва субъектлар гуруҳи; куч ва воситалар; кадрият ва меъёрларнинг мавжудлиги хавфсизлик соҳасининг муҳим таркибий қисмларига киради. Мазкур элементларнинг ҳар бири хавфсизлик соҳасини таснифлашда муҳим ўрин тутади.

Хавфсизлик туркумининг таркибий қисмлари сифатида миллий хавфсизликнинг тизимости элементлари (шахс, жамият ва давлат), соҳалари (сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, ахборот ва бошқа) ҳамда даражалари (миллий, минтақавий ва халқаро)ни киритиш мумкин.

Ушбу йўналишдаги илк методологик уриниш, шубҳасиз, Барри Бузанга тегишли. У «алоқадорликнинг ўзига хос турлари» ҳамда алоҳида хавфсизлик объектларининг мавжудлигига асосланиб, хавфсизликни муайян секторларга бўлади. Шунингдек, у хавфсизликни нафақат давлат, балки барча инсон гуруҳларига хослигини таъкидлаб ўтади. Б.Бузанга кўра:

*ҳарбий сектор* – куч ишлатиш (мудофаа ёки ҳужум қилиш)га оид муносабатларни қамраб олади. Бузан ҳарбий хавфсизликни хавфсизлик тадқиқотларининг алоҳида йўналиши сифатида кўриб, уни стратегик тадқиқотлар деб номлайди;

*сиёсий сектор* – ҳокимиятни амалга оширишга оид муносабатлар: давлатнинг ташкилий барқарорлиги, ҳокимият тизими ва уларнинг легитимлигини таъминлаб берувчи мафкуралар;

*иқтисодий сектор* – давлатнинг иқтисодий қудрати ва фаровонлигини мақбул даражада ушлаб туришни таъминловчи ресурслар, молия ва бозорга эга бўлишга оид муносабатлар;

*жамият сектори* – тил, маданият, дин ва миллий ўзликни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга оид муносабатлар;

*атроф-муҳит хавфсизлиги* – инсон фаолияти ва биосфера ривожланишининг алоқадорлигига оид муносабатлар.

Жамият ҳаётининг ривожланиб бориши шароитида хавфсизлик соҳалари доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Соҳалар хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида миллий хавфсизликка оид концепция ва стратегияларда ўз аксини топади. Хавфсизликнинг ҳар бир даражаси учун муайян соҳаларнинг хослигини қайд қилиб ўтиш мумкин.

Шу билан бирга, таъкидлаб ўтиш лозимки, жамият ҳаётининг тез суръатлар билан ривожланиши, муайян масалаларнинг хавфсизлик субъекти учун ҳаётий муҳим аҳамият касб этиб бориши (мисол учун, давлат тили мавқеини мустаҳкамлаш, ахборот инфратузилмаси ҳимоя тизимини яратиш, мамлакатда инвестицион муҳитни соғломлаштириш ва ҳ.к.) натижасида миллий хавфсизликнинг устувор йўналишлари кўлами кенгаймоқда.

Бироқ ҳар қандай жамиятдаги мавжуд соҳалар ва миллий хавфсизлик соҳалари мутаносиб эмас. Кейингиси сон ва фаолият кўлами бўйича биринчисига қараганда торроқ, яъни ҳар қандай алоҳида олинган соҳа миллий хавфсизлик соҳаси деб кўрилмайди. Бирор бир соҳани миллий хавфсизликнинг устувор йўналиши деб белгилаш учун албатта секьюритизация жараёни амалга оширилиши лозим. Ушбу соҳаларнинг расмий (формал) рўйхати миллий хавфсизлик тўғрисидаги тегишли қонун, концепция ва стратегияларда ўз аксини топади.

Миллий хавфсизликнинг ҳар бир соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг муайян жиҳатларидан келиб чиқиб, шартли равишда мувофиқлаштирувчи, хавфсизликнинг моддий ва маънавий асосини белгиловчи соҳаларга бўлиш мумкин.

Хавфсизлик бешта секторга бўлинади: сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, жамият, атроф-муҳит.

Миллий хавфсизлик соҳаларини шартли равишда мувофиқлаштирувчи, хавфсизликнинг моддий ва маънавий асосини белгиловчи соҳаларга бўлиш мумкин.

## Хавфсизлик асослари

«Миллий хавфсизлик тизими» миллий хавфсизликнинг таркибий қисмлари жойлашуви, уларнинг ўзаро алоқаси ва энг муҳими миллий хавфсизликнинг *ички тузилишини* англатади.

Жумладан, сиёсий хавфсизлик *предметини ҳокимият муносабатлари* ташкил этади. Шу боис, сиёсий хавфсизлик миллий хавфсизлик тизимида устқурмавий, ташкил этувчи, мувофиқлаштирувчи ва бирламчи соҳа сифатида намоён бўлади. Ёки иқтисодий хавфсизлик ҳамда унга турдош бўлган энергетик хавфсизлик, молиявий хавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқаларни миллий хавфсизликнинг моддий соҳалари, деб баҳолаш мумкин.

Хавфсизликни соҳаларга ажратиш уни таҳлил қилишнинг самарадорлигини оширади. Бир бутунни, яъни миллий хавфсизликни алоҳида хусусий қисмларга ажратишдан мақсад ушбу тизим таркибий элементларининг мураккаб табиати ва алоқадорлигини тушуниш ва тадқиқ этиш ҳамда хавфсизлик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш самарадорлигини таъминлаш билан изоҳланади.

Хавфсизлик туркумини ташкил этувчи элементлар ўзаро таъсирга эга муайян тизимни ташкил этади. Шу боис *тизимли ёндашув* хавфсизлик масалаларини ўрганиш ва тадқиқ этишнинг самарали услуби сифатида кўрилади. Ушбу ёндашувга кўра, ҳар қандай тизим уни ташқи муҳитдан ажратиб турувчи, муайян даражада аниқ белгиланган чегараларга эга. Тизимли ёндашув хавфсизликни бир бутун ҳодиса сифатида таҳлил этади.

Хавфсизлик соҳаларидан фарқли ўлароқ, хавфсизлик даражаларига муайян иерархия хос. Хавфсизлик даражаларининг узвий боғлиқлиги универсал коллектив хавфсизлик тизимини яратади.

**Хавфсизлик даражаси** – хавфсизликнинг нисбатан мустақил ва автоном «кесими». Хавфсизлик даражалари – миллий, минтақавий, халқаро ва глобал хавфсизлик – ўзига хос туркумини ташкил этади. Ҳар бир даража барқарор, аҳамиятли ва мустақил элементларга эга. Хавфсизлик динамикаси, яъни муайян хавфсизлик даражаси доирасидаги ривожланиш ва ўзгариш улар учун хусусиятли бўлган омиллар таъсирида юз беради. Бироқ хавфсизлик даражасининг нисбатан автономлиги унинг мустақиллиги ёки алоҳидаликни англатмайди. Хавфсизлик ўзаро боғлиқ элементлардан ташкил топган қардош ҳодисадир. Миллий хавфсизлик, яъни хавфсизликнинг энг қуйи даражаси минтақавий ва халқаро хавфсизликдан айри ҳолда тушунилиши ва самарали таъминланиши мумкин эмас. Хавфсизлик соҳаларидан фарқли ўлароқ, хавфсизлик даражаларига муайян иерархия (бўйсунуш) хос. Хавфсизлик даражаларининг узвий боғлиқлиги универсал коллектив хавфсизлик тизимини яратади. Ушбу тизимнинг институционал асосини БМТ ташкил этади.

## 5.2. Шахс ва инсон хавфсизлиги

Замонавий хавфсизлик тадқиқотларида инсон ва/ёки шахс хавфсизликнинг анъанавий объекти сифатида эътироф этилади. Бироқ давлатлараро тизим доирасида доим ҳам шундай бўлмаган. Инсон омилининг халқаро ҳаёт ва сиёсат саҳнасига чиқиши инсоният тарихининг ривожланиши билан узвий боғлиқ ҳолда кечди. Бутун инсониятга хавф туғдираётган глобал муаммоларнинг пайдо бўлиши, трансчегаравийлик, бошқача айтганда, давлатлар, халқлар, миллатларнинг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши 21-асрга келиб, инсон омилининг муҳимлигини белгилади ва уни давлат сиёсати кун тартибига қўйди.

Шахс ва инсон, табиийки, уларнинг хавфсизлиги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Файласуфлар шахсни алоҳида индивид, моҳиятан яхлит ижтимоий-ахлоқий олам, деб таърифлашади. У ўзида инсон моҳиятини, унинг мавжудот сифатидаги қадриятини мужассам этади. Шахс тушунчаси инсон тушунчасининг юксак кўриниши, олий мақоми сифатида эътироф этилади.

Шахс ижтимоий муносабатларнинг фаол субъектидир. Айнан ижтимоийлашув жараёни, муайян ижтимоий хусусиятларга эгаллик шахсни, индивидни ижтимоий мавжудот ва жамият аъзоси сифатида тавсифлайди. Шу маънода, унинг моҳиятини ижтимоий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Шахс тушунчаси ижтимоий-гуманитар фанларда ўз йўналиши, тадқиқот объекти ва мақсади нуқтаи назаридан турлича талқин этилади. Жумладан, ҳуқуқий фанлар доирасида шахс тушунчаси жисмоний шахслар жамиятдаги барча инсонларни, яъни фуқаролар, хорижий давлат фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни англатади. Шахс маълум ижтимоий хусусиятларга эга бўлади. Мисол учун, шахснинг эркинлиги ва дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шахсни шартли равишда муайян жамиятга, мамлакатга, ижтимоий гуруҳга мансуб индивид, фуқаро сифатида баҳолашимиз мумкин. Бунда формал ёндашув шахсни тавсифлашда муҳим саналади. Инсон эса, умумбашарий аҳамият ва қўлланишга оид тушунчадир.

*Шахс хавфсизлиги* – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи; шахснинг ҳаётининг муҳим манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизликка оид қонунчилигига мувофиқ, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари унинг ҳаётининг муҳим манфаатларини ташкил этади. Конституциявий ҳуқуқда инсон ҳуқуқлари, одатда, шахсий (халқаро ҳуқуқда – фуқаролик), сиёсий, иқтисодий, маданий, экологик ҳуқуқ гуруҳларига бўлинади.

**Шахс хавфсизлиги** – шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминловчи шарт-шароитлар мажмуи; ёки шахснинг ҳаётининг муҳим манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати.

**Инсон хавфсизлиги** – энг муҳим инсон ҳуқуқлари ва фундаментал эркинликларини ҳимоя қилиш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг зарурий шартини эканлигини ёқловчи қарар.

**Шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари** – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш; шахсий ва мулкӣ хавфсизликни таъминлаш; шахснинг маънавий ва интеллектуал камол топишини ҳамда ўзлигини намоён этиши; инсон ҳаёти ва фаолияти учун, соғлигини муҳофаза қилиш учун мақбул экологик шарт-шароитни таъминлаш ва бошқалар.

Инсон хавфсизлиги универсал аҳамиятга эга; таҳдидлар барча учун ҳамма ерда умумий; таҳдидлар фақатгина давлат чегаралари доираси билан чекланиб қолмайди.

*БМТ Ривожланиш дастурининг 1994 йилги Инсон ривожланиши маърузаси*

Бироқ хавфсизлик предметидан келиб чиқиб, шахснинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари ҳам хавфсизлик объекти ёки шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари тарзида кўрилмаслиги мумкин. Шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари тизими миллий хавфсизлик концепциялари ёки стратегияларида ўз аксини топади. Шахснинг ҳаётий муҳим манфаатлари сифатида қуйидагиларни қайд этиб ўтиш мумкин: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш; шахсий ва мулкӣ хавфсизликни таъминлаш; шахснинг маънавий ва интеллектуал камол топишини ҳамда ўзлигини намоён этиши; инсон ҳаёти ва фаолияти учун, соғлигини муҳофаза қилиш учун мақбул экологик шарт-шароитни таъминлаш ва бошқалар.

Шахс хавфсизлигига муҳим таҳдидлар сифатида аҳоли ишсизлик даражасининг юқорилиги, иқтисодий имкониятларнинг мавжуд эмаслиги ёки нотенг тақсимланиши, атроф-муҳит деградацияси, гиёҳвандлик даражасининг баландлиги ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Шахс хавфсизлиги жамият ва давлат хавфсизлиги билан бирга миллий хавфсизликнинг тизимости элементи ҳамдир. Шунинг учун миллий хавфсизликнинг самарали таъминланиши бевосита мазкур учлик манфаатларининг мувозанати билан узвий боғлиқ кечади.

Глобаллашув, миграция, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби жараёнларнинг кучайиши ва кўламининг кенгайиши шароитида давлатлараро муносабатларда инсон омилининг аҳамияти ортиб боради.

БМТнинг Ривожланиш дастури инсон хавфсизлиги концепциясининг оммалашувида муҳим роль ўйнади. Дастурнинг 1994 йилги Инсон ривожланиши маърузасида мазкур концепциянинг ўзига хос жиҳатлари очиб берилди: инсон хавфсизлиги универсал аҳамиятга эга; таҳдидлар барча учун ҳамма ерда умумий; таҳдидлар фақатгина давлат чегаралари доираси билан чекланиб қолмайди. У ушбу концепция инсонга қаратилган (*people-centred*) ва унинг марказида инсон эҳтиёжлари ётади.

Маърузада инсон хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган хавфсизликнинг иқтисодий, озиқ-овқат, экологик ва сиёсий соҳалари алоҳида ажратиб кўрсатилди. Асосий таҳдидлар сифатида аҳолининг назоратсиз ёки тартибсиз ошиб бориши, ижтимоий-иқтисодий нотенглик, атроф-муҳит деградацияси, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва бошқалар қайд этиб ўтилади.

Шунингдек, оғир халқаро жиноятлар, хусусан, геноцид, инсониятга қарши жиноятлар инсон хавфсизлигини таъминлаш кесимида халқаро ҳамжамият аъзолари томонидан «гуманитар интервенция» концепциясини қўллаб-қувватловчилар сонининг ошишига олиб келди.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиб ўтиш мумкинки, шахс ва инсон хавфсизлиги ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчи тушунчалардир. Одатда, шахс хавфсизлиги тўғрисида сўз кетганда, аввало, алоҳида олинган давлат фуқаролари тушунилади. Инсон хавфсизлиги универсал маъно касб этиб, давлат чегаралари билангина чекланиб қолмайди. Инсон хавфсизлиги умумбашарий ёндашувни талаб этади.

### 5.3. Жамият хавфсизлиги

Жамият хавфсизлиги – хавфсизлик тадқиқотлари ва миллий хавфсизликнинг нисбатан мураккаб категорияси ва тизимости элементи саналади. Ушбу ҳолат жамиятнинг кўп унсурлардан ташкил топган ижтимоий организм, яъни одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, ҳуқуқий, мафқуравий ва бошқа муносабатлар ҳамда тарихан таркиб топган оила, дин, давлат каби ижтимоий институтларнинг мажмуаси эканлигидан келиб чиқади.

Жамият ижтимоий тузилишига кўра, муайян ижтимоий қатлам, тоифа, табақа ва гуруҳлардан ташкил топган. Инсонлар фаолияти ва улар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жамиятнинг асосий мазмунини ташкил этади. Булар оилавий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик фаолият ва уларга мос келувчи муносабатлардир. Жамиятдаги ҳамма нарса (моддий ва маънавий бойликлар, инсонлар ҳаёти учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва бошқа) муайян фаолият натижасида яратилади ва амалга ошади.

Жамият ҳаёти, инсонлар фаолият йўналишидан келиб чиқиб, тегишли соҳаларга ажралади. Хусусан, иқтисодий соҳа моддий бойликларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишни ўз ичига олади. Ижтимоий соҳа жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, табақалар, тоифалар ҳамда миллий бирликлар, уларнинг ижтимоий ҳаёти ва фаолиятини уйғунлаштиради. Сиёсий соҳа турли ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг ўз сиёсий фаолиятини амалга оширувчи макон бўлиб, уларнинг фаолияти жамиятда ўрнатилган сиёсий муносабатлар асосида муайян сиёсий манфаатларни амалга оширишга қаратилади. Хавфсизлик соҳаси, ўз навбатида, жамият аъзолари ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишни қамраб олади.

Қайд қилиб ўтилган муносабатлар ва институтлар мажмуи жамиятнинг сиёсий тизимини яратади. Шубҳасиз, ушбу тизимнинг марказий элементи, энг муҳим сиёсий институти ва бош бўғини – бу, давлат ҳисобланади. Жамиятнинг сиёсий тизими ҳар бир мамлакатнинг мавжуд шарт-шароитлари бағрида шаклланади ва мамлакат конституциясида ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилади.

**Геноцид** – ирқи, миллати, дини, этник ва бошқа хусусиятларини сабаб қилиб аҳолининг алоҳида бир гуруҳини ёки бутун бир халқни қисман ёки бутунлай қириб ташлаш.

**Жамият хавфсизлиги** – хавфсизлик тадқиқотлари ва миллий хавфсизликнинг нисбатан мураккаб категорияси ва тизимости элементи.

## Хавфсизлик асослари

Жамият хавфсизлиги жамоат ташкилотлари, ҳуқуқий нормалар ҳамда тегишли шарт-шароитлар шаклланишини кафолатловчи тараққий топган ижтимоий онгни ҳамда ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини тақозо этади.

Жамиятнинг иқтисодий (моддий), маънавий-ахлоқий, сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожланишининг тараққиёти, демократлашуви ҳамда сифат ўзгаришларининг юз беришига олиб келади. Мавжуд шарт-шароитлар, ўз навбатида, жамият ҳамда шахс ва давлат манфаатларини самарали амалга оширишга замин яратади.

Жамият хавфсизлиги жамоат ташкилотлари, ҳуқуқий нормалар ҳамда тегишли шарт-шароитларнинг шаклланишини кафолатловчи тараққий топган ижтимоий онгни ҳамда ижтимоий муносабатларнинг барқарорлигини тақозо этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, жамият хавфсизлигини формал тарзда қуйидагича изоҳлаш мумкин:

- миллий хавфсизликнинг муҳим тизимости элементи;
- жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари – маънавий кадриятлари ва моддий бойликларининг ҳимояланганлик ҳолати;
- жамият манфаатларини таъминлаш ва муҳофаза қилишга хизмат қилувчи тегишли (ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа) шарт-шароитларнинг мавжудлиги.

Хавфсизлик субъектларининг асосий учлиги – шахс, жамият, давлат ва уларнинг манфаатлари тизимида жамият хавфсизлиги асосан коллектив ва бошқа икки субъектни ўзаро боғловчи бўғин сифатида намоён бўлади. Коллектив жиҳати шундаки, жамият хавфсизлиги доирасида барча ижтимоий гуруҳларга, миллатга, халққа тегишли бўлган, жамият барча аъзоларининг объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланадиган ҳаётий муҳим манфаатлар киради. Хусусан:

- миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш;
- аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантириш ҳамда сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш;
- миллатнинг маънавий тикланишини ва миллий ўзликни англашнинг ўсиб боришини таъминлаш;
- жамиятнинг интеллектуал, маърифий, маданий салоҳиятини ривожлантириш ва бошқалар.

Ушбу манфаатларни амалга ошириш ва жамият тараққиётига ғов бўлиб турган ҳолатлар жамият хавфсизлигига таҳдид ҳисобланади. Жумладан:

- муайян халқнинг тарихи, маданий ва маънавий кадриятларини бузиб кўрсатиш;
- жамиятнинг ҳуқуқий ва маънавий асосларини, фуқаролар тинчлиги, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни емириш мақсадини кўзлаган фаолият;
- жамиятда ижтимоий-сиёсий мувозанатнинг бузилиши ва бошқалар.

**Жамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатлари** – миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш; аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва онгини шакллантириш ҳамда сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш; миллатнинг маънавий тикланишини ҳамда миллий ўзлигини англашнинг ўсиб боришини таъминлаш; жамиятнинг интеллектуал, маърифий ва маданий салоҳиятини ривожлантириш ва бошқалар.

**Моддий бойлик, моддий неъмат** – муайян инсоний эҳтиёжларни қондирадиган нарса, ҳодиса, меҳнат маҳсулоти; миллий бойликнинг таркибий қисми. Табиатдаги табиий инъомлар (масалан, ер, ҳаво, иқлим ва бошқа); ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бинолар, иншоотлар, машиналар ва бошқалар).

Жамият хавфсизлигининг боғловчи функцияси жамият аъзоларининг манфаат ва эҳтиёжларини амалга оширишга хизмат қилувчи жамоат ташкилотлари ҳамда сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиши ва давлат ҳокимиятини бошқаришда қатнашиш имкониятини берувчи сиёсий партиялар фаолиятида намоён бўлади.

Жамият шахс ва давлат хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос материя ролини бажаради. Айнан муайян жамият доирасида ижтимоий, маънавий-ахлоқий хулқ-атвор қоидалари, тегишли институтлар яратилади, турли ижтимоий, диний, этник ва бошқа гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар шаклланади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тараққиёт даражаси ва сифат кўрсаткичи шахс, жамият ва давлат барқарорлигининг муҳим мезонидир.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида «шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ўзаро мувозанатига риоя қилиш» хавфсизликни таъминлашнинг асосий принципларидан бири сифатида мустақамлаб қўйилган.

**Қадрият** – воқелиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча. Инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган барча нарсалар, масалан, эркинлик, тинчлик, адолат, ижтимоий тенглик, маърифат, ҳақиқат, моддий ва маънавий бойликлар ва бошқалар қадрият ҳисобланади. .... Қадриятлар ижтимоий-тарихий тараққиёт маҳсули сифатида ўз тарихий илдиизи, ривож, ворислик жиҳатларига эга. ... Қадриятлар умумбашарий, миллий, минтақавий, шахсий бўлиши мумкин.

*Қиёмиддин Назаров*

#### **5.4. Давлат хавфсизлиги**

Давлат хавфсизлиги хавфсизлик тадқиқотларининг муҳим ва икки асосли тушунчаларидан бири: тор (ёки формал/расмий) маънода шахс ва жамият хавфсизлиги билан бирга миллий хавфсизликнинг *тизимости элементини* ташкил қилади; кенг



**Давлат хавфсизлиги** – хавфсизлик тадқиқотларининг муҳим ва икки асосли тушунчаларидан бири бўлиб, тор (ёки формал/расмий) маънода шахс ва жамият хавфсизлиги билан бирга миллий хавфсизликнинг *тизимости элементини* ташкил қилади; кенг маънода давлатнинг умумий хавфсизлигини таъминлашни аниқлаб, «миллий хавфсизлик» тушунчасига синоним сифатида кўрилади.



маънода давлатнинг умумий хавфсизлигини таъминлашни англатиб, «миллий хавфсизлик» тушунчасига синоним сифатида кўрилади.

Одатда давлат хавфсизлигининг асосий объекти ёки ҳаётий муҳим манфаатларини *конституциявий тузум, давлат суверенитети* ва *ҳудудий яхлитлик* ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунида унга қуйидагича таъриф берилади: «*Давлат хавфсизлиги – Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг ва бошқа давлат манфаатларининг ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди*» (4-модда).

*Давлат манфаатлари (Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари), ўз навбатида, жамиятда қонун устуворлигини, хавфсизлик ва барқарорликни, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлашга бўлган давлатнинг англанган эҳтиёжлари сифатида белгиланади.*

**Конституциявий тузум**, конституциявий ҳуқуқда кенг тарқалган таърифга кўра, давлат конституцияси ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўрнатилган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тизимидир. Мамлакат асосий қонунида ўз аксини топган халқ ҳокимиятчилиги (халқ суверенитети), ҳокимиятларнинг бўлиниши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг олий қадрият сифатида тан олинганлиги конституциявий тузумнинг зарурий белгилари саналади. Хавфсизлик тадқиқотларида конституциявий тузум давлат хавфсизлигининг ҳаётий муҳим манфаати сифатида кўрилади.

**Давлат суверенитети** – давлат (қонунчилик, ижро ва суд) ҳокимиятини унинг бутун ҳудудида тўла устунлиги ва ҳукмронлигини ҳамда ҳар қандай бошқа давлатдан мустақиллигини англатувчи сиёсий-ҳуқуқий тушунча. Суверенитет давлатнинг муҳим белгиси ва ажралмас хусусиятидир. Суверенитет давлатнинг халқаро муносабатлардаги мустақил мақомини ва иштирокини белгилайди. Ушбу қараш халқаро ҳуқуқнинг қатор умумэътироф этилган нормаларида, хусусан, давлатларнинг суверен тенглиги, давлат суверенитетини ўзаро ҳурмат қилиш, давлатларнинг бошқа давлатнинг ички ишларига аралашмаслиги каби принципларда ўз аксини топган.

Давлат суверенитети ғояси Ғарбий Европа уйғониш даври мутафаккири Жан Боденга тегишли бўлиб, у давлат суверенитетига абадий, мутлақ, бўлинмас олий ҳокимият сифатида қараган эди.

Давлат хавфсизлигининг асосий объекти ёки ҳаётий муҳим манфаатларини *конституциявий тузум, давлат суверенитети* ва *ҳудудий яхлитлик* ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида давлат суверенитети алоҳида бобда ўз ифодасини топган. Конституциянинг 1-моддасида «Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат» эканлиги қайд қилинган. Хавфсизлик тадқиқотларида давлат суверенитети давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан бири ҳамда хавфсизликка оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини белгиловчи омил сифатида қайд қилинади.



**Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги** – давлат ҳудудининг бир бутунлиги, бўлинмаслиги ва дахлсизлигини ифодаловчи тушунча. Ҳудудий яхлитликнинг таъминланганлиги халқаро муносабатларнинг барқарорлиги ҳамда жамият ва давлат тараққиётининг зарурий шarti ҳисобланади. Шу боис у замонавий халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси, яъни қатъий, ўзгармас ва олий юридик кучга эга бўлган қондаси сифатида эътироф этилади.

Давлат ҳудудига қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, хусусан, ҳудудни зўравонлик билан босиб олиш, қўшиб олиш ёки бўлиб юборишга нисбатан қатъий тақиқларнинг мавжудлиги ушбу принципнинг моҳиятини белгилайди. Ҳудудий яхлитлик сиёсий мустақиллик ва миллий бирлик каби сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар билан уйғун тарзда кўрилади. БМТ Низомида аъзо-давлатлар «*ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан*, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирор-бир тарздаги ҳаракатлардан *ўзларини тиядилар*», деб белгилаб қўйилган (2-модда 4-банд).

Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияда (1970) давлатлар «*ҳар қандай бошқа давлат ёки мамлакатнинг миллий бирлиги ва ҳудудий яхлитлигини қисман ёки тўлиқ бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийишлари*» мустаҳкамлаб қўйилган. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки Яқунловчи акти (1975) иштирокчи-давлатларга бир-бирларининг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини юклайди. Шундай экан, ҳудудий яхлитликни таъминлаш ҳар қандай мустақил давлатнинг устувор вазифасига киради.

Мустақил Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг аъзоси ва халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида унинг норма ва принципларига риоя қилиши ҳамда миллий қонунчилигида белгилаб қўйиши унинг халқаро саҳнадаги мавқеини янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Мазкур фундаментал конституциявий-ҳуқуқий қадрият миллий манфаатлар тизимида ҳаётий муҳим давлат манфаати сифатида Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида, хусусан, «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунда (4-модда) ўз аксини топган. Давлат ва жамиятнинг бошқа фундаментал негизлари

**Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги** – бу давлат ҳудудининг бир бутунлиги, бўлинмаслиги ва дахлсизлигини ифодаловчи тушунча.

**Давлат хавфсизлигининг муҳим омили ёки мезони** – бу ҳокимият вертикалининг мустақамлиги ҳисобланади.

2018 йил 5 апрелда имзоланган «**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида**»ги Қонун модаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгиланди.

барқарорлиги бевосита унинг самарали ҳимоясини таъминланганлиги билан узвий боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг мустақамланиши, авваламбор, унинг давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, инсонларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашга йўналтирилганлиги билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлик принципини қўлланишига қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

**Давлат хавфсизлигини таъминлашнинг асосий субъектлари.** Давлат хавфсизлигининг асосий субъектларини биринчи навбатда, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти, ваколатли давлат органлари (махсус хизматлар, ички ишлар, мудофаа вазирлиги ва бошқалар) ҳамда жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ва индивид ташкил этади.

Давлат хавфсизлигининг муҳим омили ёки мезони – бу ҳокимият вертикалининг мустақамлиги ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Олий Мажлис миллий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларини белгилаб беради ва унга оид қонунчилик асосини яратади. Ижро ҳокимияти «барча бошқарув тизимининг марказий элементи» сифатида миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми ҳисобланган ташқи ва ички сиёсатни амалга оширишни ташкил этади ва назоратини олиб боради; куч ва воситалар тизимини яратади; мамлакат ҳарбий қурилишини амалга оширади; мудофаа қобилиятини мустақамлашни ҳамда бу борада ижро ҳокимияти тизимини ташкил этувчи органлар фаолиятининг бирлигини таъминлайди.

Судларнинг фаолияти қонуннинг устуворлигини таъминлаш ва конституциявий тузумни муҳофаза қилишга қаратилган. Суд органлари «мувозанатда сақлаш ва тийиб туриш» принципидан келиб чиқиб, хавфсизлик субъектлари, аввало, давлат органларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти натижасида фуқаролар, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, «миллий хавфсизликнинг тузилиши ёки тизими» тушунчаси хавфсизликнинг таркибий қисмлари жойлашуви, уларнинг ўзаро алоқаси ва миллий хавфсизликнинг *ички тузилишини* англатади. Мазкур тушунчанинг асосий элементлари сифатида шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги (тизимости элементлари)ни ҳамда соҳа ва даражаларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шу билан бирга, хавфсизликнинг барча соҳа ва даражалари умумий ҳолда хавфсизликнинг ягона бирлиги – унинг бўлинмаслигини англатади. Хавфсизлик соҳа ва даражаларга ажратилишига қарамасдан, ягона ички бирликка эга. Хавфсизликнинг мақсадига уни ташкил этувчи элементларнинг бевосита ва ўзаро ҳамкорлиги асосида эришиш мумкин бўлиб, унга эришишда ушбу элементларнинг ҳолати ва салоҳияти муҳим аҳамият касб этади. Миллий ва халқаро хавфсизлик ҳуқуқида «хавфсизликнинг бўлинмаслиги» муҳим сиёсий-ҳуқуқий тамойил сифатида мустақамлаб қўйилган.

### **Назорат саволлари ва топшириқлар:**

1. «Миллий хавфсизлик тизими/структураси» тушунчасининг мазмун ва моҳиятини очиб беринг.
2. «Инсон хавфсизлиги» концепциясининг ривожланиб бориши ва унинг миллий хавфсизлик билан ўзаро нисбати борасида қандай фикрдасиз?
3. «Жамият хавфсизлиги» тушунчаси борасида ўз фикрингизни билдинг.
4. Миллий хавфсизликни таъминлашда шахснинг ўрни ва роли нималардан иборат? Шахс ва инсон хавфсизлиги тушунчалари ўртасидаги фарқни тушунтиринг.
5. Сизнинг назарингизда шахс ва давлат манфаатларидан қайси бири устувор аҳамият касб этади? Бу борадаги қарашларингизни асослаб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2019. – 115 б.
2. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизлик тушунчасининг концептуал таҳлили // Давлат ва бошқарув. – Тошкент, 2013. - №2.
3. Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик (ўқув қўлланма). Тошкент: Академия, 2007. – 106 б.
4. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст). Тошкент: Академия, 2007. – 252 б.
5. Миллий хавфсизлик тизими. Муаллифлар жамоаси. – Т.: Akademiya, 2014. – 203 б.
6. Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.
7. Турсунов А.С., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т., 2004. – 47 б.

Давлат хавфсизлик хизмати бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунди ва унга ҳисобдордир. Шу билан бирга, мазкур орган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасини ўз фаолиятининг асосий йўналишлари юзасидан мунтазам равишда хабардор қилади.

## 6-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ

**Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими** – хавфсизлик субъектлари ўзаро алоқаларининг ички тузилиши, тартиби, ташкил этиш ва бошқариш шакли ҳамда услуги.

**Резюме.** Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими хавфсизлик субъектлари ўзаро алоқаларининг ички тузилиши, тартиби, ташкил этиш ва бошқариш шакли ҳамда услуги ҳисобланади. Миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида етакчи роль давлатга тегишли. Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими ўзаро боғлиқ ва алоқадор элементлар мажмуидан иборат. Хавфсизлик тизимининг функционал мақсади хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш, яъни миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборат.

**Таянч сўзлар:** миллий хавфсизликни таъминлаш тизими, миллий манфаатлар, миллий хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари, сиёсий-ҳуқуқий ва норматив-ҳуқуқий асослар, миллий хавфсизлик принциплари.

### 6.1. Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими тушунчаси ва унинг таркибий қисмлари

*Хавфсизликни таъминлаш тизими* – хавфсизлик тадқиқотларининг таянч категорияларидан биридир. Тизим хавфсизлик сиёсатини амалга оширишда ўзини намоён қилади. Хавфсизликни таъминлаш тизимининг функционал мақсади – хавфсизлик сиёсатини, яъни миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва амалга оширишдир.

Объектив эҳтиёжлар – миллий манфаатлар – мақсадларнинг мантиқий кетма-кетлиги ҳамда уларга эришиш тегишли куч ва воситаларни, норматив-ҳуқуқий, сиёсий-ҳуқуқий ва ташкилий асосни яратишни тақозо қилади. Мазкур таркибий элементларнинг мавжудлиги ҳаётий муҳим миллий манфаатларни таъминланишига хизмат қилиб, ўз навбатида, давлат (миллат, халқ)ни миллий ўзлиги ва мавжудлигини сақлаб қолиш ва ривожланиши учун имкониятлар яратади.

Хавфсизлик тушунчасига берилган таърифларда унинг «ҳолат», «шарт-шароит», «алоқалар ва муносабатлар мажмуи» каби хусусиятлари муҳим ўрин тутаяди. Шу билан бирга, хавфсизликни тизим, жумладан «инсонлар ва уларнинг мулкани турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган тизим» сифатида қараш ҳам мавжуд.

Тизим тушунчаси, унинг луғавий маъносига кўра, «ўзаро боғлиқ ва узвий тартибда бўлган нарса, ҳодисалар бирлиги, мажмуи» сифатида кўрилади. Яхлитлик, тизимлилик, иерархияга асосланганлик, тизим ва муҳитнинг ўзаро боғлиқлиги тизим фаолиятини белгилаб берувчи асосий мезонлар, принциплар ҳисобланади. «Тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» принципи тизим барқарорлигини таъминлаб берувчи асосий омил.

Хавфсизлик тизимининг функционал мақсади хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш, яъни миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборат.

## Хавфсизлик асослари

Хавфсизликни таъминлаш тизими хавфсизлик даражаларига мос равишда миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимларига бўлиниши ҳамда уларга хос бўлган ва умумий мақсадга эришишга кўмак берувчи тартиботни шакллантирувчи элементларга эга. Ушбу тизимлар мажмуи, ўз навбатида, ягона универсал коллектив хавфсизлик тизимини ташкил этади. Мазкур универсал тизимнинг марказий бўғини БМТ бўлиб, унинг Низомида белгиланган норма ва принциплар халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини ташкил этишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, миллий хавфсизликни таъминлашга оид ижтимоий муносабатлар минтақавий ва халқаро хавфсизлик даражаларидан фарқли ўлароқ, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан эмас, аввало, миллий ҳуқуқ нормалари доирасида тартибга солинади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими – норматив-ҳуқуқий ва институционал асосини яратиш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш бўйича хавфсизлик субъектлари муносабатларининг ички тузилиши ва ташкил этиш услубини ифодалайди. Тор маънода хавфсизликни таъминлаш тизими хавфсизлик субъектлари, авваламбор, ваколатли давлат органларининг мажмуи сифатида ҳам кўрилади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими ўзаро боғлиқ ва алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва улар ўртасидаги муносабатлар; хавфсизлик объектлари ёки ҳаётий муҳим миллий манфаатлар; норматив-ҳуқуқий ва концептуал асос; хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари мажмуидан иборат. Тадқиқотчилар, шунингдек, концептуал, норматив ва институционал тизимостиларига бўлинишини ҳам таъкидлаб ўтишади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни қайд қилиб ўтиш мумкин:

- миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- миллий хавфсизликни таъминлашнинг конституциявий, норматив-ҳуқуқий ва концептуал асосларини яратиш ва уларни миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг замонавий талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш;
- ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ҳимоя қилиш кафолатлари тизимини вужудга келтириш;
- миллий хавфсизликни таъминловчи куч ва воситаларни яратиш, шай ҳолда сақлаб туриш ва бошқариш;
- ҳаётий муҳим миллий манфаатларга қаратилган ташқи ва ички таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларнинг доимий мониторингини олиб бориш;

Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш тизимлари, ўз навбатида, ягона универсал коллектив хавфсизлик тизимини яратади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими – норматив-ҳуқуқий ва институционал асосини яратиш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш бўйича хавфсизлик субъектлари муносабатларининг ички тузилиши ва ташкил этиш услуби.

## Хавфсизлик асослари

Ўзбекистон  
Республикасининг  
«Судлар тўғрисида»ги  
Қонунининг  
2-моддасига кўра, суд  
фуқаролар ва юридик  
шахсларнинг ҳуқуқлари  
ва қонун билан ҳимоя  
қилинадиган  
манфаатларини ҳимоя  
қилади.

▪ миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш юзасидан тезкор, қисқа ва узоқ муддатли чора-тадбирлар тизимини яратиш;

▪ фавқулодда ҳолатлар доирасида тегишли тадбирларни амалга ошириш ва бошқалар.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизими уни ташкил этувчи компонентларнинг узвий боғлиқлиги ва доимий ҳамкорлиги, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг тўлиқ, ишончли ва ўз вақтида берилувчи ахборот билан таъминланганлиги, хавфсизлик соҳасида қарорлар қабул қилувчи масъул шахсларнинг касбий маҳорати каби омиллар билан белгиланади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг мувофиқлаштирувчи, йўналтирувчи элементи – хавфсизлик субъектларидир. Миллий хавфсизликни таъминлашда ҳар бир субъект ўз ўрнига эга. Улар мазкур соҳада тегишли сиёсий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда бевосита ва билвосита иштирок этади. Бироқ ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг «солиштирама оғирлиги» бошқа гуруҳ субъектларига қараганда каттароқ.

Ҳап шундаки, ушбу гуруҳни ташкил этувчи субъектлар махсус ваколат ва малакага эга бўлиб, уларнинг фаолияти, тегишли қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқиб, бевосита хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Бу субъектлар гуруҳини, биринчи навбатда, ҳокимиятнинг уч тармоғи, қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари, Хавфсизлик кенгаши (ваколатли давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида), махсус хизматлар, ички ишлар, муудофаа вазирлиги ва бошқалар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Олий Мажлис миллий хавфсизликни таъминлашнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқади ва унга оид қонунчилик асосини яратади.

Ижро ҳокимияти «барча бошқарув тизимининг марказий элементи» сифатида миллий хавфсизликнинг ажралмас қисмлари ҳисобланган ташқи ва ички сиёсатни амалга оширишни ташкил этади ва назоратини олиб боради, куч ва воситалар тизимини яратади, мамлакат ҳарбий қурилишини амалга оширади ва унинг муудофаа қобилятини мустаҳкамлашни таъминлайди ва бу борада ижро ҳокимияти тизимини ташкил этувчи органлар фаолиятининг бирлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни 2-моддасига кўра, суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилади. Судларнинг фаолияти қонуннинг устуворлигини таъминлаш ва конституциявий тузумни муҳофаза қилишга қаратилади.

Суд органлари «тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш» принциpidан келиб чиқиб, хавфсизлик субъектлари, аввало, давлат органларининг хавфсизликни таъминлаш борасидаги

Олий Мажлис миллий  
хавфсизликни  
таъминлашнинг устувор  
йўналишларини ишлаб  
чиқади ва унга оид  
қонунчилик асосини  
яратади.

фаолияти натижасида фуқаролар, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди муҳим ваколатларга эга. Конституциявий суд Олий Мажлиснинг қонун ва қарорлари, Президент фармонлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат органлари қарорларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини таъминлайди. Шунингдек, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига тажовуз қилиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича одил судловни амалга оширади.

## 6.2. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари

Миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг муҳим таркибий қисми – бу куч ва воситалардир. Куч ибораси, ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, куйидаги маъноларга эга: *бирор ишни амалга ошира билиш имкони, имконияти; таъсир қилиш даражаси, таъсир; бирор ишни амалга оширишга қаратилган, бирор мақсад учун фойдаланиладиган шахс ёки нарса.*

Сиёсатда, халқаро муносабатларда бошқаларнинг хулқ-атворига таъсир кўрсата олиш ва назорат қила олиш қобилияти муайян ресурслар (аҳоли, ҳудуд, табиий захиралар, иқтисодий ва ҳарбий қудрат, сиёсий бирлик/жипслик ва бошқалар)ни тақозо этади.

Анъанавий тарзда куч тушунчаси давлатнинг ҳарбий қудрати («қаттиқ куч»)ни англатади. БМТ Низоми қоидалари ва давлатлар амалиётида куч деганда, авваламбор, қуролли куч кўзда тутилган. Замонавий халқаро муносабатларда кучнинг ноҳарбий ўлчамига нисбатан «юмшоқ куч» ибораси ишлатилади. Бироқ куч ишлатишга оид доктринал қарашлар кенгайиб бормоқда. Хусусан, ЕХҲҚнинг Якуний актида иштирокчи давлатларни «қуролли аралашувнинг ҳар қандай шаклларида» ҳамда «мажбур қилишнинг қуролли ёки сиёсий, иқтисодий ёки бошқа ҳар қандай актларидан ўзларини тийишлари» мажбурияти белгиланган.

Бу ўринда восита ибораси унинг луғавий маъносига кўра, *бирор нарсага эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қуролни* англатади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, куч тушунчаси таркибига давлатнинг қуролли кучлари ва унинг таркибий қисмлари, давлатнинг махсус ваколатли органлари (разведка, аксилтеррор тузилмалар) киради. Миллий хавфсизликни таъминлаш воситаларига эса давлатнинг қудрати, салоҳияти ва имкониятларини белгиловчи ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, гуманитар, техник, технологик ва бошқа омилларни киритиш мумкин.

*Қуролли Кучлар* – давлатнинг мунтазам ҳарбий қисмлари. Мунтазам Қуролли Кучлар давлат суверенитети, ҳудудий ахлитлиги ва конституциявий тузумини ташқи ҳарбий

Восита ибораси луғавий маъносига кўра, бирор нарсага эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарса, қуролни англатади.

**«Қаттиқ куч»** – давлатнинг ҳарбий қудрати, кучи; халқаро муносабатларда зўравонлик билан (куч ишлатиш ёки уни ишлатиш таҳдиди остида) бошқа иштирокчиларнинг хулқ-атвори ва манфаатларига таъсир кўрсата олиш қобилияти. «Қаттиқ куч» – бу бошқаларни ўз иродасига бўйсундириш мақсадида «қамчи ва ширин кулча» сиёсати бўлиб, у қуролли кучни намоиш қилиш, қуролли аралашув ҳамда иқтисодий санкциялар шаклларида намоён бўлади.

**Қуролли Кучларнинг вазифаси** – давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва конституциявий тузумини ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш.

таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида давлат томонидан тузилади ва давлат таъминотида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 153-моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга», деб таъкидланади.

Қуролли Кучларни зарурий етарлилик даражасида сақлаш деганда унинг агрессияларни бартараф этишга тайёрлиги, қодирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигига таҳдид солувчи замонавий хавф ва таҳдидларга самарали қарши кураша олиш салоҳияти тушунилади. Зарурий етарлилик даражаси давлатнинг сиёсий, дипломатик ва иқтисодий чора-тадбирларнинг юқори самарадорлиги билан белгиланади.

Ўз навбатида, давлатнинг ҳарбий, sanoat ва фундаментал фан соҳасидаги салоҳияти, таълим тизимининг самарадорлиги, демографик вазиятнинг жамият ва давлат ривожига мувофиқлиги, этник ва диний муносабатларнинг ҳолати каби жиҳатлар тегишли куч ва воситаларни яратишда ва умуман миллий хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Замонавий хавфсизлик тадқиқотларида «нодавлат» сектор ёки фуқаролик жамияти институтларининг хавфсизликни таъминлашнинг муҳим иштирокчиларига айланиб бормоқда. Кучли фуқаролик жамиятини яратиш мамлакат олдида қўйган асосий мақсадларидан биридир. Бу давлат идоралари билан бирга жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ролини ҳамда давлат ва жамият бошқарувида шахс мавқеини оширишни тақозо этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 10 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Ушбу институтлар миллий хавфсизликнинг икки фундаментал субъекти шахс/инсон ва жамият манфаатларини амалга оширишнинг ишончли ва самарали воситасига айланган.


Мустақиллик йилларида хавфсизликни зарурий етарлилик даражасини таъминлаш мақсадида ҳарбий округлар, чегара регионлари, жанговар қўшин гуруҳлари тузилди. Ҳарбий бошқарувнинг самарали тизими ҳамда Қуролли Кучларнинг турли қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш механизми яратилди. Ҳарбий кадрлар тайёрлашнинг самарали механизми ишлаб келмоқда. Биргина Мудофаа вазирлиги тизимида офицерларни тайёрлаш олтита олий ҳарбий билим юртларида амалга оширилмоқда; курсантларни ўқитишни ташкил этиш кўп соҳали асосга ўтказилган. 1995 йилда Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаси олий қўмондонлик бўғинига офицерларни тайёрлаш ҳамда ҳарбий қурилиш соҳасида илмий тадқиқотларни олиб боришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга.

**ЎзР Конституцияси  
153-модда**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Қуролли Кучлар ташкил этилганлигининг 25 йиллигига бағишланган нутқда биринчи навбатдаги вазифа сифатида ҳарбий маҳсулотларни харид қилиш, шунингдек, мавжуд техникаларни бутлаш ва модернизация қилишни молиялаштириш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи 2017-2021 йилларга мўлжалланган Комплекс дастурни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Давлат раҳбари ўз ҳарбий-саноат комплексимизни яратишни бошлаш зарурлигини қайд қилиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунида белгиланганидек, «Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг яқка тартибда ва коллектив тарзда мудофааланишдан иборат бўлган ҳуқуқни мустақамловчи умумэтироф этилган нормалари ва принципларига асосланиб, ҳарбий қурилиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаб туриш соҳасида бошқа давлатлар билан ҳамкорликни амалга оширади» (23-модда).



**«Юмшоқ куч»** – давлатнинг халқаро муносабатларда, авваламбор, *маданий омиллар* орқали *сиёсий таъсир кўрсатиш қобилияти*. Давлат қудратининг *ноҳарбий ўлчамини* ифодаловчи ушбу тушунча 20-асрнинг 80-йиллари охирида америкалик олим *Ж.Най* томонидан муомалага киритилган. «Юмшоқ куч» зўравонлик, куч ишлатиш ёки тўловлар (ҳақ)сиз бирор давлатнинг ўзга давлатга нисбатан мойиллигини орттириш (ҳамда ўзига тортиш) орқали таъсир кўрсатиш қобилиятини ифодалайди. Ж.Най таъбири билан айтганда «*юмшоқ куч – ўзига тортувчи кучдир (attractive power)*». Давлатнинг «юмшоқ кучи» куйидаги учта ресурс/манбага ҳамда уларнинг жозибадорлигига таянади: *мамлакат маданияти, сиёсий идеаллари/қадриятлари* ва *ташқи сиёсат*. Халқаро муносабатларнинг *ўзга субъектлари феъл-атворида таъсир кўрсатиш орқали мақсадга эришиш қобилияти* бу ҳам «юмшоқ куч»га, ҳам «қаттиқ куч»га хос бўлган умумий жиҳатдир. Бироқ «юмшоқ куч»нинг ўзига хослиги – бу жозибадор ғоя ва ижобий намуна орқали мойиллик ҳиссини ёйишдир. Инсонлар «онги ва қалби» «юмшоқ куч» сиёсатининг объектини ташкил этади. Оммавий ахборот воситалари, ноҳуқумат ташкилотлар, инсонпарварлик ёрдами, таълим дастурлари, «яхши кўшничилик сиёсати» ва бошқалар «юмшоқ куч» сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос воситаларидир.

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Президенти Ўзбекистон  
Республикаси Қуролли  
Кучларининг Олий Бош  
қўмондони ҳисобланади.

**ЎзР Конституцияси  
109-модда**

### 6.3. Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари

Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари – муайян ҳуқуқий қоидалар бўлиб, улар хавфсизлик субъектлари

**Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари** – муайян ҳуқуқий қоидалар бўлиб, улар хавфсизлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўринни эгаллайди.

фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўрин тутати. Бу принциплардан оғиш ва уларга риоя қилмаслик хавфсизлик/ҳуқуқ субъекти учун муайян ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлади. Мазкур юридик қоидаларнинг мавжудлиги хавфсизликни таъминлаш жараёнида давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузилмаслиги ва ҳурмат қилинишини таъминловчи омил ҳисобланади.

Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари икки гуруҳга бўлинади: миллий-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий. Иккинчи гуруҳни, авваламбор, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ташкил этади. Мазкур принциплар миллий ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлиб, уларнинг устуворлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ тан олинади. Жумладан, Асосий Қонунда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир» (15-модда), деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг изчил ташқи сиёсати ҳамда мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсати қуйидаги принципларга асосланади:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш;
- қонунийлик;
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига оғишмай риоя этиш;
- миллий манфаатларнинг устуворлиги;
- миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш;
- шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ўзаро мувозанатига риоя этиш;
- ҳудудий яхлитликни сақлаш ва давлат чегараларининг бузилмаслиги;
- хавфсизликнинг бўлинмаслиги;
- ҳарбий-сиёсий блоklarда қатнашмаслик;
- ташқи сиёсатни мафкуралаштиришдан тамоман воз кечиш ва бошқалар.

**Қонунийлик** – давлатнинг барча органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва доимо ижро этилиши принципи. Қонунийлик қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, субъектларнинг қонунларга қатъий риоя қилиши ҳамда уларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажарилишини таъминлашда ифодаланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

**Ҳарбий-сиёсий блок** – бирор давлат ёки давлатлар гуруҳига қарши қаратилган, уларни ҳарбий-сиёсий жиҳатдан тийиб туриш ва ҳарбий таҳдидларга қарши курашиш мақсадида тузилган давлатлар иттифоқи.

**Худудий яхлитлик** – суверенитет ғояси билан бир қаторда, давлатнинг моҳиятини белгилаб берувчи унинг ажралмас хусусиятидир. Худудий яхлитлик давлат худудининг бир бутунлиги, бўлинмаслиги ва дахлсизлигини ифодаловчи тушунча; халқаро ҳуқуқнинг асосий принципи. Худудий яхлитликнинг таъминланганлиги халқаро муносабатларнинг барқарорлиги ҳамда жамият ва давлат тараққиётининг зарурий шarti ҳисобланади. Шу боис, у замонавий халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси, яъни қатъий, ўзгармас ва олий юридик кучга эга бўлган қоидаси сифатида эътироф этилади.

Мазкур фундаментал конституциявий-ҳуқуқий қадрият миллий манфаатлар тизимида ҳаётий муҳим давлат манфаати сифатида Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида, хусусан, «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонунда (4-модда) ўз аксини топган. Давлат ва жамиятнинг бошқа фундаментал негизлари барқарорлиги бевосита унинг самарали ҳимоясини таъминланганлиги билан узвий боғлиқдир.

Давлат мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон Республикаси мазкур принципни ўз ташқи сиёсатининг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этди. Шунингдек, МДХ макони, Марказий Осиё минтақаси ва унга қўшни бўлган давлатларда юз бераётган қуролли конфликтлар ва турли низоларни ҳал этишда барча томонларни худудий яхлитлик принципига риоя этишга чақирмоқда. Бу қарашлар Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқлари, Ташқи ишлар вазирлиги баёнотлари ва мамлакатнинг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларида ўз аксини топади.

**Давлат чегаралари дахлсизлиги принципи** – давлат чегараси чизигини ҳар қандай тарзда бир томонлама ўзгартириш ҳамда тегишли халқаро шартномалар ва давлатнинг ички қонунчилигини бузиш орқали давлат чегарасини кесиб ўтишни тақиқловчи халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципи. Чегара чизикларини ўрнатувчи чегара белгиларини бир томонлама ўзбошимчалик билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Чегара чизигини ҳар қандай тарзда ўзгартиришлар чегарадош давлатларнинг ўзаро келишуви ва розилиги билан халқаро ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилиши лозим. Давлат чегараларининг дахлсизлиги принципи миллий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим халқаро ҳуқуқий воситасидир. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш пайтида Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш заруратидан келиб чиқиши ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларига, хусусан, давлат суверенитети, худудий яхлитлик, давлат чегараларининг дахлсизлиги, чегараларнинг бузилмаслиги принципларига амал қилиниши белгилаб қўйилган (4-модда).

**Чегараларнинг бузилмаслиги принципи** – замонавий халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги принципи. Илк бор ГФР билан

**Қонунийлик** – давлатнинг барча органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан Конституция, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва доимо ижро этилиши принципи. Қонунийлик қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, субъектларнинг қонунларга қатъий риоя қилиши ҳамда уларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятларини бажарилишини таъминлашда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги Қонуни 2018 йил 5 апрелда қабул қилинган.



«Ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслик сиёсатига содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади».

**Ш. Мирзиёев**

**Ҳарбий база** – ҳарбий-стратегик жиҳатдан қулай жойлашган ҳамда давлат куч ва воситаларининг доимий ва муваққат жойлаштирилишини таъминловчи махсус жиҳозланган район.

СССР ўртасида имзоланган икки томонлама шартномада (1970) мустаҳкамланган. Минтақавий даражада 1975 йилда ЕХҲКнинг Яқунловчи актида мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг қоидаларида «иштирокчи давлатлар бир-бирларининг чегараларини, шунингдек, Европадаги барча давлатлар чегараларини бузилмас деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун улар ҳозирда ва келажакда ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовуздан ўзларини тиядилар», деб белгилаб қўйилди. Мазкур принципнинг мазмун-моҳияти қуйидаги жиҳатлар билан изоҳланади: 1) мавжуд чегаралар халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда юридик жиҳатдан ўрнатилган, деб тан олиш; 2) уларга нисбатан ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий даъводан воз кечиш; 3) ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовуздан, жумладан, куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишдан тийилиш.

Чегараларнинг бузилмаслиги принципи урушдан кейинги Европада ҳудудий ва сиёсий тартиботни ўрнатиш ва сақлаб қолишда ижобий роль ўйнади. Минтақавий характер касб этган ушбу принципнинг географик қамрови кенгайди, халқаро ҳуқуқ норматив тизимида мустаҳкамланди. Бугунги кунда чегараларнинг бузилмаслиги принципи минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг самарали халқаро ҳуқуқий воситасига айланди. Чегараларнинг бузилмаслиги принципи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида, шунингдек, қатор икки томонлама (жумладан, Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги давлатлараро алоқалар, дўстлик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартнома, 1992) ва кўп томонлама шартномалар ҳамда халқаро ташкилотлар низомларида (МДҲ Низоми, 1993; ШҲТ Хартияси, 2002) ўз аксини топган.

**Ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик принципи** – миллий ва халқаро хавфсизлик ҳуқуқи принципи. Ҳарбий-сиёсий блок тушунчаси бирор-бир давлат ёки давлатлар гуруҳига қарши қаратилган, уларни ҳарбий-сиёсий жиҳатдан тийиб туриш ва ҳарбий таҳдидларга қарши курашиш мақсадида тузилган давлатларнинг ҳарбий-сиёсий иттифоқига нисбатан қўлланади. Бу атама икки мафкуравий тизим ҳукмрон бўлган «совуқ уруш» даврида кенг қўлланиб келинган. Ҳарбий-сиёсий блоклар, авваламбор, АҚШ/СССР ҳамда уларнинг иттифоқчилари тимсолидаги ҳарбий таҳдидларни бартараф этишни мақсад қилган. Ҳарбий-сиёсий блокнинг ўзига хос хусусияти – «*душман тимсоли*»нинг мавжудлиги ҳисобланади.

Ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик принципи Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигида, хусусан, «Мудофаа тўғрисида»ги қонунда, «Мудофаа доктринаси»да ҳамда миллий хавфсизлик ва ташқи сиёсатга оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринасида «Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат сиритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, деб белгилаб қўйилган.

Миллий хавфсизлик тизимининг марказий элементи – давлат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек: «ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий база ва объектларини жойлаштиришга йўл қўймаслик, ҳарбий хизматчиларимизнинг хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмаслик сиёсатига содиқ қолиш бундан буён ҳам мамлакатимизнинг принципиал позицияси бўлиб қолади».

Демак, хавфсизликни таъминлаш тизимининг бош мақсади ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ҳимоя қилишдир. Миллий хавфсизлик тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва объектлари, норматив-ҳуқуқий асос, хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари мажмуидан иборат. Ушбу тизимни ҳаракатга келтирувчи омил – бу таҳдиддир.

Миллий хавфсизлик тизимининг марказий элементи давлатдир. Манфаатлар тизимида давлатнинг фундаментал манфаатлари: ҳудудий яхлитлик, конституциявий тузум ва давлат суверенитети бирламчи аҳамият касб этади. Шу билан бирга, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида фуқаролик институтларининг ўрни ва аҳамияти ошиб бормоқда.

### **Назрат саволлари ва топшириқлар:**

1. Миллий хавфсизликни таъминлаш куч ва воситаларини гуруҳларга бўлинг ва ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос жиҳатларини очиб беринг.

2. «Ўзбекистон–2030» стратегиясида хавфсизлик соҳасининг қандай муҳим жиҳатлари белгилаб берилган?

3. Халқаро ҳуқуқнинг императив *ius cogens* нормаларига нималар киради?

4. «Қаттиқ куч» ва «Юмшоқ куч» тушунчаларининг ўзаро нисбатини очиб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизлик тушунчасининг концептуал таҳлили // Давлат ва бошқарув. – Тошкент, 2013. - №2.

2. Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик (ўқув қўлланма). Тошкент: Академия, 2007. – 106 б.

3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст). Тошкент: Академия, 2007. – 252 б.

4. Миллий хавфсизлик тизими. Муаллифлар жамоаси. -Т.: Akademiya, 2014. – 203 б.

5. Раҳманкулов М.Х. Актуальные проблемы развития конституционно-правовых основ внешней политики Республики Узбекистан в условиях демократического обновления страны - Т.: УМЭД, 2015. – 132 с.

6. Турсунов А.С., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т., 2004. – 47 б.

7. Joseph S. Nye, Jr. Soft Power: The Means to Success in World Politics. – New York: PublicAffairs, 2004. – 191 p.

Хавфсизликни таъминлаш тизимининг бош мақсади ҳаётий муҳим миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Миллий хавфсизлик тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва объектлари, норматив-ҳуқуқий асос, хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари мажмуидан иборат.

## 7-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Миллий хавфсизликнинг концептуал асослари** – давлат хавфсизлик сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, характери ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи расмий қарашлар тизими.

**Резюме.** Миллий хавфсизликнинг концептуал асосларини давлат хавфсизлик сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, характери ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи *расмий қарашлар тизими* ҳамда мазкур тизимни белгилаб берувчи расмий ҳужжат ташкил этади. Миллий хавфсизликнинг концептуал асослари муайян объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланади. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари ишлаб чиқилишида давлат бошлиғининг қарашлари *марказий ўринни* эгаллайди.

**Таянч сўзлар:** миллий хавфсизлик сиёсати, миллий хавфсизликнинг сиёсий-ҳуқуқий асоси, миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари, миллий хавфсизлик концепцияси ва стратегияси, хавфсизлик доктринаси.

### 7.1. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари: тузилиши, тушунчаси

Миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича сиёсий-ҳуқуқий асосларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири мазкур йўналишда **стратегик режалаштириш** ҳамда **концептуал ва доктринал ҳужжатларнинг** мавжудлигидир. Ушбу гуруҳга миллий хавфсизлик концепцияси ва стратегияси, ташқи сиёсий фаолият концепцияси, муҳофаа ёки ҳарбий доктрина, ахборот хавфсизлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги концепциялари каби ҳужжатларни киритиш мумкин.

Концепция луғавий маъносига кўра, қарашлар тизими маъносини ифодалайди. Қарашлар тизими, ўз навбатида, илмий-назарий, расмий ёки формал бўлиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асослари ёки концепциясини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин: хавфсизликка оид илмий таълимот ёки назариялар ҳамда расмий қарашлар тизими.

Биринчи ҳолатда концепция маълум бир назарий олим ёки олимлар гуруҳининг қарашлари, фикрлари тизими ҳамда хавфсизликка оид илмий асарнинг етакчи ғоясини ифода этади. Масалан, К. Дойчининг «хавфсизлик ҳамжамияти», Р. Жервиснинг «хавфсизлик режими», Б. Бузан, О. Вейвер ва Копенгаген мактабининг хавфсизликка оид коллектив назарий ёндашуви сифатида «минтақавий хавфсизлик комплекси», «секьюритизация» ва бошқалар.

**Концепция** – қарашлар тизими. Қарашлар тизими илмий-назарий, расмий ёки формал бўлиши мумкин.

Дарсликнинг «Хавфсизликка оид назария ва концепциялар» деб номланувчи маърузасида ушбу мавзуга атрофлича тўхталиб ўтилган.

Иккинчи ҳолатда миллий хавфсизликнинг концептуал асосларини давлат хавфсизлик сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, характери ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи *расмий қарашлар тизими* ҳамда мазкур тизимни белгилаб берувчи расмий ҳужжат (масалан, Миллий хавфсизлик концепцияси) сифатида талқин қилиш мумкин.

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг концептуал асосларини ишлаб чиқишида давлат бошлиғининг қарашлари *марказий ўринни* эгаллайди. Давлатнинг олий мансабдор шахси, ички ва ташқи сиёсатни белгилаш ва амалга оширишдаги асосий масъул ҳамда Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони сифатида давлат бошлиғининг қарашлари миллий хавфсизлик сиёсатининг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, манфаатлар доираси ҳамда уларга қарши қаратилган таҳдидлар борасида ўзига хос устқурмани яратади. Шу боис, хавфсизлик концепцияси ваколатли давлат органлари ва хавфсизлик муносабатларининг бошқа иштирокчилари учун ўзига хос раҳбарий қоидалар йиғиндисиدير.

Хавфсизлик концепцияси маълум ички ва ташқи омиллар асосида/таъсирида шаклланади. Хусусан, мамлакатнинг ташқи сиёсати, шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжлари, геосиёсий омиллар (давлатнинг географик ҳолати, иқтисодий ва ҳарбий имкониятлари, табиий ресурслари ва ҳ.к.), халқаро ҳуқуқ нормалари ва бошқалар миллий хавфсизлик концепциясини яратишнинг назарий ва амалий асосларини белгилаб берувчи омиллар ҳисобланади.

Хавфсизлик субъектларининг фаолияти объектив эҳтиёжларни, хавф ва таҳдидларни, минтақавий ва халқаро воқеликни англаб етиш ва унинг негизида миллий манфаатларни белгилаб олиш билан чекланиб қолмайди. Улар манфаатларни амалга оширишга қаратилган, асосланган, босқичма-босқич фаолият юргизиш орқали хавфсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишлари керак бўлади.

Концепция давлат ва жамият ривожланишининг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб, хавфсизлик соҳасида муайян бир муддат учун мақсад ва вазифаларни белгилайди, манфаат ва таҳдидларни аниқлаб беради. Юқоридагиларга асосланган ҳолда миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишнинг қуйидаги босқич ва вазифаларини келтириш мумкин:

*биринчидан*, объектив эҳтиёжлар асосида давлатнинг миллий манфаатлари (мақсадлари) аниқлаб олинади;

*иккинчидан*, миллий манфаатларга зарар келтириши мумкин бўлган таҳдидлар аниқланади;

*учинчидан*, таҳдидларнинг олдини олиш, тегишли шарт-шароитларни яратишга оид вазифалар белгиланади.

Қуролли Кучларнинг Олий бош қўмондони сифатида **давлат бошлиғининг қарашлари** миллий хавфсизлик сиёсатининг мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, манфаатлар доираси ҳамда уларга қарши қаратилган таҳдидлар борасида ўзига хос устқурмани яратади.

Миллий хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишнинг босқич ва вазифалари:  
объектив эҳтиёжлар асосида давлатнинг миллий манфаатлари (мақсадлари) аниқлаб олиш;  
миллий манфаатларга зарар келтириши мумкин бўлган таҳдидларни аниқлаш;  
таҳдидларни олдини олиш, тегишли шарт-шароитларни яратишга оид вазифаларни белгилаш.

Миллий хавфсизлик концепциясининг **бош вазифаси** хавфсизлик соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимиз ва хорижда бу каби концептуал ҳужжатларни ишлаб чиқиш амалиётидан келиб чиқиб, миллий хавфсизлик концепциясини қуйидаги тузилишга эга интеллектуал фаолият маҳсули сифатида тавсифлаш мумкин:

- *ҳаётий муҳим миллий манфаатлар*, яъни миллат ва давлатнинг ўзлигини сақлаш, миллий қадриятлар, конституциявий тузум ва давлат суверенитети, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид англанилган эҳтиёжларини белгилаб берувчи;

- мамлакатнинг *айни пайтдаги миссияси*, яъни миллий хавфсизликнинг устувор йўналишлари, мақсад ва вазифаларини, хавфсизлик субъектлари, авваламбор, давлат бошлиғи томонидан миллий манфаатларни амалга ошириш сиёсати;

- ваколатли давлат органлари, экспертлар ҳамжамияти, жамоат ташкилотлари ва ўзга хавфсизлик субъектлари томонидан ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган *аниқ мақсадли* дастурлари/*кўрсатмалар*. Бундай мулоқот асосий миллий қадриятлар ва устувор йўналишлар негизда умумий консенсусни шакллантиришга, шунингдек, реал ва потенциал хавф ва таҳдидларни аниқлашга ёрдам беради.

## 7.2. Миллий хавфсизлик концепцияси – хавфсизлик сиёсатининг асоси

Миллий хавфсизлик концепциясининг бош вазифаси хавфсизлик соҳасида давлатнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқишдир. Ушбу ҳужжат, одатда, давлат хавфсизлик сиёсатини амалга оширишнинг шарт-шароитлари, ҳаётий муҳим миллий манфаатлар, реал ва потенциал таҳдидлар, миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари ҳамда устувор (стратегик ва тактик) йўналишлари ва бошқаларни белгилаб беради.

Миллий хавфсизлик сиёсати давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ва бошқа хавфсизлик субъектларининг миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган фаолиятидир. Шубҳасиз, миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқишда давлат бошлиғи ва ваколатли давлат органларининг қўшган ҳиссаси нисбатан каттароқ бўлади.

Хавфсизлик сиёсатининг бош мақсади ва мазмунини миллий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ташкил этади. Хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг асослари, одатда, миллий хавфсизликка оид концептуал ҳужжатларда белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсати қуйидаги вазифаларни назарда тутлади:

- мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва ролини белгилаш;

- миллий манфаатлар ва устуворликлар тизимини белгилаш; миллий хавфсизликка ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларга баҳо бериш;

**Миллий хавфсизлик сиёсати** – давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ва бошқа хавфсизлик субъектларининг миллий хавфсизликни таъминлашга қаратилган фаолияти.

## Хавфсизлик асослари

▪ миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш учун давлат ва жамиятнинг реал имкониятлари ва ресурсларини аниқлаш;

▪ миллий хавфсизликни таъминлашнинг стратегик вазифаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш;

▪ миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

▪ тегишли қонунчилик базасини яратиш ва бошқалар.

Хавфсизлик концепцияси миллий хавфсизликнинг барча жиҳатларига ягона ва комплекс ёндашувни таъминлайди ҳамда хавфсизлик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради. Шунинг учун миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаларига оид концептуал ва доктринал ҳужжатлар миллий хавфсизлик концепцияси қоидаларига мувофиқ келиши лозим. Хусусан, ҳарбий соҳада миллий хавфсизликни таъминлашнинг принциплари ва ёндашувларини белгиловчи Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси Конституция, Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосланиши белгилаб қўйилган.

Миллий хавфсизлик концепцияси, бевосита норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар гуруҳига киритилмаса-да, қонун ёки Президент фармони билан тасдиқланади. Концепция яна шу маънода сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатки, унда давлатнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш масаласига доир расмий қарашлари ўз ифодасини топади ва шунга биноан бу ҳужжат хавфсизлик муаммоси, уни ҳал этишнинг стратегияси, жумладан, қонунчилик соҳасига тааллуқли яхлит, умумдавлат қарашлари тизимини мужассам этган ҳужжат ҳисобланади. Концепция, бамисоли Конституция сингари, муаммони тушуниш ва ечимини топишга бир хил ёндашишга имконият яратади [Турсунов, 2004; Б. 10].

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асосларидан фарқли ўлароқ, концептуал ҳужжатлар *муддатли* аҳамият касб этади. Унинг «муддатлилиги» қатор объектив ва субъектив омиллар билан изоҳланади. Концепциянинг «муддатлилиги» хусусиятининг муҳим кўрсаткичлари – манфаат ва таҳдид тушунчаларидир. Турли омиллар таъсири (мисол учун, геосиёсий, минтақавий ва халқаро вазиятнинг ўзгариши) натижасида бу икки категориянинг «аҳамияти» ва «хавфлилики даражаси» ошиши ёки камайиши мумкин. Бу эса миллий хавфсизлик концепцияси (сиёсати)га тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда устувор йўналишларни белгилашни тақозо этади.

Миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида сўз юритганда, унинг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи айрим жиҳатларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан**, концепция – давлат хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш борасидаги расмий қарашлар йиғиндиси. Фақатгина тегишли мансабдор шахслар ва ваколатли давлат институтларининг бевосита саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ мазкур ҳужжат яратилади. Одатда, миллий хавфсизлик

Хавфсизлик концепцияси миллий хавфсизликнинг барча жиҳатларига ягона ва комплекс ёндашувни таъминлайди ҳамда хавфсизлик субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради.

Концепция, бамисоли Конституция сингари, муаммони тушуниш ва ечимини топишга бир хил ёндашишга имконият яратади.

**А.Турсунов**

**Миллий хавфсизлик концепцияси – бу хавфсизлик**

субъектларининг ҳаётий муҳим манфаатларини белгилаш, асосий (ички ва ташқи) таҳдидларни аниқлаш, устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, уларни таъминловчи тизим ва принципларни белгилаш орқали шакллантирилувчи, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган расмий қарашлар тизимидир.

Концепциянинг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи муҳим белгилардан бири – унинг муддатли ҳужжат эканлигидир.

концепциясини ишлаб чиқувчи иштирокчилар доираси, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишли қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилади.

**Иккинчидан**, концепциянинг бош вазифаси – миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқишдир. Мазкур ҳужжат хавфсизликни таъминловчи субъектлар ва хавфсизлик муносабатларининг ўзга иштирокчилари учун ўзига хос раҳбарий қоидалар йиғиндиси ҳамдир. Миллий хавфсизлик концепцияси давлатнинг хавфсизлик борасидаги сиёсатини амалга ошириш механизми (тизими) ва ҳуқуқий принципларини белгилаб беради.

**Учинчидан**, айнан шу сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатда миллий хавфсизликнинг асосий соҳа ва йўналишлари, хавфсизлик объектлари ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Миллий хавфсизлик концепциясида хавфсизликни таъминлашнинг асосий йўналишлари кўрсатилган. Концепцияга мувофиқ, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари миллий хавфсизлик объектлари саналади.

**Тўртинчидан**, концепциянинг мазмун ва моҳиятини очиб берувчи муҳим белгилардан бири – унинг муддатли ҳужжат эканлигидир. Яъни, у давлат ва жамият ривожланишининг мавжуд ҳолатидан келиб чиқиб, муайян бир муддат учун мақсад ва вазифаларни белгилайди, манфаат ва таҳдидларни аниқлаб беради.

Демак, *миллий хавфсизлик концепцияси* – хавфсизлик субъектларининг ҳаётий муҳим манфаатларини белгилаш, асосий (ички ва ташқи) таҳдидларни аниқлаш, устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, уларни таъминловчи тизим ва принципларни белгилаш орқали шакллантирилувчи, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган расмий қарашлар тизимидир.

Бу концептуал ҳужжат миллий хавфсизликнинг барча жиҳатларига ягона ва комплекс ёндашувни таъминлайди; миллий хавфсизликни таъминлашда барча асосий субъектлар иштирокини мувофиқлаштириш орқали унинг самарадорлигини оширади; ижтимоий муносабатларда консенсусга эришиш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун имкониятлар яратади.

### **7.3. Миллий хавфсизлик концепцияси, стратегияси ва доктриналарининг ўзаро нисбати**

*Миллий хавфсизлик стратегияси* давлат ривожланишининг стратегик режалаштиришга оид ҳужжатдир. У миллий хавфсизликни таъминлашга оид давлатнинг расмий қарашлар тизими бўлиб, стратегик устуворликлар, мақсад ва вазифалар, асосий хавф ва таҳдидлар ҳамда уларга қарши кураш чора-тадбирларини белгилайди. Миллий хавфсизлик концептуал асосларининг таркибига кирувчи ушбу ҳужжат стратегик режалаштиришга оид бошқа ҳужжатлар (масалан, давлатнинг

тараққиёт стратегияси, узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастури) билан уйғун тарзда кўрилади.

Стратегиянинг асосий вазифаси миллий хавфсизлик соҳасидаги стратегик миллий манфаатларни амалга ошириш учун мақбул бўлган ички ва ташқи шарт-шароитларни яратишда намоён бўлади. Стратегия миллий хавфсизликни таъминлаш тизимини ривожлантиришни режалаштириш бўйича таянч ҳужжат ҳисобланади. Одатда, миллий хавфсизлик стратегиялари муайян муддат учун қабул қилинади. Мисол учун, МДХ маконида шаклланган амалиётга кўра, миллий хавфсизлик стратегиялари 5 (ўрта муддатли) ва ундан ортиқ йил учун (узоқ муддатли) ишлаб чиқилади. Стратегияни амалга ошириш учун унинг таркибий қисми сифатида чора-тадбирлар режаси ёки йўл харитаси ишлаб чиқилади.

Миллий хавфсизликка оид қонунчилик миллий хавфсизлик концепция ва стратегияларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади. Хавфсизлик стратегияси давлат сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий хавфсизлик концепцияси талабларидан келиб чиқади. Концепция стратегия олдига вазифалар қўяди, стратегия эса уларнинг бажарилишини таъминлайди.

Демак, миллий хавфсизлик стратегияси миллий хавфсизлик концепцияси асосида ишлаб чиқилади ва унинг қоидаларини амалиётга татбиқ қилиш механизмини ўзида ифодалайди. Марказий Осиё минтақаси давлатлари миллий қонунчилиги миллий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқишни кўзда тутди. Ўрнатилган амалиётга кўра, миллий хавфсизлик стратегияси Хавфсизлик кенгашлари томонидан ишлаб чиқилади ва мамлакат президенти фармони билан тасдиқланади.

Ушбу ўринда яна бир муҳим тушунча – хавфсизлик доктринаси. Одатда, хавфсизликнинг муайян соҳасида давлат сиёсатининг мақсадлари, вазифалари, характери ва уни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи расмий қарашлар тизими ҳамда мазкур тизимни белгилаб берувчи ҳужжатнинг номи (масалан, Мудофаа доктринаси, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш доктринаси ва ҳ.к.) сифатида таърифланади. Жумладан, у Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкилотига аъзо бўлган давлатлар амалиётида кенг тарқалган бўлиб, миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси доирасидаги давлат сиёсатини белгилаб берувчи сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида кўрилади.

Мудофаа доктринаси давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга оид расмий қарашлар тизими. Мудофаа доктринасида ҳарбий соҳадаги давлат сиёсатининг мақсад ва вазифалари, принциплари, миллий манфаатлар ва уларга қаратилган таҳдидлар ўз аксини топади.

Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қоидаларида доктрина «ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни белгилайди» деб мустаҳкамлаб қўйилган.

**Стратегиянинг асосий вазифаси** – миллий хавфсизлик соҳасидаги стратегик миллий манфаатларни амалга ошириш учун мақбул бўлган ички ва ташқи шарт-шароитларни яратиш.

Стратегияни амалга ошириш учун унинг таркибий қисми сифатида чора-тадбирлар режаси ёки йўл харитаси ишлаб чиқилади.

Хавфсизлик стратегияси давлат сиёсати билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий хавфсизлик концепцияси талабларидан келиб чиқади. Концепция стратегия олдига вазифалар қўяди, стратегия эса уларнинг бажарилишини таъминлайди.

**Хавфсизлик доктринаси** миллий хавфсизликни таъминлашнинг раҳбарий сиёсий принципи сифатида давлат сиёсатининг назарий-тарғибот асоси сифатида намоён бўлиб, муайян тарихий даврда давлатнинг расмий нуқтаи назари ҳамда ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг бош йўналишини белгилаб беради.

Миллий хавфсизлик концепциялари/стратегиялари ва доктриналари Конституция ва қонунлардан келиб чиқиши ва уларнинг ҳуқуқий қоидаларига мувофиқ келиши лозим.

Ҳужжат тўрт бўлимдан иборат: умумий қоидалар, ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-стратегик ва ҳарбий-иқтисодий жиҳатлар. Миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаларига оид концептуал ва доктринал ҳужжатлар миллий хавфсизлик концепцияси қоидаларига мувофиқ келади. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасининг Конституция, Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосланиши белгилаб қўйилган. Чунки доктринанинг мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш миллий хавфсизликни таъминлашга оид ягона давлат сиёсати доирасида амалга оширилади.

Хавфсизлик доктринаси миллий хавфсизликни таъминлашнинг раҳбарий *сиёсий принципи* сифатида тушунилади. Мазкур ҳолатда хавфсизлик доктринаси давлат сиёсатининг назарий-тарғибот асоси сифатида намоён бўлиб, муайян тарихий даврда давлатнинг расмий нуқтаи назари ҳамда ташқи ва хавфсизлик сиёсатининг бош йўналишини белгилаб беради (масалан, Монро доктринаси). Хавфсизлик доктриналарининг таҳлили муайян давлат ташқи ва миллий хавфсизлик сиёсатини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

**Монро доктринаси** – АҚШнинг Ғарбий ярим шарда ҳукмронлиги ва таъсир доирасини таъминлашга қаратилган ташқи сиёсий доктрина. Доктрина Европанинг етакчи давлатларини Янги дунё (Америка) давлатлари ички ишларига аралашмасликка чақирган. Бундай аралашув расмий Вашингтонга нисбатан нодўстона муносабат сифатида баҳоланган. Доктрина Америка давлатлари билан келишилмаган ҳолда ишлаб чиқилган АҚШнинг бир томонлама ташқи сиёсий баёнотидир. Дастлаб мудофаа характери ҳамда Ғарбий ярим шарда АҚШнинг сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган доктрина кейинчалик расмий Вашингтоннинг Америка давлатларининг ички ишларига аралашуш ҳуқуқини ифодалади. Мазкур доктрина ҳозирда ҳам АҚШ ташқи ва хавфсизлик сиёсатини белгилаб берувчи муҳим омил бўлиб қолмоқда. АҚШ, шунингдек, «доллар дипломатияси»дан, яъни молиявий ва иқтисодий дастаклардан ҳам Лотин Америкасида ўзининг сиёсий мақсадларига эришишда кенг фойдаланди.

Ушбу маънода хавфсизлик доктринаси алоҳида ҳужжат мақомига эга бўлмайди. Бироқ у ғоя сифатида миллий хавфсизлик концепция/стратегияларида ўз аксини топади ва унинг мазмунини белгилаб беради. Чунки доктринада, энг аввало, давлат (ва ҳуқумат) бошлиғининг миллий хавфсизлик борасидаги

давлат сиёсатининг муҳим жиҳатлари ўз ифодасини топади. Улар, одатда, давлат бошлиғининг мурожаатлари, нутқлари ҳамда турли хил чиқишларида ўз аксини топади.

Миллий хавфсизлик концепциялари, стратегиялари ва доктриналари Конституция ва қонунлардан келиб чиқиши ва уларнинг ҳуқуқий қоидаларига мувофиқ келиши лозим.

### **Назорат саволлари ва топшириқлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик сиёсатининг бугунги ҳолатига қандай баҳо берасиз?

2. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий асосини қандай ҳужжатлар ташкил этади?

3. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг концептуал асосларини такомиллаштириш борасида қандай фикрдасиз?

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиб чиқинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Бобокулов И.И. Формирование новой отрасли права и законодательства в сфере национальной безопасности (постановка проблемы) //Международные отношения, 2022, № 5-6. (№ 91, 92) – С. 97-116.

2. Бэттлер А. Национальные интересы, национальная безопасность и международная безопасность // Полис. № 4, 2002.


3. Сергей Минасян. Мировой опыт принятия концепции национальной безопасности //«21-й ВЕК», № 2 (4), 2006.

4. Турсунов А.С., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т., 2004. – 47 б.

5. Alan G. Stolberg. How Nation-states Craft National Security Strategy Documents. – Carlisle, PA, Strategic Studies Institute, 2012.



## 8-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ



**Резюме.** Миллий хавфсизлик, жамиятнинг ҳар қандай соҳасида бўлганидек, ҳуқуқ юрисдикцияси остида бўлиши керак. Хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмини яратиш ва мустаҳкамлашнинг бош мақсади давлатнинг ички муносабатларида фундаментал учлик, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини норматив таъминлаш ва уларнинг мувозанатига эришиш, ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини изчил амалга оширишдан иборат.

**Таянч сўзлар:** миллий хавфсизлик ҳуқуқи, миллий қонунчилик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, халқаро шартномалар, ҳуқуқ принциплари, хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар.

### 8.1. Миллий хавфсизлик ҳуқуқий тартибга солишнинг объекти сифатида

Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанларида хавфсизлик муаммолари, жумладан, унинг ҳуқуқий жиҳатлари тадқиқот предметиға айланган. Мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари миллий хавфсизликни ҳуқуқий тартибга солиш, замонавий таҳдидларга қарши курашнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг умумназарий жиҳатлари, минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг долзарб муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда. Бироқ миллий хавфсизлик ҳуқуқига оид илмий изланишлар етарли даражада эмас.

Дунёнинг етакчи хорижий таълим муассасаларида миллий хавфсизлик ҳуқуқи мустақил фан сифатида 1970-йиллардан буён ўқитиб келинмоқда. Бироқ ҳуқуқий тизимда унинг формал-юридик мансублиги масаласи академик доираларда ҳамон мунозара предмети бўлиб қолмоқда.

«Миллий хавфсизлик ҳуқуқи ва сиёсати» журналининг илк сони «Миллий хавфсизлик ҳуқуқи» ҳақиқатдан/моҳиятан парадоксал-ми/мантиққа зидми?» мавзуси остидаги мақола билан бошланади. Унинг муаллифи, ҳуқуқ профессори ва журнал бош муҳаррири миллий хавфсизлик ҳуқуқи предмети ва унинг ривожланишига оид замонавий тенденцияларни тадқиқ этиб, «миллий хавфсизлик ҳуқуқи» ҳақиқатдан ҳам тадқиқотнинг алоҳида мустақил соҳаси бўлишга лойиқми?» деган саволни ўртага ташлайди (Владек).

Хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг бош мақсади – давлатнинг ички муносабатларида фундаментал манфаатларини норматив таъминлаш ва уларнинг мувозанатиға эришиш, ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини изчил амалга ошириш.

Миллий хавфсизлик категорияси, шубҳасиз, мавзу доирасидаги таянч тушунчадир. У хавфсизлик соҳасига оид ижтимоий муносабатлар ёки ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг предмети, миллий манфаатлар, хавфсизлик объекти ва субъекти, хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари каби миллий хавфсизликнинг таркибий элементлари табиати ва мазмун-моҳиятини теран англаб етишда бошланғич нуқта бўлиб хизмат қилади. Ушбу ижтимоий ҳодисанинг амалий аҳамияти хавфсизлик соҳасидаги давлат сиёсати ва қонунчилик асосларини ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Миллий хавфсизликка оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, уларнинг норматив-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни хавфсизликни таъминлашнинг самарали воситаси сифатида кўришга нисбатан объектив эҳтиёж ошмоқда. Гап шундаки, ҳуқуқнинг асосий социал функцияси ва вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги регуляторлик ролида намоён бўлади. Ҳуқуқ ижтимоий муносабатлар иштирокчилари учун умуммажбурий норма ва қоидаларни ўрнатиш ҳамда муносабатларни ташкил этиш ва тизимга солиш орқали уларнинг барқарорлигини таъминлайди ва муайян ҳуқуқий тартиботни яратади. Ҳуқуқий тартибот, яъни ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг муайян ҳолати ҳамда жамоат тартиботининг таркибий элементи сифатида пировардида жамият ва давлат пойдеворини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, замонавий дунёда мустаҳкам ҳуқуқий база ва барқарор конституциявий тузумнинг мавжудлиги давлатчилик, яъни миллий хавфсизликнинг марказий элементи мустаҳкамланишининг муҳим шарти эканлиги тобора чуқурроқ англаб етилмоқда. Мустаҳкам давлатчилик асослари яратилмаган давлатлар, хусусан, «лаёқатсиз ва/ёки муваффақиятсиз давлатлар (*failed states*) биринчи даражали миллий ва халқаро муаммо» ҳисобланиб (Фуқуяма), халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг асосий таҳдидларига айланмоқда.

Миллий хавфсизлик мамлакатимиз қонунчилиги ва ҳуқуқ тизимида нисбатан янги ҳодисадир. Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми ва қонунчилик асосларини яратишнинг объектив зарурияти, аввало, Ўзбекистон халқининг давлат суверенитетини қўлга киритиши билан белгиланади.

## **8.2. Миллий хавфсизликка оид қонунчилик: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати**

Миллий хавфсизлик соҳасидаги қонунчилик, яъни давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлиги функциясини амалга оширишнинг асосий усулларида бири ҳамда ижтимоий муносабатларни тўла тартибга солувчи *ҳуқуқий нормалар йиғиндиси* сифатида Ўзбекистон қонунчилик тизими, давлат фаолиятининг ажралмас таркибий қисми ва устувор йўналишига айлангани воқелик

Ҳуқуқнинг асосий социал функцияси ва вазифаси ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги регуляторлик ролида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизми ва қонунчилик асосларини яратишнинг объектив зарурияти, аввало, Ўзбекистон халқининг давлат суверенитетини қўлга киритиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) миллий қонунчилик;
- 2) халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- 3) концептуал ва доктринал ҳужжатлар.

Миллий хавфсизлик соҳасида ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий объекти *фундаментал конституциявий-ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар*, яъни давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

саналади. Кенг маънода хавфсизлик ва мудофаа масалаларини ҳам қамраб олувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқларининг умумҳуқуқий классификатори ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларининг алоҳида муҳим йўналишлар, жумладан, давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилятини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан чиқарилиши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурларида хавфсизликнинг қатор *янги*, жумладан, озиқ-овқат, радиация ва киберхавфсизлик каби соҳалари тўғрисида сўз юритилиб, уларни таъминлаш тизими ҳамда норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Миллий хавфсизлик муайян тизимости элементлари (шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги) ва хавфсизлик соҳалари (иқтисодий, жамоат, ҳарбий, ахборот, экологик ва бошқалар)дан иборат кўп тармоқли тизимни ташкил этади. Шу боис ушбу йўналишдаги миллий қонунчилик юридик кучи, кўлами ва даражаси бўйича турли ҳуқуқ тармоқларига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги ҳамда давлатларнинг ҳуқуқий амалиёти таҳлилидан келиб чиқиб, миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи ҳужжатларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) *миллий қонунчилик* (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, конституциявий қонунлар, жорий қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти, вазирлик ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва бошқалар);

- 2) *халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар* (халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари, БМТ Низоми, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари<sup>1)</sup>).

Шубҳасиз, ҳар қандай давлатнинг миллий ҳуқуқий тизимида **Конституция** нормалари марказий ўринни эгаллайди. Ялпи ва фундаментал характер касб этувчи, халқ манфаатлари ва иродасини ифодаловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур тури бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан олий юридик кучга эга.

Миллий хавфсизлик соҳасида ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий объекти *фундаментал конституциявий-ҳуқуқий ёки сиёсий-ҳуқуқий қадриятлар*, яъни давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш ҳисобланади.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир» (3-модда).

## Хавфсизлик асослари

Миллий хавфсизликка оид концептуал ҳужжатларда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятнинг маънавий қадриятлари ва моддий бойликлари уларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ташкил этиши белгилаб қўйилган. Мамлакат сиёсий тизимининг барқарорлиги, шахс ва жамиятнинг фаровонлиги бевосита ушбу конституциявий қадриятларни сақлаб қолиш ва уларни норматив жиҳатдан ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моддаларида давлат ҳокимияти олий органлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис, суд органлари, Вазирлар Маҳкамасининг миллий хавфсизликни таъминлашга оид ваколатлари мустаҳкамлаб қўйилган.

Умуман, миллий хавфсизликка оид энг муҳим масалалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, Конституциянинг I («Давлат суверенитети»), II («Халқ ҳокимиятчилиги») ва IV («Ташқи сиёсат») ҳамда бошқа бўлим ва боблари нормалари билан ажралмас тизимли бирликда Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва мустақиллиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ташкил этади.

Шу билан бирга, Конституцияда хавфсизликнинг анъанавий ҳарбий-сиёсий йўналиши ҳам ўз ўрнига эга. Мудофаа ва хавфсизлик давлат ва жамият қурилишининг муҳим жиҳатлари ҳисобланиб, давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари фаолиятини қамраб олади ҳамда мамлакатнинг тинч ҳаёти, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, унинг барқарор ва динамик ривожланишининг кафолати ва шарти сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш лозимки, «хавфсизлик» тушунчаси ўз мазмунига кўра «мудофаа» тушунчасидан кенгроқ маъно касб этади. У хавфсизликнинг барча соҳа ва жиҳатларини, унинг ҳарбий-сиёсий ўлчамини ҳам қамраб олади.

Конституция қоидаларида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг изчил ташқи сиёсати, мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатининг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган. Улар қуйидагилар: давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларга аралашмаслик ва бошқалар. Конституцияда, шунингдек, давлатнинг ва халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши қоидаси белгилаб қўйилган.



Конституция қоидаларида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикасининг изчил ташқи сиёсати, мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатининг асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилган.



Фрэнсис Фукуяма

Қонунлар предметини энг муҳим ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Хавфсизликка оид ижтимоий муносабатлар халқаро амалиётда, одатда, миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади.

Навбатдаги гуруҳни халқаро ҳуқуқ нормалари ташкил этади. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий асоснинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хавфсизлик муаммолари ўзаро боғлиқлик даражасининг ўсиб бориши, трансчегаравий характердаги хавф ва таҳдидларнинг пайдо бўлиши, хавфсизликка нисбатан фақатгина «суверен» жавобнинг етарли эмаслиги кузатилаётган бугунги кунда ушбу **халқаро-ҳуқуқий воситалар**нинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти ва мавқеи ортиб бормоқда.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормалари жаҳон тартиботи ҳамда халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг ҳуқуқий негизини ташкил этади. Улар халқаро ҳуқуқнинг *jus cogens*, яъни императив нормалари ҳисобланиб, олий даражадаги сиёсий, юридик ва маънавий нуфузга эга. Мазкур нормалар бутун давлатлар халқаро ҳамжамияти иродасининг мувофиқлашуви ва келишуви натижасида яратилиб, *erga omnes*, яъни халқаро ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун тааллуқли бўлиб, улардан ҳар қандай оғиш тақиқланади. Шу боис ҳам улар ҳам миллий, ҳам халқаро-ҳуқуқий тизимнинг барча турдаги нормаларига нисбатан олий юридик кучга эгадир. Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларининг устунлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида мустаҳкамлаб қўйилган.

*Халқаро шартномалар* миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг, давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашнинг самарали халқаро-ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тизимида жаҳон ва минтақанинг етакчи давлатлари билан имзолаган стратегик ҳамкорлик, трансчегаравий таҳдидларга қарши кураш, давлат чегараларининг халқаро-ҳуқуқий мақомини белгилаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий ташаббусларининг амалий натижаси сифатида ядро қуролидан холи зонани яратиш тўғрисидаги шартномалар, шунингдек, Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга қаратилган халқаро битимлар ҳамда минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари муҳим ўрин тутаяди.

Миллий хавфсизликка оид масалаларнинг муҳимлиги ва аҳамиятини ушбу йўналишдаги халқаро шартномаларни Олий Мажлис томонидан тасдиқланиш (ратификация)ни тақозо қилишида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, амалдаги қонунчиликка кўра, Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва қоллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан ҳудудий

## Хавфсизлик асослари

чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар ва бошқа халқаро шартномалар ратификация қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунлиги миллий қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган.

Маълумки, **қонунлар** предметини энг муҳим ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Хавфсизликка оид ижтимоий муносабатлар халқаро амалиётда, одатда, миллий хавфсизлик тўғрисидаги қонунлар билан тартибга солинади. Бундай норматив-ҳуқуқий ҳужжат илк бор 1947 йилда АҚШда Трумэн маъмурияти томонидан қабул қилинган бўлиб, бугунги кунда ушбу ҳуқуқий амалиёт кенг ёйилиб, кўплаб хорижий (мисол учун, РФ, ХХР, Корея Республикаси ва бошқа), шу жумладан, Марказий Осиё давлатлари миллий қонунчилигининг ажралмас қисмига айланди.

Қонунлар бош ва тизим яратувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида миллий хавфсизлик соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, шунингдек, концептуал, доктринал ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Қонунда миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий принциплари, куч ва воситалари, уларни қўллаш тартиби, хавфсизлик субъектлари доираси, ваколатлари, хавфсизлик элементларининг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири билан боғлиқ масалалар ўз аксини топади.

Қонунчилик ва ҳуқуқ тармоғи шаклланишида қонуннинг муҳим жиҳати шундаки, унинг қоидаларида «тушунчавий аппарат», яъни миллий хавфсизлик соҳасида кенг қўлланадиган тушунча ва иборалар юридик жиҳатдан мустаҳкамланади ҳамда уларнинг «кристаллашуви» юз беради. Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг бугунги даражасига тўлиқ мос келади. Ҳозирда миллий хавфсизликнинг «тушунчавий аппарати»ни ташкил этувчи атама ва иборалар тарқоқ ҳолда турли қонун ва концептуал ҳужжатларда сақланиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизликка оид амалдаги қонунчилиги турли йўналишларда изчил ривожланиб бораётганлигини таъкидлаб (қонунларни туркумлаштиришга даъвогарлик қилмаган ҳолда), уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ҳарбий хизмат, мудофаа ва қуролли кучлар бошқарувини ташкил этувчи (Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги, «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунлари);
- миллий хавфсизлик субъектлари, хусусан, вазирлик ва идоралар фаолиятининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Президенти

Қонунлар бош ва тизим яратувчи ҳуқуқий ҳужжат сифатида миллий хавфсизлик соҳасига оид норматив-ҳуқуқий базани, шунингдек, концептуал, доктринал ҳужжатларни ишлаб чиқиши ва қабул қилинишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

**ЎЗР Конституцияси  
15-модда**

Ҳуқуқ назариясида кенг тан олинган қарашга кўра, ҳуқуқ тармоғи бир хил турдаги, турдош ижтимоий муносабатлар (предмет)ни тартибга солувчи ҳамда тартибга солиш методи ягона бўлган ҳуқуқий нормаларнинг йирик мажмуидир.

давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги қонунлари);

- миллий хавфсизликка нисбатан таҳдидларга қарши курашишни назарда тутувчи (Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги, «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонунлари);

- хавфсизлик режимини ўрнатиш (Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги, «Фавқулодда ҳолат тўғрисида»ги қонунлари);

- миллий хавфсизликнинг айрим соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш (Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонуни) ва бошқалар.

Демак, мавжуд норматив-ҳуқуқий базанинг қиёсий таҳлили Ўзбекистонда миллий хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик соҳаси вужудга келганлигидан далолат бермоқда.

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қуйидагилар ташкил этади: 1) миллий хавфсизлик тизимини ташкил этиш, хавфсизликнинг асосий ва таъсирчан субъектлари ҳисобланган давлат органларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш; 2) миллий хавфсизлик алоҳида соҳаларининг қонунчилик ва концептуал асосларини янада ривожлантириш; 3) миллий хавфсизликка қарши қаратилган замонавий таҳдидларга қарши курашишнинг қонунчилик ва шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантириш.

### 8.3. Миллий хавфсизлик ҳуқуқи: предмети ва методлари

Маълумки, ҳуқуқни тармоқларга бўлиш уни таснифлашда илмий жиҳатдан тадқиқ этилган, ҳуқуқни тизимга солишнинг самарали ва қулай усули саналади. Юридик адабиётда кенг тарқалган қарашга кўра, ҳуқуқни алоҳида тармоқларга бўлиш, авваламбор, ҳуқуқни кўллаш, ҳуқуқ ижодкорлиги, педагогик ва илмий соҳалардаги амалий масалаларни ҳал этиш имкониятини бериши билан аҳамиятлидир.

Ҳуқуқий тартибга солиш **предмети ва методи** ҳуқуқ тармоғининг муҳим тизим яратувчи элементи ва бирламчи мезонидир. Ҳуқуқ назариясида кенг тан олинган қарашга кўра, ҳуқуқ тармоғи *бир хил турдаги, турдош ижтимоий муносабатлар (предмет)ни* тартибга солувчи ҳамда тартибга солиш методи ягона бўлган ҳуқуқий нормаларнинг йирик мажмуидир. Бошқача айтганда, ижтимоий муносабатларнинг **предмет бирлиги**, яъни сифат белгиларининг бир хиллиги ҳуқуқнинг алоҳида таркибий/структуравий қисмларини гуруҳларга ажратишда асос бўлиб хизмат қилади.

Миллий хавфсизликка оид норматив-ҳуқуқий актлар ёки миллий хавфсизлик ҳуқуқи қандай манфаатларни ҳимоя қилади?

Шу билан бирга, ҳуқуқ соҳаларини ўзаро чегараловчи хусусиятлар сифатида яна қуйидагилар келтирилади: ўзига хос ижтимоий муносабатларнинг «ҳажми ва мураккаблиги» ёки «солиштирама оғирлиги»; вужудга келган муносабатларни бошқа ҳуқуқ тармоқлари нормалари ёрдамида тартибга солишнинг имкони йўқлиги; ўзига хос/специфик соҳа/тармоқ принциплари, ҳуқуқий режимлар ҳамда алоҳида, одатда, кодификация қилинган қонунчиликнинг мавжудлиги.

Миллий хавфсизлик ҳуқуқининг предмети хавфсизлик (ҳуқуқ) субъектлари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни ташкил этади. Ижтимоий муносабатлар муайян маънода объектив аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг етакчи назариятчи олимларидан бири Ҳ.Т.Одилқориев таъкидлаганидек, «у ёки бу ҳуқуқ тармоғининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳуқуқий тартибга солишга «муҳтож бўлган» ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ».

Умуман, ижтимоий муносабатлар оммавий ёки хусусий манфаатларни таъминлаш борасида вужудга келади. Таниқли россиялик олим И.И.Лукашук манфаат ва ҳуқуқнинг ўзаро нисбати борасида шундай дейди: «Манфаатлар бирламчи, улар ҳуқуқнинг мазмуни ва характерини белгилайди. Ҳуқуқнинг вазифаси уларни ҳимоя қилиш ҳисобланади».

Миллий хавфсизликни таъминлаш доирасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар қандай ўзига хос хусусиятга эга? Миллий хавфсизликка оид норматив-ҳуқуқий актлар ёки миллий хавфсизлик ҳуқуқи қандай манфаатларни ҳимоя қилади? Хавфсизлик тадқиқотларида кенг тарқалган секьюритизация назариясига кўра, хавфсизликка оид масала ҳаётий муҳим, ўта зарур ва мутлақ устувор аҳамиятга эга. Шу ўринда сўз илмий адабиётда «миллий манфаатлар» деб аталувчи манфаатлар тўғрисида кетади. Шу боис улар шошилиш, махсус ва фавқулодда чоралар кўрилишини тақозо этади ҳамда ўрнатилган одатий сиёсий тартибдан четга чиқувчи хатти-ҳаракатларни қўлланишини оқлайди.

Сиёсий фанлар доирасида қарор топган фикрга кўра, миллий манфаатлар миллат ва давлатнинг энг муҳим мақсадлари, интилишлари ва эҳтиёжлари сифатида, халқаро муносабатларнинг туб предметини ҳамда давлат ташқи сиёсий фаолиятининг асосий мақсадини ташкил этади.

Миллий манфаатлар суверен давлатларга хос бўлиб, миллий хавфсизлик сиёсати ва ҳуқуқининг мазмунини белгилайди ҳамда уларнинг мақсад ва вазифаларини аниқлашда таҳлилий восита ҳисобланади. Миллий манфаатлар хавфсизлик соҳасидаги муносабатларни ҳаракатлантирувчи куч ва тизим яратувчи элемент сифатида халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари манфаатларига нисбатан реал устунликка эга.



**Игорь Лукашук**

У ёки бу ҳуқуқ тармоғининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳуқуқий тартибга солишга «муҳтож бўлган» ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигига боғлиқ.



Миллий манфаат тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (конституция, халқаро шартномалар, қонунлар ва хавфсизлик концепциялари)да юридик жиҳатдан мустаҳкамланадиган ўзига хос ҳуқуқий норма ва принциплар (масалан, суверенитет, ҳудудий яхлитлик, инсон ҳуқуқлари ва бошқалар)да ўз аксини топади. «Миллий манфаатлар» категорияси Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилик ва концептуал ҳужжатларида норматив жиҳатдан белгилаб қўйилган.

Ҳуқуқий тартибга солиш предметининг муҳим элементи – хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатлар иштирокчиси ҳисобланади. Миллий хавфсизлик ҳуқуқининг бирламчи субъектлари – бу, авваламбор, ваколатли давлат органлари ҳисобланади. Хавфсизлик субъекти фаолиятининг мақсади хавфсизлик объекти (миллий манфаат)ни ҳимоя қилиш бўлиб, бу борадаги хатти-ҳаракатлар жамоат ташкилотларини таъсис этиш, норматив-ҳуқуқий асосни яратиш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, халқаро шартномаларни тузиш ва бошқаларда намоён бўлади. Унинг фаолиятига ижодкорлик ва бунёдкорлик хосдир. Миллий хавфсизлик субъектлари тизимида давлат марказий ўринни эгаллайди. Зеро, хавфсизликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосини, куч ва воситаларини яратиш ҳамда хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш унинг ваколати доирасига киради.

**Ҳуқуқий тартибга солиш методлари** (усул, восита ва йўллар)га келсак, улар ижтимоий муносабатларга юридик нормаларнинг таъсир қилиш усули бўлиб, диспозитив ва императив турларга бўлинади. Миллий хавфсизлик ҳуқуқи ўз хусусиятига кўра оммавий ҳуқуқ тармоғи ҳисобланиб, унинг предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар ўз табиатига кўра бошқарув ва ҳокимият характериغا эга. Бироқ ушбу муносабатларни «одатий давлат бошқаруви» билан аралаштириб бўлмайди, чунки миллий хавфсизлик доирасига фақатгина миллий манфаатларга тегишли ҳамда стратегик режалаштириш ҳужжатларида мустаҳкамланган муносабатларгина киради.

Миллий хавфсизликка оид муносабатларни тартибга солишда ўзига хос жиҳатлар ва услубларнинг мавжудлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Хусусан, специфик ҳуқуқ шакли, яъни стратегик режалаштириш ҳужжатларининг мавжудлиги, шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлаш, давлат ва ҳокимият муносабатларининг устунлиги, миллий манфаатларнинг устуворлиги ва бошқалар.

**Тармоқ принципларининг** мавжудлиги, бизнинг фикримизча, янги миллий хавфсизлик ҳуқуқи тармоғини шаклланиб келаётганлигининг яна бир ўзига хос тасдиғидир. Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари – муайян ҳуқуқий қоидалар бўлиб, улар хавфсизлик субъектлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда муҳим ўрин тутди. Мазкур юридик қоидаларнинг мавжудлиги хавфсизликни

Хавфсизлик субъекти фаолиятининг мақсади хавфсизлик объекти (миллий манфаат)ни ҳимоя қилиш бўлиб, бу борадаги хатти-ҳаракатлар жамоат ташкилотларини таъсис этиш, норматив-ҳуқуқий асосни яратиш, халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиш, халқаро шартномаларни тузиш ва бошқаларда намоён бўлади.

таъминлаш жараёнида давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслиги ва ҳурмат қилинишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганидек, соҳага оид алоҳида кодификация қилинган *қонунчиликнинг мавжудлиги* ҳуқуқ тармоғининг ўзига хос шартларидан бири саналади. Мутахассислар ҳар бир ҳуқуқ тармоғига мос равишда қонунчилик тармоқлари ёки соҳаларининг шаклланишини таъкидлайди.


Ҳуқуқ тармоғи шаклланишида миллий хавфсизликка оид қонунчилик ёки махсус қонуннинг аҳамияти шундаки, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқ тармоғи шаклланишида муҳим босқич бўлиб, соҳа доирасидаги асосий принциплар ва тушунчаларни ҳуқуқий амалиётда томир отишида муҳим роль ўйнайди. Айнан қонуннинг «умумий қоидалари» мазмуни «норматив материалнинг умумлашганлик даражаси ҳамда мустақил ҳуқуқ тармоғининг шаклланиш эҳтимоли тўғрисида фикр юритишга асос бўлади».

Демак, ҳуқуқ тармоғи (жумладан, комплекс ҳуқуқ тармоғи) муайян тизимни ташкил этиб, унинг таркибий қисмлари (ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида, турдош ижтимоий муносабатлар ва ягона методлари (предмет бирлиги), специфик соҳа принциплари ва қонунчилик) ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва ўзаро таъсирнинг мавжудлиги ҳамда тарихий ва тадрижий ривожланиши, шунингдек, ушбу элементларнинг сифат хусусиятлари, яъни ҳажми, мураккаблиги, аҳамиятининг юқорилиги, ҳуқуқий амалиётда кенг томир отганлиги ҳуқуқ тизимида янги ҳуқуқ соҳасини вужудга келаётганлигидан далолат беради.

Юқорида амалга оширилган таҳлил асосида миллий хавфсизликка оид қонунчилик соҳаси ва ҳуқуқ тармоғининг шаклланиши, ривожланиши борасида ушбу хулосаларга келиш мумкин:

*биринчидан*, муайян ҳуқуқ ва қонунчилик соҳаларининг шаклланиши ва ривожланиши жамиятнинг иқтисодий базиси, социал ва сиёсий тузумига боғлиқ объектив заруратдир. Ҳуқуқ назариясида кенг тарқалган қарашга кўра, давлат ушбу заруратни ўз вақтида англаб етади ва уни расмийлаштиради. Ўзбекистон Республикаси учун миллий хавфсизлик соҳасида ижтимоий муносабатлар вужудга келиши ва уларни ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий шarti, шубҳасиз, давлат суверенитетининг қўлга киритилганлиги ҳисобланади;

*иккинчидан*, миллий хавфсизлик, жамиятнинг ҳар қандай соҳаси каби, ҳуқуқ юрисдикцияси остида бўлиши керак. Хавфсизлик соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмини яратиш ва мустаҳкамлашнинг бош мақсади давлатнинг ички муносабатларида фундаментал учлик, яъни шахс, жамият ва давлат манфаатларини норматив таъминлаш ва уларнинг мувозанатига эришиш, ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини изчил амалга оширишдан иборат;



**Миллий хавфсизликни таъминлаш принциплари**

– бу муайян ҳуқуқий қоидалар бўлиб, мазкур юридик қоидаларнинг мавжудлиги хавфсизликни таъминлаш жараёнида давлат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини бузилмаслиги ва ҳурмат қилинишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

## Хавфсизлик асослари



*учинчидан*, турдош ижтимоий муносабатлар ва методлар мавжудлиги (бевосита), қонунчилик асослари ва соҳа принципларининг шаклланганлиги, ҳуқуқ институтлари ва тегишли тушунчавий аппаратининг ажралиб чиққанлиги (билвосита) ҳамда уларнинг солиштирма оғирлигининг аҳамияти ҳуқуқнинг янги комплекс тармоғи – миллий хавфсизлик ҳуқуқининг вужудга келаётганлигидан далолат бермоқда;


*тўрттинчидан*, миллий хавфсизликни таъминлашнинг самарали, таъсирчан қонунчилик ва концептуал базаси яратилиши ҳуқуқий тартибот ва давлатчиликни мустаҳкамлаш, миллий манфаатларни илгари суриш, замонавий хавфсизлик таҳдидларига қарши курашишнинг самарали омили бўлиши билан бирга, мустақил ҳуқуқ тармоғи шаклланишида ҳам ўз ўрнига эга.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Миллий хавфсизлик ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий асосини қандай ҳужжатлар ташкил этади?
3. Миллий хавфсизликка оид қонунчилик: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари ва ўзаро нисбати ҳақида сўзлаб беринг.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизлик ҳуқуқи: қонунчилик ва ҳуқуқ тармоғининг ривожланиши // Тизимли тадқиқотлар. – Тошкент, СТИБОМ №8/2023. Б. 46-65.
2. Бобокулов И.И. Хавфсизликнинг ҳуқуқий негизи // Тафаккур. – Тошкент, 2010. – № 2 (63).
3. Вербицкая Т.В. Национальная безопасность как институт конституционного права. Монография – М.: Мир науки, 2015.
4. Кашинская Л.Ф. Национальная безопасность и правовая система // Общественное мнение. Права человека. – Ташкент, 2003. – № 1. (21).
5. Лукашук И.И. Глобализация, государство, право XXI век. – М.: Спарк, 2000. – 261 с.
6. Путинцев А.В. Право национальной безопасности: институт, отрасль, правовой режим? // Вопросы безопасности. – 2020. № 4.
7. Саидов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Икки жилдли. 2-жилд. Ҳуқуқ назарияси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001.
8. Турсунов А.С., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т., 2004. – 47 б.
9. Турсунов А.С. Конституционные основы внешней политики Республики Узбекистан. – Т.: ТГЮИ, 2002.




10. Чапчиков, С.Ю. О формировании комплексной отрасли законодательства в сфере национальной безопасности // Юридический мир. – Москва, 2014. – № 11 (215). – С. 19-24.

11. Odilqoriyev X.T. Davlat va huquq nazariyasi. Darslik. – T.: Adolat, 2018, – 325-bet;

12. Odilqoriyev X.T. O'zbekiston Respublikasining qonunchilik tizimi. – T.: Adolat, 2008.

13. Francis Fukuyama. State-building: Governance and World Order in the 21st Century. – Ithaca, New York. Cornell: University Press, 2004. – P. XI.

14. Stephen I. Vladeck. Is «National Security Law» Inherently Paradoxical? // National Security Law Brief. Vol. 1, No. 1.



## 9-МАВЗУ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Фуқаролик жамияти бу ўзини ўзи бошқаришдир. Унинг биринчи ва асосий тамойили шу.

*И. Каримов*

**Резюме.** Ушбу маърузада миллий хавфсизликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли очиб берилган. Мавзу билан танишиш жараёнида мамлакатимизда ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари ҳам миллий хавфсизликни таъминлашнинг субъектига айланиб, унинг функциялари кенгайиб бораётганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

**Таянч сўзлар:** миллий хавфсизлик, миллий хавфсизлик субъектлари, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик назорати.

### 9.1. Фуқаролик жамияти ва миллий хавфсизлик муносабатларининг келиб чиқиши

Давлат бошқарувининг замонавий концепцияларида фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик давлатнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ундаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнларга кенг миқёсда жалб қилиниб, уларга жиддий таъсир кўрсатиши эътироф этиб келинмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий ҳаётни ташкил қилишнинг энг оқилона шаклларини яратишга қодирлигини инобатга олган ҳолда, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашда улар билан масъулиятни ўзаро бўлишиш ғояси илмий ишланмаларда марказий ўрин эгалламоқда.

Ҳозирги даврда мамлакатимизда эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича мақсадли изчил стратегия амалга оширилмоқда. Давлат ва жамиятни модернизация қилиш сиёсати «Жамият – ислохотларнинг бош ташаббускори» тамойилига асосланган «Инсон – жамият – давлат» концепциясига трансформация қилиниб, инсон манфаатлари бош ижтимоий қадрият даражасига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг турлари ва сонининг кўпайиши билан бирга, уларнинг таъсир доираси кенгайиб, давлат ва жамият қурилишидаги ўрни ва роли мустаҳкамланиб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, замонавий миллий хавфсизлик концепцияларига тўлиқ мос равишда фуқаролик жамиятининг ресурслари, салоҳияти ва ролини ҳам яратувчанлик мақсадларида, ҳам миллий хавфсизликни таъминлаш йўлида сафарбар қилишни тақозо этмоқда.

Фуқаролик жамияти – индивидлар, жамоалар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг турли жабҳаларида ўз манфаатларини амалга ошириш, ҳимоя қилишга хизмат қилувчи эркин ва мустақил ижтимоий муносабатлар ҳамда институтлар тизими.

## Хавфсизлик асослари

Миллий хавфсизликни таъминлаш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ўзаро боғлиқ жараёнлардир. Бу функционал боғлиқликни, хусусан, ушбу илмий тушунчаларнинг муҳим таркибий қисми бўлган «манфаат» тоифаси орқали кўриб чиқиш мумкин.

Маълумки, фуқаролик жамиятининг асосий элементи, бу шахс бўлиб, у ўзининг хилма-хил эҳтиёжлари ва манфаатларини турли уюшмалар орқали амалга оширади. Айнан манфаатлар ҳар қандай субъектнинг ҳаракатлари ва ижтимоий хулқ-атворининг мотивларини шакллантиради, унинг фаолият йўналишини белгилайди.

Америкалик психолог А. Маслоунинг инсон мотивацияси назариясига кўра, одамларнинг манфаатлари маълум бир иерархик кетма-кетликда жойлашган эҳтиёжларга, фаолиятнинг ички стимуляторларига асосланади. Хавфсизликка бўлган эҳтиёж ушбу иерархиядаги асосий эҳтиёжлар сирасига киритилган бўлиб, у қисман қондирилмасдан, шахс уйғун ривожлана олмайди, ўзини рўёбга чиқара олмайди. Хавфсизликка бўлган эҳтиёж организмнинг барча имкониятларини ўзини ўзи ҳимоя қилишга йўналтиради. Шу тариқа тана, эҳтиёж туғилганда, «хавфсизликни таъминлаш воситасига» айланиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шахс ўз хавфсизлигини таъминлаш функциясини амалга оширишга қодир актордир.

Ўзаро ёрдам ва хавфсизликка бўлган эҳтиёж шахснинг социализациясини – унинг инсонлар ҳамжамиятига бирлашишини тақозо этади. Бу умумий манфаатларнинг шаклланишига олиб келади. К. Маркс таъбири билан айтганда, манфаат фуқаролик жамияти аъзоларини бир-бирига боғлаб туради. Умумий манфаат эса жамоавий ҳаракатларни талаб қилади. Айнан шу мантиқ **жамият**нинг хавфсизликни таъминлашдаги субъектлигини изоҳлайди.

Хавфсизлик соҳасидаги европалик таниқли олимлардан бири Т. Бальзакнинг фикрича, давлат уйғунлик асосида шаклланган миллий манфаатлар ва ўзининг ичидаги ҳамжамиятлар манфаатлари ўртасидаги воситачидир. Профессор И. Бобоқуловнинг фикрича, ҳаётини муҳим миллий манфаатлар хавфсизлик субъектларининг эҳтиёжларидан келиб чиқади ҳамда уларни шакллантириш ва белгилашнинг материяси, «ижтимоий асоси» бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, фуқаролик жамияти институтлари индивидуал, коллектив ва жамоат манфаатларини мутаносиб равишда ифода этиши ва уларни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ҳимоя қилинишини таъминлаши мумкин. Давлат органлари билан ҳамкорликда улар ҳаётини манфаатларни ҳимоя қилишда иштирок этишади, бу эса уларни миллий хавфсизлик тизимининг субъектлари сирасига киритишни тақозо этади.

2025 йил январь ҳолатида Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтган 10500 дан ортиқ маҳаллий ва 150 дан ортиқ хорижий ва халқаро ННТлар фаолият юритиб келмоқда. Уларнинг фаолиятини тартибга солиш учун 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинган.

Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади.

**ЎЗР Конституцияси  
69-модда**

Ўзбекистон Республикасида касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар ташкилотлари, фахрийлар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

**ЎЗР Конституцияси  
70-модда**

**Фуқаролик жамияти институтлари** – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этиб, унинг моҳиятини белгилайди.

Шу аснода фуқаролик жамияти институтлари инсон, жамият ва давлат манфаатларини бирдек ҳимоя қила олишади. Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизлик назарияларига мос келувчи қуйидаги таснифи ҳам фуқароларнинг ҳамжамиятлари уларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги манфаатларини артикуляция, агрегация ва амалга оширишга хизмат қила олишини кўрсатади (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Фуқаролик жамияти институтларининг фаолият соҳалари бўйича таснифи**

№	Тизимлар	Ташкилотлар	Функциялар
1.	Сиёсий кичик тизим	Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	Жамият ва шахс сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш
2.	Ҳуқуқий кичик тизим	Нодавлат жамоат бирлашмалари, нотариат ва адвокатура идоралари	Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш
3.	Иқтисодий кичик тизим	Савдо-саноат палаталари, банклар ассоциациялари, бирлашмалар	Хўжалик юритувчи субъектлар манфаатларини ҳимоя қилади
4.	Ижтимоий кичик тизим	Касаба уюшмалари, хайрия жамғармалари ва ташкилотлари, меҳнат жамоалари, спорт ҳамжамоалари	Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларнинг юзага чиқишига ёрдам беради
5.	Маънавий кичик тизим	Таълим, маданият ходимларининг жамоат бирлашмалари, ижодий уюшмалар ва диний бирлашмалар	Маънавий манфаатларни амалга оширишга хизмат қилади ҳамда фикрлар хилма-хиллиги ва бағрикенгликни таъминлайди
6.	Ахборот кичик тизим	Мустақил журналистлар, блогерлар, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари	Шахс ва жамиятнинг ахборот олиш эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади

Шундай қилиб, фуқаролик жамияти – индивидлар, жамоалар ва ижтимоий гуруҳлар фаолиятининг турли жабҳаларида ўз манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишга хизмат қилувчи эркин ва мустақил ижтимоий муносабатлар ва институтлар тизимидир.

## Хавфсизлик асослари

Фуқаролик жамияти ва хавфсизлик муносабатларининг боғлиқлигини «**тараққиёт орқали хавфсизлик**» концепцияси доирасида кўриб чиқилади.

Ушбу концепция тарафдорлари хавфсизликни ўрганишда «хавфсизлик» тоифасини эмас, балки инсон, жамият ва давлатнинг ривожланишини биринчи ўринга қўядилар. Хусусан, хавфсизлик соҳасидаги таниқли россиялик мутахассислардан бири А. Прохожевнинг фикрига кўра, тараққиёт – бирламчи, хавфсизлик эса иккиламчи аҳамият касб этиб, у ривожланишни таъминлаш, уни турли хил таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун лозим.

20-асрда хавфсизлик соҳасидаги тадқиқотлар ва тараққиётни ўрганишга оид кўплаб изланишлар олиб борилган бўлса, 21-асрда ушбу ҳодисаларни «хавфсизлик-ривожланиш» тўпламида (Security-development nexus) ўрганиш тенденцияси кучайди. Халқаро сиёсатшунослик лексиконига «ривожланишни секьюритизация қилиш» (Securitisation of development) ва «хавфсизликни ривожлантириш» (Developmentalisation of security) тушунчалари ҳам киритилиб, уларнинг моҳиятида фуқаролик жамияти институтлари муҳим ўрин эгаллади.

Москва давлат халқаро муносабатлар институти Ҳарбий-сиёсий тадқиқотлар маркази директори профессор А. Подберёзкин раҳбарлигида амалга оширилган илмий-тадқиқот лойиҳасида келтирилган асосий хулосалар шундан иборатки, янги асрда миллий инсон капитали ва унинг ривожланиш институтлари, жумладан нодавлат институтлари (хусусан, «учинчи сектор») куч сиёсатининг асосий воситалари ва давлатни ривожлантириш институтлари сирасига киради. Миллий бойликнинг қолган икки қисми – ишлаб чиқариш активлари ва табиий ресурслар иккинчи даражали роль ўйнай бошлади.

Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтларининг ҳаётнинг барча соҳаларини ривожлантиришдаги аҳамияти халқаро ташкилотлар даражасида ҳам кенг эътироф этилмоқда. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари БМТнинг жамият ва давлат ҳаётининг ижтимоий, экологик ва иқтисодий жиҳатларини қамраб олувчи Барқарор ривожланиш мақсадларини ишлаб чиқувчилари ва ижрочиларидан биридир.

Ҳозирги даврда шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ўзаро боғлиқ жараёнлар бўлиб, фуқаролик институтлари барқарор ривожланишнинг муҳим омили ва миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг интеграл таркибий қисмига айланиб бормоқда.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, Ўзбекистоннинг давлат суверенитетига, худудий яхлитлигига ва хавфсизлигига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ҳамда диний адоватни тарғиб қилувчи, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига, аҳолининг соғлиғига, ижтимоий ахлоққа тажовуз қилувчи сиёсий партияларнинг, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шунингдек миллий ва диний белгиларига кўра сиёсий партияларнинг, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва бирлашмалар ташкил этиш тақиқланади.

**ЎзР Конституцияси  
71-модда**

Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари миллий хавфсизликни таъминлашнинг бевосита иштирокчиларидир.

**Нодавлат нотижорат ташкилоти** – жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга жамият ҳаётида иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратади. Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига аралашшига, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

**ЎЗР Конституцияси  
72-модда**

## 9.2. Фуқаролик жамияти институтлари миллий хавфсизликни таъминлашнинг иштирокчиси сифатида

Фуқаролик жамияти институтларига миллий хавфсизликнинг функционал акторлари сифатида қарала бошланишига 20-асрнинг иккинчи ярмида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари устуворлигини илгари сурувчи иқтисодий ва сиёсий либерализм таълимотининг ривожланиши туртки берди. Бу даврдан бошлаб демократик давлатларда инсон ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида давлатнинг улуши муттасил равишда пасайиб борди. Фуқаролик жамияти давлат ва шахс ҳаётининг тобора муҳим бўғинига, шунингдек, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилувчи фаол иштирокчига айланди.

Миллий хавфсизликни таъминлашга эстатик ёндашув ушбу соҳага нодавлат акторларнинг кириб бориши натижасида ўзгаришларга юз тутди. Давлат эмас, шахс ва жамият хавфсизлик сиёсатининг устувор йўналиши сифатида кўрилади бошланди.

Илмий тадқиқотларда ҳам инсон ва жамият хавфсизлигининг сиёсий ва ҳуқуқий концепцияси билан боғлиқ масалалар алоҳида ўрин эгаллади. Жумладан, инглиз олими Э. Ротшилд миллий хавфсизликни таъминлашдаги марказдан қочирувчи тенденцияларни тавсифлаб, уни тўрт ўлчовли модел доирасида кўриб чиқди: «давлатлардан индивидуум сари – пастга», «давлатлардан биосфера сари – тепага», «ҳарбий хавфсизликдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликка» ва «тепага – давлатлардан халқаро институтлар сари, пастга – давлатлардан ҳудудий ва маҳаллий ҳокимиятлар, шунингдек, нодавлат ташкилотлари, жамоатчилик фикри ва матбуот, табиат ёки бозорнинг абстракт кучлари сари».

Копенгаген мактабининг вакили, таниқли олим И. Галтунг ўзи ишлаб чиққан «юмшоқ хавфсизлик» концепциясининг марказида инсон туради ва давлат хавфсизлигига унинг алоҳида фуқаролари хавфсизлиги орқали эришилади деган ғояни олға суради. Бунда хавфсизликни таъминлашда куч ишлатиш билан боғлиқ усулларга эмас, кўпроқ музокаралар, қўшма лойиҳалар ва дастурлар каби куч ишлатишдан холи бўлган усулларга асосий эътибор қаратилади. Бу жараёнларда фуқаролик жамияти ва давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим ўрин тутди.

1990-йилларнинг бошларида Франкфурт мактаби вакилларининг (Т. Адорно, Ю. Хабермас ва бошқалар) ишланмаларига асосланиб, К. Бут «эмансипация назарияси»ни (emancipatory theory) илгари сурди. Бу назарияга кўра, бир объектнинг хавфсизлиги ҳар доим бошқа объектнинг ҳимояланмаганлигини англатиши мумкинлиги боис, хавфсизлик универсаллаштирилиши, бунда давлат эмас, балки индивид марказий ўрин эгаллаши лозим.

## Хавфсизлик асослари

20-асрнинг охирларида Б. Бузан ва О. Вейвер хавфсизликни тадқиқ қилишда конструктив ёндашув доирасида «секьюритизация» концепциясини илмий дискурсга киритдилар. Профессор И. Бобокуловнинг таъбири билан айтганда, хавфсизликка таҳдидларни жамият аъзоларининг кўпчилиги томонидан тан олиншини назарда тутувчи ушбу концепциянинг шаклланиши «қуйи сиёсат» элементлари, шу жумладан, фуқаролик жамияти институтларининг хавфсизлик дунёси/муаммоларига кириб келиши билан бевосита боғлиқ. Шу муносабат билан, концепцияни амалга оширишда субъектлараро мулоқотни ривожлантириш катта аҳамият касб этади.

«Секьюритизация» концепцияси муҳим демократик салоҳиятга эга ва у фуқаролик жамияти институтлари ва экспертлар ҳамжамиятининг хавфсизлик бўйича сиёсий мунозараларда фаол иштирокини назарда тутди.

Юқорида кўриб чиқилган концепциялар билан бир қаторда, замонавий назария ва амалиётда фуқаролик жамияти нафақат миллий хавфсизликни таъминлаш жараёни иштирокчиси, балки хавфсизлик соҳаси устидан жамоатчилик назорати субъекти сифатида ҳам намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Россиялик олим С. Бабуркиннинг сўзларига кўра, хавфсизлик соҳасида фаолият юритадиган нодавлат тузилмаларнинг ривожланиши ушбу соҳадаги махсус хизматлар, куч тузилмалари ҳамда давлат сиёсатини фуқаролик назоратини амалга ошириш учун муҳим ва зарурдир. Уларнинг фаолияти миллий хавфсизлик соҳасидаги ишларнинг ҳолатини мустақил баҳолашга, шунингдек, муқобил концепциялар ва дастурларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда бундай назорат кўплаб давлатларда кенг тарқалган амалиётга айланиб бормоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг хавфсизлик соҳаси устидан назоратда иштироки халқаро ташкилотлар томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда.

БМТни ривожлантириш дастури томонидан 2010 йилда фуқаролик жамияти ташкилотлари учун «Хавфсизлик соҳаси устидан фуқаролик назорати» қўлланмаси ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади – «хавфсизлик сектори фаолиятини қонун устуворлиги тамойиллари асосида йўлга қўйилишини таъминлаш, уни шаффоф ва жамоатчилик олдида ҳисобдор қилиш»дан иборат.

Шундай қилиб, илм-фанда фуқаролик жамияти ва унинг институтларини миллий хавфсизликни таъминлашнинг бевосита иштирокчилари сифатида ўрганиш учун етарли услубий асослар мавжуд.

Касаба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва ҳимоя қиладилар. Касаба уюшмаларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир.

**ЎзР Конституцияси  
73-модда**

**Ижтимоий шериклик** – давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

Сиёсий партиялар турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар. Сиёсий партиялар ўз фаолиятининг молиялаштирилиши манбалари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ошкора ҳисоботлар тақдим этадилар.

**ЎЗР Конституцияси  
74-модда**

Миллий хавфсизликни таъминлаш давлат тизимининг субъектлари: қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, қуролли кучлар, чегара қўшинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, махсус хизматлар ва бўлинмалар, солиқ ва божхона хизматлари, суд ҳокимияти ва адлия идоралари, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасини назорат қилувчи органлар ва бошқалар киради.

### **9.3. Фуқаролик жамияти институтлари миллий хавфсизликни таъминлаш субъектлари сифатида**

Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш тизимидаги ўрнини кўриб чиқишда, уларни хавфсизликнинг асосий субъекти бўлган давлатнинг ушбу соҳадаги фаолияти доирасидан ташқарида кўриб чиқиш мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим.

Хавфсизликни таъминлаш давлатнинг ҳокимият институти сифатида муҳим вазифаларидан биридир. У миллий хавфсизлик тизимини шакллантиради, уни таъминлаш сиёсатини белгилайди, тегишли норматив-ҳуқуқий базани яратади, концепцияларни тасдиқлайди ва уларни амалга оширадиган стратегияларни ҳаётга татбиқ қилади. Миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг асосий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат турли соҳаларда хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат органларига аниқ функцияларни бажаришга доир ваколат беради, уларга эришиш шакллари ва усулларини тартибга солади.

Умумэътироф этилган таснифга кўра, миллий хавфсизликни таъминлаш давлат тизимининг субъектларига қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, қуролли кучлар, чегара қўшинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, махсус хизматлар ва бўлинмалар, солиқ ва божхона хизматлари, суд ҳокимияти ва адлия идоралари, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасини назорат қилувчи органлар ва бошқалар киради. Улар миллий хавфсизликни таъминлашнинг давлат тизимини ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизликка оид концептуал ҳужжатларида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, шунингдек, фуқароларни миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг таркибий элементлари сифатида кўриб чиқилади. Шу нуқтаи назардан, нодавлат хавфсизлик тизимини ташкил этиш, уни шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ягона миллий тизимига киритиш долзарб аҳамиятга эга.

Назарияда етарлича асосланган турли илмий ишланмаларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлигини таъминлашнинг нодавлат тизимини ассоциатив ва ихтисослашган ташкилотларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

#### **1. Ассоциатив ташкилотлар:**

- Сиёсий партиялар;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- Нодавлат нотижорат ташкилотлари;
- Касаба уюшмалари;
- Кўнгиллилар ҳаракати;
- Нодавлат «ақл марказлари»;
- Жамоат (маслаҳат) кенгашлари;
- Онлайн ҳамжамиятлар ва блогосфера ва бошқалар.

## **2. Ихтисослашган ташкилотлар:**

- техник воситалар ва хавфсизлик тизимларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган тижорат ташкилотлари;
- ахборот хавфсизлиги соҳасида ишлайдиган тижорат ташкилотлари;
- қурол-яроғ етказиб бериш ва уларга хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган тижорат ташкилотлари;
- ёнғин хавфсизлиги соҳасида ишлайдиган тижорат ташкилотлари;
- махсус воситаларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган тижорат;
- хусусий қўриқлаш ташкилотлари;
- хусусий нотариус, адвокатура ва юридик идоралар ва бошқалар.

Шу билан бирга, миллий хавфсизликни таъминлаш давлат органларининг асосий вазифаси бўлиб, унга нодавлат субъектларни қабул қилиш давлатнинг мутлақ ваколатига киради.


Давлат органлари фуқаролик институтларига қуйидаги қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда миллий хавфсизликни таъминлаш функцияларини амалга оширишга рухсат беради:

- фуқаролар у ёки бу тарзда хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлашда иштирок этадилар;
- миллий хавфсизликни таъминлаш ижтимоий муносабатларнинг барча соҳаларини, жумладан, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти турли жабҳаларини ўз ичига олади;
- давлатнинг ушбу функциясини самарали ва тўлиқ амалга оширилишидан шахс ҳам, жамият ҳам бирдек манфаатдордир;
- айрим соҳаларда давлат миллий хавфсизлик соҳасидаги сиёсатини фуқаролик жамияти институтлари иштирокисиз самарали амалга ошира олмайди.

Давлат ва нодавлат субъектларнинг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мақсад ва вазифалари кўп жиҳатдан бири-бирига ўхшашдир. Хусусан, фуқаролик жамияти институтлари, давлат органлари сингари, шахс, жамият ва давлатнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлайдиган манфаатларнинг зарурий ҳимоя даражасини сақлаб қолишни мақсад қилади.

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида фаолият юритадиган фуқаролик жамияти институтлари миллий хавфсизликни таъминлашда иштирок этиш учун катта салоҳиятга эга.

Масалан, сиёсий партиялар ҳар қандай демократик давлатнинг сиёсий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим субъекти ҳисобланади. Улар ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, жамиятда адолат қарор топишига, шунингдек, мамлакатнинг демократик тараққиётига ҳисса қўшади, мамлакат



Диний ташкилотлар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятига аралашмайди. Давлат қонунда белгиланган тартибда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар фаолиятининг эркинлигини кафолатлайди.

**ЎзР Конституцияси  
75-модда**

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади. Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади.

**ЎзР Конституцияси  
36-модда**

#### **Жамоатчилик назорати**

– фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, айниқса, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан олиб бориладиган ижтимоий назорат шакллари билан биридир.

хавфсизлик сиёсатини белгилаб берувчи ҳуқуқий ва сиёсий базани яратишда фаол иштирок этади.

Фуқаролик жамиятининг ҳарбий хавфсизлик ва мудофаани таъминлашдаги иштироки кўпроқ мудофаага кўмаклашувчи ташкилотлар фаолиятида намоён бўлади. Улар бўлажак Ватан ҳимоячиларини вояга етказиш, аҳолини фуқаролик мудофааси бўйича тегишли профилактик чораларини кўриш, фавқулодда вазиятларга қарши туришда халқнинг иродасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

Иқтисодиёт соҳасида фаолият юритувчи фуқаролик институтлари тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий эҳтиёжлари ва манфаатларини давлат ҳокимияти органларига етказиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш ҳамда яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашишда иштирок этиш орқали мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашади, жиноятчилик ва жамиятнинг бўлинишига олиб келадиган ҳодисаларни, ҳолатларни олдини олишда қатнашади.

Мафкуравий хавфсизликни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатимизнинг ижобий имиджини шакллантириш жараёнида миллий оммавий ахборот воситалари ва интернетнинг миллий сегментининг иштироки ҳам муҳимдир.

Фуқаролар йиғинлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳаёт учун қулай ва хавфсиз муҳитни яратиш мақсадида экологик хавфсизлик ҳолатининг экологик аудитини амалга оширадilar.

Диний ташкилотлар жамиятнинг маънавий қадриятларини асраб-авайлашга, ёшлар ўртасида девиант ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Фуқаролик жамияти институтларини миллий хавфсизликни таъминлашнинг субъекти сифатида кўрилишида уларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олиниши лозим:

**биринчидан**, фуқаролик жамияти институтлари тузилишининг ҳам, унинг келгуси фаолиятининг ташаббускори ҳам шахс бўлиб, унинг барча ҳаракатлари ихтиёрийлик тамойиллари асосида куриладигани, бу, ўз навбатида, фуқаролик ташкилотлари доирасидаги ишларда мажбурлаш билан боғлиқ иш услубларини буткул инкор этади;

**иккинчидан**, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига аралашуви қонун билан тақиқланган бўлиб, миллий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ишларда давлат фуқаролик ташкилотларининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлаган ҳолда ҳамкорлик қилади;

**учинчидан**, фуқаролик институтларининг айримлари муайян муаммоларни ҳал қилиш учун ташкил этилганлиги сабабли, улар фаолиятининг муддатлари ва барқарорлиги мазкур муаммоларни ҳал қилиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ кечади;

**тўртинчидан**, жамоат бирлашмаларининг асосий мақсади фойда олишдан иборат бўлмай, ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида улар томонидан олинган фойда аъзолар ёки муассислар ўртасида тақсимланмайди, балки ташкилотнинг вазибаларини бажаришга йўналтирилади.

Умуман олганда, ҳозирги даврда миллий хавфсизлик дуалистик тизим бўлиб, у ҳаётнинг турли соҳаларида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилишнинг зарур даражасига эришиш учун фаолият юритадиган давлат ва нодавлат институтларнинг кенг доирасини ўз ичига олади.

#### **9.4. Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятининг асосий функциялари, шакллари ва усуллари**

Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги функциялари қуйидагилар:

▪ **мониторинг функцияси:** фуқаролик институтлари хавф, хатар ва таҳдидларни аниқлайди, уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқади;

▪ **коммуникатив функция:** фуқаролик институтлари давлат сиёсатини фуқаролар, жамоалар, ижтимоий гуруҳларга ва жамиятда мавжуд муаммоларни давлат идораларига етказиши;


▪ **интегратив функция:** фуқаролик институтлари турли ёш, миллат, мазҳаб ва касб вакилларини бирлаштириб, улар фаолиятини яратувчанлик мақсадларига йўналтиради;

▪ **сиёсий-бошқарув функцияси:** йирик тармоқ фуқаролик институтлари аралашмаслик принципини бузмасдан «учинчи сектор» фаолиятини умумий сиёсатга йўналтиради;

▪ **конфликтологик функция:** фуқаролик институтлари можароли вазиятларни ўз вақтида аниқлайди ва юзага келган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун зарур чораларни кўради;

▪ **прогностик функция:** тадқиқот функциялари билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотлари мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишининг турли муаммоларини ўрганишда иштирок этади, улар асосида таҳлилий материаллар тайёрлайди, ривожланиш истиқболлари ва устувор йўналишлари бўйича ўз прогнозларини беради;

▪ **жамоатчилик фикрини шакллантириш функцияси:** фуқаролик институтлари жамоатчилик фикрини шакллантиришда иштирок этади, унга керакли таъсир кўрсатади, шунингдек агитация, пропаганда ва контрпропаганда олиб боради;



**Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги функциялари:**  
мониторинг;  
коммуникатив;  
интегратив;  
сиёсий-бошқарув;  
конфликтологик;  
прогностик;  
жамоатчилик фикрини шакллантириш;  
сиёсий социализация;  
сиёсий социализация;  
жамоатчилик назорати;  
халқаро воситачилик.



Қачонки Қўшма Штатлардаги бир неча киши бир хил ҳис туя бошласа, улар ўзларига маслақдош қидира бошлайдилар ва тоғач, бирлашадилар... Уюшмалар ташкил этишга бўлган қобилият – демократик мамлакатларда ижтимоий ҳаётнинг асоси; бошқа барча соҳалардаги тараққиёт ана шу соҳанинг ривожига боғлиқ.

**А.де Токвиль**

▪ **сиёсий социализация функцияси:** нодавлат ташкилотлари аҳолининг кенг қатламлари иштирокида фуқаролик фаоллигини оширади, шунингдек, мавжуд институтлар доирасида ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланишга жалб қилиш бўйича тадбирлар ташкил қилади;

▪ **жамоатчилик назорати функцияси:** фуқаролик жамияти институтлари давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

▪ **халқаро воситачилик функцияси:** фуқаролик институтлари муайян миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун хорижий давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўяди.

Миллий хавфсизликни таъминлаш субъектларининг шу жумладан, фуқаролик жамияти институтлари, фаолият **шакллари** ҳуқуқий ва ноҳуқуқий бўлиши мумкин. Ҳуқуқий шаклларга давлат ихтиёрида бўлган ҳуқуқий тартибга солишнинг барча турлари киради. Улардан фарқли ўлароқ, фаолиятнинг ноҳуқуқий шакллари ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ва хавфсизликнинг барча субъектлари, шу жумладан фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари томонидан қўлланилиши мумкин.

Нодавлат субъектларнинг миллий хавфсизликни таъминлашда иштирокининг қуйидаги шакллари мавжуд:

▪ кенг жамоатчиликни, миллий хавфсизликни таъминлашнинг давлат субъектларини аниқланган таҳдидлар тўғрисида хабардор қилиш;

▪ ёшларда хавфсиз хулқ-атвори тарбиялаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш;

▪ фуқароларга хавфсизликни таъминлаш юзасидан услубий ёрдам кўрсатиш;

▪ хавфсизликни таъминлашга оид малака ошириш курсларини ташкил этиш;

▪ жамоатчилик фикрини шакллантириш, ўзини тутиш ва хулқ-атвор нормалари ва моделларини тарғиб қилиш;

▪ хавфсизликни таъминлаш тадбирларига кўнгиллиларни жалб қилиш ва бошқалар.

Хавфсизликни ижтимоийлаштириш, фуқароларда мамлакат келажаги учун жавобгарлик ҳиссини чуқурлаштириш, жамият тараққиётида уларнинг фаоллигини оширишнинг асосий шаклларида бири кўнгиллиликдир.

Ушбу ижтимоий ҳодиса Ўзбекистонда чуқур илдизларига эга бўлиб, мамлакатда «ҳашар» тадбирлари оммалашган бўлиб, у орқали одамлар бир-бирларига ёрдам беришган, масжидлар, чойхоналар ва бошқа ижтимоий объектларни қуришган. Мустақиллик йилларида ёшлар, хусусан, талабалар, йирик ижтимоий-сиёсий, маданий ва спорт тадбирларини ташкил этишга жалб қилинганида ҳодисавий кўнгиллилик ривожланди.

Кўнгиллилар фаолияти COVID-19 пандемияси даврида муҳим аҳамият касб этди. 2020 йилда кучли карантин чораларининг жорий этилиши натижасида мамлакатда ёрдамга муҳтожлар сони кескин ошди. Бу шароитда ННТ вакиллари, муҳтожларга ёрдам беришни истаган донорлар ва кўнгиллилар аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига озиқ-овқат ва дори-дармонларни тақсимлаш ва етказиб беришда фаол иштирок этдилар.

Кўнгиллилар ҳаракати тез ривожланиб, 2020 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон кўнгиллилар уюшмаси ташкил этилди. CharitiesAid Foundation хайрия жамғармаси томонидан тузилган Жаҳон хайрия индексида (WorldGivingIndex) 2020 йилда Ўзбекистон 114 мамлакатдан 29-ўринни, бошқаларга ёрдам берадиган одамлар сони бўйича 58-ўринни (57%) эгаллади.

Шундай қилиб, COVID-19 пандемияси натижасида келиб чиққан миллий хавфсизликка бўлган таҳдидларни бартараф этишда кўнгиллилар ҳаракати ўз самарадорлигини кўрсатди.

Миллий хавфсизликни таъминлашнинг **асосий усуллари** сифатида, авваламбор, одамларнинг онги ва иродасига таъсир қилишнинг **ишонтириш** ва **мажбурлаш** каби универсал усуллари кўриб чиқилади. Агар мажбурлаш фақат махсус ваколатли хавфсизлик субъектлари томонидан, қатъий равишда тегишли ҳуқуқий нормалар асосида қўлланилса, ишонтириш миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча субъектлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ишонтириш фуқароларга ва кенг жамоатчиликка оммавий ахборот воситалари орқали уларнинг миллий хавфсизликни таъминлашнинг умумий муаммоларини ҳал қилишдаги ролини тушунтириш, интизомлилик, қонунга итоаткорлик ва давлат олдидаги масъулият ҳиссини тарбиялашдан иборатдир.

Ишонтиришнинг асосий турлари қуйидагилар: ҳуқуқий таълим, миллий хавфсизлик соҳасидаги қонун ҳужжатларини тушунтириш, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш бўйича инструктаж ўтказиш, ташвиқот ва тарғибот этиш, огоҳлантириш, хавфсизликка тажовуз қилувчи ғайриижтимоий ҳаракатларни танқид қилиш ва бошқалар.

Ишонтириш шахсга, ижтимоий гуруҳларга ва жамиятга мақсадли тарбиявий таъсир кўрсатиш имконини бергани боис, унга фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлашга оид фаолиятининг асосий усули сифатида қаралади.

Миллий хавфсизлик ижтимоий тизим ҳисобланиб, уни таъминлаш жараёнида ишонтиришнинг замонавий воситалари арсеналида турли сиёсий технологиялар, жумладан ижтимоий реклама марказий ўринни эгаллайди.

Бу борада ижтимоий реклама – жамиятни инсонпарварлаштиришга ва ижтимоий манфаатлар нуқтаи назаридан фойдали бўлган индивидуал мақсадларга эришишга ҳисса қўшадиган ижтимоий ғоялар, хатти-ҳаракатлар ва амалиётларни намойиш этиш ва тарғиб қилишнинг ўзига хос шаклидир.



Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари **жамоатчилик назорати субъектларидир.**

## Хавфсизлик асослари



Мамлакатимизда жамиятнинг ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларини ҳал қилишда ижтимоий рекламадан фойдаланиш учун тегишли институционал шароитлар яратилгани натижасида ижтимоий ахборотни тарқатиш жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ислохотлар жараёнларини тушунарли ва аниқ шаклларда оммага етказиш, онгда, маънавий дунёда ва одамлар қиёфасида юз берадиган ўзгаришларни акс эттириб келмоқда. Миллий электрон оммавий ахборот воситалари ассоциацияси эса ўзининг ижтимоий йўналтирилган видеороликларини мунтазам равишда жойлаштиради.

Шунингдек, давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва нодавлат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва унинг хавфсизлиги, маънавият ва маърифат, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашда ижтимоий ахборотларни кенг тарғиб қилиб келмоқдалар.

Аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий реклама атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ўзини тутиш, хулқ-атвор нормалари ва моделларини тарғиб қилиш, аҳолини, айниқса, ёш авлодни экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларидан ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Фуқаролик жамиятининг қайси институтларини биласиз? Улар қандай мақсадларда тузилади?

2. Фуқаролик жамияти миллий хавфсизликнинг иштирокчилари сифатида қараладиган асосий илмий концепциялар ҳақида айтиб беринг.


3. Хавфсизлик соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган давлат органларини санаб беринг?

4. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг нодавлат субъектларини санаб беринг.

5. Фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги асосий функцияларини санаб беринг.

6. Фуқаролик жамияти институтлари учун миллий хавфсизликни таъминлашдаги фаолиятида қандай усуллардан фойдаланишлари мумкин?

7. Қайси давлат органлари фуқаролик жамияти институтларининг миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга ошириши мумкин?



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2019. – 115 б.

2. Бобокулов И.И., Умаров Х.И. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т. 2011.

3. Коул И., Эпперт К. Гражданский контроль над сектором безопасности – Женева-Киев. 2010.

4. Логунов А.Б. Региональная и национальная безопасность: Учебное пособие. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 432 с.

5. Маслоу А. Мотивация и личность. 3-е издание. – М. Интер, 2016.


6. Общая теория национальной безопасности: Учебник / Под общ. ред. А.А. Прохожева. – Изд. 2-е, доп. – М.: Изд-во РАГС, 2005. – 344 с.

7. Роль институтов гражданского общества и потенциала человеческой личности как возрастающих факторов ускорения социально-экономического развития России. Авторский коллектив. – М. 2005.

8. Романович А.Л. Перспективы развития и обеспечение безопасности: философско-методологические проблемы. – М., 2002.


9. Теория государства и права: учебник / под ред. В.К. Бабаева. М.: Юрист, 2005.

10. Фомин С.А. «Обеспечение национальной безопасности». – Москва: «Флинта» МПСИ. 2007. – 224 с.



### III БЎЛИМ. МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК СОҲАЛАРИ

#### 10-МАВЗУ. СИЁСИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ



##### Арасту

Давлат умумий ҳаёт кечириш шакли, инсон эса табиатига кўра сиёсий (ижтимоий) махлуқот.

Сиёсатнинг энг муҳим хусусияти ва негизини ҳокимият ташкил этади. Сиёсатда сиёсий ҳокимият кимга тегишли, ким унга даъвогар, у кимдан-кимга ўтиши мумкинлиги энг муҳим масалалар саналади.

**Резюме:** Ушбу параграф миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси ҳисобланмиш сиёсий хавфсизликка бағишланган. Хусусан, хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишларини тадқиқ этиш орқали сиёсий хавфсизлик тушунчасининг мазмуни очиб берилган. Шунингдек, сиёсий хавфсизликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг сиёсий соҳадаги миллий манфаатлари тадқиқ этилган.

**Таянч сўзлар:** сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий тизим, сиёсий барқарорлик, сиёсий хавфсизлик, сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизими.

##### 10.1. Сиёсат ва хавфсизликнинг ўзаро нисбати

Сиёсат мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодисадир. Мазкур жараён ҳокимият механизмларини турли даражаларда қўллаш орқали ижтимоий тараққиёт жараёнларини бошқариш ҳамда сиёсий кучларнинг мазкур механизмлар устидан ўз назоратларини ўрнатишга интилишини билдиради.

Сиёсат – жамият, давлат ва ҳар бир фуқаро ҳаётий фаолиятининг муҳим соҳаси. У муайян шахслар ва уларнинг гуруҳлари, синфлар, миллатлар ижтимоий ҳаётининг деярли барча жабҳаларини (иши, қундалик турмуши, дам олиши, маънавий дунёси, ҳокимиятда иштирок этиши ва ҳ.к.ни) қамраб олади. Сайловларда иштирок этиш, сиёсий масалаларни муҳокама этиш, сиёсий ташкилотлар ва ҳаракатларнинг аъзоси бўлиш, фуқаро, депутат, элчи ваколатларини ўз зиммасига олиш орқали фуқаролар сиёсатни амалга ошириш механизмларига таъсир кўрсатиб, сиёсат дунёсига кириб борадилар.

Сиёсатнинг энг муҳим хусусияти ва негизини ҳокимият ташкил этади. Сиёсатда сиёсий ҳокимият кимга тегишли, ким унга даъвогар, у кимдан-кимга ўтиши мумкинлиги энг муҳим масалалар саналади. Ҳокимият сиёсий дунёнинг ўзига хос жиҳатини ифодалаш билан бирга, сиёсатни амалга ошириш – ижтимоий гуруҳларнинг интеграцияси, уларнинг манфаатларини таъминлаш ҳамда можароларни бартараф этиш воситаси ҳисобланади.

Антик давр мутафаккирлари давлатни эмас, балки унинг элементларидан бири – ҳокимиятнинг юзага келишини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Масалан, Цицерон инсоннинг умумий ҳаёт кечириш шакли чегарасини кенгайтириб, унинг оиладан тортиб, то инсон наслигача бўлган бир неча босқичини кўрсатиб ўтган.

Фаолиятни ташкил этиш ва интеграция сиёсатнинг муҳим хусусиятларига киради. Платон сиёсатнинг асл моҳиятини ҳамжиҳатликда яшаш санъатида, деб билгани бежиз эмас. Ҳамжиҳатликда яшай билиш – сиёсий ҳаётнинг ўзига хос жиҳатларидан бирини намоён қилувчи интегротив, бирлаштирувчи хусусият.

Ўрта аср муаллифларидан бири Н.Макиавелли инсон фаолиятининг ўзига хос соҳаси бўлган сиёсат шакли ҳақида илк бор фикрни билдирган. У давлат ҳокимиятини ҳар қандай воситалар, жумладан, «мақсад – воситаларини оқлайди» ғояси билан йўғрилган ҳолда барпо этиш сиёсий санъатини ишлаб чиқади. Бу йўналишда ривожлантирувчи муҳим қадамни рационализм вакиллари Т. Гоббс, Р. Декарт, Ж. Локк қўйдилар. Улар давлат моҳиятини фойдалилиги ҳамда ўз фуқароларига хавфсизлик ва тинчликни таъминлаб бера олиш қобилияти билан ифодаланишини таъкидлайдилар.

Шу ўринда сиёсат ҳақида сўз юритганда, хавфсизлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Зеро, бу икки тушунча ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирининг тўлдирувчи ва қўллаб-қувватловчи ҳисобланади. Хусусан, сиёсатнинг муҳим компонентлари ҳисобланмиш сиёсий тизим барқарорлигини таъминлаш, сиёсий жараёнларни (сайловлар, референдум ва бошқалар) амалга оширишда хавфсизликнинг ўрни муҳимдир.


Хавфсизлик муаммоларини назарий жиҳатдан комплекс тадқиқ этишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сиёсий таҳлилдир. Сиёсий нуқтаи назардан хавфсизлик масалаларини кўриб чиқишнинг асосий жиҳати ижтимоий тизимнинг ички ва ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига қарамасдан, сиёсий бошқариш инструментлари ёрдамида динамик барқарорлик ҳолатини сақлаб қолиш қобилиятини аниқлашдан иборат ҳисобланади.

Ижтимоий тизим – кенг маънода умуман жамият, яъни шахслар ўртасида тартибга солинган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Ўз навбатида, ижтимоий тизим ижтимоий ҳаёт фаолиятининг муҳим соҳаларидан бири ҳамдир.

Сиёсий тизим – сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар, ғоялар ва муносабатлар мажмуи. Бирор-бир элементдаги ўзгариш бутун сиёсий тизимдаги ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Сиёсий тизим функцияларига қуйидагилар киради: жамият ривожини йўлининг мақсади ва вазифаларини белгилаш; моддий бойликларни тақсимлаш; шахс, жамият ва давлат турли манфаатларини мувофиқлаштириш; ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш; жамият ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

Кишилар ҳамжамияти хавфсизлигига таҳдид бирга ҳаёт кечиришни онгли тарзда ташкил этиш заруриятини кун тартибига қўяди. Бу ўринда сиёсат ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш, мавжуд бўлиб қолиш, ҳимоя қилиш, ички ва ташқи таҳдидларни бартараф этишда ўзига хос восита ҳисобланади.



**Сиёсий тизим** – сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар, ғоялар ва муносабатлар мажмуи. Бирор-бир элементдаги ўзгариш бутун сиёсий тизимдаги ўзгаришларга олиб келади.

Сиёсий барқарорлик ва етарли даражада хавфсизликнинг мавжудлиги шароитида инсон фаровонлигининг ўсиши билан боғлиқ бўлган қадриятлар фаоллашади.

Сиёсатда хавфсизлик ўзини нафақат асосий эҳтиёж, балки энг муҳим қадрият сифатида намоён этади. Сиёсий қадриятлар сиёсий фаолиятнинг қудратли рағбати ва йўналтирувчиси сифатида намоён бўлади. Сиёсатнинг фундаментал тизимига: хавфсизлик ва мустақиллик, фаровонлик ва тараққиёт, эркинлик ва конституциявий тузумни киритиш мумкин.

Сиёсий барқарорлик ва етарли даражада хавфсизликнинг мавжудлиги шароитида инсон фаровонлигининг ўсиши билан боғлиқ бўлган қадриятлар фаоллашади. Шу билан бирга, хавф ва таҳдидлар юзага келганда хавфсизлик, тартиб, мустақиллик ва шу кабиларга тегишли бўлган қадриятларга аҳамият қаратади. Инглиз мутафаккири Томас Гоббснинг фикрига кўра, сиёсий қадриятларни тушунишда тинчлик ва хавфсизлик табиий ҳуқуқнинг биринчи қонунидир. Барча бошқа қадриятлар эса, фақат тинчликка эришиш воситаси сифатида ишлатилади. Табиий ҳуқуқнинг иккинчи қонуни «тинчлик ва хавфсизликка» шахс эркинлиги каби сиёсий қадриятни бўйсундиради. Ҳар бир фуқаро тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари талаб қилган даражада ўз ҳуқуқларидан воз кечиши керак бўлади. Давлат тинчлик ва хавфсизлик воситаси сифатида қаралади.

Шу нуқтаи назардан қаралгудек бўлса, ҳокимият *primo ratio*, қудратли ва кучга таянган ҳолда эмас, балки *ultima ratio*, жамият аъзолари ҳақида қайғуриш, уларнинг хавфсизлиги ва ўзларини ифода эта олишларининг оптимал шароитлари яратилгандагина қудратли ва лаёқатли бўлади. Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, фуқаролар эркинликларини бостириш ҳокимиятнинг моҳиятида эмас, балки унинг асоссиз ва сабабсиз равишда бир қўлда тўпланиб қолиши асосида ётади. Бу борада сиёсат, нафақат зўравонлик ёки куч ишлатиш орқали таҳдид қилиш, жазолаш ва можаро, балки ваъда бериш, тақдирлаш, ҳамкорлик ва ҳоказолар эканлигини эсдан чиқармаслик лозим. Методологик жиҳатдан ҳокимият, икки ёки ундан ортиқ шериклар орасидаги муносабат, жамиятда умумэътироф этилган ёки юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган, ижтимоий ва сиёсий муносабатлар тизимида ҳам муайян шахс, ҳам ижтимоий гуруҳлар ўрни, роли ва функцияларини белгилаб берувчи, мувофиқлаштириб турувчи қадриятлар ва тамойилларга таянади.

Хавфсизлик сиёсатнинг объекти сифатида чиқиб, ўзида унинг йўналтирилганлигини, мазмунини ва самарадорлигини акс эттиради. Маълум маънода шахс, жамият ва давлат хавфсизлиги ҳолати бўйича умуман сиёсатнинг муҳим тавсифи ҳақида фикр юритиш мумкин.

Шундай қилиб, сиёсат ва хавфсизликнинг ички генетик алоқаси ўзининг ифодасини сиёсий фаолиятнинг турли ҳолатларида, унинг йўналиши ва мазмунида топади. Хавфсизликдаги шахсий ва жамоавий эҳтиёжлар билан боғлиқ қадриятлар ва манфаатлар сиёсатнинг муҳим функцияларини маълум (айрим ҳолларда – ҳал қилувчи) даражада белгилаб беради.

**Сиёсий тизим –** жамиятдаги муайян сиёсий функцияни бажарадиган ижтимоий институтлар (давлат, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, сиёсий нормалар, тамойиллар ва улар ўртасидаги муносабатлар.

Сиёсат ва хавфсизлик соҳаси қуйидаги ўлчамлар бўйича умумий хусусиятларга эга: а) жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ этилади; б) можароли муҳитни, можароли ижтимоий таъсир соҳасини қамраб олади.

Уларнинг мос келмайдиган (фарқланадиган) жиҳатлари қуйидагиларда ифодаланади:

а) хавфсизлик соҳаси ижтимоий маконнинг барча қисмини эмас, балки шахс, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим миллий манфаатларининг тизимини шакллантирувчи фундаментал ижтимоий қадриятларни ифодаловчи айрим сегментларини қамраб олади;

б) сиёсат маконига, биринчи навбатда, ҳукмрон муносабатлар соҳаси тегишли.

Ижтимоий муносабатлар тизимида хавфсизликни таъминлашга оид фаолият ўз моҳиятига кўра, сиёсатнинг энг муҳим функцияси сифатида намоён бўлади. Хавфсизлик сиёсати, аввало, бутун тизимнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлиги ва турғунлигини таъминлаб берувчи фундаментал ижтимоий қадриятлар ва турмуш тарзининг асосий шарт-шароитларини самарали ҳимоя қилишни таъминловчи механизмларини жорий этилишини талаб этади. Мазкур ҳолат сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни мукамаллиги билан ифода этилади.

## **10.2. Сиёсий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида**

Ҳар бир давлат барқарор ички сиёсий муҳитнинг таъминланганлиги, яъни шахс ва жамият фаолиятининг барча соҳалари ривожланишига кўмак берувчи ички муҳитнинг яратилишидан манфаатдор бўлади.

Сўнги йилларда «сиёсий хавфсизлик» тушунчасини ўрганиш маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқот предметига айланмоқда. Натижада мазкур тушунча ва унинг мазмун-моҳияти юзасидан турли хил ёндашувлар пайдо бўлмоқда. Аксарият мутахассисларнинг фикрича, сиёсий хавфсизликнинг моҳияти мустақил ички ва ташқи сиёсатни юритиш имконияти билан белгиланади.

Баъзи олимлар фикрича, «сиёсий хавфсизлик – бу мамлакат, жамият ва фуқароларнинг сиёсий манфаатларига зарар етказишга, сиёсий инқирозга ва ҳатто давлатнинг таназзулига олиб келиши мумкин бўлган омилларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар мажмуи».

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, «сиёсий хавфсизлик – жамият сиёсий тизимининг барқарор ҳолати ва самарали ривожланиши бўлиб, у салбий ички ва ташқи таъсирларга муносиб жавоб бериши, жамият яхлитлиги ва унинг муҳим фазилатларини сақлаб қолиш имконини беради». У орқали сиёсий соҳанинг динамик мувозанатини ушлаб туриш имкони яратилади. Бундан ташқари, сиёсий хавфсизлик деганда давлат, фуқаролар ва умуман, бутун халқнинг сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш учун давлат ва жамиятнинг муайян чора-тадбирлари йиғиндиси тушунилади. Ҳар қандай жамиятнинг

Сиёсат ва хавфсизлик соҳаси қуйидаги ўлчамлар бўйича умумий хусусиятларга эга: а) жамият ҳаётининг барча соҳаларига татбиқ этилади; б) можароли муҳитни, можароли ижтимоий таъсир соҳасини қамраб олади.

**Сиёсий тузум** – бу муайян давлатда ҳокимиятни амалга оширишнинг усул ва воситалари йиғиндиси.



**А.В. Макеев**

**Сиёсий хавфсизлик –** легитим давлат тузумининг сақланишини, сиёсий тизим барқарорлигининг таъминланиши ва фуқароларнинг сиёсий эркинликлари ва ҳуқуқларини кафолатланиши, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминланишини ўзида ифода этувчи жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар мажмуи.

сиёсий хавфсизлик тизими куйидаги икки вазифани ҳал этишга мўлжалланган: бир томондан, давлатнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган сиёсатни ишончли ҳимоя қилиш, иккинчи томондан эса, мамлакатдаги ҳар қандай сиёсий ўзгаришларни давлатнинг миллий манфаатлари учун зарарли ва хавфли жараёнга айланишига йўл қўймасликдир.

Яна бир таърифда «сиёсий хавфсизлик – легитим давлат тузумининг сақланишини, сиёсий тизим барқарорлиги таъминланиши, фуқароларнинг сиёсий эркинликлари ва ҳуқуқларини кафолатланиши, давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги таъминланишини ўзида ифода этувчи жамиятдаги мавжуд шарт-шароитлар мажмуи» сифатида тушунилиши таъкидланади. Ушбу таърифга кўра, жамиятнинг сиёсий фаровонлиги икки хил хавф-хатарга дуч келиши мумкин: ташқи таҳдиднинг кескин шакли – уруш, бошқа давлатлар томонидан агрессия акти; ички таҳдиднинг экстремал шакллари – ижтимоий кескинлик ва ундан ўсиб чиқадиган оммавий тартибсизликлар, экстремизм ва терроризм, конфликтлар, фуқаролар уруши ва бошқалар. Сиёсий хавфсизлик таъминланган тақдирда жамият ва давлат бундай ҳодисаларнинг олдини олиши, юзага келган тақдирда эса – уларга қарши туриш ҳамда ўз қадриятларини ҳимоя қилиши мумкин бўлади.

Баъзи адабиётларда сиёсий хавфсизлик – жамият сиёсий тизимининг ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида таърифланса, бошқасида сиёсий хавфсизлик – хавфсизликни таъминлашда миллат имкониятлари, унинг давлат идоралари томонидан мустақил равишда давлат тизими муаммоларининг ҳал этилиши, шахс ва жамият манфаатлари борасида мустақил ташқи ва ички сиёсат юритиши, яъни сиёсий хавфсизлик сиёсий суверенитет мустаҳкамлиги, жамиятнинг сиёсий барқарорлигидир, деб таъриф берилади.

Россиялик тадқиқотчилардан А. Макеевнинг фикрича, сиёсий хавфсизлик – жамият сиёсий тизими барқарор ва самарали ривожланиши, унинг ички ва ташқи салбий таъсирларга бардошли бўлишига шарт-шароит яратилганлиги ҳамда жамият яхлитлиги ва унинг туб моҳиятини сақлашдан иборат. Д. Гриценко эса тушунчага сиёсий тизимнинг (биринчи навбатда давлат ҳокимияти) ўзи ва жамият учун салбий таъсирларга (риск, таҳлика, хавф-хатар, таҳдидларга) бардошлилиги, шунингдек, жамиятда ривожланишни фаол кенгайтириш ва амалга ошириш қобилиятидир, деб таъриф беради. В. Серебрянников эса ушбу тушунчага мамлакат, жамият, халқ, фуқаролар сиёсий манфаатларига таҳдид солувчи омиллар аниқланиши ва уларнинг олди олинishi, деб изоҳлайди.

Айрим ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, сиёсий хавфсизлик – хавфсизликни таъминлашда миллат имкониятлари, унинг давлат идоралари томонидан мустақил равишда давлат тизими муаммоларининг ҳал этилиши, шахс ва

жамият манфаатлари борасида мустақил ташқи ва ички сиёсат юритишдир. Яъни, сиёсий хавфсизлик сиёсий суверенитет мустақамлиги, жамиятнинг сиёсий барқарорлигидир.

Умуман олганда, ушбу таърифлардан маълум бўладики, сиёсий хавфсизлик доимий ривожланиш ҳамда мураккаб таркибий тузилишга эга бўлган ҳодиса/феномен бўлиб, у давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, минтақавий ва халқаро алоқаларда барқарорлиги, жамият сиёсий тизими мустақамлиги ва яхлитлиги, унинг ўз-ўзини бошқариши, ривожлантириши, ички ва ташқи салбий таъсирларга бардошлилик қобилиятини таъминлайди. Бундан «сиёсий хавфсизлик» тушунчаси марказида сиёсий манфаатлар хавфсизлигини таъминлаш масаласи ётади, деган хулоса келиб чиқади.

Демак, сиёсий хавфсизлик – шахс, жамият ва давлат сиёсий манфаатлари таъминланиши ҳамда ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилганлиги, шунингдек, сиёсий манфаатларнинг ички ва ташқи хавф-тахдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Чунки манфаат «тан олинган эҳтиёжлар» ва «ижтимоий ҳаракатларнинг реал сабаби» сифатида ижтимоий субъектларни ҳаракатлантирувчи муҳим омил ҳамдир. Манфаатларни таъминлаш/ҳимоялаш асосида эса, жамият ва давлат ҳаётининг барқарорлиги, тараққиёти таъминланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сиёсий хавфсизликнинг асосий эътибори давлатнинг суверенитетига (ички ва ташқи сиёсатни мустақил юрита олиш қобилияти) қаратилган таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунда таҳдидларнинг кўлами кенглигини инобатга олган ҳолда, ҳарбий соҳа билан боғлиқ бўлмаган ҳолдаги таҳдидларга қарши курашиш назарда тутилади.

Сиёсий хавфсизликнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у хавфсизликнинг бошқа соҳаларига нисбатан кенгроқ ҳисобланади ва бир вақтнинг ўзида, мазкур соҳалар билан чамбарчас боғлиқ саналади (барча таҳдидлар охир-оқибатда сиёсий хавфсизликни издан чиқаришга йўналтирилган бўлади).

Сиёсий хавфсизликнинг ички шарт-шароитларига конституциявий тузум ва давлат ҳокимияти институтларининг барқарорлиги, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, қонун устуворлиги ва миллатлар ўртасидаги тотувликнинг таъминланганлиги, сиёсий ва диний экстремизм ҳамда сепаратизмнинг намоён бўлишига қарши тура оладиган ҳуқуқий тартибнинг мавжудлиги киради. Сиёсий хавфсизликнинг ташқи шарт-шароитлари давлат суверенитети таъминланганлиги, халқаро майдонда давлат манфаатларининг ҳимояланганлиги ҳамда барча мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан тенг ва ўзаро манфаатли муносабатларнинг йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади.

Халқаро даражада сиёсий хавфсизликнинг моҳияти халқаро ва миллий сиёсий тизимларнинг барқарорлиги, чегараларнинг

Сиёсий хавфсизликнинг асосий эътибори давлатнинг суверенитетига (ички ва ташқи сиёсатни мустақил юрита олиш қобилияти) қаратилган таҳдидларни бартараф этишга йўналтирилган бўлиши лозим.

**Сиёсий суверенитет –** давлатнинг ва ҳокимиятнинг бошқа ҳокимият марказларидан мустақиллиги, таъсирида қолмаслиги.

**Сиёсий хавфсизликнинг асосий мақсадлари** (демократик давлатлар учун) давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш жараёнларида халқнинг иштирокини таъминлаш, сиёсатдан кўпчилик аҳолининг манфаатларини чеклаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик, сиёсий ҳокимият ўзгарган вақтда ҳам давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳисобланади.

**Сиёсий эркинлик** – бу кишиларнинг табиий хусусияти бўлиб, у давлат ва жамиятнинг сиёсий ҳокимият соҳасида, ҳуқуқ доирасидан чиқмаган ҳолда, ўз фикрларини эркин ифодалаши, эркин фаолият олиб боришидир. Улар конституцияда, қонунларда белгилаб қўйилади.

дахлсизлиги ва бузилмаслиги, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳамда БМТ Низомига қатъий риоя этилиши билан изоҳланади.

Сиёсий хавфсизликнинг мақсади бевосита давлатнинг сиёсий режимига (демократик, авторитар ва ҳ.к.) боғлиқ. Шу асосдан келиб чиқиб, мамлакатда фуқаролик институтларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш устувор мақсад қилиб белгиланади ёки манфаатлар мувозанати давлат институтлари фойдасига ҳал этилади.

Масалан, демократик давлатлар учун сиёсий хавфсизликнинг асосий мақсадлари сифатида давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва юритиш жараёнларида халқнинг иштирокини таъминлаш, сиёсатдан кўпчилик аҳолининг манфаатларини чеклаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймаслик, сиёсий ҳокимият ўзгарган вақтда ҳам давлатнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш зарур бўлади.

Анъанавий ёндашувга кўра, сиёсий хавфсизликнинг объекти – аввало, шахс, жамият ва давлатнинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Институционал мазмунда сиёсий хавфсизликнинг объекти, биринчи навбатда, сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар ва сиёсий муносабатлардир. Бошқача айтганда, сиёсий тизимнинг барқарорлиги сиёсий хавфсизликнинг таъминланганлиги даражасини белгилаб берувчи асосий омилдир. Умуман олганда, сиёсий хавфсизлик объекти мамлакатнинг сиёсий ҳаёти ва унинг халқаро ҳамжамият билан алоқалари ҳисобланади.

Сиёсий хавфсизлик субъектлари давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоғи (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, ташкилотлар ва ваколатли шахс (сиёсий элита вакиллари) саналади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу субъектлар тизимида давлат органлари ва сиёсий партияларнинг ўрни ўзгача бўлиб, улар сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёнининг энг муҳим иштирокчиларидир.

Сиёсий хавфсизлик учун хавф ва таҳдидларга (демократик режим учун) қуйидаги омилларни киритиш мумкин: муҳолифатнинг йўқлиги ёки ҳуқуқларининг чекланганлиги; мамлакат сиёсий ҳаётида элитар сиёсатнинг устунлиги; жамиятнинг устидан сиёсий бошқарувнинг йўқотилиши; мамлакат манфаатлари учун хизмат қилаётган қонун ҳужжатларини бекор қилиш; террорчи ташкилотлар, уюшган жиноий гуруҳлар ва шахсларнинг фаолияти; шахсга, мулкка, давлат ҳокимиятига, жамоат, сиёсий ва иқтисодий хавфсизликка қарши қаратилган жиноий тажовузларнинг сақланиб қолиниши; давлат ҳокимиятининг турли бўғимларида коррупцион ҳолатларнинг мавжудлиги; давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолияти ва бошқалар.

Стокгольм сиёсий ва минтақавий тадқиқотлар институти томонидан ўтказилган тадқиқотлардан бирида сиёсий хавфсизлик соҳасига оид хавф ва таҳдидларнинг ўзига хос ички ва ташқи хавфларга боғлиқлиги ҳамда ушбу йўналишга доир қатор омиллар келтириб ўтилади:

- этник, миллий, диний ва тил гуруҳларининг, янги муаммоларни ҳал қила олиш қобилиятига эга демократик институтлар ва ўз-ўзини бошқариш тузилмаларининг можароларнинг қайта намоён бўлиши. Масалан, сепаратистик ҳаракатлар Европанинг айрим давлатларида мавжуд, бироқ сиёсий плюрализм ва демократик институтлар бўлмаган ёки ривожланиш бошланғич даврида бўлган мамлакатларда муаммо алоҳида аҳамият касб этади;

- тоталитар, бир партиявий тизимдан қонун устуворлиги таъминланган плюралистик демократияга ўтиш билан боғлиқ бўлган сиёсий беқарорлик. Масалан, назорат ва қонуний чекловларга бўйсунмайдиган гуруҳлар томонидан ҳокимиятнинг суиистеъмол қилиниши, фуқаровий ва демократик назоратнинг йўқлиги, полиция ва қуролли кучлар фаолиятининг чекланмаганлиги;

- марказлаштирилган режали хўжалиқдан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш вақтида юзага келувчи ижтимоий кескинлик. Масалан, оммавий ишсизлик, ижтимоий таъминот тизими кучсизланиши ва минтақаларнинг нотекис ривожланиши оз бўлса-да ижтимоий фаровонлик, тиббий ёрдам ва ижтимоий ҳимоянинг бошқа шакллари давлат ҳисобидан таъминланган аввалги авторитар тузумнинг қўмсалишига олиб келиши ва бошқалар.

Бошқа бир олимларнинг қарашларига кўра, сиёсий хавфсизликни таъминлашга ушбу омиллар таъсир этади:

- ривожланишнинг тарихий босқичлари, ўз-ўзини ташкил этиш тамойиллари, шунингдек, хавфсизлик тизимини қуришдаги анъаналар, жамиятнинг миллий манфаатлари ва қадриятларини ҳимоя қилиш;

- жамиятда давом этаётган сиёсий жараёнларнинг хусусиятлари;

- жамоатчилик билан алоқалар тизимида давлатнинг ўрни ва роли;

- давлат атрофидаги сиёсий вазият, бошқа давлатлар билан муносабатларнинг табиати;

- жамиятнинг сиёсий маданияти даражаси.

- Сиёсий хавфсизликнинг мезонларига сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, жумладан, муҳолифатдаги партияларнинг мавжудлиги, аҳолининг сиёсий фаоллиги, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва ҳ.к. киради. Бу мезонларнинг асосий вазифаси мавжуд сиёсий тизимнинг нормал ва самарали фаолият юритишини таъминлаш билан белгиланади. Уларнинг мавжудлиги сиёсий хавфсизлик субъектлари манфаатларини таъминлаш учун тегишли шарт-шароитларнинг яратилганлиги ва улар ўртасида ўзаро мувозанатнинг мавжудлигидан далолат беради.

**Сиёсий хавфсизликнинг объекти** – аввало, шахс, жамият ва давлатнинг сиёсий муносабатлар соҳасидаги ҳаётий муҳим манфаатлари ҳисобланади. Институционал мазмунда сиёсий хавфсизликнинг объекти, биринчи навбатда, сиёсий институтлар, меъёрлар, қадриятлар ва сиёсий муносабатлардир.

**Сиёсий маданият** – фуқаролар томонидан жамиятда, сиёсий тизимда юз бераётган жараёнларни англаш механизми бўлиб, жамият аъзоларида мавжуд фикрлар, қарашлар, стереотиплар, қадриятлар ва сиёсий хулқ-атвордан ташкил топади. Унинг асосий вазифаси сиёсий жараёнларни англашдан ташқари, уларга баҳо бериш, тизимнинг алоҳида элементлари фаолиятини тартибга солиш, давлат арбоблари ишига танқидий ёндашишдир.

**Сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизмига** биринчи навбатда, давлат ва нодавлат сиёсий акторларининг институционал фаолияти, мақбул шароитларда сиёсий тизимнинг хавфсизлигини шакллантириш ва сақлашга имкон бериши тушунилади.

Баъзи мутахассисларнинг фикрича, сиёсий хавфсизлик таъминланганлик ҳолати омманинг ҳокимиятга бўлган ишончи, халқнинг давлат ва жамият бошқарувида иштироки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда ижтимоий адолат таъминланганлиги, парламент муҳолифати бўлиши, сиёсий ҳокимият фаолияти ва миллий манфаатларнинг ўзаро уйғунлиги, мураккаб вазиятларда давлат сиёсатининг қатъиятли бўлиши, хорижий сармояларнинг миллий иқтисодиётга кириб келиши каби мезонлар билан ўлчанади.

Сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизмига биринчи навбатда, давлат ва нодавлат сиёсий акторларининг институционал фаолияти, мақбул шароитларда сиёсий тизимнинг хавфсизлигини шакллантириш ва сақлашга имкон бериши тушунилади.

Сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизми сиёсат субъектларининг норматив, ташкилий ва амалий ҳаракатларининг тизимли бирлиги сифатида ҳам тушуниш мумкин, зеро бу йўл орқали жамият сиёсий тизимининг хавфсизлиги таъминланади. Шунингдек, сиёсий хавфсизликни таъминлаш механизми деб ижтимоий гуруҳларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг сиёсий жараёнлар, муносабатлар, омиллар ва шарт-шароитларга сиёсий таъсири тушунилади.

Сиёсий хавфсизликка таҳдид даражасини камайтириш чора-тадбирлари:

- таҳдидларга жавоб қайтариш ушбу таҳдидларнинг табиати ва миқёсига мос ва ўз вақтида бўлиши;
- сиёсий жараёнларнинг ривожланишини прогноз қилиш ҳамда мамлакат сиёсий хавфсизлигига эҳтимолий таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича превентив (олдидан) чора-тадбирларни кўриш;
- давлат ҳокимияти тизимини такомиллаштириш;
- ташқи таҳдидлардан мамлакат сиёсий хавфсизлигини таъминлаш;
- миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик доирасида манфаатларнинг уйғунлиги;
- сиёсий хавфсизликни таъминлашда иштирок этадиган барча куч ва воситалардан оқилона ва самарали фойдаланиш.

### **10.3. Сиёсий хавфсизликнинг ўзига хослиги**

Сўнги йилларда кузатилаётган минтақавий ва халқаро хавфсизлик вакууми шароитида турли хавф-хатар ва таҳдидларнинг олдини олиш учун сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизими таркибидаги ҳар бир ижтимоий-сиёсий институт ўз зиммасига юклатилган вазифаларни аниқ, узлуксиз бажаришини талаб этади.

Сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизими – сиёсий хавфсизликни таъминлашда иштирок этадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва алоҳида шахслардан иборат тизимдир. Шунингдек, «сиёсий хавфсизлик тизими» деган

**Сиёсий жараён** – бу турли гуруҳлардаги ҳокимият учун кураш ва ўзларининг гуруҳий ва индивидуал манфаатларини амалга оширишда ҳокимиятдан фойдаланиш борасидаги инсонлар фаолияти.

## Хавфсизлик асослари

тушунча ҳам мавжуд бўлиб, унинг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: а) назарий-методологик асослар (қарашлар, концепциялар); б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари); в) сиёсий хавфсизлик объектлари (ҳимоя қилиниши лозим бўлган давлат ва бошқа ижтимоий-сиёсий институтлар манфаатлари; фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ва бошқалар сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари); г) сиёсий хавфсизлик субъектлари (сиёсий соҳа ҳимояси учун жалб этилган давлат ҳокимияти органлари, ижтимоий муассасалар ва алоҳида шахслар); д) сиёсий хавфсизликни таъминлаш воситалари ва методлари; е) сиёсий хавфсизлик ҳолатини ўлчаш мезонлари (сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, парламент муҳолифати мавжудлиги, аҳоли сиёсий фаоллиги, ОАВ мустақиллиги ва ҳ.к.).

Ҳар қандай жамиятнинг сиёсий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий элита, давлат ҳокимияти олий органлари, шунингдек, уни таъминлашнинг бирламчи субъекти бўлган давлатнинг ҳокимият тузилмалари катта роль ўйнайди. Шуниси муҳимки, жамоат ташкилотлари ва умуман фуқаролик жамияти сиёсий хавфсизликни таъминлаш жараёнидан четда қолмаслиги керак. Фақат давлат органлари ва фуқаролик тузилмаларининг биргаликдаги ва мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари орқали жамиятнинг илдам ривожланишини таъминлаш ва сиёсий тизимнинг барқарорлигини кафолатлаш мумкин.

Жамиятда сиёсий хавфсизликнинг асосий муаммоси айнан давлат ҳокимияти бўлиб, у қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқади:

*биринчидан*, давлат ҳокимияти механизмларининг самарали ишлаши сиёсий соҳанинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам зарур даражада барқарорлигини таъминлайди;

*иккинчидан*, жамиятдаги сиёсий жараёнларни тартибга солиш ва бошқариш ҳокимият тузилмалари орқали амалга оширилади;

*учинчидан*, давлат ҳокимияти органлари жамият учун пайдо бўлаётган таҳдидларни олдини олиш ва бартараф этиш билан шуғулланувчи махсус ташкилот ва муассасалар фаолиятини бошқаради ва йўналтиради.

Қолаверса, ижтимоий гуруҳлар манфаатларидаги зиддиятлар жамиятнинг сиёсий хавфсизлиги тизимда беқарорлаштирувчи омил сифатида ҳаракат қилади, шунинг учун ҳокимиятнинг асосий вазифаларидан бири сиёсий институтларнинг қарама-қарши манфаатлари мувозанатига эришишдан иборат. Умуман олганда, давлат ҳокимияти органлари фаолиятига юқори баҳо бериш жамиятда барқарорликнинг юқори даражасини англатади.

Шу ўринда таъкидлаш кераки, мамлакатимизнинг сиёсий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ўтган давр давомида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларини ислоҳ

**Сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизими** – сиёсий хавфсизликни таъминлашда иштирок этадиган давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва алоҳида шахслардан иборат тизим.

**Сиёсий партия** – фуқароларнинг қарашлари, манфаатлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Давлат органлари ва фуқаролик тузилмаларининг биргаликдаги ва мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари орқали жамиятнинг илдам ривожланишини таъминлаш ва сиёсий тизимнинг барқарорлигини кафолатлаш мумкин.

**Сайлов** – овоз бериш ёрдамида давлат органлари ва ўзини-ўзи бошқариш органларини шакллантириш.

қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан:

- ижро ҳокимияти органлари тузилиши ва фаолияти такомиллаштирилмоқда (вазирликлар, қўмиталар ва агентликларнинг фаолияти ихчамлаштирилмоқда, баъзи ҳолларда эса янги тузилмалар ташкил этилмоқда); ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг фаолияти ва норматив-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда («Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги, «Миллий гвардия тўғрисида»ги, «Президент давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунлар ва ҳ.к.);

- суд соҳасида кенг ислохотлар ўтказилиб, одил судловни амалга оширишга қаратилган ишлар давом эттирилмоқда;

- коррупцияга қарши курашиш миллий режаси амалга оширилмоқда (Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилиши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг ташкил этилиши ва бошқалар);

- ижроия ҳокимияти органларининг ҳисобдорлиги оширилмоқда (масалан, Бош Вазир ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг парламент олдида ҳисобот бериши);

- сиёсий масалалар билан шуғулланувчи ОАВ вакилларига эркинлик берилиб, блогерлар қатлами шакллантирилди ва кучайтирилмоқда;

- ижтимоий ва миллатлараро зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда;

- мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига оид ва жамоатчиликда алоҳида қизиқиш уйғотадиган ўта муҳим масалаларга доир қарорларни қабул қилишда жамоатчилик билан маслаҳатлар ва жамоатчилик эшитувлари ташкил этилиб, жамоатчилик назорати кучайтирилмоқда;

- глобал муаммолар ва инқирозларни аниқлаш, олдини олиш ва уларга қарши курашиш тизими изчиллик билан ривожланмоқда.

Умуман олганда, сўнги йилларда халқаро муносабатларда ўзаро ишонч камайиб, қарама-қаршилик ва можароларнинг ортиши барқарорлик ва ривожланишга жиддий хавф солмоқда. Ҳозирги кунда юзага келаётган жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарлар уларни қатъият ва шижоат билан енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашни, жумладан, сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

## **10.4. Сиёсий хавфсизлик соҳасидаги миллий манфаатлар ва уларга қаратилган таҳдидлар**

### **Сиёсий соҳадаги миллий манфаатлар**

Миллий хавфсизликка оид қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда қуйидагиларни **шахснинг сиёсий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатлари**га киритиш мумкин:

- фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок эта олиши;

▪ фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини тегишли қонунларга мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоишлар шаклида амалга ошира олиши;

▪ фуқароларнинг касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиши ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этиши;

▪ фуқароларнинг ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қила олиши;

▪ фуқароларнинг сўз эркинлиги таъминланиши.

Жамиятнинг сиёсий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатларини белгилашда асосий эътиборни унинг бирламчи эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим.

**Жамиятнинг сиёсий соҳадаги муҳим ҳаётий манфаатлари** сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

▪ жамиятда сиёсий барқарорликнинг таъминланиши;

▪ давлат институтларининг жамият манфаати йўлида самарали фаолият кўрсатиши таъминланиши;

▪ жамиятда цензурага йўл қўйилмаслиги;

▪ миллий қадриятлар ва анъаналарни ҳисобга олган ҳолда фуқаролик жамияти институтларининг ривожлантирилиши; мамлакатни ривожлантиришнинг асосий масалалари бўйича жамоатчилик келишувига эришилиши;

▪ жамиятда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабат шакллантирилиши.

**Давлатнинг сиёсий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатлари** сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

▪ давлат суверенитети, яъни мамлакатнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги иштироки таъминланганлиги;

▪ давлат ҳудудининг яхлитлиги ва дахлсизлигини таъминланиши;

▪ давлат чегарасининг мустаҳкам ҳимоя қилиниши ва кўриқланиши;

▪ ўзаро фойдали ва конструктив ташқи сиёсатнинг амалга оширилиши;

▪ минтақавий хавфсизлик тизимининг самарали ишлаши;

▪ конституциявий тузумнинг халқаро террористик ва экстремистик кучлар тажовузларидан ҳимоя қилиниши;


▪ фуқаролар, жамоат бирлашмалари ва давлатнинг сиёсий манфаатлари мувозанатига эришилиши;

▪ миллатлараро, конфессиялараро, сиёсий-мафқуравий қарама-қаршиликлардан келиб чиқадиган ижтимоий-сиёсий инқирозларнинг олди олинганлиги;


▪ давлат бирлигининг сақланиши ва мустаҳкамланганлиги;

▪ давлат ҳокимияти тизими бирлиги кафолатланганлиги, унинг самарали ишлаши таъминланганлиги;

▪ коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизми ишлаб чиқилганлиги.



**Миллатлараро муносабатлар** – турли миллат ва элатларнинг иқтисодий-сиёсий ва маданий-маърифий соҳаларда содир бўладиган ўзаро алоқалар мажмуидир.



## Хавфсизлик асослари

Юқорида кўриб ўтилган сиёсий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатлар фақатгина республикамизда яшаётган барча миллат вакилларининг ҳам манфаатлари ҳисобланади.

Сиёсий соҳадаги ҳаётий муҳим миллий манфаатлар, ўз навбатида, давлатнинг асосий ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиши лозим. Шу билан бир қаторда, у сиёсий соҳадаги давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ва ислохотларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.

### Сиёсий хавфсизлик соҳасидаги таҳдидлар

Сиёсий хавфсизликни таъминлаш учун глобаллашув жараёнлари натижасида кучайиб бораётган «сиёсий таҳдид»лар категориясининг мазмун-моҳиятини аниқлаб олиш лозим. Қуйида турлича ёндашувлар асосида уларнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қиламиз.

**Сиёсий таҳдид** деганда жамиятнинг туб манфаатларига жавоб берувчи давлат сиёсатини издан чиқаришга; халқнинг тарихий хоҳиш-иродасини мужассамлаштирган сиёсий тизимнинг емирилишига; демократия, айниқса, халқ ҳокимиятининг торайиши, сиёсий барқарорлик, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиши ва фуқаролик жамиятининг бузилишига олиб борувчи ҳолатлар, жараёнлар ва ҳаракатлар тушунилади<sup>1</sup>.

### Сиёсий соҳадаги ташқи таҳдидлар

Хавфсизлик назариясида таҳдидларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, улар ташқи ва ички таҳдидларга бўлинади. Ташқи таҳдид деганда юзага келиш манбаи давлат ташқарисида бўлса-да, ҳаётий муҳим миллий манфаатларга бевосита салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ва омиллар йиғиндиси тушунилади. Шундан келиб чиқиб, сиёсий соҳага давлат ташқарисидан туриб ўтказиладиган салбий таъсирларни ташқи таҳдидлар сифатида баҳолаш мумкин.

Сиёсий соҳадаги ташқи таҳдидларни шахс, жамият ва давлатга қаратилган таҳдидлар сифатида ажратиш орқали уларни янада аниқ тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз. Сиёсий хавфсизликка қаратилган таҳдидларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқ:

### Шахснинг сиёсий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ташқи таҳдидлар:

- Интернет орқали ноқонуний митинглар, петиция, йиғилиш ва намойишлар, сиёсий флешмоблар ўтказишга қаратилган ҳаракатлар;
- Ижтимоий тармоқларда турли сиёсийлашган виртуал бирлашмалар, тузилмалар, жамиятлар шакллантирилиши ва уларга фуқароларнинг жалб қилиниши;
- хорижий ОАВ ва Интернет тармоғида бир ёқламалик билан тайёрланган ахборотларни тарқатиш орқали фуқароларнинг онгига таъсир кўрсатувчи сиёсий манипуляциялаш ҳаракатлари.

**Сиёсий таҳдид** – жамиятнинг туб манфаатларига жавоб берувчи давлат сиёсатини издан чиқаришга ҳамда халқнинг тарихий хоҳиш-иродасини мужассамлаштирган сиёсий тизимни емиришга қаратилган, сиёсий барқарорлик, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлиши ва фуқаролик жамиятининг бузилишига олиб борувчи ҳолатлар, жараёнлар ва ҳаракатлар ҳисобланади.

<sup>1</sup> Халқаро муносабатлар (геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик). – Т.: Академия, 2006. – Б. 85.

### **Жамиятнинг сиёсий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ташқи таҳдидлар:**

- миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни емириш мақсадини кўзлаган махсус фаолият;
- жамиятдаги мавжуд анъанавий қарашларга зид келувчи ноанъанавий диний қадриятлар ва эътиқоднинг тарғиб қилиниши;
- хорижий ОАВ ва Интернет тармоғи орқали «демократия экспорти», либерал қарашлар тарғиботи натижасида миллий менталитетимизга зид бўлган ғарб қадриятларининг жамият ҳаётига сингдирилиши.

### **Давлатнинг сиёсий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ташқи таҳдидлар:**

- мамлакатнинг ички ишларига аралашиш ва унинг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигига нисбатан тажовузлар қилиш;
- муҳим глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда давлатнинг тенг ҳуқуқли иштирокига монелик;  
ахборот-коммуникация маконида давлатнинг суверенитетига, мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда аҳолининг тинч ҳаётига таҳдид солувчи мафкуравий ва психологик ҳаракатлар;
- қўшни давлатлар ҳудудига хорижий қўшинларни жойлаштириш, у ерда хорижий ҳарбий базаларни ташкил этиш;
- бевосита мамлакат ҳудудига ёхуд қўшни давлатларнинг чегараолди туманларига ташлаш учун ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этиш, ўқитиш ва қуроллантириш;
- давлат ҳудудига даъволар ва босқинчилик ҳаракатлари;
- минтақавий можароларнинг узоқ вақт мобайнида сақланиб қолаётганлиги, чегарадош давлатлардаги кескинлик ўчоқлари, локал урушлар ва қуролли қарама-қаршиликларнинг рағбатлантирилиши;
- қўшни давлатлар ҳудудида низоларнинг пайдо бўлиши ва авж олиши;
- минтақада коллектив хавфсизлик тизимининг йўлга қўйилмаганлиги, кучли давлатлар билан мусулмон дунёси айрим мамлакатларининг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари мавжудлиги;
- минтақага яқин жойлашган бир қанча давлатларнинг ядро қуролига ва бошқа ялпи вайрон қилувчи воситаларга эга бўлишга интилиши;
- Марказий Осиё минтақасидаги интеграция жараёнларига қарши ҳаракатлар;
- ҳарбий ҳаракатларнинг давлат ҳудудига кўчиш хавфи бўлган ҳарбий можаролар;
- наркотрафик, қурол-яроғ, ўқ-дори, заҳарли ва портловчи моддалар, қўпоровчилик-террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа воситалар контрабандаси билан боғлиқ трансчегаравий ва халқаро уюшган жиноий фаолият;

**Ташқи таҳдид** – юзага келиш манбаи давлат ташқарида булса-да, ҳаётий-муҳим миллий манфаатларга бевосита салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ва омиллар мажмуаси тушунилади.

**Мафкура** (арабча, фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак, мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.



Сиёсий хавфсизлик объектига зарар келтириши мумкин бўлган хавф ва таҳдидлар сифатида конституциявий тузум ва давлат суверенитетига қаратилган ҳар қандай тажовузлар, коррупция, миллий, этник ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятини келтириш мумкин.

## Хавфсизлик асослари

- чет эл махсус хизматларининг разведкавий қўпуровчилик фаолияти;
- буюк давлатчилик шовинизми, минтақадаги давлатлараро муносабатларда этник ва конфессиялараро тафовутлар асосида кескинлик келтириб чиқариш ва уни рағбатлантириш.

Булардан ташқари, сиёсий хавфсизликка қаратилган **ташқи таҳдид**ларни келтириб чиқарувчи **манбаларга**:

- жаҳон сиёсатининг асосий субъектлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар натижасида юзага келадиган халқаро ва минтақавий хавфсизлик тизимлари самарасининг пасайиши натижасида мамлакат атрофидаги вазиятни мураккаблаштириши мумкин бўлган имкониятлар;

- бир қутбли дунёдан кўп қутбли дунё тартиботига ўтиш жараёнида етакчи давлатлар геосиёсий манфаатларининг тўқнашуви;

- алоҳида давлатлар ёки давлатлар гуруҳлари томонидан ўз манфаатларини илгари суриш учун иқтисодий ва бошқа афзалликларга эга ресурслардан фойдаланиши;

- халқаро муносабатларнинг субъектлари сифатида тан олинмаган кучларнинг халқаро жараёнларга аралашуви;

- халқаро терроризм, икки томонлама фойдаланиш технологиялари ва ускуналари (ядро қуроли, космик ракета технологиялари ва бошқалар), қурол, ўқ-дорилар, радиоактив, кимёвий, биологик ва бошқа хавфли моддалар ва материалларнинг ноқонуний савдоси.

### Сиёсий соҳадаги ички таҳдидлар

Сиёсий хавфсизликка қаратилган ички таҳдидларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

#### Шахснинг сиёсий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ички таҳдидлар:

- фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда билвосита иштирокини асоссиз чеклашлар;

- сиёсий соҳада турли хил ноқонуний маъмурий тўсиқлар;

- фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини қонунларга мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошира олишини асоссиз равишда тақиқланиши;

- фуқароларнинг касаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиши ҳамда оммавий ҳаракатларда иштирок этишининг ноқонуний равишда тақиқланиши;

- ваколатли давлат органлари, муассасалар ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш механизмининг ишламаслиги ёки унинг тегишли талабларга жавоб бермаслиги;

- фуқароларнинг сўз эркинлигига ноқонуний чекловлар қўйилганлиги;

- фуқароларнинг ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига нисбатан ноқонуний чеклашлар.

**Жамиятнинг сиёсий соҳадаги манфаатларига  
йўналтирилган ички таҳдидлар:**


- жамиятда ижтимоий-сиёсий мувозанатнинг бузилиши;
- фуқароларнинг ҳукуматга нисбатан бўлган сиёсий хайрихоҳлик даражасининг пастлиги;
- ОАВ ва Интернетда цензуранинг сақланиб қолиниши;
- фуқаролик жамияти ривожланишининг паст даражада эканлиги;
- мамлакат ижтимоий-сиёсий тараққиёти йўлидан олиб борувчи миллий ғоянинг мавжуд эмаслиги;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишга ноқонуний тўсиқларнинг бўлиши;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмларининг талабларга жавоб бермаслиги;
- коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ва жамиятда ҳуқуқий нигилизмнинг ўсиши.

**Давлатнинг сиёсий соҳадаги манфаатларига  
йўналтирилган ички таҳдидлар:**

- давлатда бирликнинг заифлашуви натижасида сиёсий элиталарнинг сепаратистик ҳаракатлари кучайиши, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига тажовуз қилиш;
- минтақада, жумладан, давлатда, айниқса, ёшлар ўртасида диний экстремизм ва турли бузғунчи ғояларнинг тарқатилиши;
- жамоатчиликка хавф солувчи ички терроризм кўламнинг ўсиши ва халқаро терроризм билан алоқаларни кенгайтириши;
- давлат ҳудудида миллатчилик, сепаратизм, сиёсий ва диний экстремизмга асосланган ижтимоий-сиёсий конфликтларнинг мавжудлиги, ижтимоий-сиёсий танглик ўчоқларининг шаклланиши;
- конституциявий тузум, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун ва тартибни сақлаш тизими самарадорлигининг етарли даражада эмаслиги, қонунчилик инқирози;
- диний экстремизм ва диний мурасасизликнинг бошқа кўринишлари;
- демократик институтлар, давлат бошқаруви тизими ва қарорлар қабул қилиш механизмининг номукамаллиги;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида коррупция, бюрократизм, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари;
- мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳокимиятни вертикал равишда мустаҳкамлаш учун чоралар кўрилмаслиги;
- демократик институтлар, давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоатчиликнинг ишонч даражаси пастлиги;
- коррупциянинг ўсиши, уюшган жиноятчиликнинг сиёсийлашуви, унинг тузилмалари турли даражадаги ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият органлари билан бирлашиши.

Сиёсий тизим нормал ва самарали фаолият юритиши учун қатор мезонларга эга бўлиши лозим, хусусан, муҳолиф партияларнинг эркин фаолиятини йўлга қўйилганлиги; аҳолининг сиёсий фаоллиги; оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги ва цензуранинг йўқлиги ва бошқалар.

**Ғоявий таҳдид –** жамият, давлат ёки халқ, миллат, элат тақдирига хавф солиб турган, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган мафкуравий хавф-хатарлар мажмуаси.




### **Назорат саволлари ва топшириқлар:**

1. Сиёсий хавфсизлик деганда нимани тушунасиз?
2. Сиёсий соҳадаги миллий манфаатлар нималардан иборат?
3. Сиёсий хавфсизликни таъминлаш тизимининг таркибий элементларини айтиб беринг.
4. Сиёсий хавфсизликнинг давлат хавфсизлиги билан қандай боғлиқлик ва фарқли жиҳатлари бор?
5. Сиёсий хавфсизликнинг объекти ва субъектларини таърифлаб беринг.
6. Сиёсий хавфсизликка қаратилган асосий таҳдидларни санаб беринг.
7. Ўзбекистон Республикасида сиёсий хавфсизликни таъминлаш йўналишида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Гаджиев К.С. Политическая наука. – М.: Международные отношения, 1995. – 325 с.
2. Даниленко И.С. Политическая безопасность (К разработке методологии и практики вопроса) // Безопасность. Информационный сборник. – Москва, 1993. - №3. – 400 с.
3. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст). Тошкент: Академия, 2007. – 252 б.
4. Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик (ўқув қўлланма). Тошкент: Академия, 2007 – 106 б.
5. Зотова Л.В. Безопасность народа и государства как главная политическая ценность в учении Томаса Гоббса // Вестник Российского университета дружбы народов. - Сер.: Политология. – Москва, 2003. - № 4.
6. Исломов И.Н. Сиёсий хавфсизлик. (Давлат қурилишини модернизациялашнинг долзарб масалалари). Ўқув қўлланма. 1-қисм. // – Т.: СТИБОМ, 2023. – 168 б.
7. Исломов И.Н. Сиёсий хавфсизлик. (Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш масалалари). Ўқув қўлланма. 2-қисм. // – Т.: СТИБОМ, 2023. – 134 б.



8. Макеев А.В. Политика и безопасность. – М.: Изд-во «Щит-М», 1998. – 270 с.


9. Мангейм Дж., Рич Р. Политология. Методы исследования. – М.: Наука, 1997. – 346 с.

10. Семигин Г.Ю. Политическая стабильность и безопасность // Социально-политический журнал. – Москва, 1996. - №3.

11. Ярочкин В.И., Бузанова Я.В. Теория безопасности – М.: Академический Проект: Фонд «Мир», 2005. – 176 с.

12. Pal L. Public Policy Analysis: An Introduction. – Scarborough: 1992. – 247 p.

13. Rotfeld, Adam Daniel. Security risks in the post-cold war world. Presentation made at the George C. Marshall Center, 31 October 1996.



## 11-МАВЗУ. ҲАРБИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ



**Резюме.** Мазкур мавзу хавфсизлик умумий назариясидаги давлат фаолиятининг асосий соҳаларидан бири – ҳарбий хавфсизликка оид назарий билимларни кенгайтиришга, шунингдек, ҳарбий хавфсизлик тушунчасининг мазмун ва моҳиятини очиб беришга, ҳарбий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги манфаатлар ва уларга бўладиган таҳдидлар таснифи ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизимига бағишланган.

**Таянч сўзлар:** ҳарбий хавфсизлик, ҳарбий хавф, ҳарбий таҳдид, давлатнинг ҳарбий ташкилоти, қуролли кучлар, мудофаа хавфсизлиги, ҳарбий дипломатия, ҳарбий-маъмурий сектор.

### 11.1. Ҳарбий хавфсизлик тушунчаси ва моҳияти

«Хавфсизлик» тушунчаси, унинг хавф ва таҳдид категориялари, объекти ва субъекти, соҳалари ҳамда хавфсизлик тизимининг ижтимоий-фалсафий ва сиёсий-ҳуқуқий мазмуни дунё цивилизацияси таъсирида эволюцион ривожланиб келган.

Ўтган асрнинг 70-йилларигача илмий давраларда «хавфсизлик» тушунчасига нисбатан анъанавий ёндашув сақланиб қолди, яъни хавфсизликка давлатнинг ҳарбий қудратига таяниб таъминланадиган ҳолат сифатида қаралди [Бут, 1994; 21]. Ҳарбий соҳа суверен давлат хавфсизлигида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳалардан кўра кўпроқ аҳамият касб этди.

Миллий хавфсизликни таъминлашда ҳарбий соҳанинг устуворлиги тўғрисидаги ғоя сиёсий реализмда яққол ўз ифодасини топган. Яъни, давлат халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиси сифатида ўзга давлатлар билан алоқаларни ўрнатар экан, аввало, манфаатлари, кучи ва ресурсларига таянади [Циганков, 2004; 21-22]. Давлатлар манфаатларининг бир-бирига мос келмаслиги, улар ўртасида қарама-қаршиликни юзага келишига, баъзан бу уруш ҳолатига ўтиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун, ҳарбий таҳдидга учраган давлат ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мавжуд куч захирасини сафарбар этишга мажбур бўлади.

Миллий хавфсизликнинг ҳарбий жиҳати устуворлиги «стратегик тадқиқотлар» ёки «хавфсизликнинг анъанавий тадқиқотлари» концепцияларида ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳарбий соҳа хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг устувор йўналиши, ҳарбий куч эса миллий хавфсизликни таъминлашнинг

Давлат халқаро муносабатларнинг асосий иштирокчиси сифатида ўзга давлатлар билан алоқаларни ўрнатар экан, аввало, манфаатлари, кучи ва ресурсларига таянади.

П.А. Циганков

ягона самарали воситаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сиёсий реализм тарафдорлари К.Бут, С.Хантингтон, Б.Бузан ва бошқа олимлар томонидан давлатларнинг ўз хавфсизлигини таъминлаш жараёни – «миллий манфаатларни тартибга солиб турувчи кучлар ва улар ўртасидаги мувозанат» ҳамда «ташқи куч мажбурловига ёки чекловларига нисбатан давлатнинг фаолияти» [Циганков, 2004; 20-25] сифатида баҳоланган. Бундан шундай хулосага келинадики, қуролли кучлар давлатнинг халқаро майдондаги миллий манфаатларини ҳимоя қилишга мўлжалланган самарали инструментиدير.

Ўтган асрнинг 90-йилларида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши ва глобаллашув жараёни натижасида «хавфсизлик» тушунчаси кенгроқ маъно касб этди. Чунки хавфсизлик соҳаси иқтисодий, экологик, информацион ва бошқа соҳалар ҳисобига кенгайган эди. Оқибатда ноанъанавий (ҳарбий бўлмаган) таҳдидларнинг халқаро майдонда пайдо бўлиши билан давлатнинг хавфсизлик соҳасидаги анъанавий кучишлатар функциялари заифлаша бошлади.

20-асрнинг иккинчи ярмида халқаро майдондаги юзага келган глобаллашув ва геосиёсий ўзгаришлар оқибатида миллий хавфсизликни таъминлашдаги устуворлик давлатнинг ҳарбий қудратидан ноҳарбий – сиёсий, иқтисодий, ахборот, гуманитар ва молиявий воситаларга кўчиб ўтди. Миллий хавфсизлик тушунчасига анъанавий ёндашувнинг аҳамияти камайиб, унинг ҳарбий жиҳати хавфсизлик соҳаларининг бирига айланди.

**Ҳарбий хавфсизлик** – давлат ҳаётий муҳим манфаатларини ҳарбий таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Анъанавий қарашларга мувофиқ, давлатни агрессиядан ҳимоялаш ҳарбий хавфсизликнинг асосий объекти сифатида олинган. Бироқ давлат ва жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ахборот ва бошқа соҳалари имкониятларини трансчегаравий таҳдидларга қарши курашга ҳамда урушнинг олдини олишга жалб қилина бошлангач, ҳарбий хавфсизликнинг объекти, субъекти ва предмети кенг маъно касб этди. Хусусан, ҳарбий хавф ва таҳдидлардан ҳимояланаётган миллий манфаатлар: давлатнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва конституциявий тузуми – ҳарбий хавфсизликнинг объекти ҳисобланади. Шахс, жамият ва давлат – субъектлари саналади. Уларнинг биргаликдаги фаолияти ҳарбий хавфсизликни таъминлаш бўйича вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлади.

**Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш бўйича вазифаларга қуйидагилар киради:**

- ҳарбий хавфсизликни таъминлаш борасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва юритиш;
- ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг зарур иқтисодий ва илмий-техникавий базасини яратишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш;



**Ҳарбий хавфсизлик** – давлат ҳаётий муҳим манфаатларини ҳарбий таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.



**Мудофаа хавфсизлиги** тушунчасини қўллаш билан давлат ҳарбий сиёсатининг тинчликпарвар эканига эътибор қаратилади.

- ҳарбий хавфсизлик соҳасидаги миллий манфаатларнинг устувор жиҳатини, хавфсизликни таъминлаш бўйича сиёсий-дипломатик ва бошқа ноҳарбий воситаларни тўғри танлаш;
- мамлакат мудофаасини ташкил этиш;
- мамлакат мудофааси учун қулай шароитни ташқи сиёсий майдонда яратиш;
- мамлакат мудофааси, қуроли кучлар ва бошқа ташкилотлар устидан ҳарбий-сиёсий ва стратегик бошқарувни амалга ошириш;
- эҳтимолий таҳдидлар ҳамда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувини прогнозлаш;
- фуқароларнинг давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга доир сиёсий онгини шакллантириш;
- қуроли кучларни қўллашни стратегик режалаштириш, мудофаага жалб қилинаётган давлат органларининг сафарбарлигини ошириб бориш;
- **ҳарбий санъат**ни ривожлантириш.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баъзи адабиётларда «мудофаа хавфсизлиги» тушунчаси ҳам учрайди. Бу тушунча «ҳарбий хавфсизлик» билан бир мазмунга эгами, деган савол туғилади. Ҳарбий хавфсизликнинг ички жиҳати, яъни давлат ва жамиятнинг эҳтимолий ҳарбий таҳдидларни бартараф этишга тайёргарлик кўриш бўйича фаолияти – **мудофаа хавфсизлигига** тегишли [С.Фомин, 2007: 85]. Шунинг қўшимча қилиш керакки, ҳарбий хавфсизликнинг ҳам ташқи, ҳам ички жиҳати бир мақсадга – ҳарбий таҳдидларни тийиб туриш ва бартараф этишга қаратилган. Шу маънода ҳарбий хавфсизлик кенг маънодаги фундаментал ва назарий тушунча. У мамлакатнинг эҳтимолий урушга тайёргарлигини ёки унинг олдини олиш йўллари – ҳужумкор ва мудофаа стратегияларини қамраб олади.

Қуроли кучлар ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг асосий инструменти ҳисобланса-да, замонавий босқичда субъектларнинг сиёсий-дипломатик, иқтисодий, ижтимоий ва ахборот соҳалардаги имкониятлари ноҳарбий воситаларда ўз ифодасини топади. Ҳар икки турдаги воситалар ҳарбий хавфсизликнинг предметида доир яна бир жиҳатни: субъектлар томонидан қўлланиладиган **ишонтириш** ва **мажбурлаш** услубларини асослаб беради. Хусусан, ишонтиришнинг асл моҳиятида субъектларда ҳарбий хавфсизликнинг мақсад ва вазифаларига хос тафаккурни шакллантириш учун психологик ва моддий таъсир ўтказиш ётади.

Ҳарбий хавфсизлик субъектлари томонидан ишонтириш услуби қўлланилганда қуйидаги амаллар ижроси кузатилади:

- давлат ҳарбий (мудофаа) доктринасининг моҳияти расмий тарзда шарҳлаб борилади;
- доктринага мувофиқ тийиб туриш сиёсати ҳаётга татбиқ этиларкан, замонавий қуроли кучлар билан ҳарбий машқлар ёки кенг миқёсдаги ҳарбий манёврлар ўтказилади;
- барча тадбирлар оммавий ахборот воситаларида кенг ва шаффоф ёритиб борилади.

Сўнги ўн йилликда ҳарбий соҳада тамоман янги йўналиш – ҳарбий доктриналарни демилитаризация мақсадида мувофиқлаштириш бўйича давлатларнинг ўзаро муносабатлари пайдо бўлди. Доктриналарнинг моҳияти ва тамойиллари давлатлараро муносабатлардаги музокаралар предметиға айланар экан, ана шу муҳокамалар натижалари қуролсизланиш шартномаларида ўз аксини топа бошлади.

Давлатлараро муносабатларда яна бир ишонтириш воситаси – **ҳарбий дипломатия** қўлланилади. У давлатнинг ташқи сиёсий мақсад ва вазифалари, ҳуқуқлари ва манфаатларини амалға ошириш бўйича расмий ҳукумат томонидан қўлланиладиган ноҳарбий усуллар мажмуидир. Дипломатия орқали давлатнинг олий органлари ташқи ҳарбий сиёсатни амалға оширадилар ва миллий манфаатларни халқаро майдонда ҳимоя қиладилар.

Мажбурлаш, ҳарбий хавфсизликнинг услуби сифатида, давлатнинг ўз рақибига нисбатан руҳан, жисмонан ёки моддий таъсир кўрсатишиға йўналган бўлади. Шунингдек, мажбурлов чоралари ҳарбий таҳдидлардан огоҳлантириш ва уларни бартараф қилиш учун қўлланилади. Мисол учун, иқтисодий рақобат мажбурлаш услубининг замонавий ва таъсирчан воситалари қаторига киради.

Иқтисодий рақобат, тазйиқсиз воситаларни бирлаштирган сиёсий-дипломатик ва ҳуқуқий қарама-қаршилиқдан фарқли ўлароқ, рақиб устидан ҳарбий-иқтисодий устунликка эришишни таъминлайдиган йўналишларни ўз ичига қамраб олади. Масалан, мамлакат иқтисодиётини сафарбарлик орқали ривожлантириш, рақиб давлат иқтисодий-молиявий имкониятларига зарар етказишға интилишлар ана шу йўналишлар сирасига киради.

Тинчлик даврида турли хил иқтисодий чекловлар, хусусан, эҳтимолий душманға таъсир ўтказиш чораси сифатида унинг ҳудудига турли маҳсулотлар экспортини ва энергоресурсларни етказиб беришни БМТ резолюциясига мувофиқ чекланишини назарда тутати. Уруш даврида эса рақибнинг моддий таъминот базаси ҳарбий кучлар зарбаси орқали йўқ қилинади.

Мажбурлашнинг яна бир тури ахлоқий-руҳий кураш бўлиб, у давлат ўз рақибни аҳолисининг ҳамда қўшин ва бўлинмалар шахсий таркибининг қаршилиқ кўрсатиш иродасини букиш мақсадида қўлланилади. Куч ишлатиш билан қўрқитиш учун қурол ва ҳарбий техникалардан бевосита фойдаланилади. Уруш даврида ҳарбий кучни қўллаб ҳарбий хавфсизлик мақсадларига эришиш изоҳ талаб этмайди.

Аммо кучларни тинчлик даврида қўллаш унинг шакл ва миқдори борасидаги, қўшинларнинг мажбуриятларига тўғри келиши ёки келмаслиги каби масалаға ойдинлик киритишни тақозо этади. Яъни, давлат халқаро ҳуқуқ меъёрлари доирасида куч ишлатиши лозим. Кучларнинг шакллариға тўхталадиган бўлсак, улар мазмунини қўшинлардаги фаолиятининг ҳарбий операциялар ва махсус жанговар ҳаракатлар белгилаб беради.

**Ҳарбий дипломатия**  
давлатнинг  
тинчликпарвар ҳарбий-  
сиёсий мақсадини  
очиқдан-очиқ намоиш  
этади ва шу орқали  
бошқа давлатларни  
ундан қўрқмасликка  
чақиради.

**Қуролсизланиш** – сон  
ва сифат жиҳатидан  
қуролларни чеклаш,  
қисқартириш ва тугатиш,  
шунингдек, уларни  
ишлаб чиқаришни  
тўхтатишға қаратилган  
чора-тадбирлар мажмуи.



Умуман олганда, ҳарбий хавфсизлик мақсадига эришиш учун қўлланиладиган ишонтириш ва мажбурлаш услублари субъектларнинг потенциал имкониятларига ва реал вазиятга кўра қўлланилади.

Юқоридаги фикрлар ҳарбий хавфсизликнинг ташқи ва ички жиҳатлари муҳимлигини кўрсатади. Бунга кўра, давлатга бўладиган ҳарбий хавф ва таҳдидларни тийиб туриш ёки бартараф этиш учун миллий мудофаани мустаҳкамлаш ёки коллектив хавфсизликни шакллантириш бўйича халқаро ҳамкорликни олиб бориш ҳарбий хавфсизликнинг ички ва ташқи жиҳатларига хос белгиларидир.

Шундай қилиб, шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари, давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва конституциявий тузуми ҳарбий хавфсизликнинг асосий объекти ҳисобланади. Манфаатларнинг ҳарбий хавф ва таҳдидлардан етарлича ҳимояланганлик шароити ва ҳолати, ташқи ва ички ҳарбий таҳдидлар, давлатнинг ҳарбий қурилиши, қуролли кучлар ҳарбий хавфсизлик тушунчасининг асосий белгилари сирасига киради. Ҳарбий хавфсизликнинг умумий функционал хусусиятлари қаторида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳарбий куч ёрдамида ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш, қуролли конфликтлар ва урушларнинг олдини олишни айтиб ўтиш мумкин.

### 11.2. Ҳарбий хавфсизлик турлари

Ҳарбий таҳдидларнинг жамият соҳаларида намоён бўлишига ҳамда уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича ҳуқуқий ва институционал чора-тадбирларни қабул қилишга қараб, ҳарбий хавфсизлик шахс, жамият ва давлат фаолиятининг деярли барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Ҳарбий хавфсизликни қуйидаги турларга ажратилади:

*ҳарбий-сиёсий хавфсизликка* дипломатик, миллий-ҳуқуқий, ахборот, мафқуравий соҳалардаги сиёсий-ташкилий чоралар мажмуаси орқали объектларнинг миллий ўзлигини ва мустақиллигини сақлаб қолишни таъминлаш билан эришилади;

*ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик* – ҳарбий қурилишнинг иқтисодий ва захиравий ҳамда қўшинлар фаолиятини моддий таъминланганлик ҳолати. Унга давлатнинг ҳарбий-иқтисодий ва захиравий таъминланиши, шунингдек, ҳарбий бюджетни шакллантириш ва уни тақсимланиши орқали эришилади. Мамлакат ҳарбий-иқтисодий потенциали реал ҳарбий таҳдидларга мутаносиб шаклда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади.

*ҳарбий-ижтимоий хавфсизлик* – аҳолини мудофаа масалаларини ҳал қилишга бўлган руҳий-маънавий тайёргарлик, ҳарбий жамоаларнинг жанговар-руҳий ҳамда ҳарбийларнинг ижтимоий таъминланганлик ҳолати. Ушбу тур, ўз навбатида, инсон омили билан боғлиқ бўлган ҳарбий-профессиял ва ҳарбий хизмат хавфсизлигига бўлинади. Ҳарбий-профессиял хавфсизликка ҳарбий кадрларни тайёрлаш, уларни тажрибада қўллаш учун керакли билимлар билан таъминлаш ва

**Ҳарбий хавфсизликнинг турлари** – ҳарбий-сиёсий хавфсизлик, ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик, ҳарбий-ижтимоий хавфсизлик, ҳарбий-техник хавфсизлик, ҳарбий-ахборот хавфсизлиги, ҳарбий-бошқарув хавфсизлиги.

мустаҳкамлаш орқали эришилади. Ҳарбий хизмат хавфсизлиги ҳарбий бошқарув органлари томонидан ҳарбийларнинг манфаатларини амалга ошириш, шунингдек, соғлиғига, ҳаётига ва мулкига нисбатан хавфларнинг олдини олиш учун зарур бўлган қонунлар, умумий ҳарбий низомлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида таъминланади;

*ҳарбий-техник хавфсизликка* мамлакат мудофаасини таъминлашда фундаментал фанларда изчил тадқиқотлар олиб бориш, замонавий қурол ва ҳарбий техника намуналарини яратиш, етук илмий-техник кадрларни тайёрлаш, шунингдек, ҳарбий техника ва қуроллар эксплуатацияси, сақланиши, транспортировка ҳамда утилизацияси жараёнларини тўлиқ таъминлаш ва ҳимоялаш орқали эришилади;

*ҳарбий-ахборот* хавфсизлиги мудофаа соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлайдиган маълумотлар, информацион ресурслар ва ахборот инфратузилманинг ҳимоялаш, шунингдек, мамлакатнинг хорижий давлатлар, ташкилотлар ва шахслар томонидан ҳарбий хавфсизликка зарар етказиши билан боғлиқ режалари ва мақсадларига қарши курашиш учун зарур бўлган маълумотларни тарқатиш орқали таъминланади;


*ҳарбий-бошқарув хавфсизлигига* давлатнинг ҳарбий қурилиши, мудофаани режалаштириш, кўшинларнинг оператив ва ҳарбий тайёргарлигини такомиллаштириш, ҳарбий бошқарув тармоғининг самарали ва хавфсиз ишлашини таъминлаш орқали эришилади.

### **11.3. Давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизими**

Давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизими деганда таҳдидга учраган хавфсизлик объектининг ҳарбий соҳада хавфсизликни таъминловчи субъектлар билан муносабатларини белгилаб берувчи, ўзаро бир-бирига боғлиқ ҳамда бир-бирини тўлдирувчи элементлар мажмуига айтилади. Тизим фаолияти қуролли тазйиқ воситалари ёрдамида миллий манфаатларнинг ҳимоясини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, мамлакатнинг мудофаа салоҳияти унинг самарадорлигига боғлиқ бўлади.

Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш тизимининг объекtlари сирасига мустақилликни, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда давлатга нисбатан агрессияни бартараф этиш, мамлакатнинг тинч ва демократик тараққиёти учун шарт-шароитни яратиш каби ҳарбий соҳадаги миллий манфаатлар киради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан ҳарбий хавфсизлик объекtlари юқорида ўз ифодасини топган турли хил ҳарбий хавф ва таҳдидларга учрайди.

Ҳарбий хавфсизлик объекtlарини ҳимоялаш субъекtlар томонидан ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-иқтисодий, ҳарбий-ижтимоий, ҳарбий-технологик, ҳарбий-информацион ва соф ҳарбий соҳаларда комплекс чораларни қабул қилиш орқали амалга



«Давлат-у салтанат уч нарса – мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир».

**Амир Темур**

Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш тизимининг объекtlари сирасига мустақилликни, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда давлатга нисбатан агрессияни бартараф этиш, мамлакатнинг тинч ва демократик тараққиёти учун шарт-шароитни яратиш каби ҳарбий соҳадаги миллий манфаатлар киради.

Норматив-ҳуқуқий база ҳарбий хавфсизликнинг объекти ва субъектларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ҳуқуқий мақомларини, куч ва воситаларини, қўллаш шакл ва услубларини белгилаб беради.

оширилади. Мамлакатнинг ҳарбий хизматга мажбур бўлган фуқаролари, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари – ҳарбий хавфсизликни таъминловчи субъектлар ҳисобланади.

Мустақиллик дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ҳарбий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган ички ва ташқи сиёсат изчил олиб борилмоқда. Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз қиёфасини янгилаш ва қўшинлар жанговар тайёргарлигини оширишга қаратилган мақсадли дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлашнинг **сиёсий-ҳуқуқий тагтизими** мудофаани ташкиллаштиришдаги: ҳарбий сиёсатни ишлаб чиқиш, ҳарбий фан ва мудофаа доктринасини ривожлантириш; агрессияни олдини олиш бўйича халқаро майдонда керакли чораларни кўриш; коллектив хавфсизлик чораларини ишлаб чиқишда иштирок этиш; давлат чегараларини қўриқлаш; ҳарбий-техникавий сиёсатни амалга ошириш; Қуролли Кучларни ҳарбий техника, анжомлар, озиқ-овқат ва кийим-кечак, техник воситалар билан тўлиқ таъминлаш; халқ хўжалиги ва давлат корхоналари, бошқарув тизимини сафарбарлик тайёргарлигини ўтказиш; Ўзбекистон Республикасига қарши ҳар қандай агрессияга ва ҳарбий провокацияга жавоб қайтара оладиган даражада Қуролли Кучлар сонини белгилаш, зарур инфратузилма билан таъминлаш, улар жанговар шайлиги ва сафарбарлигини сақлаб туриш; мудофаа ва ҳарбий қурилиш масалаларини қонуний тартибга солиш каби вазифалар ижросини таъминлайди.

Айнан норматив-ҳуқуқий база ҳарбий хавфсизликнинг объекти ва субъектларини, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ҳуқуқий мақомларини, куч ва воситаларини, қўллаш шакл ва услубларини белгилаб беради. Умуман олганда, мамлакатимиз ҳарбий хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни, Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси, Мудофаа доктринасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, мамлакатни ривожлантириш бўйича узоқ йилларга мўлжалланган Стратегия ва давлат дастурларида ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топади.

Сиёсий-ҳуқуқий тагтизимнинг фундаментал раҳбарий ҳужжати – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасидир. Мудофаа доктринаси ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни белгилайди.

Доктринанинг мудофаа хусусиятига эгаллигини тасдиқлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳеч бир давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди ва барча мамлакатлар билан муносабатларни мамлакат миллий манфаатларининг устуворлиги асосида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини инobatга олган ҳолда ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига

Сиёсий-ҳуқуқий тагтизимнинг фундаментал раҳбарий ҳужжати – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасидир. Мудофаа доктринаси ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни белгилайди.

аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш асосида қуради. Айнан шу тамойилларга таяниб юритилган давлатнинг ташқи ва ички ҳарбий сиёсати соҳадаги хавф ва таҳдидларнинг олдини олишга шароит яратади.

Мудофаа доктринаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Миллий хавфсизлик концепцияси ва бошқа қонун ҳужжатларига асосланади, халқаро ҳуқуқнинг, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг принциплари ва нормаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро шартномаларга таянади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони; Олий Мажлиснинг Сенати ва Қонунчилик палатаси; Вазирлар Маҳкамаси; Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси; вазирлик ва идоралар, давлат маҳаллий бошқарув органлари ҳарбий хавфсизликни таъминлаш сиёсий-ҳуқуқий тагтизимининг асосий элементлари ҳисобланади.

Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш тизимининг **институционал тагтизими** давлатнинг ҳарбий ташкилотидан иборат. Давлатнинг ҳарбий ташкилоти – давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув органлари, қуролли кучлар, уруш даври учун тузиладиган бошқа органлар, муассасалар ва махсус тузилмаларнинг, шунингдек, мудофаа саноати мажмуи бўлиб, уларнинг биргаликдаги фаолияти ҳарбий хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлади. Давлат ҳарбий ташкилоти асосини Қуролли Кучлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасига мувофиқ, мамлакат ҳарбий хавфсизлиги институционал тагтизимининг фаолияти мамлакатнинг миллий манфаатларидан, жаҳондаги ва минтақадаги ҳарбий-сиёсий вазиятдан, ҳарбий хавф ва таҳдидлар даражасидан, замонавий ҳарбий можароларнинг хусусиятидан келиб чиқиб ташкил этилади.

Ҳарбий хавфсизликни таъминлаш тизимининг институционал тагтизими элементлари сирасига: олий ҳарбий таълим муассасалари; давлат мудофаа саноати мажмуи; Ўзбекистон Фанлар академияси ва республиканинг бошқа илмий-тадқиқот институтлари, тегишли вазирлик ва идоралар, агентликлар, давлат маҳаллий бошқарув органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлар, фондлар; музейлар, ҳарбий-ватанпарварлик ва жасорат боғлари, жамоат ташкилотлари, куч тузилмаларининг матбуот марказлари, Қуролли Кучлар ахборот-коммуникацион технологиялар бўлинмалари; давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, Мудофаани бошқариш миллий маркази, куч тузилмалари ва уларни бошқарувчи марказий аппаратлар киради.



**Давлатнинг ҳарбий ташкилоти** – давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув органлари, қуролли кучлар, уруш даври учун тузиладиган бошқа органлар, муассасалар ва махсус тузилмаларнинг, шунингдек, мудофаа саноати мажмуи ҳисобланади.



Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг субъектларини молиялаштириш ва ресурслар билан таъминлаш айнан **ҳарбий-иқтисодий тагтизим** элементлари ҳисобига амалга оширилади. Бу тагтизим миллий иқтисодиёт тармоқларидаги ҳарбий мақсадларда фаолият юритувчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўғинларини қамраб олади. Улар қуролли кучларнинг моддий-техник таъминотини, ҳарбий эҳтиёжларга йўналтирилган меҳнат ва молиявий ресурсларни, шунингдек, давлатнинг ҳарбий ташкилоти ичидаги иқтисодий муносабатлар тизими ва аксинча, куч ишлатар тузилмаларнинг ҳарбий бўлмаган хўжалик субъектлари билан иқтисодий муносабатларини ўз ичига олади.

Ҳарбий харажатлар ҳарбий-иқтисодий тагтизимнинг асосий кўрсаткичи. Ҳарбий харажатларга ажратилган маблағлардан мамлакатнинг географик жойлашуви ҳамда иқтисодий ҳолатига уйғун тарзда фойдаланилади.

Таъкидлаш жоизки, тегишли вазирлик ва идоралар, Миллий банк, «Ўзавтосаноат», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», фермер хўжаликлари, хусусий ишлаб чиқариш корхоналари, вазирлик ва идораларнинг молиявий ва фронторти таъминот бошқармалари; Давлат мудофаа саноати агентлиги ва унинг таркибига кирувчи завод ва корхоналар ҳарбий-иқтисодий тагтизимнинг муҳим элементлари сирасига киради.

Миллий иқтисодиётнинг тўлақонли мудофаа секторини шакллантириш бўйича ишлар аста-секин Қуролли Кучларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникалар билан таъминлашни ҳамда қўшимча иш ўринлари яратиш, мамлакат иқтисодиётини диверсификациялаш имконини бермоқда. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ривожланган мудофаа саноати инновацион ва юқори технологияларга асосланган иқтисодиётнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ушбу йўналишда ҳарбий ва икки мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган, импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга қаратилган комплекс вазифаларни ҳам ҳал қилиниши кутилмоқда.

Мамлакатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг фаоллигини ва ролини ошириш бўйича ишлар сифат жиҳатдан бутунлай янги босқичга кўтарилди. «Миллий армиямиз – бизнинг ифтихоримиз ва ғуруримиз» тамойили асосида ҳудудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг яқдиллигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди.

Умуман олганда, давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш нафақат ҳарбий таҳдидларни сиёсий-дипломатик, иқтисодий, информацион ва соф ҳарбий чора-тадбирлар эвазига бартараф

**Ҳарбий харажатлар миқдори**  
ялпи ички маҳсулотдан **3,5-4%** ни, қуролли кучларнинг сони аҳоли сонидан **0,8-1%** улушни ташкил этган кўрсаткичларга нисбатан белгиланади.



қилишга, шунингдек, қуролли кучларни замонавий ҳарбий можаролар характеридан келиб чиқиб янгилаб боришга, давлатнинг ҳарбий ташкилотини такомиллаштиришга йўналтирилмоғи лозим. Ушбу маънода, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий ва ахборот воситалари билан бир қаторда, ҳарбий соҳадаги хавф ва таҳдидларни тийиб турувчи ёки йўқ қилувчи муҳим элементлардан бири бўлиб қолмоқда.

Бироқ ҳар қандай ҳарбий ислоҳотлар ҳарбий хавфсизликни таъминлашдаги сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий ва институционал тағтизмларнинг функциясини замон талабига мос ҳолда ривожлантириб боришни тақозо этади. Бу тизимли таҳлилчилар олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

#### 11.4. Ҳарбий таҳдидлар тизими

**Таҳлика** – бевосита муайян таҳдид характерига эга бўлмаса-да, бироқ бартараф этувчи ва олдини оловчи чора-тадбирларни амалга оширилишини талаб этувчи ҳолат/ҳодиса/вазият ёки уларнинг мажмуидир. Таҳликани бартараф этиш учун узоқ муддатли иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий, гуманитар, ҳарбий ва бошқа чора-тадбирлар зарур бўлади.

**Ҳарбий хавф** деганда томонлар ўртасида қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, ҳарбий кучларнинг тайёргарлиги ҳамда ушбу қарама-қаршиликларни ҳал этишда ҳеч бўлмаса бир томоннинг ҳарбий куч ишлатишга мойиллигига қаратилган субъектлар ўртасидаги махсус муносабатлар ҳолати тушунилади.

**Ҳарбий таҳдид** – ҳарбий хавфнинг энг олий шакли бўлиб, бунда ҳарбий кучларни қўллаш билан боғлиқ тайёргарликнинг ошқора ёки яширин амалга ошириш белгилари мавжуд. Давлатлар ўртасида қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги ҳамда уларни ҳал этишда душманнинг қаршилик кўрсатишини енгиб ўтиш ва уни ўз иродасига бўйсундиришга қодир бўлган қуролли кучларнинг тайёрланганлиги ҳарбий таҳдиднинг вужудга келишидан далолат беради [Бобокулов, 2010; 16].

Ҳарбий хавф ва таҳдид категориялари субъектнинг ҳарбий кучларни қўллашга шайлигига нисбатан олинган бўлиб, унинг мақсад ва имкониятлари эса индикаторлар сифатида ифодаланади. Ҳар бир индикаторга тааллуқли маълумотларни субъектлар куч ва воситаларининг ҳаракатга келтирилиши сифатида тасаввур этилади. Шу тарзда ҳарбий хавф ёки таҳдид тури аниқлаб олинади.

Назарий жиҳатдан давлат ҳарбий хавфсизлиги соҳаларидаги манфаатларга кўра бўладиган хавф ва таҳдидлар ички ва ташқи турларга бўлинади.

**Ҳарбий-сиёсий соҳада** давлат ҳарбий хавфсизлиги субъектларининг фаолиятини тўлақонли таъминлаш учун сиёсий шароитларни яратиш манфаати ётади. Ушбу манфаатга қуйидаги ички хавфлар мавжуд: мудофаа соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базанинг самарасизлиги; давлат органлари, сиёсий ва жамоат

**Ҳарбий хавф** – ўртасида қарама-қаршиликларнинг мавжудлиги, ҳарбий кучларнинг тайёргарлиги ҳамда ушбу қарама-қаршиликларни ҳал этишда ҳеч бўлмаса бир томоннинг ҳарбий куч ишлатишга мойиллигига қаратилган субъектлар ўртасидаги махсус муносабатлар ҳолати.

Давлатнинг ҳарбий-иқтисодий соҳадаги манфаати давлатнинг ҳарбий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

ташкilotлари ўртасида мамлакат мудофаасини таъминлашга доир масалаларни ҳал этишда бирдамликнинг йўқлиги.

*Мазкур соҳадаги ташқи хавф ва таҳдидлар:* халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминловчи механизмларни кучсизлантиришга интилиш ёки уларни инкор этиш; қуроллар ва улар захирасини чеклаш борасидаги халқаро шартномаларга риоя этмаслик; халқаро ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш; чегарадош давлатлардаги қуролли можаро ва кескинлик ўчоқларини билвосита қўллаб туриш; ҳарбий блокларни тузиш орқали давлат ҳарбий хавфсизлигига путур етказиш; давлат суверенитетига, конституциявий тузумига ва ҳудудий яхлитлигига таҳдид қилиш.

**Ҳарбий-иқтисодий соҳадаги манфаат** – давлатнинг ҳарбий эҳтиёжларини қондиришдан иборат. *Ички хавфлар:* ҳарбий бюджет ҳажмининг қисқартирилиши; ҳарбий хизматчиларнинг ойлик маоши, озиқ-овқати ва кийим-кечагига, ёқилғи тўловларига, коммунал хизмат сарф-ҳаражатларига, қуроллар ва ҳарбий техникалар таъминотига ажратиладиган маблағ ҳажмининг белгиланган даражадан пасайиб кетиши.

*Соҳадаги ташқи хавф ва таҳдидлар:* молиявий ва иқтисодий санкциялар қўлланилиши; ҳарбий харажатларга йиллик ажратиладиган давлат маблағлари миқдори оширилиши; молиявий ва иқтисодий блокада; янги қуроллар тизимининг иттифоқчи давлатлар ҳарбий корхоналари билан ҳамкорликда ишлаб чиқариш суръатлари ошиши.

**Ҳарбий-технологик соҳада** – мамлакатнинг мудофаа соҳасини технологиялар билан таъминлаш, замонавий қуроллар ва ҳарбий техникаларни ишлаб чиқариш ҳамда Қуролли Кучларга етказиб бериш. *Ички хавфлар:* илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини ҳамда ҳарбий ишлаб чиқаришни молиялаштириш ҳажми камайиши; ҳарбий-саноат комплексининг илмий-ишлаб чиқариш ва технологик базасини эскириб, яроқсиз ҳолатга келиши; ҳарбий фаннинг ривожланмаганлиги.

*Ташқи хавф ва таҳдидлар:* мамлакатни жаҳон илмий-техника ва технология маҳсулотлари бозоридан маҳрум қилиш; оммавий қирғин қуролларини яратиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишга бўлган саъй-ҳаракатлар; қурол ва ҳарбий техникалар намуналарини ўта юқори тактик-техник тавсифига эришиш бўйича зарур илмий-тадқиқот ва текширув ишларини бажаришга доир техник ишланмаларни амалга ошириш; давлат томонидан яратилган қурол ва ҳарбий техниканинг ялпи сотиб олиниши.

**Ҳарбий-ижтимоий соҳада** – ҚҚда профессионаллик, маънавий, ахлоқий-руҳий сифатларни мустаҳкам сақлаб туриш. *Хавфлар:* ҳарбий кадрларни тайёрлашнинг самарасиз тизими; шартнома бўйича ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллик кўникмалари йўқолиб бориши; ҚҚда ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминланганлик даражасини пасайиб кетиши; ҚҚ сафида жиноятчиликнинг ортиб кетиши ва бошқалар.

*Ташқи хавф ва таҳдидлар:* ҚҚни жамиятда обрўсизлантириш; ҚҚ сафида маънавий-ахлоқий ҳолатни пасайтиришга уриниш; ҚҚда коррупция ва уюшган жиноятчиликни

Қуролли Кучларнинг Бош штаби Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини қуролли ҳимоя қилиш соҳасидаги қарорларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуни. 11-модда

тарқалишини рағбатлантириш; ҳарбий таълим соҳасини атайин халқаро изоляцияга олиш.

**Ҳарбий-информацион соҳада** – ҳарбий хавфсизлик субъектлари ахборотларини, информацион ресурсларини ҳимоялаш ҳамда уларни хорижий давлатлар, ташкилотларнинг давлат манфаатларига путур етказувчи мақсад ва режаларига қарши курашиш борасида зарур ахборотлар билан таъминлаш. *Ички хавфлар:* ҳарбий хавфсизлик субъектлари ИКТнинг четдан суқилиб киришдан кам ҳимояланганлиги; жамиятда ҚК обрўсизланиши.

*Ташқи хавф ва таҳдидлар:* ташвиқот учун юқори технологик канал ва воситаларни яратиш; жамиятда ҚК қудратини мудофаага етарли эмаслиги ҳақида ёлғон хабарларни тарқатишга уриниш; давлатда стратегик муҳим телекоммуникациялар устидан назоратни йўқотишига олиб келувчи жараёнларни кўзлаш; ахборот ва бошқа юқори технологик ташвиқот воситаларини бевосита агрессив ёки экспансия мақсадларида қўллаш.

**Ҳарбий соҳада** – ҚКни ҳар қандай агрессияни қайтаришга жанговар шайлигини таъминлаш. *Ички хавфлар:* ҚКни ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарасизлиги;

ҚК жанговар тайёргарлиги ва жангга шайлиги даражасининг пасайиб кетиши; қўшинларни етарли миқдорда шахсий таркиб, қуроллар ва ҳарбий техникалар билан бутлаш билан боғлиқ муаммоларнинг кўпайиб кетиши. ҚК сафарбарлиги даражасининг пасайиб кетиши ва бошқалар.

*Ташқи хавф ва таҳдидлар:* қўшинларда қисман сафарбарликни ўтказиш; қўшинлар группировкаси сонини кўпайтириш орқали чегара бўйи районларда мавжуд кучлар мувозанатини бузишга интилиш; давлат чегараси яқинида куч намойишини ўтказиш; илғор бўлинмалар билан чегара олди ҳудудларида қуролли тўқнашувлар сонини ошиб бориши; қуролли босқин (агрессия).

Демак, ҳарбий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ муаммо ўрганилаётганда давлатдаги ёки минтақадаги ҳарбий-сиёсий жараёнларда юқорида санаб ўтилган ҳолатларни (белгиларни) кузатилиши, муайян ҳарбий хавфсизлик соҳасига оид манфаатларга хавф ва таҳдид юзага келгани ҳақида хулоса қилишга асос бўлади.

Концептуал жиҳатдан давлат ҳарбий хавфсизлигига таҳдидлар 2018 йилда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринасида** аниқ белгилаб қўйилган.

Жумладан:

- ҳарбий ҳаракатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўчиши хавфи бўлган ҳарбий можаролар;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси яқинида қўшинлар туркумларини минтақада кучлар мувозанатининг бузилишига олиб келадиган тарзда ҳамда Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовузга тайёргарлик кўрилаётганидан дарак берадиган тарзда намойишкорона кўпайтириш;

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Мудофаа доктринаси  
ҳарбий соҳада  
Ўзбекистон  
Республикаси миллий  
хавфсизлигини  
таъминлашга доир  
принциплар ва  
ёндашувларни  
белгилайди.

Ҳарбий можаро – давлатлар ўртасидаги ёки давлатнинг ички қарама-қаршиликларини ҳарбий куч қўллаган ҳолда ҳал этиш шакли бўлиб, бу қуролли кураш олиб боришнинг барча турларини, шу жумладан урушлар ва қуролли можароларни қамраб олади.

Ўзбекистон  
Республикасининг  
Мудофаа доктринаси

## Хавфсизлик асослари



▪ Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига ва ҳудудий яхлитлигига таъвоуз қилиш;

▪ бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёхуд қўшни давлатларнинг чегара олди туманларига ташлаш учун ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этиш, ўқитиш ва қуроллантириш;

▪ наркотрафик, қурол-яроғ, ўқ-дори, заҳарли ва портловчи моддалар, кўпоровчилик-террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун фойдаланиладиган бошқа воситалар контрабандаси билан боғлиқ трансчегаравий ва халқаро уюшган жиноий фаолият;

▪ ахборот-коммуникация маконида Ўзбекистон Республикасининг суверенитетига, мустақиллигига, ҳудудий яхлитлигига қарши қаратилган ҳамда аҳолининг тинч ҳаётига таҳдид солувчи мафқуравий ва психологик ҳаракатлар ва бошқалар.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. «Ҳарбий хавфсизлик» тушунчасига таъриф беринг.
2. «Мудофаа хавфсизлиги» ва «ҳарбий хавфсизлик» тушунчалари ўртасида қандай фарқ бор?
3. Ҳарбий хавфсизликнинг вазифаларини сананг.
4. Ҳарбий соҳадаги хавф ва таҳдидларни турларга бўлинг.
5. «Давлатнинг ҳарбий ташкилоти» тушунчасини таърифланг.
6. Давлат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳақида гапириб беринг.
7. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг сиёсий-ҳуқуқий тағтизими фаолиятини тушунтиринг.
8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси ҳақида гапириб беринг.
9. Мамлакат ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг институционал тағтизими моҳиятини очиб беринг.
10. Ҳарбий-иқтисодий тағтизим қандай элементлардан таркиб топган?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2019. – 115 б.

2. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010. – 232 с.

3. Бобокулов И.И. Хавфсизлик атамалари луғати. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – 144 б.

4. Маккамбаев П.А. Актуальные проблемы обеспечения военной безопасности Республики Узбекистан. – Т.: Изд. ТГЮИ, 2010.




5. Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихидан (қадимги даврдан ҳозиргача) / Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси; масъул муҳаррир: Д.Х. Зияева. – Т.: Шарқ, 2012. – 256 б.

6. Военно-политическая ситуация в мире и безопасность России./ Сборник докл. под ред. д.э.н. Г.Г. Тищенко. - М.: РИСИ, 2014. – 128 с.


7. Клаузевиц К. Фон. О войне. В 2 т. – М.: ООО «Издательство АСТ»; СПб.: Terra fantastica, 2002, – 558 с., 574 с. – (Классическая военная мысль), Рогозин Д. Война и мир. Тольковый словарь военно-политических терминов.

8. Barry Buzan. Security: a New Framework for Analysis /by Barry Buzan, Ole Waever, and Jaap de Wilde. – London: Lynne Rienner Publishers, 1998. – 237 p.

9. Ken Booth, Eric Herring. Key Guid to Information Sources in Strategic Stadies. – London: Mansell, 1994.



## 12-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Адам Смит

1980-йилларнинг бошида юзага келган глобал **иқтисодий рецессия фониди** қабул қилинган «Халқаро иқтисодий хавфсизлик» тўғрисидаги резолюциянинг асосий бандлари куйидагилар эди:

1. Адолатли ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар барчанинг фаровонлигига ҳисса қўшади.
2. Бош котибдан халқаро иқтисодий хавфсизлик тўғрисида батафсил таҳлилий ҳисобот тайёрлаш сўралади.

**Резюме.** Мазкур мавзуда миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида тадқиқ қилинаётган иқтисодий хавфсизликнинг моҳияти очиб берилган. Мавзу билан танишиш жараёнида шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий соҳадаги миллий манфаатлари ва уларга қаратилган таҳдидлар тўғрисидаги билимларга эга бўласиз.

**Таянч сўзлар:** иқтисодий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик объектлари, иқтисодий хавфсизлик субъектлари, иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги миллий манфаатлар, иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги таҳдидлар.

### 12.1. Иқтисодий хавфсизлик: ретроспектив таҳлил

Хавфсизлик – инсоният цивилизацияси билан ҳамоҳанг ривожланиб келаётган, ҳар қачон ва ҳар ерда ўз ўрнига эга бўлган воқеликлардан бири ҳисобланади. Ибтидоий жамиятларда хавфсизлик деганда асосан жисмоний ва озиқ-овқат хавфсизлиги тушунилган. Ов жараёнида ва ўзаро жангларда жароҳатлар ва ўлимдан сақланиш, яшаш ва қишлаш учун етарли миқдорда озиқ-овқат жамғариш ҳаётий муҳим масалаларга айланиб, инсонлар турмуш-тарзининг ажралмас қисмига айланган. Жамиятнинг тараққий этиши, давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан хавфсизликнинг соҳалари кўпайиб, уларнинг ҳар бири фан даражасига кўтарила бошлади.

Буни тизимли тушунишга АҚШлик психолог А.Маслоу томонидан таклиф этилган ва кейинчалик унинг номи билан аталган Маслоу эҳтиёжлар пирамидаси ёрдам беради. Пирамиданинг асосидан учигача бўлган 7 эҳтиёж туридан биринчиси физиологик эҳтиёжлар (очлик ва чанқоқни қондириш) бўлса, иккинчиси хавфсизлик ва ҳимояга бўлган эҳтиёждир. Албатта, бу эҳтиёжлар шахсга тегишли бўлса-да, кишилик жамиятининг умумий манфаатлари айнан шу шахсий эҳтиёжларнинг йиғиндисини ифода этади. Демак, хавфсизликнинг энг қадимий соҳаларидан бири айнан тўғри хўжалик (иқтисодиёт) юритиш билан боғлиқ бўлиб, у ҳозирда кенгроқ маънода иқтисодий хавфсизлик деб аталмоқда.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий хавфсизлик турғун сўз бирикмаси сифатида 1985 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 40-сессиясида қабул қилинган «Халқаро иқтисодий хавфсизлик» тўғрисидаги резолюциянинг қабул қилиниши билан расман


## Хавфсизлик асослари

муомалада қўлланилди. Хужжатда халқаро иқтисодий хавфсизликнинг таъминланиши барча давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига шароит яратиши кўрсатиб ўтилган. Бош Ассамблеянинг 42-сессиясида эса Халқаро иқтисодий хавфсизлик концепцияси маъқулланди.

Шундай бўлса-да, иқтисодий хавфсизлик у ёки бу шаклда барча замонларда, барча давлатларда мазмунан мавжуд эди. Дунёнинг энг йирик империялари айнан иқтисодий хавфсизлик тизимининг тўғри йўлга қўйилганлиги сабабли марказлаша олган, давлатнинг қудрати кучайган. Амир Темур ўзининг «Темур тузуклари» асарида «Давлату салтанат уч нарса – мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир», дейди. 18-асрнинг ўрталаригача – Адам Смит томонидан классик бозор иқтисодиёти назарияси яратилишидан яқин 400 йил олдин мулкка устуворлик берилиши, мулкни давлатнинг биринчи асоси сифатида белгиланиши Темур салтанатида иқтисодий хавфсизликни таъминлаб берган эди. Жумладан, солиқ тизимининг адолатли йўлга қўйилиши, қароқчиликка барҳам берилиши, меҳнат унумдорлигини таъминлаш учун табақалаштирилган маошлар ва мукофотлар, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари орқали бандликнинг таъминланиши, суғориш тизимларининг давлат томонидан ривожлантирилиши каби тадбирлар шаҳарсозлик, қишлоқ ҳўжалиги ва савдо фаолиятининг гуллаб-яшнашига сабаб бўлган.


Амир Темур давлатида давлатнинг миллий иқтисодий манфаати мулкнинг кўпайиши ва бу орқали хазинанинг тўлдирилиши ҳисобланган. Ҳар икки иқтисодий манфаатнинг амалга ошишига лашкарнинг куч-қудрати ва мамлакат тинчлигини таъминлашнинг бош омили сифатида қаралган. Бунинг тасдиғи тариқасида соҳибқироннинг тузукларда битилган қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: «Амр этдимки, раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солиб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш (давлат) хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Хазинанинг камайиб қолиши эса сипоҳнинг тарқалиб кетишига сабаб бўлади».

Ўзбекистоннинг яқин тарихида ҳам иқтисодий хавфсизлик масалаларини ҳал этмаслик давлатларнинг инқирозга юз тутишига олиб борган ҳолатлар мавжуд. Масалан, 1853 йилда Россия империяси Қўқон хонлиги ерларига бостириб киришини минтақадаги барча давлатлар яхши билган. Босқинни ижро этиш юқори ҳарбий салоҳиятга эга бўлган Оренбург генерал-губернаторлигига топширилган бўлса-да, уларнинг олдида хонлик ҳудудларига етиб бориш учун катта табиий тўсиқ – Дашти қипчоқ чўллари турарди. Юзлаб чақирим аёвсиз чўлликни босиб ўтиш учун лашкарни озиқ, уловни ем-хашак билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш керак эди. Дашти қипчоқда бу икки муҳим таъминот турини фақатгина қозоқ кўчманчи қабилаларигина етказиб бера оларди. Агарда, қозоқ қабилалари уларга таъминотчи бўлмаса, рус қўшинларининг Туркистонга етиб




Қўқон хонлиги сарбози  
(Василий Верещагин  
асари, 1873 йил)

Иқтисодий глобаллашув  
жараёнининг кенгайиб  
бориши билан жаҳон  
иқтисодиёти ягона  
тизимга айланиб, глобал  
миқёсдаги инқирозлар  
сони ортиб борди.



**Франклин Делано  
Рузвельт**



1930 йиллардаги вазиятни теран англаш учун Жон Стейнбекнинг «Ғазаб мевалари» асарини ўқиш ёки Жон Форд томонидан 1940 йилда суратга олинган шу номдаги фильмни томоша қилиш мумкин.

келиши ўта мураккаб ва имконсиз. Шундай бўлса-да, диннинг бирлиги ва тарихий боғлар мавжудлиги, шунингдек Қўқон хонлигига бўйсуниларига қарамай Дашти қипчоқ қозоқлари рус армияси билан ҳамкорликка киришган ва бундан манфаатдор бўлган. Сабаби оддий рус мамлакати томонидан қозоқ чорвадорлари барча солиқлардан озод қилинган. Қўқон хонлигида эса вазият тамоман акси – бек ва закотчилар қозоқ чорвадорларидан меъёрдан кўп закот ундиришар, тўламаганларнинг чорвасини тортиб олишар эди. Шу сабабли кўплаб қозоқлар Россия империяси фуқаролигини олиб, ҳам савдони ривожлантириш, ҳам солиқ тўлаш мажбуриятидан қутулиш йўлини танлашди. Лўнда қилиб айтганда, солиқ маъмурчилигидаги адолатсизлик хонликнинг босиб олиншига ҳисса қўшган омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Том маънодаги иқтисодий хавфсизлик тизими 1929-1933 йиллардаги Буюк турғунлик сабабли юзага келди. Инсоният тарихидаги энг жиддийи деб баҳоланган ушбу инқироз АҚШда бошланди ва шунинг учун унга барҳам беришда муҳим ролни АҚШ ҳукумати ўйнади. Инқироз энг чуқур илдиз отган 1929-1932 йилларда Г.Гувер АҚШ президенти эди ва унинг иқтисодиётни қутқариш учун қилган барча ҳаракатлари бесамар кетди. Бунда у инқирозни бозор муаммоси ва ташқи омиллар сабабли юзага келди, деб билиб, инқироздан чиқишда асосан бозор механизмларидан фойдаланган. Президентнинг Конгресс томонидан таклиф этилган кучли ижтимоий ҳимоя дастури (ишсизларга тўғридан-тўғри молиявий ёрдам кўрсатишни назарда тутган)га қарши чиқиши айнан шу ёндашувдан келиб чиқарди. Оқибатда Гувернинг президентлик репутацияси деярли ногла яқинлашиб қолди. Шу сабабли 1932 йилги сайловларда Ф.Рузвельт яққол устунлик билан ғалаба қозонди ва инқироздан чиқиш учун «Янги курс» дастурини эълон қилди. Унга кўра, давлат АҚШ иқтисодиётининг ёрлиғи ҳисобланган «laissez faire» (иқтисодиётга давлатнинг аралашмаслиги) сиёсатидан воз кечди, иқтисодиётни тартибга келтиришни эса давлат ўз зиммасига олди. Дастур доирасида давлат томонидан жамоат ва қурилиш ишлари орқали 8,5 млн вақтинча иш ўринлари яратилди, шунингдек, 15 млн ишсиз аҳолига ишсизлик нафақалари тўлана бошлади. Бундан ташқари, келгусида шу каби инқирозлар юзага келишининг олдини олиш учун банк тизими, фонд бозори, меҳнат муносабатлари ва касаба уюшмалари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, уларнинг эркинликлари қонунийлаштириб қўйилди. Шу тариқа, тарихда илк бор иқтисодий хавфсизликни таъминлаш учун расмий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иқтисодий хавфсизлик чораларини кўриш учун Ф.Рузвельт 1934 йилда ўз маъмурияти таркибида Иқтисодий хавфсизлик қўмитасини тузди ва унга раҳбар этиб, ўша вақтдаги меҳнат вазири Ф.Перкинс тайинланди. Қўмитанинг

асосий вазифаси ишсизлар ва қарияларни инқироз вақтида ижтимоий ҳимоя қилиш эди. Яъни, АҚШда иқтисодий хавфсизликни шахснинг иқтисодий хавфсизлигига боғлаб тушунишнинг илдиэлари ҳам айнан шу қўмитанинг фаолиятига бориб тақалади.

Иқтисодий глобаллашув жараёнининг кенгайиб бориши билан жаҳон иқтисодиёти ягона тизимга айланиб, глобал миқёсдаги инқирозлар сони ортиб борди. Ушбу инқирозлардан жаҳон ҳамжамияти инқироз фонд бозорларида (молиявий) кўринса ҳам, аслида унинг иқтисодиётга таъсири банклар орқали юз беради, деган хулосага келди. Шу сабабли 1973 йилги нефть инқирозидан сўнг, дунёнинг энг йирик 10 та марказий банки Швейцариянинг Базель шаҳрида Банк назорати бўйича Базель қўмитаси (Халқаро ҳисоб-китоблар банки ҳузурида)ни туздилар. Ундан кўзланган мақсад банк ишини халқаро даражада ягона стандартга келтириш ва рисклар билан ўзаро келишилган ҳолда курашиш эди. 1983 йилда компьютер ўйинлари саноати инқирози сабабли фонд бозори кулаб, янги инқироз юзага келади. Инқироз чуқур илдиз отишининг олди олинган бўлса-да, банк тизимининг аниқ камчиликлари кўриниб қолди. Натижада, 1988 йилда Базель I стандартлари яратилиб, банк фаолияти кўрсаткичлари ва уларнинг чегаравий қийматларига аниқ талаблар белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, 1997-1998 йилларда содир бўлган Осиё молиявий инқирози ва 2001 йилги «нуқта-ком кўпиги»дан сўнг Базель II, 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозидан сўнг эса Базель III стандартлари қабул қилинди ва ҳар сафар ўрнатилган талаблар оғирлаштириб борилди. Таъкидлаш жоизки, инқирозларнинг юзага келишида айнан банклар бош ролни ўйнаши ҳақидаги назария 2022 йилда иқтисодиёт йўналишида Нобель мукофоти лауреати бўлган олимлар тадқиқот ишларининг асосий ғоясини ташкил этди.

Юқоридагилар асосида хулоса қилиш мумкинки, жаҳон тажрибасида қўлланилган иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар асосан молиявий ва иқтисодий инқирозлардан чиқиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадларида амалга оширилган. Ҳозирги босқичда эса иқтисодий хавфсизлик асосан муаммоларни эрта босқичларда аниқлаш ва уларни ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

## **12.2. Иқтисодий хавфсизликнинг мазмун-моҳияти**

Иқтисодий хавфсизликни тушуниш учун, албатта, «хавфсизлик» сўзининг моҳиятини атрофлича талқин қилиш лозим. Ўзбек тилидаги «хавфсизлик» сўзи рус тилига «безопасность», инглиз тилига «security», турк тилига «güvenlik» деб таржима қилинади. Тўғридан-тўғри изоҳлаганда у ўзбек ва рус тилларида «хавфнинг йўқлиги» маъносини берса, инглиз ва турк тилларида «ишончлилиқ» маъноларини англатади.



### **Иқтисодиёт йўналишида 2022 йилги Нобель мукофоти лауреатлари:**

*чапдан:*


Бен Бернанке,  
Дуглас Даймонд,  
Филип Дибвиг

Олимларга кўра, ҳатто миш-мишлар молиявий инқирозга олиб келиши мумкин. Масалан, кўп сонли омонатчилар маблағларини банкдан бирданига қайтариб олсалар, аҳоли орасида «банк ёпилар экан» қабилида миш-миш тарқалади ва омонатни қайтариб олиш ёппа тус олади. Банк эса ҳақиқатдан ҳам касодга учрайди.

Инсоннинг ҳозирда ва яқин келажақда яшаш стандартини сақлаб туриш учун барқарор даромад ва бошқа манбалар билан таъминланганлиги **иқтисодий хавфсизлик** деб аталади.

Демак, хавфсизликнинг маъновий конструкцияси турли тилларда турлича шаклга эга. Шу сабабли жаҳон миқёсида иқтисодий хавфсизликни турлича ёндашувлар асосида тушуниш ҳолатлари учраб туради.

Иқтисодий хавфсизликни таърифлашга ёндашувларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин:



**2-расм. Иқтисодий хавфсизликни таърифлашга ёндашувлар**

Индивидуал ёндашувнинг марказида шахснинг иқтисодий хавфсизлиги ётади. Унга кўра, инсоннинг ҳозирда ва яқин келажақда яшаш стандартини сақлаб туриш учун барқарор даромад ва бошқа манбалар билан таъминланганлиги иқтисодий хавфсизлик деб аталади. Уни доимий тўловга қобиллик, прогноз қилиш мумкин бўлган даромадлар оқими, шунингдек инсоннинг ўз салоҳиятидан самарали фойдалана олиши каби тушунчалар билан тўлдириш мумкин. Бу кўпроқ Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан олға суриладиган таърифларга мос келади.

Халқаро қизил хоч кўмитаси ҳам иқтисодий хавфсизликка ўхшаш таъриф беради: иқтисодий хавфсизлик – шахслар, уй хўжаликлари ва жамиятларнинг ўз базавий эҳтиёжларини барқарор ва муносиб қондира олиш қобилиятидир. Бунда базавий эҳтиёжлар деганда озиқ-овқат, бошпана, кийим-кечак, гигиеник воситалар, таълим ва соғлиқни сақлаш каби товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар тушунилади.

Олдинги параграфда таъкидлаб ўтилганидек, АҚШда иқтисодий хавфсизлик кўпроқ ижтимоий ҳимояга яқин тушунча сифатида қабул қилинади. Яъни, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий мавқеи, мақоми ва ҳолатидан қатъи назар, ўз эҳтиёжларини тўлиқ қондира олиши иқтисодий хавфсизликни

**Иқтисодий хавфсизлик**  
– шахслар, уй хўжаликлари ва жамиятларнинг ўз базавий эҳтиёжларини барқарор ва муносиб қондира олиш қобилияти.

**Халқаро қизил хоч кўмитаси**

ифодалайди. Бундай таъриф халқаро ташкилотлар ёндашуви билан деярли бир хил бўлса-да, амалда у янада кенгроқ масалаларни қамраб олади. Масалан, бир қатор АҚШлик иқтисодчиларнинг фикрича, иқтисодиёт шахсларнинг чекланган ресурслари шароитида амалга оширадиган танловлари мажмуасидир. Иқтисодий хавфсизлик эса ушбу танловларни ҳимоя қилиш ва кенгайтиришни англатиши керак. Бу орқали иқтисодий хавфсизлик маъно жиҳатдан кенгайиб, аҳолининг реал даромадларини ўстириш ва бозор қонунларини ҳимоя қилиш каби давлат сиёсатининг асосий йўналишини ҳам кўрсатиб ўтмоқда.

Таъкидлаш жоизки, АҚШ ва Ғарбнинг ривожланган мамлакатларида иқтисодий хавфсизлик алоҳида фан ёки предмет доирасида ўрганилмайди. Чунки у мазмунан ўта кенг (аҳоли фаровонлиги – иқтисодий ўсишнинг пировард натижасидир) қабул қилинади ва шунинг учун ҳам хавфсизликни таъминлаш бир нечта ижтимоий-гуманитар фанларнинг умумий вазифасига киради. Бундай фанларга макроиқтисодиёт (сиёсий иқтисодиёт), социология, бихеивористик иқтисодиёт, давлат молиясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Макроиқтисодий ёндашув эса асосан рус иқтисодий мактабининг узоқ йиллик тадқиқотлари эвазига юзага келган ва унда миллий иқтисодий хавфсизлик муҳокамалар марказини эгаллайди. Ушбу ёндашув иқтисодий хавфсизликни миқдорийлаштириб, хавфсизлик индикаторлари ва уларнинг чегаравий қийматларини тақдим этади. Шунингдек, иқтисодий хавфсизлик соҳаси учун миллий манфаат ва хавфсизликка таҳдидлар алоҳида категория сифатида тадқиқот предметидан ўрин олади. Рус иқтисодий мактаби томонидан эришилган ютуқлар иқтисодий хавфсизликнинг фан сифатида шаклланишига олиб келганини қайд этиш лозим.

Иқтисодий хавфсизликка берилган таърифлар ичида энг машҳури рус олими Л.Абалкинга тегишли. У иқтисодий хавфсизликни миллий иқтисодиётнинг мустақиллиги, унинг барқарорлиги ва чидамлилиги, доимий янгиланиш ва такомиллашиш қобилиятини таъминловчи шарт-шароит ва омиллар мажмуаси, деб таърифлайди. Ушбу таърифда иқтисодиёт соҳасида ҳимоя қилиниши лозим бўлган миллий манфаатлар (мустақиллик, барқарорлик, чидамлилик, доимий янгиланиш, такомиллашиш)нинг умумий жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ушбу миллий манфаатларнинг ҳар бири бўйича хавфсизлик индикаторлари ва уларнинг чегаравий қийматлари ишлаб чиқилган. Масалан, мустақиллик деганда асосан хом ашё, озиқ-овқат, энергетик ва технологик мустақиллик тушунилади. Чегаравий қийматлар бўйича Ўзбекистоннинг ўз-ўзини буғдой билан таъминлаш кўрсаткичи 90%дан ортиқ бўлиши нормал ҳолат сифатида



Леонид Абалкин

#### **Иқтисодий хавфсизлик**

– миллий  
иқтисодиётнинг  
мустақиллиги, унинг  
барқарорлиги ва  
чидамлилиги, доимий  
янгиланиш ва  
такомиллашиш  
қобилиятини  
таъминловчи шарт-  
шароит ва омиллар  
мажмуаси.

**Л.И. Абалкин**

**Институционал ёндашув** – иқтисодий жараёнларни меъёрлар, ижтимоий тартиб-қоидалар каби «институциялар» ҳамда ушбу меъёр ва тартиб қоидаларни мустаҳкамлаб турувчи қонун, ташкилот ва муассасалар кўринишидаги «институтлар» орқали тушунишга асосланган

**Институционал ёндашув** – иқтисодий жараёнларни меъёрлар, ижтимоий тартиб-қоидалар каби «институциялар» ҳамда ушбу меъёр ва тартиб қоидаларни мустаҳкамлаб турувчи қонун, ташкилот ва муассасалар кўринишидаги «институтлар» орқали тушунишга асосланган ёндашув.

баҳоланса, 55%дан тушиб кетиши инқироз ҳолатидан дарак беради. Албатта, бу ерда мустақиллик деганда фақатгина иқтисодиётнинг «ўз эҳтиёжларини ўзи қондириши» тушунилиши керак эмас, балки, ўта муҳим маҳсулотлар бозорини диверсификация қилиш орқали ҳам мустақилликни таъминлаш мумкин. Бунга индикатор сифатида «асосий озиқ-овқат маҳсулоти турининг импортида бир мамлакатнинг улуши»ни олсак, унга чегаравий қиймат доирасида нормал ҳолатни «30%дан кичик», деб олинади.

Ўз навбатида, рус иқтисодий мактаби томонидан иқтисодий хавфсизликка берилган таърифлар ҳам бир-биридан мазмунан сезиларли фарқ қилади. Баъзи таърифлар миллий манфаатлар устига қурилган бўлса, баъзиларига таҳдидлар асос бўлган. Шунингдек, бир қатор олимлар уни ривожланишга тенглаштирсалар, бошқалари иқтисодий мустақилликни назарда тутадилар.

Иқтисодий хавфсизлик бўйича рус иқтисодий мактабининг энг ёрқин намояндаларидан бири В.Сенчаговдир. Унга кўра, иқтисодий хавфсизлик бу ички ва ташқи жараёнлар ривожининг ноқулай шароитларида ҳам миллий манфаатларнинг кафолатли ҳимояси, мамлакатнинг ижтимоий йўналтирилган ҳолда ривожланиши ҳамда етарли мудофаа қобилиятини таъминлай оладиган иқтисодиёт ва ҳокимият институтларининг ҳолатидир [Сенчагов, 2009; Б.46-59]. Мазкур таъриф институционал характерга эга бўлиб, иқтисодий хавфсизликка давлатнинг иқтисодий ва ҳокимият институтлари фаолияти натижаси (ҳосиласи) сифатида қарайди. Шу билан бирга, у стратегик тадқиқотларга хос тарзда иқтисодий хавфсизликни давлатнинг мудофаа қобилияти билан ҳам боғлиқликда ифодалайди. Мазмунан таҳдидлар устига қурилган таърифлар ичида С.Афонцевнинг таърифини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Олимнинг фикрича, иқтисодий хавфсизлик, бу – миллий иқтисодий тизимнинг сиёсий, иқтисодий, эндоген ва экзоген<sup>1</sup> турдаги зарбаларга нисбатан чидамлилиги ва уларни бартараф эта олиш қобилиятидир [Афонцев, 2002; Б.35]. Таърифнинг моҳиятида иқтисодий хавфсизлик деганда миллий иқтисодиётнинг ҳар қандай кўзда тутилмаган ҳолатларда нормал фаолият юрита олиши назарда тутилаётгани ётади.

С.Афонцев ёндашуви консерватив, асосан ҳимояланиш ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган бўлса, бир қатор олимлар масалага «энг яхши ҳимоя – ҳужум» қабилида ёндашадилар ва хавфсизликни фақатгина ривожланиш орқали таъминлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Е.Олейников иқтисодий хавфсизликни мамлакат иқтисодий потенциалининг

<sup>1</sup> Эндоген – ички омиллар, экзоген – ташқи омиллар натижасида юзага келади. Замонавий иқтисодиёт фани жараёнларни эконометрик баҳолашга асосланади. Эконометрикада эса омиллар 2 га бўлинади: эндоген ва экзоген. Уларни том маънода «тизим ичидаги» ва «тизимдан ташқаридаги», деб таржима қилиш мумкин. Бунда тизим ичидаги (эндоген) омиллар таъсирини аниқ ҳисоблаш мураккаб, чунки уларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқликда бўлиши эҳтимоли юқори. Экзоген омиллар эса эконометрик ҳисоб-китобларнинг асосидир.

прогрессив ривожланиши ва жамиятнинг барча аъзолари фаровонлиги даражасининг ўсишини белгилаб берувчи иқтисодий муносабатларнинг ҳимояланганлик ҳолатидир [Олейникова, 2005; Б. 128-129], деб тушунтиради.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар ҳам масалага рус иқтисодий мактаби қарашлари доирасида ёндашадилар. Масалан, Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг назарий-методологик асосларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган олим Ҳ.Абулқосимовнинг фикрича, «иқтисодий хавфсизлик» тушунчасининг моҳиятини англаш учун, энг аввало, «ривожланиш», «барқарорлик» ва «хавфсизлик» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш лозим бўлади. Ушбу тушунчалар иқтисодий хавфсизликнинг асосий атрибутлари, компонентларидир. Агар миллий иқтисодиёт ривожланмаса, у ҳолда унинг амал қилиш имкониятлари, ички ва ташқи таҳдидларга қаршилиги, турли ўзгаришларга мослашувчанлиги камаяди. Олимга кўра, барқарорлик иқтисодий тизим ва унинг ичидаги алоқаларнинг мустаҳкамлиги, ишончлилиги, ички ва ташқи «юклар», таҳдидларни кўтара олиш қобилиятини ифодалайди. Хавфсизлик эса тизимдаги объектнинг ички ва ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида яшай олиши ва ривожланиши, салбий ва кўзда тутилмаган омиллар таъсирига бардошлилик ҳолатини билдиради. Шуларга асосан, Ҳ.Абулқосимов рус олими Л.Абалкин томонидан берилган таърифни қўллаб-қувватлайди [Абулқосимов, 2019; Б.23].

Шу билан бирга, рейтингли ёндашув ҳам кенг тарқалган бўлиб, уни Россия иқтисодий мактабидан ажралиб чиққан йўналиш сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу йўналишда асосан постсовет маконидаги (айниқса, Болтиқбўйи мамлакатлари) тадқиқотчилар изланиш олиб бормоқдалар. Ушбу ёндашувда омилли таҳлил асосий ўрин тутуди ва чегаравий қийматлар яхлитлашиб, мослашувчан характер олади. Бунда иқтисодий нимжонлик ва чидамлилиқ даражасини аниқлаш хавфсизлик тадқиқотининг асосий мақсади ҳисобланади.

Иқтисодий сиёсат давлат сиёсатининг энг устувор йўналишидир. Исталган давлатда қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, амалга ошириладиган муҳокамаларда иқтисодиётга оид бўлганлари энг катта улушга эга бўлади. Бунинг сабаби – иқтисодиёт тармоқларининг кўплиги ва уларнинг мамлакатдаги ҳар бир шахс ҳаётига дахлдорлиги. Иқтисодий хавфсизлик ҳам тизим сифатида кўплаб элементлардан таркиб топади. Уларнинг бирортасида инқирознинг юзага келиши бошқаларига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Шу сабабли иқтисодий хавфсизлик соҳаларга бўлиб ўрганилади.

Тадқиқотлар миқдор ва сифат жиҳатдан ривожланиб бориши натижасида иқтисодий хавфсизликнинг соҳалари ҳам ортиб бормоқда. Яқин келажакда саноат хавфсизлиги, кичик бизнес хавфсизлиги, криптоиқтисодий хавфсизлик каби соҳалар ҳам пайдо бўлиши башорат қилинмоқда.



**Абулқосимов  
Ҳасан Пирназарович**

Иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор.  
500 га яқин босма  
нашрлар муаллифи.






### 12.3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими

Хавфсизлик тизимининг қурилишида асос вазифасини миллий манфаатлар ўйнайди. Уларни ҳимоя қилиш/амалга ошириш учун, аввало, хавфсизликка таҳдидлар белгилаб олинади, сўнгра куч ва воситалар ҳамда зарур норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилади.

Хавфсизлик назариясига мувофиқ, иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими қуйидагича тасвирланади:

**Европа Иттифоқи** – 1993 йилда Маастрихт битими натижасида ташкил этилган. 27 мамлакат аъзо. Улардан 20 таси умумий валюта – еврони миллий валюта сифатида қабул қилган. «Еврохудуд» атамаси айнан шу мамлакатлар гуруҳини англатади.



3-расм. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими

Чизмада тасвирланганидек, иқтисодий хавфсизлик тизимини хавфсизлик субъектларининг ўзи юзага келтиради ва бу иқтисодий манфаатлар (хавфсизлик объектлари)нинг анланганидан сўнг содир бўлади. Ушбу манфаатларни ҳимоя қилиш/амалга ошириш учун, аввало, норматив-ҳуқуқий асослар шакллантирилиб, кучлар ва воситалар аниқ белгилаб олинади. Қуйида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимининг элементларига тўхталиб ўтаемиз.

**Хавфсизлик субъектлари**, макроиқтисодий ёндашувга кўра, давлат ёки давлатлар гуруҳидан иборат бўлади. Агарда манфаатлар фақатгина бир мамлакатга тегишли бўлса, унда субъект сифатида давлатнинг ўзи ўртага чиқади ва **миллий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими** юзага келади. Ҳозирги даврда ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тизимига эга.

Шу билан биргаликда, ўзаро манфаатлар уйғунлиги ва бирлиги шароитида минтақавий ёки халқаро иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимлари ташкил этилиши мумкин. Масалан, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш исталган мамлакатнинг иқтисодий манфаати ҳисобланади. Шу сабабли 1944 йилда Халқаро валюта фонди ташкил этилди. Унинг ташкил этилишида Буюк Британия ҳукумати аъзоси, макроиқтисодиёт фанининг отаси Жон Мейнард Кейнс асосий ташаббускорлардан бири бўлди.

Барқарорлик иқтисодий тизим ва унинг ичидаги алоқаларнинг мустақамлиги, ишончлилиги, ички ва ташқи «юклар», таҳдидларни кўтара олиш қобилиятини ифодалайди. Хавфсизлик эса тизимдаги объектнинг ички ва ташқи таҳдидларнинг мавжудлиги шароитида яшай олиши ва ривожланиши, салбий ва кўзда тутилмаган омиллар таъсирига бардошлилик ҳолатини билдиради.



1945 йилда камбағалликка қарши курашиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, инвесторлар ҳуқуқларини кафолатлаш ва инвестицион низоларни ҳал қилиш мақсадида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (Жаҳон банки) ташкил этилди. Бу икки йirik халқаро ташкилотнинг пайдо бўлиши Иккинчи жаҳон уруши оқибатларини енгиб ўтиш мақсадлари билан боғланса-да, аслида халқаро иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимининг яратилганини англатар эди. 1973 йилда Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тузилиши мазкур тизим кўламини янада кенгайтди. Вақт ўтиши билан халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар сони ортиб бориб, халқаро иқтисодий хавфсизликнинг соҳалари кўпайиб борди. Бугунги кунда ушбу ташкилотларнинг барчаси 200 га яқин хавфсизлик субъектларини бирлаштириб турибди.

Маълумки, минтақавий иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизимлари асосан иқтисодий интеграция жараёнлари фонидида юз беради. Бунда хавфсизлик субъектлари иқтисодий ривожланиш мақсадида эркин савдо зонаси, божхона иттифоқи, умумий бозор ёки иқтисодий иттифоқ остида бирлашадилар. Натижада, давлатларнинг иқтисодий манфаатлари ҳам том маънода бирлашиб, уларни ҳимоя қилиш/амалга ошириш зарурияти юзага келади ва хавфсизликни таъминлаш тизими яратилади. Бунга ёрқин мисол сифатида Европа Иттифоқининг молиявий хавфсизлик чоралари тизимини келтириш мумкин. Иттифоқда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш унга аъзолик жараёнидан бошланади: аъзоликка номзодлар миллий иқтисодиёти ўрнатилган миқдорий талабларга жавоб бериши керак. Сўнг доимий мониторинг асосида иқтисодий хавфсизлик ҳолати баҳолаб борилади ҳамда заруриятга кўра, иқтисодиётга аралашув чоралари кўрилади. Европа марказий банки Иттифоқ ҳудудида евронинг барқарорлигини таъминлашга масъул ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун макропруденциал (макродаражада олдини олишга қаратилган) назоратни амалга оширади, ҳисоб ставкасини белгилайди ва пул эмиссиясини амалга оширади. Қисқача айтганда, евронинг алмашув курси барқарорлиги ҳар бир аъзо давлат учун иқтисодий манфаат ҳисобланса-да, уни амалга ошириш минтақавий ташкилот зиммасига юклатилади. Шундай механизмлар бюджет барқарорлиги, экологик хавфсизлик, монополияга қарши кураш ва кўплаб бошқа соҳаларда ҳам мавжуд.

Манфаат тушунчаси субъектив характер касб этади ва шунинг учун ҳам хавфсизлик тизимини яратиш жараёнида манфаатларни белгилаб олишда турлича ёндашувлардан фойдаланилади.

**Иқтисодий манфаатлар** хавфсизлик объекти сифатида кўп ҳолларда миллий хавфсизлик концепция ва стратегияларида, комплекс ва тармоқли ривожланиш дастурларида расман акс эттирилади. Улар шаклан қуйидаги кўринишда бўлади:

**Халқаро валюта фонди.** 191 мамлакат аъзо. Бош офиси Вашингтонда жойлашган. Миссияси «Глобал молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, молиявий барқарорликни таъминлаш, халқаро савдони қулайлаштириш, юқори бандликни ва барқарор иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, дунё бўйича камбағалликни қисқартириш устида ишлаш»дан иборат. Фонднинг шаклланишида энг катта улуш АҚШга тегишли (17,4%).

Иқтисодий манфаатлар хавфсизлик объекти сифатида кўп ҳолларда миллий хавфсизлик концепция ва стратегияларида, комплекс ва тармоқли ривожланиш дастурларида расман акс эттирилади.

Хавфсизлик асослари

- ҳаётий муҳим манфаатлар;
- миллий манфаатлар;
- иқтисодий манфаатлар;
- бош мақсад ва мақсадлар;
- стратегик вазифалар;
- устувор йўналишлар.

Шунингдек, иқтисодий манфаатлар бир ҳужжатда турли кўринишларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, Исроил давлатининг 2019 йилги Миллий хавфсизлик стратегиясида ҳаётий муҳим манфаат сифатида инсон ресурслари сифат устунлигини, илмий, технологик ва иқтисодий потенциални юксалтиришда давом этиш белгиланган бўлса, иқтисодий манфаат сифатида технологик инновациялар орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш ёзилган. Яна бир мисол: Арманистоннинг 2020 йилги Миллий хавфсизлик стратегиясида миллий манфаат – аҳоли фаровонлиги ва мамлакатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, иқтисодий манфаат (устуворлик) эса изчил ва технологияларга асосланган иқтисодий тараққиётга эришиш, ички ва ташқи иқтисодий таҳдидларга чидамликдан иборатдир.

Ўзбекистонда иқтисодий манфаатлар асосан тараққиёт стратегиялари доирасида белгилаб борилмоқда. Ҳаракатлар стратегиясида (2017-2021) иқтисодий блок «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган бўлса, Тараққиёт стратегиясида (2022-2026) ушбу блок «Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш», «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида эса «Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш» деб номланди. Бунда миллий иқтисодий манфаатлар устувор йўналиш сифатида «иқтисодий ривожланиш» қабилида берилмоқда. Яъни, Ўзбекистоннинг асосий миллий иқтисодий манфаати олинган ўн йилликда катта ўзгаришга учрамаган – мазмунан ҳар икки стратегияда иқтисодий ўсиш асосий манфаат сифатида сақланиб қолган.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ўсиш ўта умумий ва кенг тушунча бўлиб, унга эришиш учун sanoқсиз тизимли тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Шу сабабли жаҳон амалиётида иқтисодий ўсиш (фаровонлик деб ҳам юритилади) давлатнинг ҳаётий муҳим манфаати сифатида қабул қилинади. Унга эришишнинг асосий йўллари эса мақсад ёки вазифалар шаклида иқтисодий манфаатларни ташкил қилади. Демак, Ҳаракатлар стратегиясида – вазифалар, Тараққиёт стратегияси ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида – мақсадлар иқтисодий манфаатларни ифодалайди.

**Норматив-ҳуқуқий асослар** хавфсизлик тизимининг концептуал асосини белгилаб беради. Унда нафақат миллий манфаатлар, балки таҳдидлар ҳам кўрсатиб ўтилади. Айнан норматив-ҳуқуқий асослар орқали хавфсизликни таъминлашнинг тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилади, кучларнинг ваколатлари

Норматив-ҳуқуқий асослар орқали хавфсизликни таъминлашнинг тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилади, кучларнинг ваколатлари ва воситаларнинг миқёси белгиланади.

## Хавфсизлик асослари

ва воситаларнинг миқёси белгиланади. Норматив-ҳуқуқий асослар муайян давлат ва сиёсий иттифоқ юрисдикцияси билан чекланганлиги сабабли, халқаро даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими **сиёсий-ҳуқуқий асослар** ёрдамида қурилади ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинади.

Норматив ва сиёсий-ҳуқуқий асослар аниқ ҳужжат кўринишида бир қанча шаклларда бўлиши мумкин.



Хавфсизлик даражалари	Норматив- ва сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатлар
Халқаро	- универсал, икки ва кўп томонлама халқаро шартномалар.
Минтақавий	- минтақавий, икки ва кўп томонлама шартномалар.
Миллий	- конституция; - қонун ва қонуности ҳужжатлари; - концепция; - стратегия; - доктрина.
Тармоқ	- қонун ва қонуности ҳужжатлар; - тармоқни ривожлантириш стратегияси; - давлат дастури; - йўл харитаси.

Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш йўлини танлаб олиши бежизга эмас. Бу йўл охир-оқибатда «билимлар иқтисодиёти»нинг юзага келтиради. Бундай иқтисодиётда асосан илмий сиғими юқори товар ва хизматлар яратилади. Инновацион ғоялар ва ишланмаларнинг манбаси сифатида ҳисобланган инсон ресурслари ва интеллектуал мулк кўрилади.

Норматив-ҳуқуқий асосларнинг юқори даражалари энг муҳим иқтисодий манфаатларни белгилаб беради ва асосан умумий маънода бўлиб, уларни амалга ошириш кўйи даражаларда қўшимча норматив-ҳуқуқий асосларни қабул қилишни талаб этади. Масалан, инновацияларни ривожлантириш БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида (9-мақсад) келтирилган бўлса, Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида у иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий этиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш деб белгиланган. Шунингдек, алоҳида тармоқ доирасида ушбу манфаатни амалга ошириш учун «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонун, 2019-2021 ҳамда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистоннинг инновацион ривожланиш стратегиялари қабул қилинганини айтиб ўтиш керак.

Иқтисодий хавфсизликни таъминловчи **кучлар** хавфсизлик субъекти (давлат ёки давлатлар гуруҳи) томонидан тузилган ташкилот ва муассасалардир. Юқоридаги мисолни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, инновацион ривожланиш манфаатини амалга оширишга Ўзбекистонда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул этиб белгиланган.

Норматив-ҳуқуқий асослар муайян давлат ва сиёсий иттифоқ юрисдикцияси билан чекланганлиги сабабли, халқаро даражада иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими сиёсий-ҳуқуқий асослар ёрдамида қурилади ва халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинади.

## Хавфсизлик асослари

Жаҳон тажрибасида қўлланилган иқтисодий хавфсизликни таъминлаш бўйича тадбирлар асосан молиявий ва иқтисодий инқирозлардан чиқиш ҳамда уларнинг олдини олиш мақсадларида амалга оширилган.

Вазирликнинг низомида, «Инновацион фаолият тўғрисида»ги Қонун ва инновацион ривожланиш стратегияларида ушбу давлат ташкилотининг аниқ ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилган.

Иқтисодий хавфсизликнинг соҳалари кўплиги уни таъминловчи субъектлари сонидан акс этади. Умуман олганда, Ўзбекистонда иқтисодий хавфсизликнинг ҳар бир соҳаси учун масъул бўлган бир ёки бир нечта давлат органи ишлайди. Масалан, молиявий хавфсизликка – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, экологик хавфсизликка – Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, тадбиркорлик фаолияти хавфсизлигига бир вақтнинг ўзида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси масъул. Халқаро иқтисодий хавфсизликни таъминлашда эса халқаро молиявий, иқтисодий ва консультатив ташкилотлар кучлар вазифасини ўтайди.

**Воситалар** ўз номи билан иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг воситасидир. Улар қанчалик кўп ва таъсирчан бўлса, кучлар томонидан ўз вазифасини бажариш шунча осон бўлади. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш воситалари мазмунан 2 катта гуруҳга бўлинади:

Бевосита таъсир қилувчи воситалар асосан маъмурий характерга эга усуллар қўлланилади ва улар тақиқлаш, чеклаш, рухсат бериш ва мажбурлаш кўринишида амалга ошади. Масалан, давлат энергетик самарадорлиги «В» синфдан куйи бўлмаслиги лозим, деган талабни жорий қилиш орқали самарасиз технологиялардан фойдаланишни тақиқлаб қўйиши мумкин. Шунингдек, давлат ўз ташкилотлари ва мулкидан фойдаланиб ҳам хавфсизликни таъминлаши мумкин. Мисол учун, бюджет ташкилотлари мебель жиҳозларини фақатгина маҳаллий тадбиркорлардан харид қилади, қабилидаги меъёрни ўрнатиш орқали давлат маҳаллий мебель ишлаб чиқариш саноатини ривожлантира олади.

### 2-жадвал

#### Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш воситалари турлари

Бевосита таъсир қилувчи	Билвосита таъсир қилувчи
<p><b>Маъмурий воситалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ қатъий нархларни белгилаш;</li> <li>▪ энг кам ойлик иш ҳақи миқдорини ўрнатиш;</li> <li>▪ стандартларни жорий қилиш;</li> <li>▪ технология талабларини ўрнатиш;</li> </ul> <p>захиралар ҳажмини ўзгартириш ва бошқа.</p>	<p><b>Монетар воситалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ мажбурий</li> <li>▪ захира талабларини белгилаш;</li> <li>▪ очик бозордаги операциялар</li> <li>▪ қайта молиялаштириш ставкасини ўрнатиш;</li> </ul> <p>валюта сиёсатини юритиш ва бошқалар.</p>

**Тўловга қобиллик** – инсон ёки ташкилотнинг қарз мажбуриятларини қайтариш қобилиятини англатувчи иқтисодий атама.

<b>Бевосита таъсир қилувчи</b>	<b>Билвосита таъсир қилувчи</b>
<p><b>Давлат секторидан фойдаланиш:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ давлат харидларини амалга ошириш;</li> <li>▪ давлат корхоналари томонидан маълум товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш;</li> <li>▪ хусусийлаштириш ва бошқалар.</li> </ul>	<p><b>Фискал воситалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ солиқларни ўзгартириш, бекор қилиш ёки янгисини жорий қилиш;</li> <li>▪ субсидия ва кафолатлар бериш;</li> <li>▪ бюджет харажатларини ошириш /камайтириш ва бошқалар.</li> </ul> <p><b>Ташқи иқтисодий воситалар:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ божхона божларини ўзгартириш, бекор қилиш ёки янгисини жорий қилиш;</li> <li>▪ квоталарни жорий қилиш;</li> <li>▪ капитал оқимига чекловларни ўрнатиш;</li> <li>▪ миграцион тартибларни белгилаш.</li> </ul>



**Пандемия вақтида фаолиятини тўхтатган бозор, Тошкент шаҳри**

Билвосита воситалар бозор конъюнктурасини ўзгартиришга қаратилади. Юқори даражадаги инфляция иқтисодий хавфсизликка таҳдидир. Унинг келиб чиқиши эса муомаладаги пул массаси ўсишининг бозордаги товар ва хизматлар ҳажми ўсишидан юқорилиги билан изоҳланади. Содда қилиб айтганда, таклиф талабни қондира олмай қолади. Бунда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш кучи сифатида Марказий банк муомаладаги пул массасини камайтириш чораларини кўради. Қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий захира меъёрларини ошириш шулар жумласидандир.

Бизга маълумки, 2020 йилги коронавирус пандемияси даврида эса иқтисодий фаоллик кескин камайиб, таҳдид даражасигача кўтарилди. Кўплаб корхоналар банкрот бўлиб, ишсизлик даражаси ортиб борди. Давлатлар эса муқаррар инқирознинг олдини олиш ёки ҳеч бўлмаганда унинг оқибатларини юмшатиш учун бюджет харажатларини ошириш, корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш (кредит таътиллари бериш, субсидиялар тақдим этиш ва бошқалар), ишсизларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлини танлади. Бунинг натижасида 2021 йилдаёқ аксарият миллий иқтисодиётлар ўзининг инқирозгача бўлган ҳолатига қайтиб олдилар. Лекин муаммо шу билан яқун топмади. Давлатнинг йирик харажатлари инқироздан сўнг, бозор талабининг кескин ошиши билан биргаликда глобал инфляция жараёнларини бошлаб юборди. Эндиликда давлатлар монетар воситалар (асосан фоиз ставкасини ошириш) орқали янги таҳдидга қарши кураша бошладилар.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашда куч ва воситаларнинг мавжудлиги эмас, балки уларнинг самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади.



1932 йил, Лос-Анжелес,  
АҚШ. Бандлик  
бюросидаги вазият

**Рецессия** – иқтисодий ўсишнинг бир неча ой давомида қисқариши бўлиб, одатда талабнинг тушиб кетиши оқибатида содир бўлади. Агар иқтисодий ўсиш тикланмаса, бу йirik ишсизлик ва иқтисодий фаолликнинг сўнишига ва кўп йиллар давом этувчи турғунликка олиб келади. 1930 йилларда АҚШда кузатилган инқироз «Буюк турғунлик», 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi эса «Буюк рецессия» номлари билан аталади.

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари барча мамлакатларда деярли бир хил шаклга эга бўлади. Лекин жуда кўп мамлакатлар ханузгача камбағаллигича қолмоқдалар. Демак, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда куч ва воситаларнинг мавжудлиги эмас, балки уларнинг самарадорлиги муҳим аҳамият касб этади.

#### 12.4. Иқтисодий хавфсизликка таҳдидлар

Иқтисодий хавфсизликни таъминлашга эҳтиёжнинг юзага келиши, табиийки, хавфсизликка риск ва таҳдидларнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Хоҳ миллий даражада, хоҳ корхона ёки шахс даражасида бўлсин, иқтисодий фаолият ҳар доим ҳам бир маромда ижобий динамика билан ривожланмайди. Турли омиллар ушбу фаолиятга таъсир қилиб, уни секинлаштириши, тизгиндан чиқариши ва ҳаттоки бутунлай йўқ қилиб юбориши мумкин. Уларни ўз вақтида аниқлаш ва тўғри баҳолаш салбий ёки деструктив таъсирнинг олдини олишда ўта муҳим аҳамият касб этади.

Омил тушунчаси ўта кенг маънога ва турли таъсир йўналишларига эга. Омиллар жараёнга ижобий ёки салбий жиҳатдан таъсир кўрсатиши мумкин. Хавфсизликка таҳдидлар ҳам айнан омиллар таркибидан шаклланади ва табиийки, салбий таъсир йўналишига эга бўлади. Хавфсизлик ўзида тизимни ифода этувчи тушунча эканини инобатга олсак, таҳдид деб эътироф этилиш учун муайян омилнинг таъсири салбий бўлиш билан қаторда, тизимли ҳам бўлиши керак бўлади.

Миллий иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни тушунишда ҳам айнан шу мантиқ қўл келади. Бунда миллий иқтисодиётни яхлит бир жараён сифатида қабул қилиш, аниқроқ айтганда мамлакатдаги миллионлаб субъектларнинг иқтисодий фаолияти йиғиндиси сифатида кўриш керак бўлади. Демак, хавфсизликка таҳдидлар деганда миллионлаб субъектларнинг барчаси ёки катта қисмига салбий таъсир қилиши мумкин бўлган омиллар тушунилиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Иқтисодий адабиётларда, одатда, бундай омилларни янада конкретлаштириш учун «потенциал» сўзи ишлатилади. Дарҳақиқат, салбий таъсир кучига сон-саноксиз омиллар мавжуд бўлиб, хавфсизлик кучлари учун уларнинг барчасини мониторинг қилиш ва баҳолаш имконсиз вазифадир. Шу сабабли куч ва воситалардан самарали фойдаланиш мақсадида салбий омиллар орасидан таъсир қилиш эҳтимоли энг юқори бўлганлари (яъни, потенциал омиллар) танлаб олинади ва таҳдид сифатида қабул қилинади.

Ўз ўрнида ҳақли савол туғилади: миллионлаб субъектларнинг иқтисодий фаолияти мавҳумий тушунча бўлса, таҳдидлар қандай қилиб аниқланади? Жавоб жуда оддий – ўша «миллионлаб субъектларнинг иқтисодий фаолияти» тушунчасини аниқлаштириш орқали. Яъни, ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг мазмунини, туб мақсади ва манфаатини ўсиш ташкил этади. Шахслар даромадни, корхоналар фойдани, ҳукуматлар эса мамлакатдаги умумий фаровонликни ошириш

## Хавфсизлик асослари

мақсадида иқтисодий фаолият юридадилар. Бундан тушуниш мумкинки, миллий иқтисодиётнинг ўсиши, макроиқтисодий таъбир билан айтганда, иқтисодий ўсиш ушбу субъектлар фаолиятини тўлиқ ўз ичига қамраб олади ва «миллионлаб субъектларнинг иқтисодий фаолияти»ни жараён сифатида аниқлаштиради. Шундан сўнг иқтисодий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаштириш максимал даражада осонлашади: иқтисодий ўсишга салбий таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай потенциал омил таҳдид сифатида кўрилади.

Сўзларнинг моҳияти ҳақида гап кетганда, кўплаб иқтисодий адабиётларда қўлланиладиган ёндош категорияларни ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, иқтисодий ўсиш билан бирга «иқтисодий барқарорлик», «фаровонлик», «ривожланиш»; омил билан эса «шароит», «ҳолат», «ҳаракат» сўзлари синоним сифатида тез-тез қўлланилади.


Иқтисодий хавфсизликка таҳдидларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, улар доимо «занжир реакцияси» ёки «домино эффекти»ни ҳосил қилади. Занжирнинг охириги ҳалқаси ёки доминонинг сўнгги тоши таҳдиднинг энг юқори даражасини билдиради. Бунда ўсиш ҳаётини муҳим манфаат ҳисобланиб, унинг секинлашиши ёки тўхташи ёхуд манфий тус олиши айнан шу энг юқори даражадаги таҳдиддир. Ўсишга зарар етиши деганда фақатгина бугун ёки эртанги кунни эмас, балки яқин, ўрта ва узоқ келажакни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Назарий жиҳатдан фикрни яқунлаш учун бундай таҳдид турини (рецессия, турғунлик) **олий даражали таҳдид** деб номлаш мумкин.

Таҳдидларни даражалаш шу мантиқ асосида давом эттирилиши мумкин. Ўсишнинг зарар етишига тўғридан-тўғри таъсир қилувчи таҳдидлар биринчи даражали, уларнинг юзага келишига шароит яратувчилари иккинчи даражали таҳдидлар (ва ҳоказо) деб аталади. Қайд этиш лозимки, миллий хавфсизлик стратегиялари ва концепцияларида, одатда, биринчи даражали таҳдидлар келтирилади. Таҳдидлар эса ички ва ташқи турларга ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Масалан, Испаниянинг 2017 йилги Миллий хавфсизлик стратегиясида энергиянинг нобарқарорлиги миллий хавфсизликка таҳдид сифатида кўрилган. Иқтисодий жиҳатдан, агарда энергия таъминотида узилишлар юз берса бўлса, бу таннархнинг ўсишига ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришига (рецессия) олиб келади. Испания асосий энергия манбаларини Шимолий Африка ва Гвинея кўрфази мамлакатларидан сотиб олади. Стратегияда ушбу биринчи даражали таҳдидни шарҳлашда бир қатор иккинчи даражали таҳдидлар ҳам санаб ўтилган. Хусусан, энергиянинг нобарқарорлигига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар сифатида асосий таъминотчи минтақалардаги нотинчлик; дунёдаги геосийёсий вазиятнинг кескинлашуви оқибатида нефть ва газ нархининг ошиши; Испания электр ва табиий газ тармоғининг Европанинг умумий тармоғига кам даражада улангани; мамлакатга тегишли архипелаглар билан энергетик боғлиқликнинг йўқлиги келтириб ўтилади.



**Домино эффекти** – бир воқеанинг кетма-кет бошқа воқеаларга олиб келиши.



### Энергия самарадорлик рейтингини

2017 йилдан – «G»,  
2018 йилдан – «F»,  
2019 йилдан – «E»  
классдаги маиший товарларни Ўзбекистонга импорт қилиш ва реализация қилиш тақиқланган.

## Хавфсизлик асослари



Канар ороллари Испанияга тегишли икки архипелагдан бири бўлиб, орадаги масофа 1700 км.ни ташкил этади. Миллий хавфсизлик стратегиясида урғу айнан унга қаратилган. Иккинчи архипелаг Балеар ороллари бўлиб, у Ўрта Ер денгизида Испанияга жуда яқин масофада жойлашган ва барча соҳаларда испан ҳамжамиятига бирикиб кетган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий тармоқлари халқаро стандартлар асосида «иқтисодий фаолият турларининг умумдавлат таснифлагичи» асосида турларга ажратилади. Ҳозирда 18 та тармоқ секциялар шаклида фарқланади.

Канар ороллари Испанияга тегишли икки архипелагдан бири бўлиб, орадаги масофа 1700 км.ни ташкил этади. Миллий хавфсизлик стратегиясида урғу айнан унга қаратилган. Иккинчи архипелаг Балеар ороллари бўлиб, у Ўрта Ер денгизида Испанияга жуда яқин масофада жойлашган ва барча соҳаларда испан ҳамжамиятига бирикиб кетган.

Испаниянинг Миллий хавфсизлик стратегиясида таҳдидлар ички ва ташқи турларга ажратилмаган бўлса-да, юқоридаги шарҳ кўрсатадики, таҳдидларни шарҳлашда «ички ва ташқи» асосда ёндашишга риоя қилинган.

Ўзбекистоннинг 1997 йилги Миллий хавфсизлик концепциясида ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлаш давлатнинг ҳаётий муҳим манфаати этиб белгиланган. Таҳдидлар эса ички ва ташқи гуруҳларга бўлинган.

Ўзбекистон мисолида таҳдиднинг кейинги даражаларини ҳам кўриб чиқсак. Мисол учун, биринчи даражали таҳдидлар орасидан бозор инфраструктураси ривожланмаганлигини танлаб оламиз. Дарҳақиқат, биржалар, банклар, суғурта компаниялари, бандлик агентликлари, савдо ва логистика компаниялари – буларнинг бари бозор инфратузилмасининг элементлари бўлиб, уларнинг паст ривожланиш даражаси 1997 йил учун таҳдид сифатида кўрилган. Буни келтириб чиқарган асосий омил (иккинчи даражали таҳдид) сифатида барча мулкнинг давлат тасарруфида жамлангани ва хусусийлаштириш жараёнининг сушт кечишини қайд этиш мумкин. Мазкур жараённинг сушт кечишига эса ўша вақтларда самарали хусусийлаштириш кўникмасига эга кадрларнинг етишмаслиги (учинчи даражали таҳдид) бирламчи сабаб бўлган. Бунда тўртинчи даражали таҳдид хусусийлаштиришга оид қарорларнинг пухта ишлаб чиқилмаслиги ва ижро билан боғлиқ муаммолардан иборат бўлади.

Кўриниб турганидек, таҳдид даражаларини фарқлашда олийдан қуйига қараб юрилса-да, энг қуйи даражадаги таҳдидлар доминонинг биринчи тоши сифатида салбий жараённи бошлаб беради. Шунингдек, иқтисодий хавфсизликни таъминлашда олий ва юқори даражали таҳдидлар шунчаки белги, аломат вазифасини бажарса, қуйи даражадаги таҳдидлар амалий чоралар мазмунини белгилаб беради. Шунга кўра, ҳаётий зарурат туфайли иқтисодий хавфсизлик хавфсизлик фанларидан алоҳида фан сифатида ажралиб чиққан бўлиб, унинг асосий мақсади таҳдидларни энг қуйи даражаларда ўрганиш ва олий даражали таҳдиднинг юзага келишини олдини олишдан иборат.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Иқтисодий хавфсизликнинг шаклланиши ва «эҳтиёжлар пирамидаси» ўртасида қандай боғлиқлик бор?
2. Иқтисодий хавфсизликни таърифлаш бўйича Ғарб ёндашуви қандай ва бунинг сабаби нима?
3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш тизими қандай даражаларга бўлинади?
4. Иқтисодий манфаатларни қандай шаклларда учратиш мумкин?
5. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш кучлари ва воситалари қандай белгиланади?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абалкин Л.И. Экономическая безопасность России: угрозы и их отражение // Вопросы экономики. 1994. № 12.
2. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: «Ноширлик ёғдуси», 2019. – 23 б.
3. Афонцев С. Национальная экономическая безопасность: на пути к теоретическому консенсусу // Мировая экономика и международные отношения. – М. 2002. – №10. – С.35.
4. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т., 2019. – 115 б.
5. Господарик Ю.П., Пашковская М.В. Международная экономическая безопасность. – 3-е издание, стер. – М.: Университет «Синергия», 2018. – 416 с.
6. Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизими: миллий манфаатлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: СТИБОМ, 2014. – 230 б.
7. Иқтисодий хавфсизликнинг долзарб муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2015. – 404 б.
8. Ларионов И.К., Гуреева М.А. Экономическая безопасность личности, общества и государства (многоуровневый, воспроизводственный, глобальный, системный, стратегический и синергетический подходы): Монография – 3-е издание. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2019. – 479 с.
9. Мантусов В.Б., Эриашвили Н.Д. Экономическая безопасность: учебник для студентов вузов, обучающихся по направлениям подготовки «Юриспруденция», «Экономика». – 4-е издание., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018. – 567 с.
10. Олейникова Е.А. Экономическая и национальная безопасность: Учебник. – М.: Экзамен, 2005. – С. 128-129.



1 сўм-купонлик купюра



1 сўмлик купюра

Ўлчами – 120x62 мм.  
1994 йилда босилган илк  
қоғоз пул. 1991 йилдан  
1994 йилгача сўм-  
купонлар амал қилган.  
Гиперинфляция сабабли  
сўм купонлар жуда тез  
қадрини йўқотган. 1 дан  
10 минг сўм-купонгача  
бўлган банкноталар  
муомалада бўлган. 1994  
йил 1 августда улар  
муомаладан чиқарилган,  
100 сўм-купонни 1 сўмга  
алмаштириш имкони  
берилган.

## 13-МАВЗУ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ



**Ахборот хавфсизлиги** – шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатидир.

**Резюме.** Ушбу мавзуда ахборот хавфсизлиги тушунчаси ва моҳияти, миллий хавфсизликни таъминлашда унинг ўрни ва аҳамияти, соҳадаги таҳдидлар ва манбаларининг таснифи ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими очиб берилган. Мавзу билан танишиш жараёнида Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашга бўлган ёндашувлар, бу йўналишдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий ва техник чоралар ҳақида билимларга эга бўласиз.

**Таянч сўзлар:** ахборот, ахборот хусусиятлари, ахборот хавфсизлиги, ахборот-коммуникация технологиялари, махфий ахборот, конфиденциал ахборот, ахборотнинг конфиденциаллиги, ахборотнинг бутунлиги, ахборотга рухсат этилганлик, ахборотни муҳофаза қилиш, ахборот таҳдиди.

### 13.1. Ахборот хавфсизлиги тушунчаси, объекти ва предмети

Ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ҳар қандай давлатнинг ахборот ресурслари унинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа йўналишлардаги салоҳиятини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур ресурслардан самарали фойдаланиш мамлакат хавфсизлиги ва ахборотлашган жамият шакллантирилишини таъминлайди. Бундай жамиятда ахборот алмашинув тезлиги юксалиб, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланишга оид илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кенг қўламда амалга оширилади.

Ахборотлашган жамиятнинг жадал суръатлар билан ривожланиши ахборот маконида давлат чегаралари деган тушунчани йўқолиб боришига олиб келмоқда. Глобал ахборот тармоғи давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу сабабдан ахборотни муҳофаза қилиш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаларидан бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ахборотни ҳимоя қилишнинг зарурияти ахборотни муҳофаза қилишнинг давлат тизимини яратилишида ва ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришда ўз ифодасини топди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»,

«Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида», «Киберхавфсизлик тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди ҳамда амалда татбиқ этиб келинмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати биринчи навбатда ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган.

«Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунда ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат деб белгиланган. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, унинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Ахборот хавфсизлиги – кўп қиррали фаолият соҳаси бўлиб, унга фақат тизимли, комплекс ёндашув муваффақият келтириши мумкин. Муаммони ҳал этиш учун ҳуқуқий, маъмурий, процедурали ва дастурий-техник чоралар қўлланилади. Давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси миллий хавфсизликни таъминлашнинг ажралмас қисми бўлиб, ахборотни муҳофаза қилиш давлат сиёсати даражасига айланмоқда.

Бизга маълумки, ахборот (ингл: information, рус: информация) бу:

- тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахс, предмет, далил, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар;
- далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён каби объектлар ҳақидаги билим (маълумотлар) ҳамда тушунчалар ёки буйруқлар;
- маълум хос матнда аниқ маънога эга бўлган тушунчаларни ичига олувчи далил, воқеа, ҳодиса, предмет, жараён, тақдимот каби объектлар ҳақидаги билим (маълумотлар);
- қизиқиш уйғотиши мумкин бўлган, сақланиши ва қайта ишланиши лозим бўлган жами далил ва маълумотлар.

Сақлаш, ўзгартириш, узатиш ва маълум мақсадлар учун фойдаланиш объекти бўлган теварак олам ҳақидаги маълумотларни, кенг маънода ахборот деб тушуниш мумкин. Келтирилганларга кўра, инсон унинг ҳаёт тарзига ва ҳаракатларига таъсир этувчи доимий ўзгарувчи ахборот майдони таъсирида бўлади. Ахборот ўз тавсифига кўра сиёсий, ҳарбий, иқтисодий, илмий-техник, ишлаб чиқаришга ёки тижоратга оид ҳамда махфий, конфиденциал ёки махфий бўлмаган бўлиши мумкин.

**Ахборот** – тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахс, предмет, далил, воқеа, ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлар.

**Махфий ахборот** – фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот. Ҳужжатлаштирилган ахборот эса идентификация қилиш имконини берувчи реқвизитлари қўйилган ҳолда қайд этилган ахборотдир.

**Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари** – давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини қамраб олади.

Конфиденциал ахборот деганда мамлакат қонунчилиги билан фойдаланиш чекланадиган ҳужжатлардаги ахборот тушунилиб, унга хизмат, касбий, тижорат ва бошқа турдаги ахборотлар киради<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг давлат сирлари – давлат, ҳарбий ва хизмат сирларини қамраб олади.

Ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий имкониятларининг сифат ҳолатига салбий таъсир этиши ёки Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган маълумотлар давлат сирини ташкил этади.

Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилияти, давлат хавфсизлиги ва Қуролли Кучлари учун оғир оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳарбий хусусиятга эга маълумотлар ҳарбий сирни ташкил этади.

Ошкор этилиши Ўзбекистон Республикаси манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган фан, техника, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасига доир маълумотлар хизмат сирини ташкил этади.

Ахборотлаштириш жараёнининг жадаллашуви муносабати билан жамиятнинг барча соҳаларида ахборотни муҳофаза қилиш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Конфиденциал ахборотлар ва давлат сирларига тааллуқли бўлган махфий ахборотлар муҳофазага муҳтождир. Умуман олганда, ахборотни муҳофаза қилиш ёки ахборот ҳимояси ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассислари ва ғаразгўй кимсалар орасидаги қарама-қаршилиқни ифодалайди. Ғаразгўй кимса – ноқонуний йўллар билан ахборотнинг қонуний фойдаланувчиларидан ахборотни олувчи, ўзгартирувчи ёки йўқ қилувчи субъектдир. Ахборот ҳимояси заиф тузилмани вазифа бўлиб, уни қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- самарали ҳимояни тузишга таъсир кўрсатувчи омилларнинг кўплиги;
- аниқ дастлабки кириш маълумотларининг йўқлиги;
- дастлабки маълумотлар тўплами бўйича аниқ оптимал натижаларни олиш имконини берадиган математик усулларнинг йўқлиги.

Одатда, заиф тузилмани вазифаларни ечишда тизимли ёндашув асос бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли ахборот ҳимояси масаласини ҳал этишда хизмат вазифаси ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган элементлар тўпламидан иборат бўлган ахборот ҳимоя тизимини ҳосил қилиш лозим бўлади. Ҳар қандай тизимга кириш – тизим ҳолатини ўзгартирувчи таъсирлардир.

Ахборот хавфсизлиги деганда табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан қилинган таъсирлардан ахборот ва уни қўллаб-қувватлаб турувчи инфратузилманинг

**Ахборот хавфсизлиги** – табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан қилинган таъсирлардан ахборот ва уни қўллаб-қувватлаб турувчи инфратузилманинг ҳимояланганлиги.

<sup>1</sup>Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати (иккинчи нашри). БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. - Б. 25. URL:www.undp.uz, www.ictp.uz.

ҳимояланганлиги тушунилади. Бундай таъсирлар ахборот муносабатларига, жумладан, ахборот эгаларига, ахборотдан фойдаланувчиларга ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминловчи инфратузилмага жиддий зарар етказиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, халқаро ҳамжамиятда ахборот хавфсизлигини ифодаловчи ягона келишилган тушунча йўқ. Бу борада ҳар бир давлатнинг ва ташкилотнинг ўз қарашлари ва манфаатларидан келиб чиққан таърифларини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунида ахборот хавфсизлиги *ахборот борасидаги хавфсизлик* деб белгиланган ва у ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатини англатади. Демак, *ахборот хавфсизлиги*, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатидир.

Ахборотнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, ахборот хавфсизлигига қуйидагича таъриф ҳам мавжуд: *ахборот хавфсизлиги – ахборотнинг конфиденциаллиги, бутунлиги ва рухсат этилганлигини таъминлаш жараёни.*

Конфиденциаллик, бутунлик ва рухсат этилганлик ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида учта муҳим хусусият ҳисобланади. Жумладан:

- ахборотнинг конфиденциаллиги – ахборотнинг ҳолати бўлиб, бунда ахборотга рухсат, фақат тегишли ҳуқуққа эга бўлган субъектларгагина берилади;

- ахборотнинг бутунлиги – ахборотда ҳеч қандай ўзгартиришлар бўлмаган ёки ўзгартиришлар фақат алоҳида ҳуқуққа эга бўлган субъектлар томонидан амалга ошириладиган ахборотнинг ҳолати;


- ахборотнинг рухсат этилганлиги – ахборотга рухсат этилган субъектларнинг, уни амалга оширишга тўсиқлар мавжуд бўлмаган ҳолати кўринишларда ифодаланади.

Рухсат этилганлик ҳуқуқига ахборотни ёки унинг ресурсларини ўқиш учун, ўзгартириш, нусха олиш, ахборотни йўқ қилиш ҳуқуқлари киради.

Ахборотни муҳофаза қилиш – ахборот ҳимоя тизимини яратиш билан боғлиқ жараён. Ахборот ҳимоя тизими ҳеч қачон юз фоизлик ҳимояни таъминлай олмаслигини англаш муҳимдир. Бу эса ахборотни мумкин бўлган даражадаги ўзгартириш, ўғирлаш ёки йўқ қилиш таваккалчилигига асосланган ахборот хавфсизлиги ҳақида фикр юритишни тақозо этади.

Юқорида келтирилганлар билан бир қаторда ахборот хавфсизлигига берилган қуйидаги тушунчалар мавжуд<sup>1</sup>:

- ахборотнинг унинг эгасига зарар келтирадиган тасодифан ёки қасддан қилинган таҳдидларга (хавф-хатарларга) чидамлигининг умумлашган хоссаси;



Конфиденциаллик, бутунлик ва рухсат этилганлик ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида учта муҳим хусусият ҳисобланади.

<sup>1</sup>Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати (иккинчи нашри). БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. Б. -28. URL:www.undp.uz, www.ictp.uz.

**Ахборот хавфсизлигининг объекти** – ахборот соҳасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, ахборот ресурслари, ахборот инфратузилмасидан иборат.

■ ахборотнинг ҳолати. Бу ҳолат ахборот ташувчисини (ахборотлаштириш объекти, маълумотларни узатиш тармоғи ва бошқалар) қайта ишлаш, сақлаш ва узатишда ахборотнинг конфиденциаллик, бутунлик ва фойдаланишга рухсат этилганлиги каби хусусиятларга эга бўлиб қолишини таъминлаш қобилияти билан тавсифланади;

■ ахборотнинг чиқиб кетиши, сохталаштирилиши, нусха олиниши, ўзгартирилиши, ошкор бўлиши, бузилиши, қамал қилинишига олиб келувчи берухсат тасодифан ёки қасддан қилинган амаллардан муҳофазаланганлиги;

■ ахборот муносабатлари субъектига зарар етказиш мумкинлиги билан боғлиқ бўлган хавф эҳтимолининг йўқлиги;

■ ахборот ва қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг муҳофаза қилинганлиги. Бунда тасодифан ёки атайин қилинган, табиий ёки сунъий тавсифга эга бўлган ахборот ва қўллаб-қувватловчи инфратузилма эгаси ёки фойдаланувчиларига зарар етказиши мумкин бўлган таъсирлардан муҳофазалаш назарда тутилади.

Ахборот жамиятида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг икки йўналиши кўриб ўтилади: ахборот-техник хавфсизлик ва ахборот-психологик хавфсизлик. Икки йўналишда ҳам ахборот хавфсизлиги ҳолат ёки фаолият кўринишида ифодаланadi. Биринчи кўринишда ахборот объектининг *ҳолатини (сифатини)* ифодалайди. Масалан, ахборот, маълумотлар, автоматлаштирилган тизим ресурслари, маълум бир корхонанинг ахборот тизими кабилар объект сифатида кўрилиши мумкин. Демак, *ахборот хавфсизлигининг объекти* - ахборот соҳасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлиги субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, ахборот ресурслари, ахборот инфратузилмасидан иборат. Ахборот хавфсизлигининг субъектларига эса давлат органлари кўринишидаги давлат, юридик шахслар ва жисмоний шахслар киради.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш – фойдаланувчининг (шахс, давлат органлари ва бошқалар) ахборот муҳофазасига қўйилган меъёр ва талабларни бажаришидир. Бунда ахборот объектлари ва ахборотни маълум ташқи ва ички таъсирларидан муҳофазалаш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида қуйидаги таъриф келтирилган: Ахборотни муҳофаза этиш - ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

Амалга оширилиш усулларига кўра, барча ахборот ҳимояси чораларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ҳуқуқий;
- маънавий-этик ва психологик;
- технологик;
- ташкилий;
- физик;
- техник (қурилмавий ва дастурий).

**Ахборотни муҳофаза этиш** – ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

Ҳуқуқий ҳимоя – ахборотни ҳимоялаш бўйича субъектларнинг муносабатларини тартибга солувчи, амалда жорий этувчи ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ахборотни ҳуқуқий усуллар билан ҳимоялашдир. Ахборотни ҳуқуқий ҳимоялаш чораларига Ўзбекистон Республикасининг мазкур соҳадаги қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ва идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Ахборотга мурожаат қилиш қоидалари, ахборот муносабати қатнашчилари, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, қонунчилик талаблари бузилган ҳолларда жавобгарлик қонунчилик даражасида кўриб чиқилади ва тартибга солинади.

Маънавий-этик ва психологик ҳимоя фуқаролар, уларнинг алоҳида гуруҳлари ва ижтимоий қатламларни салбий ахборот-психологик таъсирлардан муҳофаза қилишни ўз ичига олади.

Ҳимоянинг ташкилий чоралари – ташкилий характерга эга бўлган, ахборот тизими фаолиятини, ходимлар ишини, фойдаланувчиларнинг тизим билан ўзаро алоқаларини ташкиллаштиришга мўлжалланган чоралардир. Ушбу чоралар ичида асосийлари қуйидагилар:

- хавфсизлик сиёсатини шакллантириш;
- ходимларнинг ахборот тизимидан фойдаланиш учун рухсат этишни тартиблаш;
- ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этмаган ҳолларда жавобгарликни аниқлаш ва таъминлаш.

Ташкилий чоралар ўз ҳолича ахборот хавфсизлиги вазибаларини ҳал эта олмайди. Улар ҳимоянинг физик ва техник чоралари билан биргаликда ишлаши зарур.

Физик ҳимоя назорат қилинувчи ҳудудга ғаразғўй кимсаларнинг жисмоний киришига қаршилиқ қилувчи воситалар тўпламини англатади. Улар турли кўринишдаги механик, электр ёки электромеханик қурилмалар бўлиши мумкин. Корхона ёки ташкилотнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, одатда, айнан физик ҳимояни ташкил этишдан бошланади.

Ахборот ҳимояси чоралари орасида техник ҳимоя муҳим аҳамиятга эга. У ахборот тизимларида маълумотларни техник, дастурий ва дастурий-техник воситалар ёрдамида ҳимоя қилишни назарда тутади.

### **13.2. Миллий хавфсизликни таъминлашда ахборот хавфсизлигининг ўрни ва аҳамияти**

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, шунингдек, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг элементлари сифатида кўрилади. Миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг асосий функцияларига таянилган ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг функциялари сифатида қуйидагилар белгиланади:

**Ахборот хавфсизлигини таъминлаш –** фойдаланувчининг (шахс, давлат органлари ва бошқалар) ахборот муҳофазасига қўйилган меъёр ва талабларни бажаришидир.

**Ахборотнинг ҳуқуқий ҳимояси –** ахборотни ҳимоялаш бўйича субъектларнинг муносабатларини тартибга солувчи, амалда жорий этувчи ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилувчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ахборотни ҳуқуқий усуллар билан ҳимоялашдир.

**Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг олтин қондаси** – «ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун жалб қилинган сарф-харажатлар ҳимоя қилинаётган ахборот қийматидан доимо кам бўлиши даркор».

#### Хавфсизлик асослари

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаси бўйича давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- ахборот хавфсизлигига қаратилган ташқи ва ички таҳдидларни холисона, атрофлича таҳлил қилиб аниқлаш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- ахборот таҳдидларининг манбалари тўғрисида маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг назоратини амалга ошириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- ёшларни баркамол шахслар этиб шакллантириш мақсадига қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус дастурлар қабул қилиш ва бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятини кучайтириш;
- Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларига мос келадиган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Булардан ташқари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда ахборот соҳасидаги ҳаётий муҳим миллий манфаатларга зид бўлмаган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя қилиш;
- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини қонунлар асосида ҳимоялаш;
- шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларининг ўзаро бирлиги, боғлиқлиги ва мувозанатига риоя этиш ҳамда устуворлигини таъминлаш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат масъулиятининг бирлиги;
- миллий хавфсизликнинг бошқа соҳалари билан ахборот хавфсизлиги уйғунлигини таъминлаш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш.

Ахборот хавфсизлиги ўзининг субъекти, объекти ва тизимига эга эканлиги унинг миллий хавфсизликнинг бошқа соҳаларидан фарқли жиҳатларини белгилаб беради.

Ахборот хавфсизлигининг замонавий концепцияси ахборот хавфсизлигини таъминловчи мақсадлар, вазифалар, тамойиллар ва асосий йўналишлар бўйича расмий нуқтаи назарлар мажмуини билдиради.

Ахборот хавфсизлигининг замонавий концепцияси ахборот хавфсизлигини таъминловчи мақсадлар, вазифалар, тамойиллар ва асосий йўналишлар бўйича расмий нуқтаи назарлар мажмуини билдиради.

Қуйида ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари ва жиҳатлари келтирилган:

- ахборотни муҳофаза қилиш (шахсий маълумотларни, давлат ва хизмат сирларини ва бошқа турдаги тарқатилиши чегараланган маълумотларни қўриқлаш маъносида);

- компьютер хавфсизлиги ёки маълумотлар хавфсизлиги – компьютер тармоқларида маълумотларнинг сақланишини, фойдаланишга рухсат этилганлигини ва конфиденциаллигини таъминловчи аппарат ва дастурий воситалар тўплами, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари;

- ахборот эгаларига ёки ахборотдан фойдаланувчиларга ҳамда уни қўллаб-қувватловчи инфратузилмага зарар етказиши мумкин бўлган табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан таъсир этишлардан ахборот ва уни қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг ҳимояланганлиги;

- фуқаролар, алоҳида гуруҳлар ва ижтимоий қатламлар, умуман олганда, аҳолининг яшаш фаолияти, таълим олиш ва ривожланишлари учун зарур бўлган сифатли ахборотга бўлган талабларининг ҳимояланганлиги.

Ахборотни муҳофаза қилиш – ахборот хавфсизлигининг (маълумотларнинг бутунлиги, фойдалана олиш ва зарур бўлганда, маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишда фойдаланилувчи ахборот ва унинг захиралари конфиденциаллиги) муҳим жиҳатларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуидир.


Хавфсиз тизимда тегишли аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланиб, ахборотни ўқиш, ёзиш, ҳосил қилиш ва ўчириш ҳуқуқига эга шахслар ёки улар номидан амалга оширадиган жараёнлар орқали ахборотдан фойдалана олиш бошқарилади.

Маълумки, абсолют хавфсиз тизимлар мавжуд эмас, лекин «ишонч мумкин бўлган тизим» маъносидаги ишончли тизимлардан фойдаланилади. Етарлича аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида турли махфийлик даражасидаги маълумотларни фойдаланувчилар гуруҳи томонидан фойдаланиш ҳуқуқларини бузмаган ҳолда қайта ишлаш имконини берувчи тизим ишончли ҳисобланади.

Ахборотни муҳофаза қилиш ахборотга бўлган салбий таъсир манбаларини ҳамда сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш маъносини англатади. Бу манбалар ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ташкил этади.

Ахборотни муҳофаза қилиш қуйидагиларга йўналтирилган:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича таҳдидларнинг олдини олиш;



Ахборот хавфсизлигининг замонавий концепцияси ахборот хавфсизлигини таъминловчи мақсадлар, вазифалар, тамойиллар ва асосий йўналишлар бўйича расмий нуқтаи назарлар мажмуини билдиради.

## Хавфсизлик асослари

**Ахборотни муҳофаза қилиш** – ахборот хавфсизлигининг (маълумотларнинг бутунлиги, фойдалана олиш ва зарур бўлганда, маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишда фойдаланилувчи ахборот ва унинг захиралари конфиденциаллиги) муҳим жиҳатларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуидир.

- тизимли таҳлил ва назорат орқали реал ва эҳтимоли катта бўлган таҳдидларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида олдини олиш чоралари;
  - аниқ таҳдидлар ва жиноий ҳаракатларни аниқлаш мақсадида таҳдидларни топиш;
  - жиноий ҳаракатларни бартараф этиш, шунингдек, аниқ жиноий ҳаракатларни ҳамда таҳдидларни йўқ қилиш бўйича чоралар кўриш;
  - таҳдид ва жиноий ҳаракатларнинг оқибатларини йўқ қилиш ва мавқеини сақлаш.
- Ушбу барча усулларнинг мақсади ахборот ресурсларини ноқонуний таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборат:
- конфиденциал ахборотларнинг тарқалиб кетишини олдини олиш;
  - конфиденциал ахборот манбаларига ноқонуний киришни тақиқлаш;
  - ахборотнинг бутунлиги, тўлиқлиги ва ундан фойдалана олишни сақлаш;
  - ахборот конфиденциаллигига риоя қилиш;
  - муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ахборотни муҳофаза қилиш деганда давлат, жамият ва шахсларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган усул, восита ва чоралар мажмуини тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлик даражаси ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатларининг мукамаллиги, яъни уларда қонунчилик техникасини самарали амалга оширилиши билан боғлиқ. Ҳозирда республикамизда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 17 та қонун ва 30 тадан ортиқ қонун ости ҳужжатлари мавжуд.

Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида тармоқлараро хусусиятга эга эканлигини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Чунки хавфсизликнинг бошқа соҳаларида, жумладан, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминланганлик даражаси, санаб ўтилган йўналишларнинг барқарорлигини белгилаб беради.

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ахборот соҳасида шахс манфаатлари фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошишида, қонунда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланишида ҳамда жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишда ахборотлардан фойдаланишларида, шахсий хавфсизликни таъминловчи ахборот ҳимоясида намоён бўлади.

Ахборот соҳасида жамият манфаатлари бу соҳада шахс манфаатларини таъминлашда, демократияни мустаҳкамлашда, ижтимоий-ҳуқуқий давлатни қуришда, ижтимоий ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлашда ўз аксини топади.

Ахборот соҳасида шахс манфаатлари фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошишида, қонунда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланишида ҳамда жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишда ахборотлардан фойдаланишларида, шахсий хавфсизликни таъминловчи ахборот ҳимоясида намоён бўлади.



Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши инсоннинг уларга нисбатан тобелигини орттирмоқда. Геосиёсат фанидан яхши биламизки, «Ўрта Ер денгизини эгаллаган давлат бутун дунёга эгалик қилади», деган қараш мавжуд. Лекин ахборот технологиялари юксак тараққий этган, ахборот жамияти қарор топиб бораётган бугунги кунда юқорида келтириб ўтилган назариянинг моҳияти кескин ўзгарди ва бошқача кўриниш тус олди: «Ким ахборотга ва унинг тарқалишига эгалик қилса, дунёнинг тартиби ўшанинг қўлида».


Бугун асосий кураш майдони ҳисобланадиган ахборот макони, асосий мақсади ер ёки бойлик эмас, балки инсон онгини эгаллаш эканлиги бежизга эътироф этилаётгани йўқ. Бу эътироф ахборот таъсири ва хуружларга қарши тура олишнинг аҳамиятини ҳамда жамият, давлат манфаатларининг кўп жиҳатдан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари билан боғлиқлигини янада орттиради.

Ҳар бир давлатнинг ахборот соҳаси шахс, жамият, давлатнинг манфаатларидан келиб чиқиб, конституциявий тузумига қарши бўлган ғоялардан, миллатлараро ва диний конфессионал, куч ишлатиш, маънавий ва турли кўринишдаги ҳаракатлардан қонуний равишда ҳимояланган бўлиши лозим.

Сўнгги пайтларда хорижий давлатлардан кириб келган турли жамоат ташкилотлари ёшлар ўртасида ҳар хил кўрик-танловлар ўтказиш, улар орасида турли адабиётларни тарқатиш каби ҳолатлар учраб турганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Улар жамиятнинг «нозик нуқталари»ни аниқлаш мақсадида олимларни ҳар хил мавзулардаги грантлар устида ишлашга ҳамда форумлар ташкил этишга жалб этмоқдалар. Булар, ўз навбатида, инсонлар руҳиятига таъсир қилиш, миллатнинг урф-одатлари, қадрият ва тарихий хотирасини йўқотишга ҳаракатларидир. Бундан келиб чиқиб таъкидлаш лозимки, республикамизга қарши қаратилган ахборот хуружларидан мақсад жамиятнинг тафаккурига таъсир кўрсатиш, одамларни бошқариш учун ўз миллий манфаатларига қарши боришга мажбурлашдир.

АҚШ Марказий разведка бошқармаси асосчиси ва собиқ директори Аллен Уэлш Даллес (1893-1969) томонидан таъкидланган ғоявий ҳаракатлар собиқ Совет Иттифоқи ва унинг иттифоқчилари давлат бошқаруви ҳамда жамиятни фалаж ҳолатига олиб келишга мўлжалланган эди. Кейинчалик жосус ва хоинлардан иборат «жамоат ташкилотлари» ёрдамида «демократияни таъминлаш» ниқоби остида мамлакатдаги вазият издан чиқарилади. Бунинг учун жараёнлар бошқарувини қўлга киритиш кифоя қилади. Бундан ташқари, бу жараёнда давлат раҳбарлари, сиёсий арбобларнинг фикрлаши, феъл-атвори, мавжуд фавқулодда ҳаракат реакциялари илмий асосда ўрганилиб чиқилади. Шу билан бир қаторда, ўз давлати манфаатларига қарши боровчи «муҳолифат» шакллантирилади ва мустақил ОАВ ташкил қилинади. Улар орқали демократия тартибларини жорий қилиш баҳонасида асосий эътибор фарб турмуш тарзини тарғиб қилиш ва сингдиришга қаратилади.

Ким ахборотга ва унинг тарқалишига эгалик қилса, дунёнинг тартиби ўшанинг қўлида.



Шу ўринда айтиш жоизки, ахборот хуружида доимо аҳолининг зиёли қатлами ҳамда ёшлар нишонга олинади.

Шу жиҳатларни эътиборга олиб, республикада ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган қонунчилик жараёни таҳлил қилинганда, уни бугунги кундаги тегишли талабларнинг барчасига жавоб бера олмаслиги, шунингдек, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлиги керакли даражада таъминланмаганлиги маълум бўлди. Қонунчилигимизда замонавий ахборот технологияларида деструктив ахборот хуружларига қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бундай ислохотлар ахборот хавфсизлигининг миллий хавфсизлик тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда давлатлар миллий хавфсизлик тизимида ахборот хавфсизлиги энг муҳим соҳа эканлиги маълум бўлмоқда. Ахборот технологияларининг ривожланиб, янги шаклдаги ахборот тарқатиш воситаларига айланиб бораётганлиги, уларда мавжуд деструктив ахборотларга қарши курашишга эътибор қаратиш ҳар бир давлатнинг олдида турган муҳим вазифалардан бирига айланмоқда.

### 13.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси кўп қиррали бўлиб, махфийлик, тўлиқлилик, ахборотга мурожаат қилишни таъминлаш каби масалаларни қамраб олади. Ахборот соҳасининг ривожланиши телекоммуникация тармоқлари ва тизимлари орқали узатиладиган ахборот оқимлари ҳажмларининг кўпайиб бориши билан тавсифланади. Уни таъминлашга қаратилган усул ва технологияларни яратиш бўйича саъй-ҳаракатларга қарамасдан уларнинг заифлиги нафақат камайиб, балки доимий равишда ошиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг **ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган:**

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширишда Конституция, қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига амал қилиш;
- давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошкораликни таъминлаш;
- ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнлари барча иштирокчиларининг, қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотни қонуний тарзда эркин қидириш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш борасидаги конституцион ҳуқуқига асосланган ҳуқуқий тенглигини таъминлаш;

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати тамойилларидан бири давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошкораликни таъминлашдир.

■ замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, миллий телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва уларни дунё миқёсидаги ахборот тизимларига улаш имконини берадиган техник ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати масаласи умумий ҳолда қуйидагилар орқали ифодаланади:

*Биринчидан*, ахборот хавфсизлиги соҳасида фақатгина қонунчилик базасини яратиш ва турли норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали етарли натижаларга эришиб бўлмайди. Бунда норматив ҳужжатлар, қоида ва стандартларни ишлаб чиқиш жараёнининг очиқлигини таъминлаш талаб этилади.

*Иккинчидан*, мавжуд ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини такомиллаштиришда унинг таркибий тузилмасининг мувофиқлашган ҳолдаги ҳаракатларига боғлиқ. Мисол учун, дунё ахборот майдонида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига қарши қаратилган ахборотлар, ғоявий мафкуравий таҳдидлар пайдо бўлди. Бу маълумотлар турли ахборот манбалари орқали тарқатилмоқда. Мазкур ҳолатда «ахборот босими»ни тезкорликда пасайтириш, расмий ва асосланган жавобларни қайтариш масаласи қўйилди. Албатта, бу жараёнда тизимнинг ҳар бир элементи, ОАВ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чоратадбирларни амалга оширади. Лекин охир-оқибат юзага келган вазиятга баҳо берилганда ёки унинг оқибатлари ўрганилганда кўпгина камчиликлар кўзга ташланади. Айнан ушбу мисол асосида хулоса қиладиган бўлсак, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг мувофиқлаштирилмаган ҳолда, «ягона ҳаракатлар механизми» асосида ишлар ташкил этилмаганлиги сабабли, ахборот таҳдидларига қарши ўз вақтида ва тезкор жавоб қайтариш чораларининг кечикиши кузатилмоқда.

*Учинчидан*, ахборот хавфсизлиги соҳаси давлат хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми эканлигини эътиборга олган ҳолда ахборот таҳдидларини аниқлаш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш, таҳлил қилиш усулларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш муҳим масаладир. Бу жараёнда илмий ва социологик тадқиқотлар ўтказиш институтлари фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

*Тўртинчидан*, бугунги кунда кибертаҳдидларнинг ортиб бориши натижасида давлат ва ҳокимият бошқаруви органларининг маълумотлар базаларида сақланаётган ахборотларни ҳимоялаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда юқори ишончликка эга ҳимоя тизимларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш, унинг қонуний ва ташкилий асосларини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.



Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида тармоқлараро хусусиятга эга бўлиб, у хавфсизликнинг бошқа соҳаларида, жумладан, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларнинг барқарорлигини белгилаб беради.

Хар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Хар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади. Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

**ЎЗР Конституцияси  
33-модда**

**Ахборот қабул қилиш маданияти** – шахсда кечаётган психологик танлов орқали ахборотларни филтрлаш, қайта ишлаш билан боғлиқ онгли рационал фаолият.

*Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими* – мазкур соҳани тартибга солувчи органлар, усуллар, куч ва воситалар мажмуидир. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ва мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ажралмас қисмига киради.

*Ахборотни муҳофаза қилишнинг давлат тизими* ахборотни муҳофаза қилиш соҳасида ташкилотлар фаолиятини лицензиялашнинг осттизимини, ахборотни муҳофаза қилиш воситалари сертификациясини ва ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича ахборотлаштириш объектларини аттестациясини, кадрларни тайёрлаш, махсус алоқа тизимлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкиллаштириш тизимларини ўз ичига олувчи мураккаб тизимдир.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг давлат тизими ахборотни ҳимояловчи техникани қўллайдиган идоралар ва ижро этувчилар ҳамда ҳимоя объектлари мажмуини ифодалайди. Бу тизим ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув ва норматив ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилади ва фаолият юритади. Шу билан бирга, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг таркибий қисми бўлиб, давлат хавфсизлигини ахборот соҳасидаги ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялашга йўналтирилади.

Маълумки, халқаро тажрибага мувофиқ, ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими икки асосий йўналишда шакллантирилади.

*Биринчи йўналиш* – ахборот тармоқлари, тизимлари, манбаларининг ҳимояланганлигини билдириб, ахборот хавфсизлигининг техник жиҳатларини ифодалайди.

*Иккинчи йўналиш* – мафкуравий компонентга асосланади ва ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Яъни, бу - ижтимоий фикр, оммавий онг, омма кайфиятини шакллантириш, тарғибот, ОАВ фаолияти билан боғлиқ мажмуадир.

Шу боис, мазкур икки йўналишни бирлаштирган ҳолда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг кафолатли таъминланишида муҳим роль ўйнайди.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асоси.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси** ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органларида ахборот хизматлари фаолиятини бошқаради, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга рухсат беради, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизмати ва органларини шакллантиради, фаолиятини қайта ташкил қилади ва тугатади, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб беради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши аппарати** ўз ваколати доирасида давлат ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни олиб боради.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси** ваколати доирасида ва ахборот хавфсизлигининг устувор йўналишлари асосида вазирликлар, давлат идоралари, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, мазкур соҳада амалга оширилаётган давлат дастурларига ажратилаётган бюджет маблағларининг тақсиротини кўриб чиқади ва ижросини таъминлайди.

**Вазирликлар ва давлат идоралари** ўз ваколатлари доирасида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари бажарилишини назорат қилади, мазкур соҳага оид норматив-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқади.

**Идоралараро ва давлат комиссиялари** Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилиб, ўзларига юклатилган ваколат доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари** Конституция ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатмаси асосида мамлакат ахборот хавфсизлигининг қонуний базасини шакллантиради.

**Суд ҳокимияти органлари** ахборот соҳасида давлат, жамият ва шахснинг қонуний манфаатларига қарши уюштирилган тажовузкорлик билан боғлиқ жиноят ишларини суд қилади, фаолияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг судга оид ҳимоясини таъминлайди.

**Вилоят, шаҳар ва туман ижро ҳокимияти органлари** ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши ҳамда соҳага оид давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишга фуқаролар, ташкилотлар ва жамоат уюшмаларини кенгроқ жалб қилиш мақсадида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда турли тадбирларни ўтказиши.

Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг куч тизимига** қуйидаги вазирлик ва идоралар кирилади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси** республика ҳудудида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни ўрнатади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати** ўз ваколати доирасида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органларида ахборот хизматлари фаолиятини бошқаради, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга рухсат беради.



Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончлилиги учун жавобгардир.

**ЎЗР Конституцияси  
81-модда**

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди** ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат қонуний манфаатларига бўладиган турли тажовузлар билан боғлиқ жиноят ишлари судининг ҳамда фаолияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг бузилган ҳуқуқларининг суд ҳимоясини таъминлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги** ахборот соҳаси ва компьютер жиноятчилигига оид қонун бузилишларига қарши кураш олиб боради.

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси «қароқчилик»** маҳсулотларининг ноқонуний кириб келиши ва олиб чиқиб кетилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда республикада муаллифлик ва патентлик ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси** сертификатланмаган аудио ва видео маҳсулотлар, ахборот ташувчилар ноқонуний тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади, давлат иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш олиб боради.

**Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги** ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, коммуникация тармоқларини ҳимоялаш, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш учун замонавий технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш вазирлик фаолиятининг муҳим вазифаларни бажаради. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш ва уни ташкил этувчилари ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазирлик фаолиятининг муҳим йўналишларига киради.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тобора кучайиб бораётган мафкуравий ахборот хуружларига қарши амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда, бундан ташқари, янги қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг *истиқболли устувор йўналишлари* қуйидагилар:

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солидиган миллий қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни амалга ошириш;

- дунё миқёсидаги ахборот ва телекоммуникация тизимлари хизматларини кўрсатадиган ташкилотларнинг мақомини белгилаш ҳамда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;

## Хавфсизлик асослари

▪ ахборот хавфсизлигини таъминлаш минтақавий тузилмаларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосни яратиш;

▪ Интернетда ахборот хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида жамоат уюшмалари, ташкилотлар ва фуқароларнинг иштирок этиш механизмлари ҳамда мақсад ва вазифаларини белгилашни амалга ошириш;

▪ ижро ҳоқимияти органларининг ахборот соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, бу соҳада жиноят ва бошқа қонунбузарликлар содир этган шахсларни фош қилиш, жавобгарликка тортишга қаратилган фаолиятини кучайтириш;

▪ ахборотдан ноқонуний нусха кўчирганлик, бузганлик ва ноқонуний фойдаланганлик, Интернетда нотўғри ахборотни қасддан тарқатганлик, махфий ахборотни Интернет орқали ноқонуний ошкор этганлик, хизмат ахбороти ёки тижорат сири бўлган ахборотдан жиноий ва ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш ва келгусида улар назоратини кучайтиришни йўлга қўйиш.

Бундан ташқари, республикада ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник усулларини ҳам такомиллаштириб бориш талаб этилади. Шу мақсадда келгусида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

▪ Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник тизимини такомиллаштириш;

▪ ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда бу воситаларнинг самарали ишлашини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш, ҳимояланган телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, махсус дастурий воситаларнинг ишончлилиқ даражасини ошириш;

қайта ишланаётган ахборотнинг бузилиши ва йўқ бўлиши, шунингдек, ахборотлаштириш ва алоқа, тизим ва воситаларининг белгиланган иш тартибининг ўзгаришига олиб келадиган махсус таъсирларнинг олдини олиш тизими ҳамда воситаларини яратиш. Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидларни холис ва ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда буни амалиётга татбиқ қилади. Шунингдек, давлат ҳоқимияти қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро органларининг Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни қайтариш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ишларини ташкил этади. Айти пайтда, жамоат уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ҳақида аҳолига объектив ахборот бериш, жамиятни сохта ва тенденциоз ахборотлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда ахборотни ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаб чиқилиши, яратилиши, ривожлантирилиши, қўлланишини назорат қилади.



Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, коммуникация тармоқларини ҳимоялаш, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш учун замонавий технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш вазирлик фаолиятининг муҳим вазифаларни бажаради.

## Хавфсизлик асослари



Булардан ташқари, келгусида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан зарур ҳомийлик сиёсатини амалга ошириш, ички бозорни сифатсиз ахборотлаштириш воситалари ва маҳсулотларидан ҳимоялаш чораларини такомиллаштирилиб борилади. Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастурининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш, жаҳон ахборот тармоқлари ва тизимларининг байналмилаллашуви ҳамда жаҳон ахборот ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шартларида қўшилишига имконият яратиш ҳам давлатнинг келгусида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, аввало, ахборот соҳасида қонунийликка риоя қилиш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг бу соҳадаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилларига асосланиши лозим бўлиб қолади.

Фуқаролар, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилига риоя қилиш эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида бу манфаатларнинг устуворлигини қонуний белгилаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши шаклларидадан фойдаланишни назарда тутати. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги фаолиятга тааллуқли конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш давлатнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашда устувор йўналишларни, долзарб муаммоларни аниқлаш ва муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда тегишли дастурлар қабул қилиш талаб этилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашда ахборот хуружларини уюштираётган манбаларни доимий мониторинг қилиб бориш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади. Бунинг учун эса, жамият ҳаётида замонавий ахборот технологияларнинг кенг қўлланилиши натижасида келиб чиқувчи ижтимоий-психологик оқибатларини истиқболи ва ахборот сайтларини мониторингини амалга оширувчи дастурий воситаларни яратиш ва татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

**ЎзР Конституцияси  
82-модда**

### 13.4. Ахборот хавфсизлиги таҳдидлари ва манбалари таснифи

Ахборот таҳдиди (ингл: information threat; рус: информационная угроза) – ахборот соҳасининг фаолиятига хавф туғдираётган жами омиллар ва омиллар гуруҳлари. Ахборот хавфсизлигига таҳдид – ахборот хавфсизлиги бузилишига олиб келадиган реал ёки потенциал хатарларни ифодаловчи шароит ёки омиллар йиғиндисиدير. Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбаи сифатида жисмоний шахс, моддий объект, техник ва дастурий воситалар, табиат ва физик ҳодисаларни келтириш мумкин.

Ахборотни қайта ишловчи тизимларда хавфсизликни бузишнинг асосий манбалари қуйидагилар:

- авария ёки табиий офатлар (ёнгин, ер силкениши, сув тошқини ва бошқалар);
- ахборот тизими қисмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш ва фойдаланишдаги хатоликлар (дастурий воситалар, маълумотларни қайта ишлаш технологиялари, қурилма воситалари ва бошқалар);
- тартиббузарларнинг маълум бир объектларга қаратилган мақсадли ҳаракатлари.

Таҳдидларни тоифалашнинг бир неча мезонлари мавжуд. Улардан кенг тарқалганлари қуйидагилар:

#### 1. Пайдо бўлиш табиатига кўра: табиий ва сунъий.

Табиий таҳдидлар – инсонларга боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив физик жараёнлар ёки табиий офатларнинг ахборот тизимлари ва уларнинг қисмларига таъсири туфайли юзага келувчи таҳдидлар. Ўз навбатида, сунъий таҳдидлар – инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда келиб чиқувчи ахборот тизимларига таҳдидлардир.

#### 2. Мотивация даражасига кўра: олдиндан бирор мақсадни кўзламаган ҳолда (тасодифий) ва олдиндан мақсадли (қасддан).

Тасодифий таҳдидлар турли хатолар билан боғлиқ бўлиб, булар ахборот тизими қисмларини лойиҳалашдаги, дастурий таъминотдаги, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг тизим билан ишлашдаги хатоликлар бўлиши мумкин.

Олдиндан мақсадли таҳдидлар маълум бир гуруҳ шахсларнинг ғаразли, ёт ғоялари ва бошқа мақсадлари билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Бунга сабаб моддий фойда кўриш, қасос, маънавий эътиқод ёки бошқалар бўлиши мумкин.

Асосий тасодифий таҳдидлар қуйидагилар:

- тизимнинг меъёрда фаолият кўрсатишини бузилишига ёки тўлиқ тўхтаб қолишига олиб келувчи атайлаб қилинмаган ҳаракатлар;
- ахборот ташувчиларни тасодифан бузиб қўйиш ёки ўз назоратидан чиқариш;
- нотўғри ишлатилганда тизимнинг иш фаолиятини издан чиқаришга қодир бўлган (тизимнинг жавоб бермаслиги) ёки

**Ахборот хавфсизлигига таҳдид** – ахборот хавфсизлиги бузилишига олиб келиши мумкин бўлган реал ёки потенциал хатарларни ифодаловчи шароит ёки омиллар йиғиндисиدير.

**Ахборот хавфсизлиги таҳдидлари тоифалари** – пайдо бўлиш табиатига кўра: табиий ва сунъий; мотивация даражасига кўра: олдиндан бирор мақсадни кўзламаган ҳолда (тасодифий) ва олдиндан мақсадли (қасддан).

Таҳдидлар келиб чиқишига кўра ташқи ва ички, таъсирига кўра нофаол (пассив), фаол (актив), объектга келтирадиган зарарига кўра шахсий, локал ва умумий таҳдидларга бўлинади. Ахборотнинг хусусиятига йўналтирилганлигига кўра конфиденциалликка, рухсат этилганликка ва бутунликка йўналтирилган таҳдидлар мавжуд.

**Дезинформация** – махсус яратилган ахборот бўлиб, у ахборот объектини унинг яратувчиси (субъекти) манфаатларига хизмат қилувчи қарор қабул қилиши учун йўналтирилган маълумот.

тизимни қайтариб бўлмас ўзгаришларга (маълумотларни ўчириб ташлаш ёки йўқ қилиш кабилар) олиб келувчи воситалардан фойдаланиш;

- эҳтиётсиз ҳаракатлар туфайли конфиденциал маълумотларнинг ошкор бўлиши;

- пароль, шифрлаш калити, рухсатнома, идентификацияловчи карточка каби идентификаторларни йўқотиш, бошқаларга бериш ёки ошкор қилиш;

- хавфсизлик сиёсатига ёки тизим билан ишлашга ўрнатилган қоидаларга тўла риоя қилмаслик.

Қасддан амалга ошириладиган таҳдидларга қуйидагилар:

- тизим ёки унинг алоҳида ташкил этувчилари (қурилмалар, ахборот ташувчилар, хизмат кўрсатувчи ходимлар)нинг меъёрдаги фаолияти бузилишига, ишдан чиқишига, хато ишлашига олиб келувчи физик таъсир кўрсатиш;

- ҳисоблаш тизимининг фаолиятини таъминловчи тизимостиларни ўчириб қўйиш ёки ишдан чиқариш;

- хизмат кўрсатувчи ходимларни ёки алоҳида ваколатга эга бўлган фойдаланувчиларни шантаж қилиш, сотиб олиш ёки бошқа таъсир йўллари қўллаш;

- масофавий фото-, видео-тасвирга олиш, эшитувчи қурилмаларни қўллаш ва шу кабилар;

- алоқа каналлари орқали узатилувчи маълумотларни тутиб олиш ва уларни тизимга кириш қоидаларини, фойдаланувчиларни муаллифлаштириш ва уларни имитация қилиш орқали тизимга кириш йўллари аниқлаш мақсадида таҳлил қилиш;

- ахборот ташувчиларни ўғирлаш, улардан ноқонуний нусха кўчириш, ишлаб чиқариш чиқиндилари (чоп этилган

- қоғозлар, ёзувлар, рўйхатдан чиқарилган ахборот ташувчилар ва бошқалар)ни тиклашга ҳаракат қилиш;

- рухсатни чегараловчи паролларни ва бошқа реквизитларни ноқонуний қўлга киритиш ва уларни кейинчалик рўйхатдан ўтган фойдаланувчи сифатида қўллаш;

- алоқа каналларига ноқонуний улаиб олиш ва қонуний фойдаланувчи ишидаги тўхташ (пауза)лар вақтида унинг номидан ёлғон хабарлар киритиш, узатилаётган маълумотларни модификация қилиш ва бошқалар.

Таҳдидлар келиб чиқишига кўра ташқи ва ички, таъсирига кўра нофаол (пассив), фаол (актив), объектга келтирадиган зарарига кўра шахсий, локал ва умумий таҳдидларга бўлинади. Ахборотнинг хусусиятига йўналтирилганлигига кўра конфиденциалликка, рухсат этилганликка ва бутунликка йўналтирилган таҳдидлар мавжуд.

Ташқи таҳдидлар ахборот тизимига боғлиқ бўлмаган ҳолатда, ички таҳдидлар эса тизим ичида вужудга келади. Нофаол таҳдидлар тизимнинг тузилиши ва ахборотга таъсир кўрсатмаган ҳолда зарар кўрсатишга қаратилган бўлса, фаол таҳдидлар эса уларни тўлалигича ўзгартиришга йўналтирилади. Зарар келтириш ўлчамига кўра, шахсий таҳдидлар хавфсизлик

объектининг айрим хусусиятларига, локал таҳдидлар айрим қисмларига ҳамда умумий таҳдидлар кенг қамровда зиён етказди.

### **Назорат саволлари ва топшириқлар:**

1. Ахборот хавфсизлиги тушунчасини таърифланг.
2. Ахборот хавфсизлигининг объекти ва предметини айтинг.
3. Миллий хавфсизликни таъминлашда ахборот хавфсизлигининг ўрни ва аҳамиятини изоҳланг.
4. Ўзбекистон Республикаси ягона давлат ахборот сиёсатини тавсифланг.
5. Ахборот хавфсизлиги таҳдидлари ва манбаларининг таснифини келтиринг.
6. Ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини изоҳланг.


### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати (иккинчи нашри). БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. - Б. 25.
2. Блинов А.М. Информационная безопасность: Учебное пособие. Часть 1. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2010. – 96 с.
3. Гатчин Ю.А., Климова Е.В. Основы информационной безопасности: учебное пособие. – СПб: СПбГУ ИТМО, 2009. – 84 с.
4. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и возможности психологической защиты. – М.: Изд-во РАГС, 1998. – 125 с.
5. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.
6. Каримов И.М., Тургунов Н.А. Ахборот хавфсизлиги асослари: дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 98 б.
7. Парошин А.А. Информационная безопасность: стандартизированные термины и понятия. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2010. – 216 с.
8. Проблемы информационной безопасности в международных военно-политических отношениях / Под ред. А.В. Загорского, Н.П. Ромашкиной. – М.: ИМЭМО РАН, 2016. – 183 с.
9. Фатьянов В.М. Сетевые сообщества как пространство трансформации ценностных ориентации студенческой молодежи. Материалы XIII Международной научной конференции молодых ученых и аспирантов «Наука. Образование. Молодежь». – Майкоп: редакционно-издательский отдел АГУ, 2016. – С. 178.
10. Ярочкин В.И. Информационная безопасность: Учебник для студентов вузов. – М.: Академический Проект; Гаудеамус, 2-е изд. – 2004. – 544 с.



**Фактчекинг** – оммавий матнларда тасвирланган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш. Уларнинг ёрдамида чоп этилаётган фактлар билан ҳақиқатда мавжуд фактлар ўртасидаги номувофиқликлар аниқланадиган фактларни текшириш.

## 14-МАВЗУ. МАЪНАВИЙ ХАВФСИЗЛИК МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ СОҲАСИ СИФАТИДА



**Резюме.** Мазкур мавзуда миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида тадқиқ қилинаётган маънавий хавфсизликнинг моҳияти очиб берилган. Жумладан, ушбу мавзу билан танишиш жараёнида шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги миллий манфаатларига қаратилган ташқи ва ички таҳдидлар тўғрисидаги билимларга эга бўласиз.

**Таянч сўзлар:** маънавий хавфсизлик, маънавий хавфсизлик объектлари, маънавий хавфсизлик субъектлари, маънавий хавфсизликнинг предмети, маънавий соҳадаги миллий манфаатлар, маънавий соҳадаги ташқи таҳдидлар, маънавий соҳадаги ички таҳдидлар.

### 14.1. Маънавий хавфсизлик тушунчаси

Бугунги кунга келиб, миллий хавфсизликка қаратилган таҳдидлар, жумладан, инсонлар руҳиятига таъсир ўтказиш орқали диний ва миллий қадриятларга путур етказувчи, миллатларнинг турмуш тарзини издан чиқарувчи ва умуман жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатувчи маънавий таҳдидлар кучайиб бормоқда.

Маънавий таҳдидларнинг кенг миқёсда тарқалиши хавфсизлик назариясида «маънавий хавфсизликни таъминлаш» тушунчасини келтириб чиқарди. Хавфсизлик муаммоларига оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ҳозирги вақтда маънавий хавфсизлик миллий хавфсизликнинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида юзага чиқди ва унинг ажралмас қисмига айланди.

Маънавий хавфсизликни миллий хавфсизликнинг алоҳида бир соҳаси сифатида тадқиқ этиш ва маънавий таҳдидларга қарши кураш самарадорлигини ошириш зарурияти қуйидагиларда намоён бўлади:

*биринчидан*, миллий менталитетимизга бегона бўлган бузғунчи ғояларни тарғиб қилувчи, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий илдиэларига путур етказишга йўналтирилган турли тузилмаларнинг фаоллашганлиги;

*иккинчидан*, ОАВ ва Интернет тармоғида «оммавий маданият» ва ахлоқсизликнинг турли кўринишлари каби ғоялар тарғиботининг авж олаётганлиги;

*учинчидан*, кишилар онгига диний мутаассиблик ғояларини сингдирувчи экстремистик тузилмаларнинг фаолият олиб бораётганлиги;

Маънавиятини асрай олмаган миллатлар глобаллашувнинг таъсирида таназзулга учраши муқаррар.

*тўртинчидан*, маҳаллий аҳолининг диний эътиқодига таъсир кўрсатиб, улар орасидан прозелитларни кўпайтиришга ва конфессиялараро беқарорликни келтириб чиқаришга қаратилган миссионерлик фаолиятининг давом этаётганлиги;

*бешинчидан*, шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига қаратилган таҳдидларнинг пайдо бўлиш сабабларини аниқлаш, тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларга қарши курашишнинг устувор вазифалардан бирига айланганлиги.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, мазкур маърузада маънавий хавфсизликнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга, маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим миллий манфаатлар ва уларга қаратилган таҳдидларни таснифлашга ҳаракат қиламиз.

Глобаллашув жараёнлари маънавий қадриятларни қадрсизлантиришга, миллатларнинг маънавий-маданий ва тарихий бирлигига путур етказишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қарама-қаршилиқларни келтириб чиқариши билан ҳам тавсифланмоқда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Совет Иттифоқининг парчаланиши халқаро майдонда туб ўзгаришларга олиб келди. Мустақил давлат сифатида тан олинган Ўзбекистон Республикасида жамиятнинг маънавий ҳаётини ривожлантириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Миллий хавфсизлик ва унинг алоҳида соҳалари, жумладан, маънавий хавфсизликни таъминлаш устувор вазифалардан бирига айланди.

Яқин йилларга қадар миллий хавфсизликнинг асосий соҳалари сифатида ҳарбий, иқтисодий, сиёсий, ахборот, экологик ва бошқа жиҳатлар биринчи ўринга чиққан. Кейинги йилларда жамиятни инқирозга олиб келувчи маънавий таҳдидларнинг ортиб бориши, унинг салбий оқибатларининг аниқланиши маънавий хавфсизликни таъминлашни ҳам асосий масалалар қаторига киритилди.

Кейинги йилларда илмий муомалага «маънавий хавфсизлик» ва «маънавий таҳдид» каби тушунчалар кириб келди. Улар борасида мунозаралар илмий доираларда давом этмоқда. Республикамиз ва хорижлик олимларнинг маънавий хавфсизлик тушунчасига бўлган турлича қарашлари ва ёндашувлари мавжуд бўлиб, уларда маънавий хавфсизликнинг у ёки бу жиҳатлари қамраб олинган.

Маънавий хавфсизликнинг моҳияти тўғрисида фикр билдиришдан олдин шуни таъкидлаш ўринлики, 17-асрда яшаган француз файласуфи Рене Декарт «мунозарага киришишдан олдин атамалар маъносини аниқлаштиринг, бу адашишлардан сақлайди», деган фикрларни билдирган эди.

Маънавий хавфсизлик мураккаб ва кенг қамровли тушунча бўлиб, унинг ўзак сўзи бўлган маънавият тушунчасига турлича ёндашувлар кўзга ташланади. Мисол учун, рус тилидаги «духовность» тушунчаси ўзбек тилидаги «маънавият» тушунчаси мазмунини тўлиқ англатмайди. Шу сабабли «маънавий хавфсизлик» билан «духовная безопасность» тушунчалари бирмунча фарқ қилади.

**Миллийлик** – ўз миллатини улуғлаш ва унинг манфаатини ҳимоя қилиш, миллий ғурур ва нафсоният туйғулари, ўз тили, адабиёти, маданияти ва санъати, дини, тарихи ва урф-одатлари, расм-русумлари, байрам-сайллари, бир сўз билан айтганда, маданий-маънавий қадриятларни қадрлаш, ўзи туғилиб вояга етган диёрни ардоқлаш, унинг табиати, дарёлари, кўллари, мусаффо осмони билан фахрланиш туйғуси.

**Миллий ғурур** – шахс, ижтимоий гуруҳнинг миллий ўз-ўзини англаши асосида шаклланадиган аждодлари қолдирган моддий, маънавий меросдан, ўз халқининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси, ўзга миллатлар олдидаги кадр-қиммати, обрў-эътиборидан фахрланиш ҳиссини ифодаловчи тушунча.

**Маънавий хавфсизлик**

шахс, жамият ва давлатнинг эзгу мақсадларга йўналтирадиган жамият ҳаётидаги мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

**Мафкуравий хавфсизлик** – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намён бўладиган мафкуравий тажовузлар турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча. Мафкуравий хавфсизликни таъминлаш деганда, жамият маънавий ҳаётида бўшлиқ пайдо бўлишининг олдини олиш, ўзининг пировард мақсадларига мос ва унга хизмат қиладиган ғоялар тизимини шакллантириш, уни муттасил мустаҳкамлаб бориш, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдек жараёнлар назарда тутилади.

Маънавий хавфсизлик категориясига таъриф беришда «маънавият» тушунчасига алоҳида эътибор қаратиш зарур. «Маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч унинг барча қарашларининг мезонидир» [Каримов, 1999; Б. 302-303], деб ҳисоблаш маънавиятнинг моҳиятини аниқ ифодалаб беради. Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла акс эттиради. Шунинг учун ҳам бу мавзуда фикр юритганда, мазкур қарашларнинг барчасини умумлаштириб, кенг маънодаги «маънавият» тушунчаси орқали ифода этиш лозим [Каримов, 2008; Б. 19]. Мазкур ёндашув маънавият тушунчасига берилган кўплаб таърифлардаги жиҳатларни ўз ичига қамраб олган бўлиб, шунга кўра, биз маънавий хавфсизлик категориясини қуйидагича таърифлаймиз:

**Маънавий хавфсизлик** шахс, жамият ва давлатни эзгу мақсадларга йўналтирадиган жамият ҳаётидаги мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир.

Ҳар бир шахс, жамият ва давлатнинг эзгуликка етакловчи мақсадлари бўлади. Шахснинг эзгуликка етакловчи мақсадлари унинг маънавий баркамол бўлишга интилишидир. Инсоннинг ўз маънавиятини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиз. У инсоннинг бутун онгли фаолияти давомида шаклланади ва ривожланиб боради.

Ўзбекистон халқининг эзгу мақсадлари – мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшаши ҳисобланади. Шу мақсадда уларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши таъминланган ҳамда барча шарт-шароитлар яратилган.

Давлатнинг бош мақсади унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлиги ҳисобланади. Ушбу вазифаларни амалга оширишда жамият ҳаётидаги мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашлар, бир сўз билан айтганда, маънавиятимиз турли таҳдидлардан ҳимояланган бўлиши лозим.

## **14.2. Маънавий хавфсизликни таъминлаш тизими**

Маънавий хавфсизликни таъминлаш масаласи миллий хавфсизликни таъминлашга масъул бўлган субъектларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда маънавий хавфсизлигини таъминлаш тизими – ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг мажмуи бўлиб, уларнинг фаолияти жамият ҳаётини диний, ахборот, маданий ва илмий соҳалардаги миллий манфаатларни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган.

## Хавфсизлик асослари

Ўзбекистон Республикасининг маънавий хавфсизлигини таъминлаш тизими куйидаги давлат ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан шакллантирилади:

- ўзбек халқининг маънавий ривожланиш стратегиясини белгилаб берувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқадиган ва қабул қиладиган Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда манфаатдор вазирликлар, идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;

- Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аҳолининг оммавий онгига ахборот-мафкуравий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ хавф ва таҳдидларга қарши курашиш, маънавият соҳасидаги таҳдидларни доимий мониторинг ва назорат қилиш билан шуғулланадиган тузилмалари;

- ватанпарварликка йўналтирилган давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет нашрлар, радио ва телевидение;

- ватанпарварлик ва миллий маданий марказлари, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатлари;

- маънавий хавфсизлик соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқадиган давлат (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари) ва нодавлат илмий-тадқиқот муассасалари;

- ахборот ва тармоқ урушлари, экстремизм, терроризм ва сепаратизм каби таҳдидларга қарши курашиш соҳасида мутахассислар тайёрлашни ташкил этувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг таълим муассасалари;

- маънавий хавфсизликни таъминлаш, аҳолининг оммавий онгига ахборот-мафкуравий таъсирларидан ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи идоралараро комиссиялари;

- ватандошлар ўзбек жамоаларини қўллаб-қувватлайдиган, миллий қадриятлармиз, тарих, маданият, илмий ва бошқа ютуқларни жамоат ҳаётининг барча соҳаларида тарғиб қилувчи давлат, жамоат ва диний ташкилотлар.

Маънавий хавфсизлик соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш ва назорат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши томонидан амалга оширилади.

Миллий хавфсизлик тизимида маънавий хавфсизликнинг тутган ўрнини белгилаш учун хавфсизликнинг бошқа соҳаларидан мазкур соҳанинг фарқли жиҳатларини ажратиб олиш, унинг объекти ва субъекти, предмети, функциялари ва тамойилларини аниқлаш лозим.

Маънавий хавфсизлик объектини белгилаш бўйича турлича ёндашувлар мавжуд. Тадқиқотчи А.В. Тонконоговнинг фикрича, миллий ўзликни англаш, умумқабул қилинган анъаналар, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини фаол қўллаб-қувватлашда

Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширувчи органлар куйидагилардан иборат:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;  
«Ўзбеккино» Миллий агентлиги;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқалар.

**Маданий хавфсизлик** – маданий мерос, тарихий анъана ва жамият ахлоқий меъёрларининг ривожланиши учун шароитлар яратилганлиги ва уларнинг таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолатидир. Маданий хавфсизликнинг асосий мақсади маданий мерос намуналарини сақлаб қолиш ва уларнинг ривожланиш шароитларини таъминлаш ҳисобланади.

**Маънавий хавфсизлик объектлари** шахснинг маънавий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятнинг маънавий ва моддий бойликлари ҳамда мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий соҳалар ҳисобланади.

намоён бўладиган миллатнинг ахлоқий-руҳий бирлигига маънавий хавфсизлик объекти сифатида қараш мумкин [Тонконогов, 2011; Б. 17].

Социолог А.А. Возьмитель: «Тасаввурлар, ғоялар, сезгилар, баҳолар, табиат, шахс ва жамиятнинг ҳаёти ҳамда дунёни тўлиқ англаш жараёнида инсонлар ўртасида пайдо бўладиган бошқа муносабатлар маънавий хавфсизликнинг энг умумий объекти», дея фикр билдиради [Возьмитель, 2006; Б. 149].

Миллатнинг ахлоқий-руҳий бирлиги ёки инсонлар ўртасидаги бошқа муносабатлар маънавий хавфсизликнинг объекти сифатида умумий ҳолда қаралиши маънавий хавфсизликни таъминловчи субъектларнинг функцияларини аниқ белгилашга имкон бермайди.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, маънавий хавфсизлик объектини белгилашда қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

*биринчидан*, миллий хавфсизлик объектларига инсон, унинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда жамият, унинг маънавий ва моддий бойликлари ҳисобланади.

*иккинчидан*, маънавий хавфсизлик объекти сифатида давлатдаги мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий соҳаларни олиш лозим.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, шахснинг маънавий соҳадаги ҳуқуқ ва эркинликлари, жамиятнинг маънавий ва моддий бойликлари ҳамда мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий соҳалар **маънавий хавфсизлик объектларини** ташкил этади.

Маънавий хавфсизлик объектларининг хавфсизлигини таъминлашда унинг субъектлари етакчи ўринни эгаллайди. Россиялик файласуф олим А.В. Тонконоговнинг таъкидлашича, ватанпарвар шахслар, фуқаролик жамияти институтлари, давлат ва нодавлат ОАВ ҳам маънавий хавфсизликни таъминлашнинг субъектларидир [Тонконогов, 2011; Б. 15].

Маънавий хавфсизликни таъминлашда давлат ва унинг ташкилотлари ҳам ижтимоий муносабатлар иштирокчиси сифатида қатнашишини ҳисобга олиб, уларни ҳам субъектлар қаторига қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маънавий хавфсизлик субъектларининг қуйидаги жиҳатлари мавжуд:

*биринчидан*, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар ҳамда фуқароларимиз бевосита ижтимоий муносабатларда иштирок этади;

*иккинчидан*, маънавий хавфсизликни таъминлашда уларнинг ваколатлари халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва миллий қонунчиликда мустақамлаб қўйилган. Жумладан, халқимизнинг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга ҳар бир фуқаро мажбурдир ҳамда маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасига олинган;

**«Оммавий маданият»** – 20-аср ўрталарида оммавий мулоқот ва ахборот воситаларининг жамият ҳаётига чуқур кириб бориши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун етарли бўлиши натижасида шаклланган ва моҳиятан барча ёшдаги аҳоли учун тушунарли бўлган маданият намуналари (оммавий эстрада муסיқаси, цирк ва бошқалар) қадриятларидир.

*учинчидан*, ушбу субъектлар томонидан маънавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида турли методлар, куч ва воситалар қўлланилади. Маънавий хавфсизликни таъминлашнинг асосий масалалари давлат органларининг зиммасига юклатилган;

*тўртинчидан*, жамиятнинг маънавий соҳадаги манфаатларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамияти институтлари роли ошмоқда. Шунингдек, давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиги, яъни ижтимоий шериклик ривожланиб бормоқда;

*бешинчидан*, маънавий хавфсизликни таъминлашда халқаро ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор. Улар орасида БМТ ва унинг ихтисослашган ташкилотларини кўрсатиш ўринлидир.

Юқоридаги фикрларга таянган ҳолда, маънавий хавфсизлик субъектини қуйидагича таърифлаймиз:

**Маънавий хавфсизлик субъектлари** – маънавий хавфсизликни таъминлашга оид муносабатлар иштирокчиси бўлган шахслар, жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, давлат органлари ҳисобланади.

Мазкур субъектлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг амалга ошириш механизмлари ва мавжуд шарт-шароитлар **маънавий хавфсизликнинг предмети**ни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси маънавий хавфсизлигини таъминлашни қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим миллий манфаатларга зид бўлмаган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига риоя қилиш;

- маънавий салоҳият, миллий ўзликни англаш ва халқнинг маънавий қадриятларига таяниш;

- шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларини қонунлар асосида ҳимоялаш;

- шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларининг ўзаро бирлиги, боғлиқлиги ва мувозанатига риоя этиш ҳамда устуворлигини таъминлаш;

- маънавий хавфсизликни таъминлашда шахс, жамият ва давлат масъулиятига эришиш;

- миллий хавфсизликнинг бошқа соҳалари билан маънавий хавфсизлик уйғунлигини таъминлаш;

- маънавий хавфсизликни таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш.

Маънавий хавфсизлик ўзининг субъекти, объекти, предмети ва тизимига эга эканлиги унинг миллий хавфсизликнинг бошқа соҳаларидан фарқли жиҳатларини белгилаб беради.

**Маънавий хавфсизлик субъектлари** – маънавий хавфсизликни таъминлашга оид муносабатлар иштирокчиси бўлган шахслар, жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар, давлат органларидир.

**Субмаданият** (лот. атрофида, остида ва маданият) – ҳар бир ижтимоий гуруҳ ва авлодга хос бўлган, жамиятдаги ҳукмрон маданиятдан фарқланувчи маданият олами (масалан, ёшлар субмаданияти, миллий гуруҳлар, қариялар, жиноий гуруҳлар субмаданиятлари ва бошқалар). Субмаданият ҳукмрон маданиятдан тили, кийиниши, одатлар ва бошқа жиҳатлари билан фарқланади.

**Миллий ўз-ўзини англаш** – ҳар бир миллат (элат)нинг ўз-ўзини реал субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларнинг эгаси, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, кадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини англаб етиши.

Маънавиятни тиклаш ва ривожлантириш масалалари давлатнинг мустақиллиги билан бевосита боғлиқ. Профессор М.Имомназаров «... сиёсий мустақиллик бўлмаса, миллат аста-секин ўзлигини йўқотиб боради, иқтисодий мустақиллик бўлмаса, сиёсий мустақилликнинг замини мўрт бўлиб қолади. Аммо маънавий мустақиллик бўлмаса, миллатнинг ўзи бўлмайди», – деб таъкидлаб, республикамиз мустақиллигининг уч асосий жиҳатини кўрсатиб берган [Имомназаров, 1998; Б. 138]. Ҳақиқатан ҳам, республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишлари иқтисодий-сиёсий ва маънавий соҳаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда маънавий хавфсизлик объекти сифатида давлатдаги мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий соҳалардаги манфаатлар олинади. Бугунги кунда хавфсизлик назариясида мазкур соҳалар билан боғлиқ жараёнларни маданий\*, мафкуравий ва ахборот-психологик хавфсизлик сифатида тадқиқ қилиниб келинмоқда.

Маданий, мафкуравий ва ахборот-психологик хавфсизлик соҳалари ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиб, уларни тизимли равишда ўрганиш талаб этилади.

Маънавий хавфсизлик нафақат миллий хавфсизлик тизимининг бир элементи, балки ўз-ўзидан жамият ҳаёти фаолиятининг маданий, диний, мафкуравий ва бошқа соҳаларини қамраб оладиган жуда мураккаб тизимдир. Бундан ташқари, маънавий хавфсизлик тизими шартли равишда маънавий соҳага туташган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий соҳаларнинг ривожланиш тенденциялари билан боғлиқ жараёндир.

Бунда маънавий хавфсизликни давлатнинг барча давлат институтларининг нормал фаолиятини таъминлайдиган кўп қиррали ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

### **14.3. Маънавий соҳадаги ҳаётини муҳим миллий манфаатлар ва уларнинг таснифи**

Жамиятдаги маънавий тикланиш миллийлик ўзликнинг сифатий жиҳатлари билан узвий боғлиқ. Зеро, ўзликни англаш туфайли инсон ўтмишини хотирлайди, бугуни билан таққослайди, хулоса чиқаради ва шу асосда келажакка нигоҳ ташлайди.

Миллий хавфсизликка оид қонунчилигимизда ҳаётини муҳим миллий манфаатларнинг ташқи ва ички таҳдидлардан кафолатли ҳимояланганлик ҳолати Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигининг мазмунини ташкил этиб, унинг барқарор ривожланиш шартли сифатида белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, миллий хавфсизликнинг ҳар қандай соҳасидаги, жумладан, маънавий соҳадаги манфаатларни тўғри белгиланиши уларга йўналтирилган таҳдидларга қарши курашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон 1991 йилда мустақилликка эришганидан кейин давлат сиёсати миллий манфаатларимизни ҳимоя қилган ҳолда йўлга қўйилди. Авваламбор, бош қомусимиз бўлган

\* Маданий хавфсизлик – рус тилидаги адабиётларда «культурологическая безопасность» тушунчаси маъносига тўғри келади. В.Н. Ярочкиннинг «Хавфсизлик назарияси» номли ўқув қўлланмасида мазкур тушунчага тўхталиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (1992) «давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», деб белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда хавфсизлик назариясига оид манбаларда, «шахс манфаатлари», «жамият манфаатлари», «давлат манфаатлари», «миллий манфаатлар» каби тушунчалар ишлатилмоқда. Шунингдек, манфаатлар иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ахборот ва маънавий соҳаларга ажратилган ҳолда тадқиқ қилинмоқда.

Тадқиқотчи К.М.Ахмедовнинг таърифлашича, «миллий манфаатлар» ҳар бир миллатнинг ягона тарихий ва сиёсий жамоа сифатида ўзлигини сақлаб қолиш, миллий қадриятларни ва давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, жамият ва шахснинг мустаҳкам ривожини сиёсий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан таъминлаш борасидаги онгли мақсад ва талабларидан иборатдир [Ахмедов, 2001; Б. 42-43].

К.Ж.Мираъзамовнинг фикрига кўра, манфаат – ижтимоий ҳаёт давомида шаклланган зарурият сифатида ижтимоий эҳтиёжларни қондиришдир. Миллий манфаатлар чуқур ижтимоий-психологик воқелик бўлиб, миллат ҳаётининг ҳамма томонларига дахлдордир. Миллий манфаатлар миллатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий эҳтиёжлар тизимини ташкил этади [Мираъзамов, 1995; Б. 31].

Миллий манфаат – миллат, халқ ҳаётини белгилайдиган, унинг фаолиятини маълум мақсадларга йўналтирадиган ижтимоий муносабатлар, миллий эҳтиёжлар, тафаккур даражаси, маънавий салоҳият, руҳияти, анъана ва қадриятлари тизимидир [Фалсафа: қомусий луғат, 2004; Б. 268].


Демак, маънавий соҳадаги манфаатларни белгилашда миллий хавфсизлик объектлари (шахс, жамият ва давлат) ва уларнинг ҳаётий муҳим манфаатларига асосий эътиборни қаратиш лозим.

*Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар* – хавфсизлик субъектлари томонидан англаб етиладиган, тизимга солинадиган, тегишли сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйиладиган, маълум тарихий даврда давлатнинг мавжуд бўлиб қолиши, фаровонлиги ва тараққиётнинг зарур ҳамда ҳимоя қилиниши шарт бўлган шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларидир [Бобокулов, 2019; Б. 44].

Шу жиҳатдан қараганимизда, миллий хавфсизликка оид қонунчилигимизда белгиланган миллатнинг маданий-тарихий бирлик тариқасида ўзлигини сақлаб қолишини, миллий қадриятларни, маънавий ва моддий бойликларни ҳимоя қилинишини маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатлар сифатида кўрсатиш тўғри бўлади.

**Маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим миллий манфаатлар** – шахс, жамият ва давлатнинг мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий соҳалардаги манфаатлари йиғиндиси.

**Маънавий хавфсизлик концепцияси** – маънавий хавфсизлик соҳасидаги илмий асосланган қарашлар тизими бўлиб, маънавий хавфсизлик объектлари манфаатларининг ҳимоялашни амалий ечимини топишга қаратилган шарт-шароитлар ва уларнинг тартиби ҳисобланади.



**Ватанпарварлик** – Ватанининг озодлиги ва ободлиги, сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллиги ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, она халқининг ор-номуси, шон-шарафи, бахт саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини бахш этишдек дунёдаги энг муқаддас ва олижаноб фаолиятни амалга ошириш тушунча.

Маънавият тушунчаси кенг маънода жамият ҳаётидаги ғоявий, мафқуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қарашларни ўзида тўла акс эттиради [Қаримов, 2008; Б. 19-20]. Ушбу ёндашувга ва юқорида таҳлил этилган миллий манфаат тушунчалари таҳлили асосида маънавий соҳадаги манфаатларни қуйидагича таърифлаймиз:

**Маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим миллий манфаатлар** шахс, жамият ва давлатнинг мафқуравий, маърифий, маданий, диний, ахлоқий ва ахборот соҳалардаги манфаатлари йиғиндисидир.

Умуман олганда, маънавий соҳадаги манфаатлар турлича бўлиб, улардан энг муҳимларини ажратиб олиш, уларга ҳаётий муҳим миллий манфаатлар сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Маънавий таҳдидларга қарши курашда шахснинг маънавий соҳадаги манфаатларини тўғри аниқлаб олиш лозим. Чунки маънавий таҳдидлар орқали инсоннинг маънавиятига салбий таъсир кўрсатиш бевосита ва билвосита жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига путур етказиш билан характерланади.

Мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Фуқароларнинг тенглиги, миллий менталитетимизга ва диний қадриятларимизга ҳам жуда тўғри келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, виждон эркинлиги кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлигига оид қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда, **шахснинг маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатларига** қуйидагиларни киритиш мумкин:

- шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқи таъминланиши;
- шахснинг маънавий ва интеллектуал камол топишининг таъминланиши;
- шахснинг ўзлигини намоён этиши таъминланиши.

Жамиятнинг маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатларини белгилашда асосий эътиборни жамиятнинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозим.

**Жамиятнинг маънавий соҳадаги муҳим ҳаётий манфаатларига** қуйидагилар киради:

- миллий ўзликни англашнинг ўсиб боришини таъминланиши;

- жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий қадриятлари тикланиши ва ривожлантириб борилиши;

- жамиятнинг интеллектуал, маърифий ва маданий салоҳияти ривожлантирилиши;

- асрлар давомида шаклланиб келаётган миллий-маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ва бойитилиши;

- жамиятнинг асосий ижтимоий институти сифатида оилаларнинг ҳар тарафлама қўллаб-қувватланиши ва бошқалар.

**Давлатнинг маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатлари** сифатида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

- халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг самарали тизими яратилганлиги;

- маданий-тарихий меросни сақлаб қолиш ва бойитишнинг самарали тизими яратилиши;

- мафқуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий соҳаларнинг ривожлантирилиши;

- миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик таъминланиши;

- жамиятни турли бузғунчи, экстремистик руҳдаги тузилмаларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиниши.

Юқорида кўриб ўтилган маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим манфаатлар фақатгина ўзбек миллатининг манфаатлари бўлмай, республикамизда яшаётган барча миллат вакилларининг ҳам манфаатларини ўзида ифодалайди.

Маънавий соҳадаги ҳаётий муҳим миллий манфаатлар, ўз навбатида, давлатнинг асосий ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида мустаҳкамланган бўлиши лозим. Мазкур ҳужжатлар маънавий соҳадаги давлат стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу бўйича ислохотларни амалга оширишга асос бўлиб хизмат қилади.


#### **14.4. Маънавий хавфсизликка қаратилган ташқи ва ички таҳдидлар**

Маънавий хавфсизликни таъминлаш учун глобаллашув жараёнлари натижасида кучайиб бораётган «маънавий таҳдид»лар категориясининг мазмун ва моҳиятини аниқлаш керак. Ушбу тушунчанинг мазмун ва моҳиятини ёритишга нисбатан турлича ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири бир-биридан фарқ қилади.


Маънавий таҳдид тушунчасига берилган таъриф ва тавсифлар ичида «Юксак маънавият – энгилмас куч» (И.Каримов) номли китобда келтирилган фикрлар муҳим аҳамият касб этади. Унда маънавий таҳдиднинг ўзига хос жиҳатлари сифатида қуйидагилар қайд қилинган:

- инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафқуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари;

- аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган хуружлар;



Таҳдид доимо маълум бир манзилга йўналтирилганлиги, унинг субъекти (таҳдид манбаси) ва объектининг мавжудлиги, субъект фаолиятининг объектга йўналтирилганлиги билан намоён бўлади. Хавф тахминий характердалиги билан таҳдиддан фарқланиб, унинг субъекти ва объектини аниқ кўрсатиб (ифодалаб) бўлмайди.



**Космополитизм** – «жаҳон фуқаролиги» деб аталган ғояни тарғиб қилувчи мафкура. Космополитизм миллий анъана ва маданиятдан, ватанпарварликдан воз кечишга – беватанликка даъват этади.

- миллий ва диний томирларимизга болта уришни, улардан бизни бутунлай узиб ташлашдек ёвуз мақсадларни кўзлаган мафкуравий хуружлар;
- миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарлар;
- бегона мафкура ва дунёқарашни аввало ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилган хатарлар;
- мамлакат хавфсизлиги ва миллий манфаатларига таҳдид соладиган ҳамда жамиятни инқирозга олиб келувчи хавф-хатарлар [Каримов, 2008; Б. 176].

Бу таърифларнинг эътиборли жиҳати шундаки, маънавий таҳдид инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва ахборот хуружлари тарзида баҳоланиб, объекти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллари аниқ белгиланган.

Кейинги йилларда чоп этилган қатор илмий тадқиқотларда халқаро терроризм, сепаратизм, коррупция, ОИТС касаллиги, порахўрлик, иқтисодий жиноятлар, иқтисодий экспансиялар, наркобизнес, рангли инқилоблар, одам ва қурол савдоси каби таҳдидларга маънавий таҳдидлар сифатида қаралмоқда.

Фикримизча, маънавий таҳдидларни белгилашда кўплаб ижтимоий ёки иқтисодий масалаларни таҳдид сифатида киритилиши маънавий таҳдидлар объектининг кенгайишига ва унинг чегарасини емирилишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида маънавий таҳдидларни мониторинг қилиш, таҳдидлар даражасини аниқлаш ва уларга қарши кураш самарадорлигини пасайтиради.

Таҳдид билан боғлиқ тушунчалар моҳиятини англаш, аввало, хавфсизлик назариясидаги «хавф» ва «таҳдид» тушунчаларининг фарқли томонларига эътибор қаратишни тақозо этади.

*Биринчидан*, хавф – маълум бир зарар етказиш, яъни хавфсизлик объекти структураси ёки бошқа хусусиятларини ўзгартириш орқали унинг чидамлилиги ва рақобатбардошлилиги салоҳиятини камайтириш эҳтимоли мавжуд [Бобокулов, 2019; Б. 50].

Булардан ташқари, хавф бирор-бир сиёсат субъектининг имкониятлари бўлиши мумкин, лекин у ҳали ўз мақсадлари йўлида куч ишлатишга ёки қўрқинч солишга тайёр бўлмаган ҳолатдир. Таҳдид эса зарар келтиришга тайёрлик даражаси билан хавфдан фарқ қилади. Таҳдид – бирор-бир субъектнинг бошқа бир аниқ объектга ўз мақсадларига эришиш учун куч ишлатишга тайёрлиги, қарама-қаршилиги кучайишининг энг охириги босқичи ҳисобланади.

*Иккинчидан*, таҳдид доимо маълум бир манзилга йўналтирилганлиги, унинг субъекти (таҳдид манбаси) ва объектининг мавжудлиги, субъект фаолиятининг объектга йўналтирилганлиги билан намоён бўлади. Хавф тахминий характердалиги билан таҳдиддан фарқланиб, унинг субъекти ва объектини аниқ кўрсатиб (ифодалаб) бўлмади.

## Хавфсизлик асослари

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, «маънавий таҳдид» тушунчасини таърифлашда унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратиш лозим:

*биринчидан*, маънавий таҳдид инсонларнинг руҳиятига турли йўллар билан таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаради, турмуш тарзини, урф-одатларини, эътиқодини ўзгаришига сабаб бўлади. Шунингдек, кишилар онгида ёт ғояларнинг, ўзга маданият ёки эътиқоднинг шаклланишига олиб келади;

*иккинчидан*, моддий ва маънавий мероснинг йўқ бўлиб кетиши ҳамда маънавий қадриятларнинг қадрсизланиши оқибатида жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларига путур етказилади;

*учинчидан*, кишилар онгида ёт ғоялар, бошқа бир маданиятнинг шаклланиши, маънавий қадрият ҳисобланган диний бағрикенглик ғояларига нисбатан эътиборсизлик давлатда турли кўринишдаги миллатлараро ва конфессиялараро беқарорликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Миллий хавфсизликнинг объектлари ва маънавий таҳдидларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда, маънавий таҳдид тушунчасини қуйидагича таърифлаш мақсадга мувофиқ: **Маънавий таҳдид** – инсонларнинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаришга, жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларига путур етказишга, давлатда миллатлараро ва конфессиялараро конфликтларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омил.

Ушбу таърифда миллий хавфсизликнинг объектлари бўлган шахс, жамият ва давлат ўз аксини топган. Чунки маънавий таҳдидлар айнан шахс, жамият ва давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига қаратилган бўлади.

### **Маънавий соҳадаги ташқи таҳдидлар**

Хавфсизлик назариясида таҳдидларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб улар ташқи ва ички таҳдидларга бўлинади. Ташқи таҳдид деганда юзага келиш манбаи давлат ташқарисида бўлса-да, ҳаётий муҳим миллий манфаатларга бевосита салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ва омиллар мажмуаси тушунилади.

Маънавий соҳага оид тадқиқотлар олиб борган олимлар, аввало, ушбу соҳага қаратилган ташқи таҳдидлар сифатида миллий ва маънавий қадриятлар қадрсизланишини глобаллашув жараёнлари билан боғлайдилар. Глобаллашув ғарбнинг ахлоқ нормаларини миллий менталитетимизни ўзгартиришга қаратилганлиги билан катта таҳдиддир.

Шунингдек, мафкуравий, маърифий, маданий, диний, ахлоқий, ахборот ва психологик соҳаларга давлат ташқарисидан туриб ўтказиладиган салбий таъсирларни маънавий соҳадаги ташқи таҳдидлар сифатида баҳолаш мумкин.



**Маънавий таҳдид** – бу инсонларнинг руҳий дунёсига таъсир кўрсатиб, уни издан чиқаришга, жамиятнинг маънавий-ахлоқий илдизларига путур етказишга, давлатда миллатлараро ва конфессиялараро конфликтларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи омиллардир.

### Статистика:

1970-1980 йилларда деярли дунёнинг ярмида миллий-этник сиёсий курашлар бўлиб ўтган. Ана шу 120 та курулган тўқнашувлардан 98 таси – 82% миллий-этник хусусиятга эга эди. Миллатлараро беқарорликлар, этник урушлар натижасида Курдистон (Туркия) – 26 минг, Шри-Ланка – 35 минг, Сьерра-Леоне (Ғарбий Африка) – 100 минг, Филиппин (Минданао ороли) – 120 минг, Либерия (Африка) – 150 минг, Босния ва Герцеговина – 200 минг, Сомали – 350 минг, Ангола – 500 минг, Судан ва Афғонистонда – 1 млн. дан ортиқ, 1994 йилда Руандада тутси ва хутулар ўртасидаги урушда 3 ой ичида аҳолисининг 9/1 қисми, яъни 1 млн. атрофида одам ҳалок бўлган. МДҲ давлатларидан Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Чеченистон, Грузия, Шимолий Осетия ва Ингушетияда содир этилган миллий-этник келишмовчиликларда тинч аҳолининг сезиларли қисми қурбон бўлган.

Маънавий соҳадаги ташқи таҳдидларни шахс, жамият ва давлатга қаратилган таҳдидлар сифатида ажратсак, уларни янада аниқ тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз.

Ўзбекистон Республикасининг маънавий хавфсизлигига қаратилган таҳдидларни қуйидагича таснифлашни лозим кўрдик:

#### Шахснинг маънавий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ташқи таҳдидлар:

- «оммавий маданият» намуналари таъсирида шахснинг ўз маънавий қиёфасини бошқа оммавий-маданий қиёфага ўзгартиришга уриниши;
- шахснинг диний мутаассибликка берилишига ва диний эътиқодини ўзгартиришга йўналтирилган турли бузғунчи диний ғоялар таъсирининг тобора ортиб бориши.

#### Жамиятнинг маънавий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ташқи таҳдидлар:

- хорижий ОАВ ва Интернет тармоғи орқали миллий-маънавий қадриятларимизга зид бўлган «оммавий маданият» намуналари тарғиб қилиниши ҳамда уларга хос андозаларнинг жамият ҳаётига сингиб бораётганлиги;
- жамиятнинг маънавий асослари ва миллатлараро тотувликни емиришга мақсадли қаратилган махсус фаолиятлар;
- жамиятдаги мавжуд анъанавий диний қадриятлар ва эътиқодга зид келувчи ноанъанавий диний қарашлар ва эътиқоднинг тарғиб қилиниши;
- жамиятдаги диний асослар ва конфессиялараро тотувликни емириш мақсадидаги махсус фаолиятлар.

#### Давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ташқи таҳдидлар:

- Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўсига путур етказиш мақсадида хорижий мафкуравий марказлар томонидан ўзбек халқининг тарихи, маънавий ва маданий қадриятларини бузиб кўрсатувчи, ўз манфаатига мослаб бир ёқламалик билан тайёрланган маълумотларнинг тарқатилиши;
- Ўзбекистон Республикасига қарши қаратилган хорижий давлатларнинг ташкилотлари ва экстремистик йўналишдаги бирлашмаларнинг мафкуравий кўпуровчилик фаолияти;
- Марказий Осиёда, жумладан, мамлакатимизда, айниқса, ёшлар ўртасида диний экстремизм ва турли бузғунчи ғояларнинг тарғиб қилиниши.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси маънавий хавфсизлигига қаратилган **ташқи таҳдид**ларни келтириб чиқарувчи **манбаларга**:

- Интернет глобал тармоғида маънавий қадриятларимизга зид бўлган ахборотлар;
- хорижий давлатлар махсус хизматлари, клерикал ва мафкуравий марказлар, миссионерлик ва прозелитизмни тарғиб қилувчи халқаро ва хорижий ташкилотлар;
- хорижий давлатларда жойлашган ислом ниқобидаги диний-экстремистик йўналишдаги ташкилотлар ва диний радикал оқимларнинг фаолиятини киритиш мумкин.

### **Маънавий соҳадаги ички таҳдидлар**

Ўзбекистон Республикаси маънавий хавфсизлигига қаратилган ички таҳдидларни қуйидагича таснифлаймиз:

#### **Шахнинг маънавий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ички таҳдидлар:**

- ОАВ орқали омма онгини манипуляция қилишга қаратилган ҳаракатлар;
- фуқаролардаги маънавий нигилизм;
- ёш авлоднинг маънавий тарбиясига тузатиб бўлмас даражада зарар келтириш мақсадида ахлоқсизлик, зўравонлик ва гиёҳвандликнинг тарғиб қилиниши;
- шахсларда диний қадриятлар тизимининг ўзгартириш мақсадида ислом ниқобидаги диний-экстремистик ташкилотлар ва ноисломий оқимлар томонидан уларни ўз тарафига оғдирилиши.

#### **Жамиятнинг маънавий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ички таҳдидлар:**

- Ўзбекистон халқининг маънавий-ахлоқий, маданий қадриятлари ва турмуш тарзини емириш;
- миллатнинг этник-маданий ва тарихий илдизларидан ажралиб қолиш хавфи кучайиши;
- фуқароларни бирлаштирадиган ва эргаштирадиган миллий мафқурани жамиятга сингдириш механизмнинг номукамаллиги;
- республикада диний экстремизм ғоялари таъсирининг тобора ортиб бориши.


#### **Давлатнинг маънавий соҳадаги манфаатларига йўналтирилган ички таҳдидлар:**

- маънавий-маданий қадриятларни бойитиш ва сақлаб қолиш тизимининг издан чиқиши;
  - ижтимоий онгни бузғунчи ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилувчи давлат тизимининг мукамал эмаслиги;
  - маънавий хавфсизликни таъминлаш механизми ва унинг ҳуқуқий асосларининг замонавий талабларга жавоб бермаслиги;
  - диний секталар ва ноисломий диний оқимларнинг миссионерлик фаолиятлари ҳамда улар таъсирида прозелитлар сонининг ортиши;
  - ислом ниқобидаги диний-экстремистик ташкилот ва оқимларнинг ғайриқонуний фаолияти ва улар таъсирида диний мутаассибликка берилган кишилар сонининг кўпайиши.
- Мазкур таҳдидларни келтириб чиқарувчи **ички манбалар** мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:
- ОАВларида тарғиб этилаётган хорижий кино-видео маҳсулотлари ғояларининг жозибадорлиги ва устунлиги;
  - мамлакатимиз ҳудудида миссионерлик ва прозелитизмни тарғиб қилувчи тузилмалар ва фуқароларнинг мавжудлиги;
  - мамлакатимизда яширин равишда фаолият олиб бораётган диний-экстремистик йўналишдаги ташкилотлар ва радикал оқимлар;



#### **Диний мутаассиблик**

– ўз диний қарашларини мутлақ ҳақиқат сифатида эътироф этган ҳолда бошқа диний эътиқодларга мурасиз муносабатда бўлиш. Мутаассибликка берилган одамлар ва уларнинг гуруҳлари тарқатаётган ғоялари ва амалий фаолияти жамиятдаги ижтимоий барқарорликка таҳдид ҳисобланади. Ислом дини мутаассибликни қоралайди. Теран ўйлашга, бошқаларга нисбатан мурасали бўлишга чақиради.



#### Хавфсизлик асослари

- миллий маънавиятни сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш борасидаги ислохотлар самарасининг пастлиги;
- миллий маданиятни ва маънавий қадриятларни йўқ қилишга, жамиятдаги ахборот борлигини ёт дунёқараш билан тўлдиришга қаратилган фаолият олиб бораётган фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг мавжудлиги.

Бугунги кунда миллий хавфсизликни таъминлашда маънавий омилнинг ўрни юксак эканлиги, маънавий таҳдидларга қарши кураш долзарб вазифалардан бирига айланганлиги сабабли, хавфсизлик назариясида маънавий хавфсизликни алоҳида соҳа сифатида тадқиқ этишга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Маънавий хавфсизлик соҳаси миллатнинг маънавий юксалиши, миллий ўзликни англаш, маънавий-маданий қадриятларни сақлаб қолиш, уларни таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан боғлиқ жиҳатларни ўзига қамраб олади. Агар жамиятдаги бирор илмий муаммога нисбатан тегишли билимлар тўпланиши, ишланиши, таҳлил ва муҳокама этилишини назарда тутсак, Ўзбекистонда маънавий хавфсизлик соҳаси ҳозирги кунда жиддий таҳлилий босқичда эканлигини қайд этиш керак.

Маънавий таҳдидлар инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаришга йўналтирилганлиги билан бошқа таҳдидлардан фарқланади. Маънавий хавфсизликнинг субъекти ва объекти, предмети, мақсади, вазифалари, йўналишлари ҳамда уни тартибга солувчи сиёсий-ҳуқуқий нормаларнинг мавжудлиги уни миллий хавфсизликнинг соҳаси сифатида белгиловчи жиҳатлардир. Мамлакатимизда маънавий хавфсизлик соҳасини тадқиқ қилишга кейинги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда махсус тадқиқотлар олиб борилмаганлиги эса, мазкур соҳани чуқур таҳлил қилиш, шахс, жамият ва давлатнинг маънавий хавфсизлигига қаратилган хавф ва таҳдидларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, уларга қарши курашнинг метод ва механизмларини такомиллаштиришни талаб қилади.



#### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. «Маънавий хавфсизлик» тушунчасига изоҳ беринг.
2. Шахс, жамият ва давлатнинг маънавий хавфсизлиги деганда нимани тушунасиз?
3. Маънавий хавфсизлик субъектлари борасида ўз фикрингизни баён қилинг.
4. Маънавий соҳадаги манфаатларга йўналтирилган қандай ички ва ташқи таҳдидлар мавжуд?
5. Маънавий хавфсизликнинг таъминлаш тизими нима?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ахмедов К.М. «Миллий манфаатлар» категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётида акс этиши: Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 2001. – 156 б.

2. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: СТИБОМ, 2019. – 115 б.

3. Верещагина А.В., Самыгин С.И., Шевченко О.М. Система комплексной безопасности современного общества и основные аспекты национальной безопасности России в условиях новых вызовов и угроз. – М.: Русайнс, 2016. – 152 с.

4. Возьмитель А.А. Духовная безопасность: социологический анализ // Мир России. – М., 2006. № 2. – С. 147-159.

5. Здравомыслов А.Г. Потребности. Интересы. Ценности. – М.: Политиздат 1986. – 223 с.

6. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.: Шарқ, 1998. – 240 б.

7. Исломов И.Н. Маънавий хавфсизлик (монография) // Т.: «Complex Print», 2023. – 188 б.

8. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 393 б.

9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.

10. Мираъзамов К.Ж. Миллий маданий манфаатлар ва миллий манфаатларнинг ривожланиши: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1995 – 143 б.

11. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий хавфсизлик. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 456 б.

12. Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.

13. Эшмурадов А.Т. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш технологиялари: Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2020.– 53 б.



Мамлакат бўйлаб ўтказилган текширувлар натижасида 14 та музейдан 3000 дан ортиқ ноёб маданий бойликлар ўғирланганлиги, Бухоро Давлат музейида умумий қиймати 31,5 млрд сўм бўлган 81 та санъат асари, Хивадаги «Ичан-қалъа» давлат музей фондида 101 та музей ашёси сохталаштирилганлиги аниқланган. Умуман олганда, 30 йил давомида маданий мерос объектларига етказилган зарар 4 трилион сўмдан ортиқ деб баҳоланмоқда.

## 15-МАВЗУ. ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ



Ўзбекистон  
Республикаси Экология,  
атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш ва  
иқлим ўзгариши  
вазирлиги

**Глобал экотизим** – яхлит бир бутунлик бўлиб, унинг ичида ҳеч нарса ютиб ёки йўқотиб бўлмайди. Табиатдан инсон меҳнати билан олинган ҳамма нарса қайтарилиши керак. Бошқача қилиб айтганда, «ҳеч нарса текинга келмайди, ҳамма нарсанинг тўлови бор, бу тўлов фақат кечиктирилиши мумкин».

**Резюме.** Мазкур мавзуда миллий хавфсизликнинг алоҳида соҳаси сифатида тадқиқ қилинаётган экологик хавфсизлик моҳияти очиб берилган. Унда ҳозирги кунда инсоният дуч келаётган экологик муаммолар, глобал экотизимнинг ўзгариб бориши натижасида юзага келиши мумкин бўлган экологик таҳдидлар келтирилган.

**Таянч сўзлар:** экология, экотизим, экологик хавфсизлик, экологик хавфсизликни таъминлаш тизими, экологик таҳдидлар, глобал экотизим, глобал экологик муаммолар, иқлим ўзгариши, Орол фожиаси.

### 15.1. Экологик хавфсизлик тушунчаси

Мисли кўрилмаган иқлим ўзгаришлари кузатилаётган замонамизда «экологик хавфсизлик» сўз бирикмаси ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ишлатилиб, илмий ва сиёсий дискурснинг асосий мавзуларидан бирига айланди. Табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларда мувозанатнинг бузилиши оқибатида келажак авлод учун экологик муаммолар кўринишидаги жиддий таҳдидлар юзага келди ва улар кун сайин ўз жиддийлигини орттириб бормоқда. Дунё аҳолисининг жадал ортиб бориши ва шунга ҳамоҳанг тарзда миллий иқтисодиётларнинг кенгайиши фонида иқлимнинг ўзгариш жараёни тезлашиб, табиат ресурсларининг тугаб бораётгани экологик хавфсизликни таъминлаш заруратини куннинг энг муҳим масаласига айлантирди. Мазкур вазифани бажаришда эса экологик хавфсизликнинг келиб чиқиши, мазмун-моҳияти, қирралари, назарий асослари ва амалий жиҳатларини тўғри англаш муҳим аҳамият касб этади. Экологик хавфсизлик тушунчаси муомалада ҳар хил қўлланилиши мумкин. Асосан «атроф-муҳит хавфсизлиги» (environmental security) деб юритиладиган ушбу тушунча МДҲ маконида «ўз номи билан» ишлатилади.

Экологик хавфсизлик тушунчаси фанга 1960 йилларда кириб келган. Шу сабабли мазкур масала 1960 йилдан олдинги ва кейинги катта даврларга бўлиб ўрганилади. Бундай бўлинишнинг асосий сабаблари сифатида 1960-1971 йилларда содир бўлган воқеалар келтирилади. Ушбу даврнинг энг ёрқин воқелиги 1962 йилда америкалик биолог Рейчел Карсон томонидан «Сокин баҳор» китобининг нашр этилиши бўлган. Ўз даврининг дурдонаси деб эътироф этиладиган ушбу китоб илмий тавсифга эга бўлса-да, миллионлаб оддий одамларни

## Хавфсизлик асослари

кимёвий пестицидларнинг барча табиий тизимлар, шу жумладан, одамлар, ҳайвонлар ва озиқ-овқат таъминоти учун нақадар катта хавфларни келтириб чиқараётгани ҳақида воқиф этди. Муаллифнинг қайд этишича, қишлоқ хўжалигида кимёвий пестицидлар, ДДТдан палапартиш фойдаланишнинг бирламчи оқибатлари инсонларда саратон касаллигини ортиб кетиши ва қушларнинг қирилиб кетишида кўринади. Китоб жамоатчиликка шу даражада таъсир қилдики, 1972 йилда АҚШ ҳукумати кимё саноатининг кучли лоббистик қаршилигига қарамай, ДДТдан фойдаланишга тақиқ жорий этди.

Экологик хавфсизликнинг сиёсий дискурсга кўтарилиши 8-10 йилни олган бўлиб, бу вақтда ривожланган дунёдаги илмий мунозаралар ва жамоатчилик фикри асосан экологик муаммоларни тадқиқ этиш ва муҳокама қилиш билан банд эди. Олдинлари назардан четда қолган экологик муаммолар кучли эътибор жалб қила бошлаб, экология билан боғлиқ ҳар бир янгилик резонанс ярата оларди. Мисол учун, 1969 йилда Жанубий Калифорния штатининг (АҚШ) Санта-Барбара шаҳри соҳили яқинида океан тубидан нефть қазиб олиш жараёнида авария содир бўлди ва нефть 11 кун давомида (28 январь-7 февраль) очик денгизга оқди. Саноксиз балиқлар ва қушлар ҳалок бўлди. Ушбу воқеа жаҳон миқёсида экологик ҳаракатларни юзага келтирди.

Экологик фаоллар томонидан 1969 йилда «Ер дўстлари» ва 1971 йилда «Яшил тинчлик» халқаро ноҳукумат ташкилотлари тузилди. АҚШда 1970 йилда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлиги ташкил этилиб, «Тоза ҳаво» (1970) ва «Тоза сув» (1972) қонунлари қабул қилинди. 1972 йилда Стокгольм шаҳрида БМТ томонидан илк маротаба Инсон атроф-муҳити конференцияси ўтказилиб, экологиянинг глобал муаммо экани қайд қилинди ва ҳозирда энг нуфузли халқаро экологик ташкилотлардан бири – БМТ Атроф-муҳит дастури таъсис этилди.


1980-1990 йиллар экологик хавфсизликнинг концептуал асослари шаклланиши даври бўлди. Сиёсатчилар ва тадқиқотчилар экологик хавфсизликнинг турли конфликт ва нотинчликка сабаб бўлишини уқтира бошладилар. Ўша вақтларда шаклланган жамоатчилик фикри ресурслар тақчиллигининг асосий экологик муаммо экани устига қурилган эди. 1983 йилда АҚШлик сиёсатшунос Ричард Ульман ўзининг «Хавфсизликни қайта англаш» номли мақоласини эълон қилгач, экологик хавфсизлик хавфсизлик тадқиқотларининг мустақил соҳасига айланди.

Бу даврнинг яна бир муҳим воқелиги эса 1987 йилда БМТ томонидан «Умумий келажагимиз» номли ҳисоботнинг нашр этилиши бўлди. Ҳисоботда биринчи марта иқтисодий ўсиш ва



### ДДТ –

дихлордифенилтрихлорэ  
тан ёки инсектицид,  
пахта, соя ва ерёнгоқ  
ўсимликларини  
ҳашаротлардан ҳимоя  
қилиш учун  
қўлланиладиган кимёвий  
восита. Чигирткаларга  
қарши курашда ҳам ўта  
самара беради. Инсон ва  
ҳайвонлар организмда  
йиғилиб бориши сабабли  
ҳозирда дунёнинг  
аксарият  
мамлакатларида  
тақиқланган.



**БМТнинг 1992 йилги  
Рио-де-Жанейро  
конференцияси**

**Экологик хавфсизлик** – табиий муҳит ва инсоннинг ҳаётий муҳим манфаатларининг хўжалик ва бошқа фаолият, табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулудда вазиятлар ва уларнинг оқибатларининг эҳтимолий салбий таъсиридан ҳимояланганлик ҳолати.

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш биргаликда олиб борилиши лозимлигини назарда тутувчи «барқарор ривожланиш» тушунчаси ишлатилди. Шунингдек, экологик муаммоларнинг умумбашарий ва доимий равишда сиёсий кун тартибдан ўрин олиши кераклиги кўрсатиб ўтилди. Мазкур ҳужжат 1992 йилда Рио-де-Жанейрода Ер саммитининг ўтказилиши ва Рио декларациясининг қабул қилинишида пойдевор бўлиб хизмат қилди. 1997 йилда Рио декларацияси асосида Киото протоколи қабул қилинди ва ис гази эмиссиясини қисқартириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди. Бироқ асосий эмиссар ҳисобланган катта давлатлар ушбу протоколни ратификация қилишдан бош тортди.

Шуниси эътиборлики, экологик хавфсизлик масалалари 2000 йилларгача хавфсизлик тадқиқотлари доирасида ҳарбий конфликтлар, геосиёсий зиддиятлар, анъанавий ва ноанъанавий таҳдидлар контекстида кўрилган бўлса, 2010 йилларга келиб унинг ўзи тўлақонли контекст ярата олди. Эндиликда экологик хавфсизликдан кўра «иқлим ўзгариши» марказий мавзуга айланди. Олимлар ва сиёсатчилар экологик хавфсизликни таъминлаш деганда иқлим ўзгаришлари, жумладан, глобал исишни секинлаштиришни назарда тута бошладилар. Хусусан, Киото протоколи ўрнига 2015 йилда Париж келишуви қабул қилиниб, узоқ муддатли иқлимий мақсадлар ва давлатлар олдидаги вазифалар белгилаб олинди. Ратификация қилишга қўйилган минимал чегарага эришилди.

2010 йиллардан кейин бошланган замонавий даврни мажозий маънода бўлса-да, хавфсизлик тадқиқотларида «экологик хавфсизлик» даври деб номлаш мумкин. Чунки жамият ҳаётининг ҳар қадамида: ишлаб чиқаришда, молияда, сиёсий қарорлар қабул қилишда, халқаро муносабатларда «барқарор ривожланиш», «яшил», «экологик», «экологияга дўст» каби сўз ва жумлалар риторика воситасига айланди.

Экологик хавфсизликка берилган таърифлар турли хил эдики, уларни тизимлаштириш ёки таснифлаш ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқаради. Таърифлар мазмунан гоҳ ўта яқин бўлиб кўринса, гоҳ умуман бир-бирига ўхшамаслиги ҳам мумкин. Шундай бўлса-да, хавфсизлик тадқиқотларига хос бўлган анъанавий икки саволни бериш орқали экологик хавфсизликка таърифларни муайян даражада тартибли ҳолда тушуниш мумкин. Ушбу ўринда икки хил савол қўйиш мумкин. Биринчи савол «Экологик хавфсизликдан ким манфаатдор?» бўлиб, у таърифлар марказига қўйилган субъектни аниқлаш ва шу асосда тасниф келтиришга ёрдам беради. Иккинчи савол эса «Хавфсизлик деганда нима назарда тутилмоқда?» қабилда сўралади ва таъриф муаллифларининг хавфсизлик ҳолати бўйича тасавурлари аниқланади. Қуйида мазкур саволлар алоҳида кўриб чиқилади.

Экологик хавфсизликдан ким манфаатдор эканлигини аниқлаш кўпроқ экологик ахлоқ масаласи ҳисобланади. Унга кўра, экологик хавфсизликнинг ахлоқий асосларини 3 катта йўналишга ажратиш мумкин: табиатга, эклектик ва инсонга йўналтирилган. Улар орасида асосий манфаатдор сифатида инсонни кўрадиган таърифлар сон жиҳатдан анча кўпроқни ташкил этади.

Инсонга йўналтирилган таърифларда экологик хавфсизликка талаб инсоннинг хавфсизликка бўлган эҳтиёжларидан бири сифатида кўрилади. Бу ёндашувнинг келиб чиқишини Маслоу назарияси орқали ҳам изоҳлаш мумкин: эҳтиёжлар пирамидасида хавфсизлик иккинчи базавий эҳтиёж этиб кўрсатилади. Хусусан, қатор олимларнинг фикрича, экологик хавфсизлик экологик ресурслар таклифининг инсоннинг хавфсизликка бўлган эҳтиёжларини қондира олиш даражаси билан боғлиқ масаладир. Янада кенгроқ таърифга кўра, экологик хавфсизлик – экотизимнинг таркиби, фаолият юритиши ва ундаги экологик жараёнлар таҳдид остида бўлмаган, шунингдек, экотизим ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланиши учун етарли даражада хизмат кўрсата оладиган ҳолат. Бу таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, инсонга йўналтирилган таърифларда манфаатдор сифатида нафақат инсон, балки жамият ҳам тушунилади.

Халқаро ташкилотлар ҳам экологик хавфсизликка айнан шу йўсинда таъриф беради. Мисол учун, БМТ Атроф-муҳит дастури таклиф этган таърифга кўра, экологик хавфсизлик организмнинг ҳаёти, ривожланиши ва сақланиб қолишига таъсир кўрсатувчи ташқи шароитларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидир.

Табиатга йўналтирилган таърифларда табиат яхлит бир тизим сифатида кўрилади ва асосий манфаатдор эканлиги қайд этилади. Агар экология организм ва атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганувчи фан бўлса, экологик хавфсизлик микродаражада организмлар ўртасидаги, макродаражада эса организмлар ва уларнинг экотизимлари орасидаги оптимал муносабатларни таъминлаш билан шуғулланади. Табиатга йўналтирилган таърифларда ҳайвонот дунёси ва ўсимликлар оламининг хавфсизлиги марказий ўринга қўйилади. Янада соддароқ айтганда, «атроф-муҳит хавфсизлиги»нинг ягона манфаатдори атроф-муҳитнинг ўзи бўлади. Масалан, Б.Бузан берган таърифга кўра, экологик хавфсизлик маҳаллий ва сайёравий биосферани сақлаб қолиш масалаларини ўрганувчи хавфсизлик фанлари тармоғидир.

Фалсафий нуқтаи назардан табиатга йўналтирилган ёндашув ҳайвонларнинг ҳуқуқлари, табиатнинг мавжудлик меъёри, инсоннинг табиат олдидаги мажбуриятлари каби саволларни ҳам ўртага ташлайди. Жумладан, Ж.Барнетт томонидан таклиф этилган таърифга кўра, экологик хавфсизлик биосферанинг функционал яхлитлигига антропоген таҳдидларни фаол минималлаштириш жараёни сифатида кўрилади.

**Экологик хавфсизлик** - инсонга ва атроф-муҳитга хавф-хатар солмайдиган, зарар етказмайдиган экологик мувозанатни таъминлашга қаратилган жараёнлар, ҳолатлар, ҳаракатлар мажмуи, шунингдек, шахс, жамият, табиат, давлат ва бутун инсониятнинг муҳим ҳаётий манфаатларини атроф-муҳитга антропоген ёки табиий равишда таъсир ўтказиш орқали солинадиган реал ёки потенциал хавф-хатарлардан ҳимоя қилувчи жараён.

**Экологик хавфсизлик** – экотизимнинг таркиби, фаолият юритиши ва ундаги экологик жараёнлар таҳдид остида бўлмаган, шунингдек, экотизим ижтимоий-иқтисодий тизимнинг ривожланиши учун етарли даражада хизмат кўрсата оладиган ҳолат.

Экологик хавфсизликни баҳолашнинг асосий тамойилларидан бири аҳолининг яшаш даражаси ва унинг саломатлигидир.

Эклектик таърифлар юқоридаги икки ёндашувни ўзида бирлаштиради ва манфаатдор сифатида ҳам инсон, ҳам табиатни кўради. Бунга энг ёрқин мисол Экологик хавфсизлик тўғрисидаги умумий техник регламент (Ўзбекистон)да келтирилган таърифдир: экологик хавфсизлик – табиий муҳит ва инсоннинг ҳаётий муҳим манфаатларининг хўжалик ва бошқа фаолият, табиий ҳамда техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибатларининг эҳтимолий салбий таъсиридан ҳимояланганлик ҳолати. Яна бир олим А. Шмаль ҳам экологик хавфсизликни таърифлашда эклектик ёндашувдан фойдаланади: экологик хавфсизлик – экологик хавфни ўзида ифода этувчи табиий ва антропоген омиллар салбий таъсирининг атроф-муҳит ва инсоннинг ўзи учун йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси, дейди у.

Умуман олганда, экологик хавфсизликнинг манфаатдори ким ёки нима бўлишидан қатъи назар, барча таърифлар ҳам инсонни, ҳам табиатни у ёки бу даражада марказга қўяди. Чунки экологиянинг ўзи тирик организмлар ва уларни ўраб турувчи табиий муҳит ўртасидаги муносабатларни ўзида мужассам этар экан, назарий жиҳатдан бирор таъриф ушбу боғлиқликсиз берилмайди.

Хавфсизлик тадқиқотларида хавфсизлик асосан ҳолат, шароит, баъзи ҳолларда чора-тадбирлар мажмуи сифатида кўрилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналиш ҳосил қилган бўлиб, ўз ичига sanoқсиз таърифларни олиши мумкин. Масалан, «ҳолат» гуруҳига кирувчи таърифларда хавфсизлик «хавф ва таҳдидларнинг йўқлиги ҳолати», «манфаатларнинг ҳимояланганлик ҳолати», «ривожланиш учун барча имкониятларнинг яратилганлик ҳолати» каби шаклларда ифода этилади. Экологик хавфсизликка берилган таърифлар бир вақтнинг ўзида ҳам шу тенденцияга бўйсунди, ҳам ўзининг аниқлиги билан бошқа хавфсизлик соҳаларидан фарқланиб туради.

Мазкур фарқланишни хавфсизлик меъёри билан боғлаб тушунтириш мумкин. Сиёсий дискурсдаги «қизил чизиқ», таҳлилий тадқиқотлардаги «чегаравий қиймат» тушунчаларига яқин келувчи ушбу меъёрни муаллифларнинг экологик хавфсизликка таърифларида аниқ кўради. Минг йиллик экотизим баҳоларида (БМТ) экологик хавфсизликка «... экологик ресурсларнинг экотизим хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган энг кам даражаси», деб таърифланган. Экотизим хизматлари деганда табиатнинг инсонга тақдим этадиган барча фойдали неъматлари тушунилади. Бу таърифдан тушуниш мумкинки, хавфсизлик меъёри айти шу хизматлар билан етарли миқдорда таъминлаш билан изоҳланган.

Экотизим хизматларига талаб ва уларнинг таклифи ўртасидаги мувозанатнинг таъминланганлик ҳолати аксарият таърифларда хавфсизлик меъёри сифатида қаралади.

БМТ таърифида кўра, экологик хавфсизлик – экологик ресурсларнинг экотизим хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган энг кам даражаси.

Хавфсизлик меъёрини классик тарзда экологик таҳдидларнинг мавжуд эмаслиги ёки рискнинг куйи даражаси қабилида ифода этувчи таърифлар ҳам кўп. Хусусан, Д.Сяо ва бошқалар экологик хавфсизликни экологик муаммолар ва атроф-муҳит ифлосланишининг инсонлар ҳаёт сифати ва соғлиғига таъсир қилмайдиган даражаси деб тушунтирадилар. А.Бартичевич эса давлатлар ва шахсларнинг экологик деградация муаммоларига бардош бера олишини назарда тутди. Яъни, хавфсизлик меъёрини айнан шу бардош даражаси билан чеклайди.

Экологик хавфсизликнинг ўзи катта бир тизим бўлиб, у бир-биридан кескин фарқланувчи соҳаларга эга. Ушбу соҳаларда экохизматлар ва уларга талабни қондириш масалалари ҳам турличадир. Кўп тадқиқотчилар, шу жиҳатни эътиборга олган ҳолда, таърифлашда экотизимнинг алоҳида соҳаси ёки категорияси даражасигача хусусийлашишни афзал кўрадилар. Мисол учун, Д.Грей сув хавфсизлигини алоҳида хавфсизлик соҳаси сифатида кўради ва уни сувнинг инсонлар соғлиғи, турмуш тарзи ва ишлаб чиқариш учун мақбул миқдор ва сифатда ишончли таъминланиши, шунингдек, сув билан боғлиқ рискларнинг жамият, атроф-муҳит ва иқтисодиёт учун йўл қўйилиши мумкин бўлган даражаси деб таърифлайди. Шу каби таърифлар ўрмонлар, ер, тупроқ, биохилма-хиллик кабиларга нисбатан ҳам берилган. Экологик хавфсизликнинг иқтисодий тавсифдаги таърифида экотизим хизматлари тушунчаси тизим яратувчи хусусиятга эга.

Одатда экотизим хизматлари деганда инсонларнинг экотизимлардан оладиган нафлари тушунилади. Бу нафлар ижтимоий, иқтисодий ва экологик тавсифга эга бўлиб, ҳавонинг тозаланиши, иқлимнинг мувозанатга келиши ва ҳаттоки табиатдан баҳра олиш (дам олиш) кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Минг йиллик экотизим баҳоси экотизим хизматларини янада аниқлаштирган ҳолда озиқ-овқат, сув, ёғоч, маданий қадриятлар ва бошқаларни келтиради. Бу ҳолатда нафларга моддий кўриниш берилган бўлиб, уларнинг «хизматлар» сўзи остида бирлаштирилиши муайян саволларни келтириб чиқаради.

БМТнинг 1992 йилги «Биохилма-хиллик тўғрисида»ги декларациясига мувофиқ, экотизим (ёки экологик тизим) тирик организмлар ва абиотик (ўлик) табиий муҳит мажмуаси бўлиб, улар муайян ҳудудда ўзаро алоқага киришадилар. Бошқача айтганда, экотизим бу ўсимликлар, ҳайвонлар ва жойларнинг ўзаро локал алоқасидир. Инсонлар ва экотизим турли йўналишларда чамбарчас боғланган бўлиб, ушбу йўналишлар экотизим хизматларини юзага келтиради.


Минг йиллик экотизим баҳоси томонидан таклиф этилган методология (2005) экотизим хизматлари борасидаги илмий-назарий тарқоқликка деярли барҳам берган бўлиб, унга кўра, табиат инсонларга 4 турдаги хизматларни кўрсатади:

Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

**ЎзР Конституцияси  
62-модда**

**Экотизим хизматлари –**  
инсонларнинг экотизимлардан оладиган нафлари. Бу нафлар ижтимоий, иқтисодий ва экологик тавсифга эга бўлиб, ҳавонинг тозаланиши, иқлимнинг мувозанатга келиши ва ҳаттоки табиатдан баҳра олиш кўринишида ҳам бўлиши мумкин.

Хавфсизлик асослари



№	Хизмат тури	Кўринишлари
1	Таъминот хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ озиқ-овқат;</li> <li>▪ тола;</li> <li>▪ генетик ресурслар;</li> <li>▪ биокимёвий воситалар ва табиий тиббиёт;</li> <li>▪ гўзаллик ашёлари;</li> <li>▪ тоза сув.</li> </ul>
2	Тартибга солиш хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ сув сифатини тартибга солиш;</li> <li>▪ иқлимни тартибга солиш;</li> <li>▪ эрозияни тартибга солиш;</li> <li>▪ касалликларни тартибга солиш;</li> <li>▪ пестицидларни тартибга солиш;</li> <li>чангланиш.</li> </ul>
3	Маданий хизматлар	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ маданий хилма-хиллик;</li> <li>▪ маънавий ва диний қадриятлар;</li> <li>▪ истироҳат ва туризм;</li> <li>▪ эстетик қадриятлар;</li> <li>▪ билимлар тизимлари;</li> <li>▪ таълим қадриятлари.</li> </ul>
4	Қўллаб-қувватлаш хизматлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>▪ тупроқнинг шаклланиши;</li> <li>▪ фотосинтез;</li> <li>▪ бирламчи ишлаб чиқариш (ноорганик моддалардан органик моддалар синтези);</li> <li>▪ озуқа моддаларининг циркуляцияси;</li> <li>▪ сувнинг циркуляцияси.</li> </ul>

Экотизимнинг таъминот ва маданий хизматларини кундалик турмушимизда доимий равишда кузатамиз. Озиқ-овқат, кийим-кечак, дори воситалари, заргарлик буюмлари – буларнинг барчаси табиат бизга инъом этган ресурслардан олинади. Шунингдек, экотизим бизга номоддий кўринишда ҳам саноксиз хизматларини таклиф этади. Тоғлар ва денгизлар ким учундир ҳордиқ чиқариш маскани бўлса, яна ким учундир санъат асари ёки илмий-тадқиқот объектидир. Мактабларда «она табиат», «табиат бизнинг дўстимиз» каби қадриятларнинг шаклланишида ҳам айнан маданий хизматлар бош ролни ўйнаган.

Тартибга солиш хизматлари табиий жараёнларнинг табиат томонидан назорат қилинишини назарда тутаяди. Арилар, капалаклар, қушлар ва шамол чангланиш орқали ўсимликларнинг ўсиши ва кўпайишини назорат қилса, ботқоқликлар ўзида ортиқча сувни йиғиб, сув тошқинларининг олдини олади. Дарахтлар ўз танасида углерод сақлаш орқали ҳаводаги углерод миқдорини назорат қилиб туради. Ўсимлик қопламалари эса тупроқ эрозиясини жиловлаб туради.

Экотизим хизматларининг юқоридаги 3 тури асосий бўлиб кўринса-да, улар қўллаб-қувватлаш хизматларисиз мавжуд бўла олмайди. Бошқача айтганда, бу турдаги хизматлар ўз номи билан бошқа хизматларни «қўллаб-қувватлаб» туради.

Экотизим хизматлари куйидаги кўринишда ҳам бўлиши мумкин:  
таъминот;  
тартибга солиш;  
маданий;  
қўллаб-қувватлаш.

Мазкур хизматлар бир қарашда ўзи бўладигандек кўринади: намликнинг ҳавога кўтарилиб, ёмғир ёки қор кўринишида қайта ерга тушиши, органик моддаларнинг тупроққа айланиши ва тупроқдаги озуқа моддаларининг ўсимликларга, ўсимликлардан ҳайвонларга ўтиши – булар табиатнинг инсониятга тақдим этадиган энг асосий хизматларидир. Шу сабабли Минг йиллик экотизим баҳоси экологик хавфсизликни таърифлаганда айнан шу қўллаб-қувватлаш хизматларининг барқарорлигига асосий эътиборни қаратган. Унга кўра, экологик хавфсизлик – экологик ресурсларнинг экотизимнинг қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган энг кам даражаси бўлиб, мазкур хизматлар қолган барча хизматлар (таъминот, тартибга солиш ва маданий хизматлар) учун асос бўлиб хизмат қилади.

## 15.2. Экологик хавфсизликка таҳдидлар

Илмий ва амалий адабиётларда «таҳдид» сўзи ҳар доим ҳам тўғридан-тўғри ишлатилавермайди. Бу ҳол, айниқса, экологик хавфсизлик соҳасида яққол кўзга ташланади, кўпинча «синов» (challenge), «масала» (issue) ва «муаммо» (problem) сўзлари қўлланилади. Экологик хавфсизликка таҳдидларни мониторинг қилиб бориш ва экологик журналистикага ихтисослашган энг нуфузли нашр «Earth.org» ҳисобланиб, у томонидан ҳар йили инсоният олдида турган энг асосий экологик муаммолар янгилаб борилади. 2024 йилда нашр 15 та муаммони ажратиб кўрсатди:

- қазилма ёқилғи ҳисобига глобал исиш;
- сифатсиз бошқарув;
- озиқ-овқатнинг йўқотилиши;
- биохилма-хилликнинг йўқотилиши;
- пластиклар эвазига ифлосланиш;
- ўрмонларнинг йўқолиб бориши;
- ҳавонинг ифлосланиши;
- музликларнинг эриши ва денгиз сатҳининг кўтарилиши;
- океанларнинг оксидланиши ва бошқалар.

Илмий адабиётларда тадқиқот предметидан келиб чиққан ҳолда таҳдидлар минтақа/давлатлар ва экологик хавфсизлик соҳалари кесимида ўрганилади. Масалан, Р.Арнолд Тинч океани бассейнидаги таҳдидларни тадқиқ қилиб, ҳавонинг ифлосланиши, иқлим ўзгариши, пестицид ва гербицидлардан фойдаланиш, ичимлик сувида маргимуш ҳамда денгиз сувларида меркурийнинг мавжудлиги, шунингдек, электрон чиқиндиларни асосий таҳдидлар сифатида кўрган. К.Нуссиа эса Арктика экологик хавфсизлигига иқлим ўзгариши, абадий музликларнинг эриши ва Арктика орқали ташувларнинг ортишини таҳдидга мисол тариқасида келтирган.

БМТнинг Атроф-муҳит дастури эса фақатгина 3 турдаги глобал таҳдидларни келтириб ўтади: иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг йўқотилиши, заҳарли моддалар ва чиқиндиларнинг ортиб бораётгани. Мазкур 3 таҳдид БМТ минбарларида шу қадар кенг янграганки, уларни «сайёравий учлик инқироз» деб ҳам юритилади.

Экологик хавфсизликка таҳдидларни мониторинг қилиб бориш ва экологик журналистикага ихтисослашган энг нуфузли нашр «Earth.org» ҳисобланиб, у томонидан ҳар йили инсоният олдида турган энг асосий экологик муаммолар янгилаб борилади.

БМТнинг Атроф-муҳит дастури эса фақатгина 3 турдаги глобал таҳдидларни келтириб ўтади: иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг йўқотилиши, заҳарли моддалар ва чиқиндиларнинг ортиб бораётгани.



Артур Тенсли

Экологик хавфсизликка таҳдидларни ажратиб кўрсатишда тизимли ёндашиш мақсадга мувофиқ. Чунки экологик хавфсизлик яхлит тушунча эмас, балки кўплаб элементлардан иборат мураккаб тизимни ўзида ифода этади. Шу нуқтаи назардан, экологик хавфсизликнинг асосини ташкил этувчи экотизим тушунчасини декомпозиция қилиш таҳдидларни ҳам аниқроқ белгилашда ёрдам беради.

1935 йилда британиялик эколог А.Тенсли томонидан бошлаб берилган экотизим тадқиқотлари ҳозирда назарияга айланиб, экотизимнинг таркибий қисмлари юзасидан баҳс-мунозаралар аллақачон якунига етган. Мазкур назарияга кўра, экотизим 2 қисмдан таркиб топади: абиотик (ўлик) ва биотик (тирик).



4-расм. Экотизимнинг таркибий қисмлари

Расм тақдим этаётган маълумотлар асосида экотизим таркибий қисмларига таҳдидларни аниқлаш мураккаб кўринса-да, бу имконсиз вазифа эмас. Масалан, иқлимий омилларга таҳдид солаётган омилларни бирлаштириш орқали иқлим ўзгариши, эдафик омилларни бирма-бир очиб бериш йўли билан тупроқ эрозияси, табиий ресурсларнинг тугатилиши каби таҳдидларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Умуман олганда, кўплаб ёндашувларни ушбу декомпозиция атрофида бирлаштирган ҳолда куйидаги таҳдидларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Иқлим барқарорлигига таҳдидлар:

- иқлим ўзгариши.

Эдафик барқарорликка таҳдидлар:

- тупроқ эрозияси;
- табиий (қазилма) ресурсларнинг тугатилиши;
- сув, ҳаво ва тупроқнинг ифлосланиши;
- сув танқислиги;
- табиий офатлар.

Биотик барқарорликка таҳдидлар:

- биологик хилма-хилликнинг йўқолиб бориши;
- ўрмонларнинг йўқолиб бориши.

Таҳдидларни таснифлашда экотизим таркибий қисмларидан ташқари уларнинг келиб чиқиш манбаси, бошқарилиш ва қамров даражасидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, экологик хавфсизликка таҳдидлар ичида энг асосийси иқлим ўзгариши ҳисобланади.

**Экологик хавфсизлик** – экологик ресурсларнинг экотизимнинг қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган энг кам даражаси бўлиб, мазкур хизматлар қолган барча хизматлар (таъминот, тартибга солиш ва маданий) учун асос бўлиб хизмат қилади.

Иқлим ўзгариши халқаро жамоатчилик томонидан ҳам жиддий қабул қилиниб, иқлим фаоллари (масалан, Грета Тунберг) пайдо бўла бошлади. БАА, Покистон, Туркия, Ўзбекистон, Қатар, Эстония ва бошқа ўнлаб давлатларда иқлим ўзгариши вазирликлари ташкил этилди. Ушбу тенденция илмий тадқиқотларда ҳам ўз аксини топди: Б.Иқбол ва Ф.Гаурилар иқлим ўзгаришини 21-асрнинг энг катта муаммоси деб билганлар. Шундай экан, экологик хавфсизликка таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, иқлим ўзгариши ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсилроқ тўхталиш ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади.

БМТ таърифига кўра, иқлим ўзгариши ҳарорат ва об-ҳаво шартларидаги узоқ муддатли ўзгаришлардир. Ушбу таъриф кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилган таъриф саналади. Барча халқаро ташкилотлар, олимлар ва экологлар иқлим ўзгаришига айнан шу маънодаги таъриф берадилар.

Ушбу таърифни бир қатор назарий билимлар орқали бойитиш мумкин. Масалан, оммалашган ёндашувга кўра, таърифга ўзгаришларнинг сабаблари ҳам келтириб ўтилади: инсоннинг бевосита ёки билвосита фаолияти билан боғланади, ёхуд табиий жараёнлар оқибати сифатида кўрилади. Табиий жараёнлар деганда қуёш ҳаракатидаги ўзгаришлар, йирик вулқонлар отилиши ва бошқа иқлимга таъсир қилувчи табиий офатлар тушунилади. Жамият тараққиётида саноат инқилоби содир бўлгач, инсон фаолияти, яъни кўмир, нефть ва газ каби қазилма ёқилғининг ёқилиши иқлим ўзгаришининг асосий манбасига айланиб қолди.

Иқлим ўзгаришининг юзага келишида асосий омил сифатида атмосферада иссиқхона газларининг йиғилиб қолиши (аккумуляция) қабул қилинади ва Ер сайёраси ҳамда унда яшовчи барча учун мавжудлик таҳдидини келтириб чиқаради. Қазилма ёқилғининг ёқилиши натижасида иссиқхона газлари чиқарилади ва улар атмосферага кўтарилиб, Ер шарини худди целлофан плёнка каби ўраб олади. Шунинг учун ҳам ушбу жараён «иссиқхона эффекти» деб юритилади.

Ер нур кўринишида келган қуёш энергиясини ўзига ютиб, илийди ва инфрақизил нурлар кўринишида атмосферага иссиқлик чиқаради. Иссиқхона газлари эса Ернинг сунъий қобиғи сифатида ушбу инфрақизил нурларнинг бир қисмини ўзида ушлаб қолади ва ҳам юқорига (қуёш томонга), ҳам пастга (Ер томонга) иссиқлик таратади. Шу тариқа Ерда кўшимча иссиқлик ҳосил бўлади ва глобал исиш жараёни юзага келади.

Ер исиб боргач, ундаги сувларнинг буғланиш даражаси ҳам ортиб боради. Натижада атмосферада сувнинг концентрацияси ошиб, булутсимон сувли буғлар ҳосил бўлади. Улар инфрақизил нурларни яхши ютади ва эмиссия қилади. Бу ҳам, ўз навбатида, глобал исишга ўз ҳиссасини қўшади.

Глобал исиш иқлим ўзгаришининг энг жиддий ва пировард оқибати ҳисобланади. Шу сабабли кўп ҳолларда глобал исиш ва иқлим ўзгариши маънодош сифатида ҳам ишлатилади.

**Guardian** нашрига кўра, ер шари экологиясига энг катта таҳдидлар 5 та: тупроқ ва сувдан фойдаланишнинг ўзгариши, табиий ресурслардан тўғридан-тўғри фойдаланиш, иқлим инқироzi, ифлосланиш, тажовузкор турларнинг ортиши.

Иқлим ўзгаришининг юзага келишида асосий омил сифатида атмосферада иссиқхона газларининг йиғилиб қолиши (аккумуляция) қабул қилинади.

## Хавфсизлик асослари



Айни вақтда, глобал исиш музликларнинг эриши, денгиз сатҳининг кўтарилиши, океанлар сувининг илиши каби иккиламчи таҳдидларни ҳам яратади. Юқорида қайд этилганидек, атмосферада ҳаддан ортиқ сувли буғларнинг йиғилиб қолиши оқибатида торнадо, довул ва сув тошқинлари одат тусига кириб қолади. Хусусан, 1990 йилларда жаҳон бўйича тошқинларнинг умумий сони 50-100 тани ташкил этган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич 200 тадан ошиб кетди.

Баъзи минтақаларда чўлланиш суръати тезлашади. Чўлли ва қуруқ минтақаларда, табиийки, ҳаво ҳарорати иссиқроқ ва шунга мос равишда буғланиш даражаси ҳам кўпроқ бўлади. Бунда асосий зарбани тупроқ қабул қилади. Тупроқ ўз намлигини йўқотгач, минтақада мавжуд ўсимлик қопламаси ҳам йўқолиб боради ва охир-оқибат том маънодаги гиёҳсиз саҳро пайдо бўлади. Ичимлик суви тақчиллигининг ортиб бориши ҳам айнан шу тартиб асосида содир бўлади.

Иқлим ўзгаришлари бўйича ҳукуматлараро панелнинг ҳисоботида кўра, 2001-2020 йилларда Ердаги ўртача ҳарорат 1850-1900 йиллар ўртачасига нисбатан 1,1°га илиқроқ бўлган. Шундан инсон фаолияти юзага келган қисми тахминан 1,07° (99%)ни ташкил этади. 1970 йилдан кейинги 50 йиллик ҳарорат энг тез кўтарилган ярим асрлик даврдир. Қайд этиш лозимки, глобал исиш Ер шарининг турли минтақаларида турлича бўлган. Бунда етакчи Арктика бўлиб, 1979 йилга нисбатан илиш даражаси дунё ўртачасига қараганда 4 марта кўпроқни ташкил қилган. Табиийки, бу шимолий музликларнинг эриш жараёнини ҳам тезлатиб юборган.



2015 йилги Париж келишувида ҳам 2100 йилгача глобал ҳароратнинг пре-индустриал (1850 йилларгача) даражага нисбатан 2°дан камроқ исишини таъминлаш, 1,5° лик даражага эришиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга ошириш мақсад этиб белгиланган. IPCC томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, ҳавонинг ўртача ҳарорати 1,5° бўлса, об-ҳаво ва иқлим шароитларида кескин ўзгаришлар кам кузатилади. Глобал исиш 1,5°ни ташкил этса, Ернинг баланд қисмларида тунги ҳарорат ўртача 4,5°га, исиш даражаси 2° бўлса, бу кўрсаткич 6°гача етади. Оқибатда тоғ чўққиларидаги музликлар эришидаги фарқ катталашади. Шунингдек, 1,5° лик илишда 2°га нисбатан денгиз сатҳининг кўтарилиши 10 см.га камроқ бўлади.

Иқлимнинг кескин ўзгаришидан энг кўп азият чекадиган хавфсизлик соҳаси бу, албатта, озиқ-овқат хавфсизлиги бўлади. Сувсизлик, табиий офатлар ва кучли ёмғирлар сабабли деҳқончилик ва чорвачилик ўта мураккаб фаолият турига айланади. Шу сабабли қадим тарихда бўлганидек, давлатлар ўртасидаги урушлар сувли ҳудудлар ёки барқарор иқлим шароитлари учун бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

### 15.3. Экологик хавфсизликни таъминлаш тизими

Экологик хавфсизлик – хавфсизлик соҳалари ичида энг йириги ва кенг қамровлиси. Хавфсизликнинг бўлинмаслиги тамойили ҳам экологик хавфсизликда яққол намоён бўлади: барча бирдек табиатни асраш учун ҳаракат қилса-ю, бир киши ёки давлат тескарисини қилса – хавфсизлик тўлиқ бўлмайди. Экологик муаммоларнинг аксарияти глобал характерга эга ва шунинг учун хавфсизликни таъминлаш учун Ер сайёрасида яшовчи ҳар бир шахс, ҳар бир давлат бунга масъулдир.

Манфаатлар ҳақида гап кетганда ҳам уларга глобаллик тавсифини бериш лозим. Чунки Ер экотизими барқарорлигидан барча жамиятлар ва давлатлар бирдек манфаатдордир. Ҳозирда дунё давлатлари экологик хавфсизликка таҳдидларнинг нақадар жиддийлигини чуқур англаган ҳолда соҳадаги манфаатлар бирлигига ҳам эриша олдилар. БМТ шафелигида 2015 йилда иқлим ўзгаришига қарши курашиш бўйича Париж келишуви қабул қилинди ва уни дунёнинг барча давлатлари имзолаб, қўшилганликларини маълум қилдилар.

Экологик хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш, эришилган ютуқ ва камчиликларни қайд этиш мақсадида 1995 йилдан (Киото протоколи бўйича музокаралардан бошланган) бери ҳар йили иқлим ўзгариши конференцияси ўтказиб келинади.

Экологик хавфсизлик соҳасида манфаатларни аниқлаштиришни глобал даражадан бошласак, БМТ томонидан 2030 йилгача эришилиши лозим бўлган 17 та барқарор ривожланиш мақсадлари белгилаб қўйилган бўлиб, уларнинг 13-си «Иқлим ўзгаришлари ва унинг оқибатларига қарши курашда шошилиш чоралар кўриш» деб номланади. Ушбу мақсадга эришиш учун 5 та мақсад белгиланган:

- барча мамлакатларда иқлимга боғлиқ хавфлар ва табиий офатларга чидамлик ва мослашувчанлик даражасини ошириш;
- иқлим ўзгариши чораларини миллий давлатлар сиёсатига, стратегия ва режаларига интеграция қилиш;
- таълимни ривожлантириш, хабардорликни ошириш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, мослашиш, оқибатларини юмшатиш ва эрта огоҳлантириш бўйича шахсий ва институционал салоҳиятни кучайтириш;
- ривожланган мамлакатлар томонидан 2020 йилгача ҳар йили 100 млрд долл. миқдорида маблағни ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгаришига қарши курашиш учун тақдим этиб бориш;
- энг кам ривожланган ва орол давлатларда иқлим ўзгаришларига боғлиқ режалаштириш ва бошқарув салоҳиятини ривожлантириш.

Ушбу мақсадлар жаҳон ҳамжамиятининг реал эҳтиёжлари сифатида глобал манфаатлар сифатида кўрилади. Қайд этиш лозимки, БМТ доирасида қабул қилинган мазкур мақсадларга эришиш ўта мушкул вазифа ҳисобланади. Бунга



Ўзбекистонда экологик назорат субъектлари:  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;  
махсус ваколатли давлат органлари;  
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;  
давлат ва хўжалик бошқаруви органлари;  
хўжалик юритувчи субъектлар;  
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;  
нодавлат нотижорат ташкилотлари;  
фуқаролар.

## Хавфсизлик асослари

Европа Иттифоқида 2035 йилдан ички ёнилғи двигателларига эга автомобилларни ишлаб чиқариш ва сотиш тақиқланиши тўғрисида қарор қабул қилинган. Бунда 2035 йилдан олдин ишлаб чиқарилган автомобилларга 2050 йилгача ҳаракатланишга рухсат берилган (фақат ёқилғи ва эгаллик ҳуқуқи қимматлашади).

иқлим ўзгаришларига нисбатан давлатларнинг турлича ёндашуви, иқтисодий инқирозлар, геосиёсий қарама-қаршилиқлар ва қуролли конфликтларнинг ортиши, шунингдек иқлим ўзгариши жараёнининг табиий тезлашиши сабаб бўлмоқда.

Миллий даражадаги манфаатлар минтақавий таҳдидлардан келиб чиқади. Масалан, «Ўзбекистон – 2030» стратегияси учинчи йўналиши «Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деб номланган бўлиб, бу ҳам экологик муаммоларга қарши курашиш, ҳам Париж келишуви орқали олинган мажбуриятларни бажаришга хизмат қилади. Унда келтириб ўтилган алоҳида миллий манфаатлар қуйидагилар:

- республикада сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини ва сув ишлатиш самарадорлигини ошириш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш;
- республикада экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир ўтказувчи экологик муаммоларни бартараф этиш;
- ўрмонлар майдонини кенгайтириш;
- Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, орол денгизи қуриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш;
- иқлим ўзгариши салбий таъсирининг олдини олиш;
- биологик хилма-хиллик ишончли сақланишини таъминлаш;
- атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш, унинг табиий таркибини сақлаш бўйича кескин чоралар кўриш ва бошқалар.

Бундан ташқари, экологик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ мақсадлар стратегиянинг бошқа йўналишларида ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида яшил энергия ва яшил транспортдан фойдаланиш, Марказий Осиёдаги экологик муаммолар юзасидан қўшни мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш кабиларни келтириш мумкин.

Экологик хавфсизликни таъминлашда кучлар сифатида соҳага масъул халқаро, минтақавий ва миллий ташкилотлар қайд этилади. Масалан, халқаро экологик хавфсизликни таъминлашда етакчи бирлик бу БМТ Атроф-муҳит дастуридир. У халқаро ҳамжамият олдидаги экология билан боғлиқ кун тартибини белгилаб беради, давлатларнинг экологияга оид ҳаракатларини мувофиқлаштиради. Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро панель эса экологик муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради, рискларни баҳолайди, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш ва уларга мослашиш йўллариини излаб топади. Ўз навбатида, Жаҳон метеорология ташкилоти бошқаруви, иқлим ва гидрологияга оид юқори сифатли метеорологик хизматлар кўрсатишда халқаро ҳамкорликни таъминлаб беради. Шу каби яна ўнлаб соҳавий ташкилотлар мавжуд бўлиб, улар глобал экологик хавфсизликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшади.

**Экологик хавфсизликни таъминловчи кучлар** – соҳага масъул халқаро, минтақавий ва миллий ташкилотлар.

## Хавфсизлик асослари

Экологик муаммоларнинг ҳудудий тавсифидан келиб чиқиб, минтақавий экологик ташкилотлар ҳам тузиш ҳолатлари тез-тез учрайди. Масалан, Шимолий Америкада Экологик ҳамкорлик комиссияси (СЕС), Жанубий Америкада Амазонка ҳамкорлик шартномаси ташкилоти (АСТО), Яқин Шарқда Қизил денгиз ва Адан кўрфази табиий муҳитини муҳофаза қилиш минтақавий ташкилоти (PERSGA), Марказий Осиёда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув ҳўжалиги комиссияси фаолият юритади.

Миллий даражада тегишли вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари кучлар сифатида экологик муаммоларга қарши курашади. Экологик хавфсизликни таъминлаш воситалари эса сони ва хилма-хиллиги бўйича бошқа соҳаларга нисбатан каттароқ миқдорларни тақдим этади. Ушбу воситалар кўпинча «экологик сиёсат инструментлари» деб юритилади.

Экологик сиёсат – атроф-муҳитни сифат жиҳатдан яхшилаш ёки экологик ресурслардан масъулият билан фойдаланишга қаратилган давлат сиёсати. Кўп тадқиқотчилар экологик сиёсат инструментларини 2 катта гуруҳга бўладилар: иқтисодий ва маъмурий. Иқтисодий инструментлар солиқлар ва мажбурий тўловлар, субсидия ва имтиёзлар, сотиладиган рухсатномалар ва компенсация механизмларини ўз ичига олади. Ушбу механизмлар орасида энг машҳури углерод солиғи бўлиб, у саноат корхоналаридан карбонат ангидрид газини чиқарганлик учун олинади.

Углерод солиғи атмосферага чиқарилган карбонат ангидрид миқдорига қараб ундирилади. Масалан, экологик сиёсат бўйича дунё етакчиси бўлган Европада 1 тонна карбонат ангидрид чиқариш учун корхоналар ўртача 90 евро солиқ тўлайдилар. Бунда ҳар бир саноат корхонасининг тутун қувурларига (мўри) махсус ҳисоблагич ўрнатилиб, улар реал вақт режимида атмосферага қанча углерод диоксида чиқарилганини мониторинг қилиб боради.

Углерод солиғидан кўзланган асосий мақсад корхоналарни экологик хавфсиз бўлмаган технологиялардан фойдаланмасликка ундашдир. Бошқача айтганда, камроқ солиқ тўлаш ва бу орқали бозорда рақобатбардошликка эришиш учун ишлаб чиқаришда яшил технологияларни қўллаш керак бўлади. Давлат яшил технологияларга ўтишни рағбатлантириш учун бундай технологияни жорий қилган корхоналарга турли субсидиялар, солиқ ва божхона имтиёзлари, компенсациялар тақдим этиши зарур.

Ҳозирги вақтда иқтисодий муҳандислар томонидан янги – сотиладиган рухсатномалар механизми ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган. Бу механизм «чекла ва сот» деб юритилади. Чунки бунда ҳукумат йил давомида мамлакатда

Экологик хавфсизлик масалаларини муҳокама қилиш мақсадида 2023 йил декабрда БАА бўлиб ўтган конференцияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев иштирок этиб, Орол фожиаси ва унга туташ ҳудудлардаги иқлим ўзгаришлари натижасида минтақада ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, музликларнинг эриши, қум ва чанг бўронларининг кучайиши, сув танқислиги, ҳавонинг ифлосланиши, биохилма-хилликнинг қисқариши кузатилаётганини алоҳида эътироф этди.

2024 йил ҳолатига дунёнинг 40 та мамлакати углерод солиғи турини жорий қилган (Ўзбекистон бундан мустасно). Иқтисодчиларнинг фикрича, иқлим ўзгаришига қарши курашнинг энг самарали йўли бу – углерод солиқлари.



**Шавкат Мирзиёев**

БМТ Бош Ассамблеяси  
72-сессияси, 2017 йил

ҳавога чиқариладиган иссиқхона газларининг максимал миқдорини белгилайди ва уни бўлак (лот)ларга бўлиб, рухсатномалар кўринишида очиқ бозорда (биржада) сотади. Ҳар бир рухсатнома унда ёзилган миқдорда заҳарли газларни чиқаришга рухсат беради. Корхоналар керагидан ортиқ миқдорда рухсатнома сотиб олишдан манфаатдор эмаслар. Борди-ю бундай қилсалар, айланма маблағларнинг муайян қисми рухсатнома кўринишида ишлатилмай қолиб кетади. Керагидан камроқ олиш ҳам фойдали стратегия эмас: рухсат олинган миқдор етмай қолса, бозордан қимматроқ нархда янги рухсатнома сотиб олишга тўғри келади. Шу сабабли фирмалар ўзларига керакли миқдорда рухсатнома олишга ҳамда иложи борича заҳарли газ эмиссиясини қисқартириб, орттирилган қисми қимматроқ нархда сотишга интиладилар.

Сотиладиган рухсатномалар инструменти янги ва ўзига хос мураккаб тизимни назарда тутгани, шунингдек, нархларнинг тебраниб туриши сабабли углерод солиқларига нисбатан камроқ оммалашган. Ҳозирда бу усул АҚШ, Германия, Канада ва Хитойда жорий қилинган.

Экологик хавфсизликни таъминлашнинг маъмурий воситалари лицензиялаш, экологик стандартларни белгилаш, чеклаш ва тақиқлаш каби амалиётларни ўз ичига олади. Маъмурий инструментларга, шунингдек, дарахтларни кесишга мораторий жорий қилиш, муайян ҳудуд ва вақтларда овчилик билан шуғулланишни тақиқлаш, чиқинди ташлаш қоидаларини белгилаш, сув, табиий газ ва электрни тежаш бўйича минимал талабларни ўрнатиш каби чораларни ҳам келтириш мумкин. Ўзбекистон ҳам иқлим ўзгаришига эътибор қаратган мамлакатлардан бири сифатида кўплаб маъмурий инструментлардан фойдаланмоқда. Мисол учун, 2019 йилдан ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий эълон қилинди. Энергетикада қайта тикланадиган энергия манбаларидан (қуёш, шамол, сув) фойдаланишга бирламчи эътибор берилади. Қишлоқ хўжалигида сувдан тежаб фойдаланиш бўйича йирик давлат дастурлари қабул қилиниб, юз минглаб гектар ерларга томчилатиб суғориш технологиялари жорий қилинди.

Экологик хавфсизликни таъминлашда ахборот воситаларининг ҳам ўрни катта. Аҳолини экологик муаммолардан хабардор қилиш, атроф-муҳит ва ресурсларни асрашга ундашда айнан ахборот кампаниялар ва таълим дастурларининг ўрни беқиёс. Шунингдек, жамоатчилик назорати орқали экологияга зарарли ҳаракатларнинг олдини олиш, маҳсулот ва хизматларга «экологик тоза» ёрлиқларини жорий қилишни рағбатлантириш, банк ва молия тизимида яшил молиялаштириш инструментларини қўллаш жамиятда «табиатни асраш» мафқурасининг шаклланишига хизмат қилади.


**Экологик хавфсизликни таъминлашнинг маъмурий воситалари**  
– лицензиялаш, экологик стандартларни белгилаш, чеклаш ва тақиқлаш.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. «Экологик хавфсизлик» атамасига изоҳ беринг.
2. Ҳозирги даврнинг глобал экологик муаммоларига мисол келтиринг.
3. Экологик муаммоларнинг миллий хавфсизликка кўрсатадиган таъсири қандай?
4. Бугунги кунда Ўзбекистонга қандай экологик муаммолар хавф солмоқда?
5. Марказий Осиё минтақаси учун қандай умумий экологик муаммолар мавжуд?
6. Жаҳонда экологик муаммоларга қарши курашиш учун қандай келишувлар мавжуд?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // <https://president.uz/uz/lists/view/1227>
2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. // <https://president.uz>
3. Миллий хавфсизлик тизими. Муаллифлар жамоаси. -Т.: Akademiya, 2014. – 203 б.
4. Вода для людей, вода для жизни. Доклад ООН о состоянии водных ресурсов мира. Обзор. - М.: Весь мир, 2003.
5. Проблемы экологической безопасности источников водоснабжения. - Экологические системы и приборы. 2006.
6. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. Одилқориев Ҳ.Т., Очилов Б.Э. ЖИДУ, 2002. – 559 б.
7. Экологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009. – 163 б.
8. Экологическая безопасность среда жизни человека / Т.Эргашев, А.Эргашев. – Ташкент: Chinor ENK, 2007. – 160 с.
9. Berghof Conflict Research. - 2011. – Mode of access: <http://www.berghof-handbook.net>.
10. Nick Vaughan-Williams, Critical Security Studies, An Introduction// By Columba Peoples, Routledge, 2010. – 182 p.



## IV БЎЛИМ. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР

### 16-МАВЗУ. МИНТАҚАВИЙ ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

**Минтақавий хавфсизлик** – минтақа давлатлари томонидан мавжуд таҳдидларнинг умумийлиги, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва унинг комплекс табиати тан олинишидир.

**Резюме.** Мазкур маърузада «минтақавий хавфсизлик» тушунчаси, мазмун-моҳияти, хавфсизликнинг бошқа даражалари билан ўзаро алоқадорлиги очиқ берилади. Минтақавий хавфсизлик комплекси назариясининг асосий жиҳатлари таҳлил этилади.

**Таянч сўзлар:** минтақа, минтақавий хавфсизлик, минтақалашув, регионализм, минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими, минтақавий хавфсизлик комплекси, ялпи халқаро хавфсизлик тизими, БМТ ва минтақавий ташкилотлар.

#### 16.1. Минтақавий хавфсизлик тушунчаси

Минтақавий хавфсизлик нима? Суверен давлатлар миллий хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи хавфсизлик даражасими ёки хавфсизликнинг автоном тизими? Умуман, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва тизимлигини тасдиқлаб, унинг автономлиги ҳақида сўз юритиш қанчалик тўғри? Тадқиқотчи бирор-бир ижтимоий ҳодисани ўрганишга қўл уриши билан юзага келувчи ушбу одатий ҳолат - дилемма билан тўқнаш келади.

Минтақавий хавфсизлик – минтақа давлатлари томонидан мавжуд таҳдидларнинг умумийлиги, хавфсизликнинг бўлинмаслиги ва унинг комплекс табиатини тан олинишидир. Минтақавий хавфсизлик минтақа давлатларининг умумий сиёсат олиб боришлари, давлатлараро ҳамкорликни мувофиқлаштиришнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган эҳтиёждир.

Минтақавий хавфсизлик – хавфсизлик даражалари кесимида миллий ва халқаро хавфсизлик даражаларини боғлаб турувчи бўғиндир. Ушбу ҳолат унинг оралиқ хусусияти ва халқаро хавфсизликка нисбатан тизимости мақомини белгилаб беради. Минтақавий хавфсизлик БМТ маркази ёки тизим яратувчиси ҳисобланган ялпи халқаро хавфсизлик тизимининг таркибий қисмидир.

Хавфсизликнинг минтақавий муҳити халқаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашда коллектив чора-тадбирларни амалга ошириш макони бўлиб хизмат қилади. БМТ Низомида халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги ва

**Хавфсизлик дилеммаси** – хавфсизлик дилеммасининг моҳияти, бирор-бир давлатнинг ўз хавфсизлигини (биринчи навбатда, ҳарбий қудратини) мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти, атайлаб (қасддан) қилинмагани ҳолда ўзга давлатларнинг хавфсизлик даражасини сусайишига сабаб бўлиши билан изоҳланади.

ўзаро таъсири масалалари минтақавий битимлар ва органларнинг БМТ билан ҳамкорлиги/шериклиги нуқтаи назаридан қаралади. Халқаро хавфсизликка нисбатан тизимости ва миллий хавфсизликка нисбатан оралиқ мавқеи минтақавий хавфсизликнинг автономлиги, бир бутунлиги ва тизимлилиги намоён бўладиган муҳит билан ажралмас боғлиқлигини кўрсатади.

Минтақада хавфсизлик сиёсатини моделлаштириш ва тузилишининг ўзига хос жиҳати минтақа давлатлари манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг муайян даражадаги умумийлиги билан изоҳланади. Айнан мазкур учлик минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг мазмуни ва устувор йўналишларини белгилаб берувчи ҳамда хавфсизлик соҳасида минтақавий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида намоён бўлди. Зеро, ушбу омиллар минтақавий ташкилотлар, альянслар ва иттифоқларнинг таъсис этилиши, минтақавий битимлар имзоланиши, тинчликпарвар операцияларнинг амалга оширилиши асосидир.


Минтақавий коллектив хавфсизлик механизмлари, хавфсизлик соҳасида давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштирувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар, минтақавий институтларнинг мавжудлиги ҳамда минтақавий муносабатларнинг ихтисослашуви минтақавий хавфсизликнинг бошқа хавфсизлик даражаларига нисбатан муайян мустақиллигини белгилайди.

Минтақавий хавфсизликни тавсифловчи қуйидаги асосий жиҳатларни қайд қилиб ўтиш мумкин. Минтақавий хавфсизлик бу:

- миллий манфаатларни амалга ошишини таъминловчи ва минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатини мувофиқлаштирувчи макон;
- БМТ универсал, ялпи халқаро хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми;
- давлатлараро ҳамкорликнинг мустақил даражаси хавфсизликни таъминлашнинг автоном тизими.

Шундай қилиб, минтақавий хавфсизлик тушунчасига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин: *минтақавий хавфсизлик* – хавфсизлик даражаси; халқаро хавфсизликнинг таркибий қисми; минтақа давлатларининг суверен ривожланиши учун энг мақбул халқаро ҳуқуқий, институционал, иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни яратиш имкониятини берувчи халқаро муносабатларининг ҳолати.

Мазкур таърифда минтақавий хавфсизлик тушунчасининг энг муҳим «ўзак» элементи – «шарт-шароит» ҳисобланади. Шарт-шароитларга хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи барча сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий ва халқаро-ҳуқуқий куч ва воситаларни киритиш мумкин. Хусусан, хавфсизликнинг минтақавий механизмлари, халқаро шартномалар; таҳдидларга қарши курашни мувофиқлаштирувчи марказлар (ШХТ МАТТ, МДХ АТМ); мулоқот гуруҳлари ва бошқалар. Улар минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг ўзига хос моддий асосини ташкил этади.



«Минтақа давлатлари манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг муайян даражадаги умумийлиги... хавфсизлик сиёсатининг мазмуни ва устувор йўналишларини белгилаб берувчи ҳамда хавфсизлик соҳасида минтақавий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч».



Одатда, минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг самарадорлиги, авваламбор, ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган минтақа давлатларининг сиёсий иродаси ва икки томонлама алоқаларининг ҳолатига боғлиқ.

Минтақавий ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини ривожлантиришга оид давлатлар тажрибаси шундан далолат бермоқда. Мисол учун, Европа Иттифоқи доирасида Германия ва Франциянинг етакчилик роли ёки Жанубий Осиёда Ҳиндистон-Покистон қарама-қаршилиги.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий хавфсизлик сиёсатининг мазмун ва моҳиятини минтақа давлатларининг ҳаётий муҳим миллий манфаатлари белгилайди. Ўз навбатида, ушбу манфаатлар тегишли «*ҳуқуқий, институционал ва бошқа шарт-шароитларни*» яратиш орқали таъминланади. Бундай шароитлар минтақа давлатларининг сиёсий иродаси натижаси ўлароқ, уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, давлатлараро муносабатлар барқарорлигининг муҳим омили сифатида илгари сурилади. Ушбу муносабатларнинг барқарорлиги, минтақавий ҳамкорлик ва хавфсизлик сиёсатининг самарадорлиги кафолати бўлиб хизмат қилади.

## 16.2. Минтақавий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омиллар

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, постбиполяр дунёда минтақа хавфсизликнинг оралиқ даражаси ҳамда конфликт ва ҳамкорлик майдони, хавфсизлик тадқиқотларининг (хусусан, «минтақавий хавфсизлик комплекси» («regional security complex»), «хавфсизлик ҳамжамияти» («security community») назариялари доирасида) муҳим объектига айланди.

Маълумки, муайян ҳодиса, жараён ёки воқеликни тадқиқ этишда унинг асосий тушунчаларига оид билимларга эга бўлиш мавзунинг моҳиятини англаб етишда муҳим роль ўйнайди. Минтақа, минтақавийлашув (регионализация) ва регионализм – минтақавий хавфсизлик муаммоларини тадқиқ этишнинг асосий категориялари сирасига киради.

*Минтақа* – географик, табиий, иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ер шарининг муайян бир қисмини ташкил этувчи макондир. Бу жиҳат минтақанинг фундаментал/асосий хусусиятлари бўлиб, улар минтақа давлатларининг ўзаро фаол алоқалари натижасида намоён бўлади.

Мазкур ўринда минтақанинг табиий-географик хусусиятларидан келиб чиқувчи макон ва масофанинг ўзаро нисбати муҳим масаладир. Агар минтақа худудий ва табиий тузилишни ифодаласа, макон муайян жойда ва вақтда мавжуд бўлган, ўзаро боғлиқ объектларни ифодаловчи тушунчадир. Масофа, яъни берилган макон чегарасида жойлашган таркибий қисмлар ўртасидаги оралиқ маконнинг муҳим хусусияти сифатида

**Минтақа** – бу географик, табиий, иқтисодий ва маданий хусусиятларга эга бўлган ер шарининг муайян бир қисмини ташкил этувчи макондир. Ушбу жиҳат минтақанинг фундаментал/асосий хусусиятлари бўлиб, улар минтақа давлатларининг ўзаро фаол алоқалари натижасида намоён бўлади.

намоён бўлади. Давлатлараро муносабатларда масофа омили, яъни яқинлик ва узоқлик муҳим аҳамиятга эга.

Давлатлараро муносабатларда масофа (яқинлик ёки узоқлик) омили икки жиҳатда намоён бўлиши мумкин. Бир томондан, давлатларнинг географик жойлашуви (яқинлик) «ўзаро ҳамкорлик учун қулай имкониятлар» (Ҳарви, 2005; Б. 390-391) яратади, савдо-иқтисодий, маданий алоқаларнинг ривожланишига ва регионализм асосларини мустаҳкамланишига замин яратади. Иккинчи томондан, яқинлик омили ўзаро низоларни келтириб чиқарувчи шароит ёки сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Давлатлараро, миллатлараро ва динлараро низолар тарихи аксарият ҳолатларда ушбу низоларни муайян географик маконда жойлашган давлатлар, миллатлар ва диний ғуруҳлар ўртасида юз берганини кўрсатмоқда.

Шундай экан, минтақадаги ҳар бир давлат учун мазкур маконда жойлашган ўзга давлат (давлатлар)нинг хатти-ҳаракати (хоҳ дўстона, хоҳ антагонистик руҳда бўлсин)нинг ташқи ва хавфсизлик соҳасидаги сиёсатини белгилаб берувчи муҳим детерминант бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда «*Халқлар ўртасидаги тинчлик ва уруш*» номли классик асар муаллифи Раймон Ароннинг фикрларини келтирамиз. Муаллиф, Кубадаги инқилобнинг Лотин Америкаси давлатларига таъсирини таҳлил қилиб, қуйидаги саволни беради: Нима учун Хитой инқилобидан кейин эмас, балки Куба инқилобидан кейин Лотин Америкасида ер титради? «Сабаблари оддий ва дунё каби кўҳна: на янги транспорт воситалари ва на янги қирғин қуруллари инсоннинг масофани, тарихий қардошликни ва ҳудудий яқинликни ҳис қилиш туйғусини йўқ қила олмади... Олисда, бошқа ирққа мансуб халқлар томонидан амалга оширилган инқилоблар, худди шундай оташин ҳис-туйғуни уйғотмайди. Инсоният боғлиқ ва бир бутундир, аммо халқлар ўзларининг бирлигини англамайдилар. Минтақавий ҳамжамиятлар умуминсоний ҳамжамиятга нисбатан мустаҳкамроқ бўлиб қолмоқда...» [Арон, 2000; Б. 459].

Шундай экан, табиий-географик хусусиятлар муайян минтақа давлатлари учун уларнинг ташқи ва хавфсизлик сиёсатини шакллантириш ва устувор йўналишларини белгилашнинг фундаментал асоси ҳисобланади. Халқаро муносабат субъектларининг табиий яқинлиги икки ва кўп томонлама мустаҳкам алоқаларни ўрнатишга шароит яратади. Турли даражадаги ўзаро мулоқот ва манфаатли алоқалар қанчалик кучли бўлса, давлатлараро муносабатлар шунчалик барқарор бўлади. Давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги эса, ўз навбатида, минтақавий хавфсизлик муҳитининг барқарорлигини таъминлайди.



На янги транспорт воситалари ва на янги қирғин қуруллари инсоннинг масофани, тарихий қардошликни ва ҳудудий яқинликни ҳис қилиш туйғусини йўқ қила олмади...

**Раймон Арон**

Ўзаро мулоқот ва манфаатли алоқалар қанчалик кучли бўлса, давлатлараро муносабатлар шунчалик барқарор бўлади. Давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги эса, ўз навбатида, минтақавий хавфсизлик муҳитининг барқарорлигини таъминлайди.

Минтақавий акторларнинг ўзаро муносабатлари, асосан, уч омилга асосланади: *умумий* муаммоларни ҳал этиш; *умумий* таҳдидларга қарши курашиш; *умумий* манфаатларни ҳимоя қилиш ва эришиш.

**Минтақавийлашув** тушунчасининг энг холис тавсифи давлатлар ва халқаро муносабатларнинг ўзга иштирокчилари фаолиятини минтақа миқёсида намоён бўлиши тарзида изоҳланади. Минтақавийлашув тушунчасининг мазмуни, одатда, фаолият, ташкиллаштириш, минтақа давлатлари ўзаро алоқаларини ривожлантириш ва мустақамлашни билдиради.

Минтақавийлашув – давлатга оид ички ҳодиса (хусусан, муаммо, таҳдид ёки манфаат) минтақа даражасига кўтарилиши, умумий аҳамият касб этиб боришини англатувчи жараёндир. Шу билан бирга, умумий маъно касб этиб бораётган ҳодисага нисбатан коллектив ёндашувни шакллантиришни тақозо қиладиган жараён ҳамдир. Ушбу ҳолат, авваламбор, манфаатдор минтақа давлатларидан умумий тартибни ўрнатиш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқий қоидаларни яратиш, институционал асосларни шакллантириш заруриятини белгилайди.

Давлатлараро алоқаларнинг маълум бир соҳаларини минтақа даражасидаги ихтисослашуви ва муайян тизимга солиниши ҳам минтақавийлашувнинг муҳим жиҳатларини очиб беради.

Минтақавий акторларнинг ўзаро муносабатлари, асосан, уч омилга асосланади: *умумий* муаммоларни ҳал этиш; *умумий* таҳдидларга қарши курашиш; *умумий* манфаатларни ҳимоя қилиш ва эришиш. Минтақавийлашув, охир-оқибатда, минтақа чегараларини шакллантиради, унинг хусусиятлари, алоҳидалиги ва автономлигини кучайтиради.

Минтақавийлашув - якуний натижа эмас. У замонавий халқаро муносабатлар ривожланишининг объектив тенденцияси бўлиб, минтақа давлатларининг яратувчанлик, тартибга солиш ва ривожланишга қаратилган мақсадли фаолиятини ифодалайди. Минтақавий ташкилотлар, минтақавий мансублик (идентичность), минтақа ҳақидаги билимларнинг шаклланиши мазкур жараённинг моддий тус олиши сифатида баҳоланади.

Хавфсизликнинг минтақавийлашуви – бу замонавий халқаро муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бўлиб, миллий хавфсизликнинг барқарор (томир отиб улгурган) чегараларининг «емирилиши» ҳамда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим омили ва даражаси сифатида минтақа ва минтақавий хавфсизлик ролининг кучайишини англатади. Мазкур тенденция хавфсизликнинг аънанавий талқини, уни таъминлашнинг услуб ва воситалари тўғрисидаги билимлар ва қарашларни жиддий ўзгаришига ҳамда минтақавий хавфсизликни суверен давлатлар барқарорлигини таъминлашнинг муқаррар босқичи эканлигини англаб етишга туртки берди. Ички ва ташқи таҳдидлар ўртасидаги чегараларнинг емирилиши, трансчегаравий таҳдидларнинг пайдо бўлиши, янги мустақил давлатлар ҳамда улар муносабатларини мувофиқлаштирувчи кўп томонлама институтларнинг яратилишини *хавфсизликнинг минтақалашувини* кучайишига

**Хавфсизликнинг минтақавийлашуви** – миллий хавфсизликнинг барқарор (томир отиб улгурган) чегараларининг «емирилиши» ҳамда халқаро хавфсизлик ва тинчликни таъминлашнинг муҳим омили ва даражаси сифатида минтақа ва минтақавий хавфсизлик ролининг кучайишини англатади.

сабаб бўлган омиллар сифатида баҳоланади. Ушбу тенденциялар, ўз навбатида, регионализмнинг шаклланиши ва кучайишига ҳамда замонавий таҳдидларга нисбатан «суверен жавоб»нинг самарасизлиги ва аксинча «коллектив (минтақавий) жавоб»га асосланиш заруриятини белгилайди.

**Регионализм – минтақанинг функционал ва институционал намоён бўлиши.** Регионализм – минтақавий (умумий) манфаатлар нуқтаи назаридан туриб муаммоларни ҳал этиш, мақсад ва вазифаларга эришиш ҳамда давлатлараро ҳамкорлик механизмини шакллантириш ғояси/ёндашувидир. Тадқиқотчиларнинг ўринли таърифига кўра, «миллат учун миллатчилик нимани англатса, *регионализм* ҳам минтақа учун шуни англатади». Ушбу мазмунда регионализм бевосита ўзига хослик/мансублик (идентичность) тушунчаси билан боғлиқ. Ўзига хослик минтақавий ёки миллий бўлишидан қатъи назар қайсидир шартли ҳудудда рўй берадиган жараён.

Бошқача айтганда, «хавфсизлик динамикаси муқим ҳудудийликни тақозо қилади» (Б.Бузан) ва уни англаш (хавфсизликнинг концептуализацияси, яъни «ҳодисани назарий жиҳатдан ташкил қилиниши ва тушунчалар боғлиқлигини умумий тарзда баён қилиниши») муайян ҳудудий модель билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Бу ўринда регионализм минтақавий ўзлик, яъни инсонларнинг муайян минтақага тегишлилиги/мансублик, шунингдек, тарихи, маданияти, анъаналари, дини ҳамда манфаатлари, муаммолари ва таҳдидларининг умумийлигини англаб етишлари билан бевосита боғлиқ ҳолда кўрилади.

Қайд қилиб ўтилган омилларнинг биринчи гуруҳи объектив, иккинчиси эса – ҳосила сифатида белгиланиши мумкин. Чунки цивилизацияон омилларнинг шаклланиши билан минтақага мансублик бевосита боғлиқ кечади. Бу икки гуруҳ омиллар йиғиндиси маълум бир минтақани ўзиники деб қабул қилишга нисбатан яқка ва коллектив тартибда одамларнинг фикрини шакллантиришга имкон беради. Бошқача айтганда, регионализм – турли акторлар – давлатлар, халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳларнинг маълум бир фундаментал қадриятлар ва қоидаларга риоя қилишга розилигини билдиради.

Шундай қилиб, минтақавий ўзлик ёки «умумий цивилизация» омили маълум бир минтақа давлатлари муносабатларининг мустаҳкамланишига пойдевор қўйиб, минтақавий жараёнларда муқим хусусият касб этади.

Регионализм иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, шу жумладан, хавфсизлик муаммоларига минтақа манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ёндашишни англатади. Минтақавий ташкилотлар, бирлашмалар, давлатлар иттифоқларининг таъсис этилиши, умумий бозор, эркин савдо маконларининг яратилиши ушбу ҳодисанинг институционал кўринишидир. Гарчи унинг

**Регионализм –**  
минтақанинг функционал  
ва институционал  
намоён бўлиши.

**Регионализм –**  
минтақавий (умумий)  
манфаатлар нуқтаи  
назаридан туриб  
муаммоларни ҳал этиш,  
мақсад ва вазифаларга  
эришиш ҳамда  
давлатлараро ҳамкорлик  
механизмини  
шакллантириш  
ғояси/ёндашувидир.

Регионализм мавжуд барча минтақавий муаммо ва таҳдидларга «даво ёки малҳам» эмас, бироқ у ривожлантириш ва ички минтақавий барқарорликни таъминлаш салоҳиятига эга.

натijasида «давлат қайсидир маънода ўзининг монополлик хусусиятини йўқотади». Регионализм минтақа миқёсида миллий манфаатларни амалга ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий асосни яратади.

Регионализм – аввало, «*давлат томонидан амалга оширилувчи лойиҳадир*»: регионализм ғоясини амалга оширувчи асосий иштирокчилар - минтақа давлатларидир. Шу билан бирга, халқаро ҳаётда глобаллашув билан боғлиқ ва мазкур жараёнга бевосита таъсир кўрсатувчи муқаррар воқеликни эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Регионализм мавжуд барча минтақавий муаммо ва таҳдидларга «даво ёки малҳами» эмас, бироқ у ривожлантириш ва ички минтақавий барқарорликни таъминлаш салоҳиятига эга. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлаш орқали давлатлар минтақани жаҳон сиёсати объектдан унинг субъектига айлантириши ва глобаллашув жараёнларининг салбий оқибатларига нисбатан қарши тура олиш салоҳиятини оширишлари мумкин.

### **16.3. Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизими**

*Минтақавий хавфсизлик тизими* – халқаро-ҳуқуқий ва институционал асосни яратиш орқали минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро муносабатларнинг ички тузилиши ва ташкил этилиши услубидир. Минтақавий хавфсизлик тизими ўзаро боғлиқ ва ўзаро алоқадор элементлар: хавфсизлик субъектлари ва объектлари, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар, хавфсизликни таъминлашнинг куч ва воситалари мажмуидан иборат.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг мавжудлиги давлатлараро муносабатларнинг барқарорлиги ва минтақа давлатлари хавфсизлик сиёсатининг изчиллигидан далолат беради. Ўзаро ишонч, мавжуд муаммоларни ҳал этиш борасида нуқтаи назарларнинг муштараклиги, ўзаро муносабатлар табиатининг узоқ муддатлилиги самарали хавфсизлик тизими яратилишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш тизимининг функционал вазифаси минтақа давлатлари ва ташкилотларнинг БМТ Низомига биноан тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган ўзаро чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Минтақада тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи муайян вазият: минтақавий конфликт, қуролли ҳужум, ҳудудий низо ва бошқалар минтақавий тизим доирасида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг бош мақсади минтақавий хавфсизлик объектлари – суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни, яъни минтақавий давлатлар мавжудлигини белгиловчи фундаментал асосларни/манфаатларни самарали ҳимоя қилиш механизмини

**Минтақавий хавфсизлик тизими** – халқаро-ҳуқуқий ва институционал асосни яратиш орқали минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатлараро муносабатларнинг ички тузилиши ва ташкил этилиши услубидир.

яратишдан иборат. Бу манфаатларнинг амалга оширилиши универсал ва минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ҳамда минтақа давлатлари томонидан тузиладиган битимларда қайд этиладиган халқаро-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими орқали таъминланади.

Ушбу мақсад минтақавий хавфсизлик тизимининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган бир қатор вазифаларни ўз ичига олади. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

*биринчидан*, минтақа давлатларининг муҳофаа ва хавфсизлик соҳасидаги миллий стратегияларини мувофиқлаштириш;

*иккинчидан*, миллий хавфсизлик соҳасидаги миллий қонунчиликнинг уйғунлигини таъминлаш;

*учинчидан*, минтақавий хавфсизликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини яратиш, куч ва воситаларини белгилаб олиш ва бошқалар.

Минтақавий хавфсизлик субъектлари асосан минтақа давлатлари (бирламчи субъектлар), минтақавий ва халқаро ташкилотлар (ҳосила субъектлар)дир. Минтақавий хавфсизлик соҳасидаги давлатлараро муносабатлар, одатда, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга, аввало, БМТ Низоми, минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ва халқаро шартномаларни киритиш мумкин.

Минтақа давлатларининг хавфсизликнинг долзарб муаммолари ва устувор йўналишларига оид қарашларини билиш муҳим масаладир. Миллий хавфсизликка оид қонунлар, стратегия ва концепциялар, давлат раҳбарининг баёнотлари ва ташқи сиёсий ташаббусларида давлатнинг минтақавий хавфсизликка нисбатан халқаро-ҳуқуқий нуқтаи назари ўз ифодасини топади.


Таъкидлаб ўтилган фикрларга қуйидагича яқун яшаш мумкин:

*биринчидан*, ички ва ташқи таҳдидлар орасидаги чегараларнинг емирилиши, миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги, трансмиллий таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва бошқалар давлат хавфсизлигини таъминлашнинг минтақавий ўлчами аҳамиятининг ортишига олиб келди ҳамда уни хавфсизлик тадқиқотларининг устувор йўналишига айлантирди;

*иккинчидан*, регионализм – барча муаммо ва таҳдидларга «малҳам» бўла олмайди. Аммо у ички минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш салоҳиятига эга. Айнан минтақавий ҳамкорлик ва интеграция орқали минтақа давлатлари жаҳонда кечаётган иқтисодий ва сиёсий жараёнларга нисбатан самарали жавоб чораларини ишлаб чиқишлари мумкин.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг самарадорлигини таъминлашга қаратилган вазифалар: минтақа давлатларининг муҳофаа ва хавфсизлик соҳасидаги миллий стратегияларини мувофиқлаштириш; миллий хавфсизлик соҳасидаги миллий қонунчиликнинг уйғунлигини таъминлаш; минтақавий хавфсизликнинг халқаро-ҳуқуқий асосларини яратиш, куч ва воситаларини белгилаб олиш ва бошқалар.

Минтақавий хавфсизлик тизимининг бош мақсади минтақавий хавфсизлик объектлари – суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва конституциявий тузумни, яъни минтақавий давлатлар мавжудлигини белгиловчи фундаментал асосларни/манфаатларни самарали ҳимоя қилиш механизмини яратишдан иборат.



Хавфсизликка оид асосий муаммолари бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқ давлатлар гуруҳи бўлиб, уларнинг миллий хавфсизлиги бир-биридан айри ҳолда кўрилиши мумкин эмас.

**Барри Бузан**

## 16.4. Минтақавий хавфсизлик комплекси назариясининг асосий жиҳатлари

Минтақавий хавфсизлик комплекси (МХК) ғояси инглиз олими Барри Бузанга тегишли [Бузан, 1983]. Унинг кейинги ривожини Оле Вейвер ва Копенгаген халқаро тадқиқотлар мактаби номи билан бевосита боғлиқ. Шу боис ҳам минтақавий хавфсизлик комплекси назарияси «Копенгаген мактабининг хавфсизликка оид коллектив назарий ёндашуви» [Бузан, 2003; Б. 16] сифатида кўрилади.

Дастлаб, Б.Бузан хавфсизлик комплексининг қуйидаги таърифини келтиради: «*хавфсизликка оид асосий муаммолари бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғлиқ давлатлар гуруҳи бўлиб, уларнинг миллий хавфсизлиги бир-биридан айри ҳолда кўрилиши мумкин эмас*» (a group of states whose primary security concerns link together sufficiently closely that their national securities cannot reasonably be considered apart from one another) [Бузан, 1983; Б. 106]. Бу таъриф, авваламбор, давлат доминант бўлган хавфсизликнинг ҳарбий-сиёсий соҳасига нисбатан ишлаб чиқилган [Бузан, 2003; Б. 16].

Бироқ хавфсизлик акторлари ва соҳа (сектор)ларининг кенгайиши таъсири остида мазкур таъриф қайта кўриб чиқилди. Янги таърифда МХК қуйидагича изоҳланди: «*секьюритизация ва десекьюритизация жараёнлари ёки ҳар икки жараёни бир-бири билан шу даражада чамбарчас боғланиб кетган акторлар йиғиндисидан (set of units) бўлиб, уларнинг хавфсизлик муаммолари бир-биридан айри ҳолда оқилона таҳлил этилиши ёки ҳал қилиниши мумкин эмас*» (2003).

Юқоридаги таърифларнинг қиёсий таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда: дастлабки таърифда ҳодисанинг объектив ҳолати, яъни давлатлар «хавфсизлик муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги» қайд қилинади. Иккинчи таърифда эса, МХКнинг ҳам объектив, ҳам субъектив жиҳатига, яъни хавфсизлик соҳасида ҳамкорликда сиёсат олиб бориш зарурияти ва муқаррарлигига урғу берилади. Таъкидлаш жоизки, хавфсизлик муаммоларини бартараф этишга қаратилган ҳамкорликда сиёсат олиб бориш зарурияти, яъни МХКнинг субъектив жиҳати унинг объектив табиатидан келиб чиқувчи ҳолат ҳисобланади.

МХК назарияси материалистик ва конструктив ёндашувларга асосланади. Материалистик ёки моддийлик нуқтаи назаридан ҳудудийлик (территориальность) ва кучлар мувозанати ғоялари муҳим ҳисобланиб, халқаро муносабатларнинг анархистик табиатига урғу берилади. Мазкур ўринда МХК неореализмга яқин бўлиб, унинг асосий ғояларини ўзлаштирганлигини кўришимиз мумкин.

Конструктив ёндашувнинг асосини «*секьюритизация*» концепцияси ташкил этади. Секьюритизация, МХК назариясининг энг муҳим таркибий қисми сифатида эътиборни сиёсий жараёнларга қаратади ва унинг доирасида «хавфсизлик муаммолари аниқланади» [Бузан, 2003; Б. 4].

Хавфсизлик «қатъий ҳудудийликни» тақозо этади, яъни унинг концептуаллашуви, ҳудудийлик фундаментал хусусияти ҳисобланган, ўз чегараларига эга бўлган муайян минтақада (моддий маконда) амалга оширилади. Мазкур маконда хавфсизлик ҳолати ёки унинг даражаси акторларнинг, авваламбор, минтақа давлатларининг ўзаро алоқаси ва муносабати даражаси билан аниқланади. Замонавий халқаро муносабатларда трансчегаравийлик омили хавфсизлик ва таҳдидни баҳолашга сезиларли таъсир кўрсатаётган бўлса-да, аммо муайян минтақа давлатларининг хавфсизлик сиёсатида чегарадош давлатлар омили унинг ажралмас хусусияти бўлиб қолмоқда.

МХКН доирасида ушбу ҳодиса (масофа) «хавфсизлик муаммосининг алоҳида омиллари» (as distinct factors in the security problematique) [Бузан, 1991] сифатида кўриладиган дўстлик (amity) ва адоват/душманлик (enmity) моделлари билан изоҳланади. Бу модель минтақадаги давлатлараро муносабатларнинг мавжуд ҳолати ҳамда хавфсиз ёки беқарорлик характерини тушуниб етишда ёрдам беради. Дўстликнинг сифат кўрсаткичлари давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мавжудлиги, бошқа давлатлар ҳимояси ва қўллаб-қувватлашига ишончи; душманликнинг эса - ўзаро муносабатлардаги ишончсизлик ва қўрқув ҳисобланади.

Ҳар қандай МХК моҳиятан «халқаро тизимнинг тизимости тузилмаси» [Бузан, 1991], [Бузан, 2003; Б. 16] ҳисобланади, яъни уларга мавжуд ва чегарадош МХКлар билан муайян боғлиқлик хос. Хусусан, кучлар мувозанати мантиғи минтақадаги рақибларни доимо ташқи иттифоқчилар қидиришга ундаши сабабли, глобал ва минтақавий хавфсизлик даражалари «кириб келиш» (penetration) механизми орқали ўзаро боғланади ва шу орқали МХК глобал тизим билан кесишади.

Ўз навбатида, «кириб келиш» буюк давлатлар манфаатларининг минтақа давлатлари манфаатларидан устунлигини англатувчи «қамраб олиш»га (overlay) айланиши ҳам мумкин. МХК учун энг номақбул сценарий – бу минтақа давлатларининг хавфсизлик соҳасидаги ўзаро муносабатларининг амалда барҳам топишидир. Бу ҳолат минтақада рақобат/қарама-қаршилик, секьюритизация даражасининг пастлиги, умумий (минтақавий) муаммоларни ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларининг яратилмаганлиги, хорижий давлатларининг минтақада узоқ муддатли ҳарбий мавжудлиги каби омиллар таъсирида вужудга келади.

МХКнинг географик жиҳатдан белгиланувчи чегаралари «ўзаро алоқа кучсиз бўлган ҳудудлар» ҳисобланиб, бу ҳудудда жойлашган давлат изолятор (ажратиб турувчи) [Бузан, 2003; Б. 41] деб аталади. Аънавий буфер давлатдан фарқли ўлароқ, ажратиб турувчи давлат секьюритизациянинг кучли модели марказида эмас, балки икки МХК кесишган ҳудудда жойлашган бўлади [Бузан, 2003; Б. 41].



Хавфсизлик «қатъий ҳудудийликни» тақозо этади, яъни унинг концептуаллашуви, ҳудудийлик фундаментал хусусияти ҳисобланган, ўз чегараларига эга бўлган муайян минтақада амалга оширилади.

## Хавфсизлик асослари



Шундай қилиб, хавфсизлик комплекси муайян минтақа давлатлари гуруҳи хавфсизлигининг ўзаро боғлиқлигини таъкидлайди. Муаллифларнинг фикрича, миллий ва глобал хавфсизлик даражаларидан фарқли равишда, хавфсизлик субъектлари хатти-ҳаракатининг асосий қисми айнан минтақавий даражада юз беради. Хавфсизлик комплексининг ўзига хослиги шундаки, география ва цивилизация каби минтақанинг фундаментал хусусиятлари уни изоҳлашда бошланғич нуқта сифатида қаралмайди. Таъкидланадики, «*минтақавий хавфсизлик комплекслари – хавфсизлик қиррасидан туриб кўрилувчи минтақалардир ... Бизнинг ёндашув «хавфсизлик» атрофида қурилади*». Шунинг учун, хавфсизлик комплекси минтақага анъанавий ёндашув билан доимо ҳам мос келмайдиган, ўзига хос функционал нуқтаи назардан келиб чиқиб белгиланувчи минтақа тури сифатида намоён бўлади.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Минтақавий хавфсизлик тушунчасига таъриф беринг.
2. Минтақавий хавфсизликни белгилаб берувчи асосий омилларни сананг.
3. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
4. Минтақавийлашув ва регионализм тушунчаларининг нисбатига тўхталинг.
5. Минтақавий хавфсизлик комплекси моҳиятини очиб беринг.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Сафоев С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.
2. Арон Р. Мир и война между народами /Под общей ред. В.И.Даниленко – М.: NOTA BENE, 2000. – 459 с.
3. Barry Buzan, Ole Waever. Regions and Powers: the Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 564 p.
4. Barry Buzan. People, States, and Fear. – Brighton: Wheatsheaf, 1983. – 262 p.
5. David A. Lake and Patrick M. Morgan. The New Regionalism in Security Affairs /In: Regional Orders: Building Security in a New World. - University Park: Penn State University press, 1997.
6. Diehl Paul. Geography and War: A Review and Assessment of the Empirical Literature // International Interaction, Vol. 17, 1991.
7. Haas Michael. International Subsystems // American Political Science Review 64 (March). – P. 98-123.
8. Hurrell Andrew. Regionalism in Theoretical Perspective //In: Regionalism in World Politics: Regional Organization and International Order /Louise Fawcett and Andrew Hurrell, eds. - Oxford: Oxford University Press, 1995.

МХКнинг географик жиҳатдан белгиланувчи чегаралари «ўзаро алоқа кучсиз бўлган ҳудудлар» ҳисобланиб, бу ҳудудда жойлашган давлат изолятор (ажратиб турувчи) деб аталади.


**Барри Бузан**

9. Starr Harvey. Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict // International Studies Review, Vol. 7, 2005.

10. Nye S. Joseph. International Regionalism. – Boston: Little, Brown, Co. 1968.

11. The Penguin Dictionary of International Relations // Graham Evans and Jeffrey Newnham. – London: Penguin Books, 1998.

12. The World Order Politics of Regionalization //In: The United Nations and Regional Security: Europe and Beyond /Michael Pugh and Waheguru Pal Singh, eds. – London: LYNNE RIENNER Publisher, 2003. – 309 p.



## 17-МАВЗУ. МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Европа концерти  
(1814-1815)

Минтақавий ташкилотлар миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ва самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

**Резюме.** Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ва самарали институционал асоси – минтақавий ташкилотлардир. Мазкур мавзу минтақавий ташкилотлар тушунчаси, минтақавий ташкилотларнинг ривожланиши, таснифи, халқаро-ҳуқуқий мақоми ҳамда БМТ билан алоқалари масалаларига бағишланган.

**Таянч сўзлар:** минтақавий ташкилотлар, минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми, БМТ, коллектив хавфсизлик механизмлари, коллектив хавфсизлик, коллектив мудофаа, кооператив хавфсизлик, ҳарбий-сиёсий иттифоқ, МДҲ, ШҲТ, КХШТ.

### 17.1. Минтақавий ташкилотлар: тушунчаси ва ривожланиш босқичлари

Хавфсизликни таъминловчи халқаро-ҳуқуқий воситалар тизимида минтақавий ташкилотлар муҳим ўрин тутди. Ҳукуматлараро минтақавий институтларнинг вужудга келиши суверен давлатларнинг минтақа миқёсида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича кўп томонлама ҳамкорликка бўлган объектив эҳтиёжини ифодалайди. Ҳозирги кунда минтақавий ташкилотлар миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ва самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

«Европа концерти» каби давлатлараро уюшмалар ўзаро мақсадга эришишда, авваламбор, дипломатик, сиёсий ва ҳуқуқий асосларга таянган. «Европа концерти» ёки «концерт тизими» Вена конгресси қарорларини ҳаётга татбиқ этиш (1814-1815) ҳамда Европада Наполеондан кейинги даврда юзага келган дипломатик кризисни бартараф этиш мақсадида тўрт ғолиб қудратли давлат – Австрия, Британия, Пруссия ва Россия (1818 йилдан Франция) томонидан ташкил этилган *ad hoc* конференциялар тизими (1815-1854) ҳисобланади. «Европа концерти» расмий/формал институционал тузилмаларга эга бўлмаган. Буюк давлатлар ҳамкорлигининг ёрқин намоиши бўлган концерт тизими Европада мавжуд консерватив ҳукуматлар ва сулоалаларнинг легитимлиги ҳамда ҳудудий статус-квони сақлаб қолишни, инқилобий ҳаракатларнинг олдини олишда ўзаро мунтазам маслаҳатлар ва музокаралар орқали *кучлар мувозанатини* ўрнатишни ўзининг бош мақсади, деб билган.

## Хавфсизлик асослари

«Европа концерти» халқаро хавфсизликни таъминлаш механизмнинг ривожланишига, хусусан, ҳарбий хатти-ҳаракатлар олиб бориш қоидалари ҳамда халқаро арбитраж институтининг шаклланишига салмоқли ҳисса қўшди. Мазкур формат хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда давлатлар манфаатларининг муштараклиги муҳим эканлигини намойиш этди. У хавфсизлик режимини ўрнатишдаги дастлабки уринишлардан бири сифатида қаралади. Қирқ йил мобайнида статус-квони таъминлаб берган ҳамда урушларнинг юзага келишини бартараф этган ушбу тизимнинг асосий принциплари: ҳокимиятнинг оқилона тақсимланиши; таҳдидларни бартараф этишда умумий фаолиятни ташкиллаштириш; қудратли давлатларнинг зиммасига махсус имтиёзлар ва масъулиятнинг юклатилиши ва бошқалар. Халқаро тартиботни ўрнатишга қилинган кейинги уринишлар (Миллатлар лигаси ва БМТни ташкил этиш)да унинг ғояларидан кенг фойдаланилди.

Халқаро минтақавий ташкилотларнинг ривожланиши универсал халқаро ташкилотларнинг халқаро саҳнага чиқиш жараёни билан ҳамоҳанг тарзда амалга ошди. 1919 йилда Миллатлар Лигасининг тузилиши халқаро муносабатларнинг институционаллашувида муҳим ўрин тутди. Ташкилотнинг кун тартибига турли минтақавий гуруҳ ва органлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш масаласи ҳам қўйилди. Хусусан, Лига Статутининг 21-моддасида муайян район (минтақа)лар доирасида тинчликни таъминлашга қаратилган шартномаларнинг Статут қоидаларига мувофиқ келиши қайд этилган. Шу билан бирга, ушбу ҳолат «минтақавий-глобал ҳамкорликни ўрнатишнинг ибтидоси сифатида» кўрилади [Луиз, 2003; Б. 13].

Халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари ҳамда унинг ҳуқуқий асослари универсал халқаро ташкилот – БМТ Низомида ўз ривожини топди. Шу билан бирга, регионализм ғояси БМТ Низоми лойиҳасини ишлаб чиқишда кескин курашлар предметиға айланди. Лотин Америкаси ва Араб дунёси давлатлари («регионалистик фронт» [Веруччи, 1993]) томонидан Низомда регионализм ғоясини, яъни учинчи дунё давлатлари манфаатларини амалга оширишга имкон берувчи қоидаларнинг киритилиши қўллаб-қувватланди. Ушбу гуруҳ давлатлари томонидан регионализм «буюк давлатларнинг гегемонлиги ва вето ҳуқуқини тийиб туриш воситаси сифатида» [Маккобри, 2000; Б. 37] кўрилган.

Шундай қилиб, БМТ Низомининг VII (Тинчликка таҳдид, тинчликни бузиш ва агрессия актларига нисбатан ҳаракатлар) ҳамда минтақавий ташкилотлар халқаро-ҳуқуқий мақомини белгиловчи VIII (Минтақавий битимлар) боблари буюк давлатлар ва учинчи дунё давлатлари ўртасидаги ўзига хос компромисс сифатида баҳоланади.

Низом – халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга тааллуқли бўлган ва минтақавий ҳаракатларга тўғри келадиган масалаларни ҳал этиш учун минтақавий битимлар ёки органларнинг мавжуд бўлишига ҳеч бир тўсқинлик қилмайди, лекин бундай битим ёки органлар ва уларнинг фаолияти Ташкилотнинг Мақсад ва Принциплари билан ҳамоҳанг бўлиши шарт.

**БМТ Низоми, 52-модда.**

Халқаро минтақавий ташкилотларнинг ривожланиши универсал халқаро ташкилотларнинг халқаро саҳнага чиқиш жараёни билан ҳамоҳанг тарзда амалга ошди.



Икки мафқуранинг қарама-қаршилиги даврида минтақавий давлатларнинг туб манфаатлари халқаро муносабатлар етакчи акторларининг геосиёсий манфаатлари қурбонига айланди.

Совуқ уруш даврида икки мафқуравий тизимнинг ўзаро қарама-қарши кураши турли минтақавий хавфсизлик механизмлари яратилишида муҳим роль ўйнади. Бу механизмлар, биринчи навбатда, дунёнинг қудратли давлатлари сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланиб келинди. Шу боис ҳам улар минтақа муаммолари ва минтақа давлатлари манфаатларини амалга оширувчи тўлақонли механизмга айлана олмади. Бошқача айтганда, икки мафқуранинг қарама-қаршилиги даврида минтақавий давлатларнинг туб манфаатлари халқаро муносабатлар етакчи акторларининг геосиёсий манфаатлари қурбонига айланди.

Деколонизация, яъни мустамлака тузумининг барҳам топиши хавфсизлик муаммоларининг минтақа даражасида автономлашуви ва институционаллашувига муҳим ҳисса қўшди. Янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши, ўз навбатида, улар ўртасида муайян ҳудудий, чегаравий ва этник низоларни келтириб чиқарди. Низоларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини яратиш заруриятини қўйди. Минтақа давлатлари мавжуд муаммоларнинг узвийлиги ва ўз тақдирларининг умумийлигини тушуниб етдилар. Натижада, Африка бирлиги ташкилоти (2003 йилдан Африка иттифоқи), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси ва бошқа шу каби минтақавий ташкилотлар вужудга келди.

Мустамлака тузумининг инқирози билан бирга «совуқ уруш»нинг барҳам топиши ҳам хавфсизлик муаммоларининг минтақавийлашуви жараёнини тезлаштирди. Икки қутбли тизимнинг қулаши натижасида собиқ Иттифоқ республикаларининг мустақилликни қўлга киритиши постсовет маконида минтақавий ташкилотларнинг вужудга келишига навбатдаги туртки бўлди. Минтақавий хавфсизлик механизмлари МДҲ, КХШТ, ШХТ каби ташкилотлар ҳисобига бойиди.

Шундай қилиб, минтақавий хавфсизлик механизмларининг пайдо бўлишини, аввало, халқаро муносабатларда юз бераётган муҳим воқеа ва ҳодисаларнинг, хусусан, мустамлака тизимининг инқирози ва янги суверен давлатларнинг вужудга келиши, трансчегаравий таҳдидларнинг пайдо бўлиши каби жараёнларнинг натижаси сифатида кўриш мумкин.

## 17.2. Минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ва БМТ билан ҳамкорлиги

Мустамлака тузумининг барҳам топиши хавфсизлик муаммоларининг минтақа даражасида автономлашуви ва институционаллашувига муҳим ҳисса қўшди.

Минтақавий ташкилотлар фаолиятини ўрганишда БМТ Низоми қоидалари, хусусан, VIII боб алоҳида ўрин эгаллайди. «Низом, деб белгиланади ҳужжатда, халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашга тааллуқли бўлган ва минтақавий ҳаракатларга тўғри келадиган масалаларни ҳал этиш учун минтақавий битимлар ёки органларнинг мавжуд бўлишига ҳеч бир тўсқинлик қилмайди, лекин бундай битим ёки органлар ва уларнинг фаолияти Ташкилотнинг Мақсад ва Принциплари билан ҳамоҳанг бўлиши шарт» (52-модда).

Шунингдек, 52-модданинг 3-бандига мувофиқ, «*Хавфсизлик Кенгаши маҳаллий низоларнинг шундай минтақавий битимлар ёки шундай минтақавий органлар ёрдамида ё манфаатдор давлатлар ташаббуси билан ёки ўз ташаббуси билан тинч ҳал этилишини рағбатлантириши лозим*».


Бугунги кунда БМТ минтақавий ташкилотлар салоҳияти ва имкониятидан халқаро хавфсизликни таъминлашда кенг фойдаланмоқда. Халқаро хавфсизликни таъминлашда «меҳнат ва масъулият тақсимоти» БМТ ва минтақавий ташкилотлар ҳамкорлигида *марказий* ўринни эгаллайди. Бош Котиб – Минтақавий ташкилотлар ҳамда Хавфсизлик Кенгаши – Минтақавий ташкилотлар форматидаги икки томонлама ҳамкорликнинг ўрнатилиши мазкур йўналишда бурилиш палласи бўлди. 2003 йилдан бошлаб халқаро ҳамкорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг долзарб масалалари бўйича мунтазам равишда Хавфсизлик Кенгаши ва минтақавий ташкилотлар ўртасида йиллик йиғилишлар, махсус учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.

Халқаро ҳуқуқда халқаро минтақавий ташкилотларнинг юридик табиатига оид изланишлар натижаларига асосланиб, минтақавий ташкилотларни маълум географик ҳудуд ҳукуматлари *томонидан* минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида шартнома асосида ташкил қилинган давлатлараро уюшма сифатида таърифлаш мумкин.

Минтақавий ташкилотлар замонавий халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига *айланди* ва «минтақавий ташкилот» тушунчаси халқаро-ҳуқуқий тадқиқотларда томир отиб улгурди. Ваҳоланки, БМТ Низомида «минтақавий ташкилот» ибораси ўзининг бугунги талқинида мавжуд эмас. Минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақомини таҳлил қилишда мурожаат этиладиган Низомининг VIII боби «*Минтақавий битимлар*» деб номланади.

Қайд қилиб ўтиш лозимки, Низомдаги «минтақавий битимлар» умумлашма (жамловчи) тушунча бўлиб, турли минтақавий кўп томонлама ҳамкорлик механизмлар, хусусан, битимлар, ташкилотлар, органлар, муайян минтақа давлатлари муносабатларини тартибга солувчи шартномалар ва минтақавий тузилмаларни қамраб олади.

Шу билан бирга, мазкур бобда сўз, авваламбор, халқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган минтақавий ташкилотлар ҳақида боради. Шу боис, Низомнинг мазкур боби таҳлилида ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг ҳуқуқий мақоми масаласи ҳам муҳим масала ҳисобланади. БМТ амалиётида Бош Ассамблея минтақавий кўп мақсадли ташкилотлар, ҳарбий-сиёсий иттифоқлар ёки альянслар



Халқаро хавфсизликни таъминлашда «меҳнат ва масъулият тақсимоти» БМТ ва минтақавий ташкилотлар ҳамкорлигида марказий ўринни эгаллайди.



ўртасида муайян фарқнинг мавжудлигига эътиборни қаратиб келган. Ҳарбий-сиёсий иттифоқлар, БМТ Низомининг VIII бобида биноан, минтақавий хавфсизлик механизмларига мансуб эканлиги қайд қилиб келинган. Халқаро-ҳуқуқий мақомига кўра, улар мудофаа иттифоқлари бўлиб, аъзо давлатларни ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида тузилган.

Тадқиқотчилар фикрига кўра, коллектив мудофаа ташкилотлари ўз фаолиятини Низомнинг 51-моддасига асосан, яъни ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи доирасига амалга оширади. Хусусан, Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти таъсисчилари Вашингтон шартномасини имзолаш вақтида альянс ўз фаолиятида БМТ Низомининг 51-моддасига асосланиши ва VIII боб қоидаларидан ташқарида фаолият юритишини таъкидлаб ўтганлар.

Бироқ дунё шиддат билан ўзгармоқда, табиийки, мудофаа иттифоқларининг одатий вазифалари ва мақсади ҳам муайян ўзгаришларга юз тутди. 20-асрнинг 90-йилларидан бошлаб, бу каби иттифоқларнинг фаолият доираси кенгайиб, анъанавий ҳарбий-сиёсий ўлчам чегараларидан чиқа бошлади. Муайян маънода уларнинг БМТ Низомининг VIII боби қоидаларига мос равишда тўлақонли минтақавий ташкилотларга айланиши жараёни кузатилмоқда. Ушбу трансформация БМТ амалиётида ўз аксини топди.

Минтақавий ташкилотлар ҳаракатининг ҳуқуқийлигини муҳим шарти бу – БМТ Хавфсизлик Кенгаши санкцияси (рухсати)нинг мавжудлиги ҳисобланади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўз раҳбарлигида минтақавий битим ёки органлардан Низомнинг VII боби доирасида мажбурий ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланиши мумкин.

Минтақавий ташкилотларни қўллаш, географияси ва ўз ваколатларини минтақавий ташкилотларга тақдим қилиш ҳар бир алоҳида ҳолатда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича бош масъул орган Хавфсизлик Кенгаши томонидан белгиланади.

Бундан ташқари, НАТО ва КХШТ – анъанавий ҳарбий-сиёсий иттифоқлар – ЕИ, МДХ, АДТ, АИ каби кўп мақсадли минтақавий ташкилотлар қаторида БМТ ва минтақавий ташкилотларнинг олий даражадаги учрашувларининг доимий иштирокчиларига айланди.

Гуманитар соҳанинг замонавий тенденциялари, жумладан, гуманитар аралашув ва «гуманитар интервенция» каби ҳолатлар минтақавий ташкилотларни БМТ Низомининг VII боби доирасида мажбурлов чораларини қўллаш операцияларига жалб қилишни тақозо этмоқда [Шмитт, 2000; Б. 23].

БМТ Низомининг VIII бобида кўра, «маҳаллий низолар» минтақавий ташкилотлар юрисдикциясига киритилган. Тинчликка таҳдид, тинчликнинг бузилиши ва агрессия актлари



Коллектив мудофаа ташкилотлари ўз фаолиятини Низомнинг 51-моддасига асосан, яъни ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи доирасида амалга оширади.

## Хавфсизлик асослари

каби халқаро хавфсизликка оид жиддий масалалар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг алоҳида ваколатлари доирасига кириб, Низомининг VII боби асосида тартибга солинади. Низомнинг 52-моддасига биноан, «Хавфсизлик Кенгашига оширгунга қадар уларни шундай минтақавий органлар ёрдамида тинч йўл билан ҳал этишга эришиш учун бор кучларини сафарбар этишлари керак».

Бундай ҳолат Хавфсизлик Кенгаши ва минтақавий ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар бўйсунушига асосланганлигини англатади. Бу, бир томондан, халқаро хавфсизлик соҳасида Хавфсизлик Кенгашининг етакчилик ролини тасдиқласа, иккинчидан, минтақавий ташкилотлар БМТ универсал коллектив хавфсизлик тизимининг ажралмас таркибий қисми эканлигини белгилаб беради.

Одатда, БМТ Хавфсизлик Кенгаши рухсатсиз қуролли кучлардан фойдаланишга фақатгина индивидуал ва коллектив ўз-ўзини муҳофаа қилиш ҳолатларидагина рухсат этилади.

Минтақавий хавфсизлик механизмлари иштирокидаги ўз-ўзини муҳофаа қилишга ёрқин мисол сифатида Толибон ҳукуматига қарши олиб борилган ҳарбий ҳаракатларни келтириш мумкин. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, бирдан уч минтақавий ташкилот – НАТО, АДТ ва АНЗЮС – ушбу ҳолатни, БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ деб баҳолаб, коллектив ўз-ўзини муҳофаа қилиш ҳуқуқи доирасида фаолият юритдилар.


Минтақавий ташкилотлар иштирокида халқаро муносабатларда куч ишлатилишига яна бир мисол – собиқ Югославияга нисбатан қўлланилган амалиётдир. Одатда, минтақавий ташкилотлар фаолиятининг замонавий тенденциялари тўғрисида сўз кетганида алоҳида олинган ташкилотларнинг бир томонлама ҳаракат қилишга интилишлари таъкидлаб ўтилади. Хусусан, собиқ Югославия ва Ироқ атрофидаги воқеаларда ўз манфаатларига эришиш йўлида АҚШ-НАТО биргаликда ёки ўз иттифоқчиларининг *ad hoc* коалициясидан фойдаланганлигини келтириб ўтиш мумкин.

Шундай қилиб, «минтақавий битим ёки органлар» қаторига киритиш мўлжалланган минтақавий хавфсизлик механизмлари доираси борасида ҳозирги вақтда муайян келишувга эришилган. БМТ Бош қотиби маърузасида минтақавий уюшмалар ва ташкилотлар таркибига қуйидагиларнинг кириши белгиланган:

*биринчидан*, БМТ ташкил этилишидан олдин ёки кейин таъсис этилганидан қатъи назар, шартномалар асосида тузилган ташкилотлар;

*иккинчидан*, ўзаро хавфсизлик ва муҳофаани таъминлаш мақсадида ташкил этилган минтақавий ташкилотлар;

*учинчидан*, минтақани умумий ривожлантириш ёки муайян фаолият соҳасида ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида тузилган ташкилотлар;



Тинчликка таҳдид, тинчликнинг бузилиши ва агрессия актлари каби халқаро хавфсизликка оид жиддий масалалар БМТ Хавфсизлик Кенгашининг алоҳида ваколатлари доирасига кириб, Низомининг VII бобига мувофиқ тарзда тартибга солинади.

Халқаро тинчлик ва барқарорликни сақлашда минтақавий ташкилотларнинг фаолияти Низом қоидаларидан келиб чиқиши, мувофиқ келиши ҳамда Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим.

*тўртинчидан*, долзарб аҳамиятга эга аниқ сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилган давлатлар уюшмаси<sup>1</sup>. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

*биринчидан*, минтақавий ташкилотлар – умумий хавфсизликни таъминлашнинг самарали механизми ҳисобланади;

*иккинчидан*, БМТ Низоми халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда бош масъулиятни Хавфсизлик Кенгашига юклаган. Минтақавий ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг ҳосила субъектидир. Халқаро тинчлик ва барқарорликни сақлашда минтақавий ташкилотларнинг фаолияти Низом қоидаларидан келиб чиқиши, мувофиқ келиши ҳамда Хавфсизлик Кенгаши раҳбарлиги остида амалга оширилиши лозим;

*учинчидан*, замонавий халқаро муносабатларда минтақавий ташкилотларнинг ваколатини кенгайтириш масалалари алоҳида ўрин тутмоқда. Ушбу ўринда минтақавий ташкилотларни нафақат БМТ Низомининг VI ва VIII боблари, балки VII боби доирасида кўзда тутилган операцияларда фаол иштирокини таъминлаш мақсадга мувофиқ.

### **17.3. Минтақавий коллектив хавфсизлик механизмлари**

Хавфсизликнинг замонавий кўп томонлама механизмлари Вена конгресси, «Европа концерти», альянслар ва давлатлар иттифоқларининг тўлақонли вориси ҳисобланади. Сиёсий реализм нуқтаи назарига кўра, анъанавий ва замонавий хавфсизлик институтларининг мақсад ва вазифалари ўхшаш: улар халқаро муносабатларда кучлар мувозанатини таъминлаш ҳамда давлат ташқи сиёсатининг инструменти сифатида кўрилади. Мазкур қараш хавфсизлик тадқиқотларида устувор бўлиб қолмоқда. Бироқ бу замонавий давлатлараро муносабатлар тизимида ўз тузилиши, табиати ва мазмунига кўра мураккаб кўринишга эга бўлган институтларни тавсифлаш учун етарли эмас.

Хавфсизликнинг коллектив механизмлари қатор омиллар, хусусан, таъсисчи давлатларнинг хавфсизлик муҳити, таҳдидларнинг умумийлигини англаш ва тан олиш негизида шаклланади. Давлатлар хавфсизлигига реал таҳдидларнинг мавжудлиги хавфсизлик тузилмаларини яратишда ўзига хос бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Мисол учун, ўз вақтида Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти собиқ СССР ва унинг иттифоқчилари тимсолидаги таҳдидга қарши туриш мақсадида тузилган бўлса, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг таъсис этилишида «уч ёвуз иллат» – терроризм, экстремизм ва сепаратизм муҳим роль ўйнади.

Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг таъсис этилишида «уч ёвуз иллат» – терроризм, экстремизм ва сепаратизм муҳим роль ўйнади.

<sup>1</sup> Повестка дня для мира: превентивная дипломатия, миротворчество и поддержание мира П.61. <http://www.un.org/russian/Docs/journal/asp/ws.asp?m=S/25696>

Коллектив хавфсизлик механизмларининг турли шакллари мавжуд: альянслар, коллектив мудофаа тизимлари; универсал ва минтақавий коллектив хавфсизлик тизимлари; кооператив хавфсизлик механизмлари; хавфсизликнинг плюралистик ҳамжамиятлари; конфликтларни бошқариш механизмлари ва бошқалар. Уларнинг сиёсий-ҳуқуқий табиатини таҳлил этишда ва таснифлашда муҳим омиллар қуйидагилар:

- хавфсизлик муҳити;
- бирлаштирувчи (муаммолар, таҳдидлар ва манфаатларнинг умумийлиги);
- хавфсизликни таъминлаш усул ва услублари, инструментлари (қуролли кучлар, куч билан таҳдид қилиш, кучлар мувозанати, превентив дипломатия, мулоқот, ишонч чоралари ва ҳ.к.);
- ташкилий-ҳуқуқий мақоми (ҳарбий-сиёсий иттифоқ, кўп функцияли халқаро минтақавий ташкилот, мулоқот механизмлари) ва бошқалар.

Коллектив хавфсизликнинг илк институционаллашган тизимини Миллатлар Лигаси Статутида кўриш мумкин. Статутга кўра, аъзолар барча аъзо-давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигини ўзаро ҳурмат қилиш мажбуриятини олди (10-модда). Замонавий босқичда БМТ Низомига асосланган Коллектив хавфсизлик тизими халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўйича минтақавий ва универсал ташкилотлар доирасида амалга оширадиган ҳамкорликдаги (коллектив) чора-тадбирлар тизими сифатида таърифланади.

Коллектив хавфсизлик – халқаро муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва хавфсизлик тадқиқотларининг таянч тушунчаларидан бири. Коллектив хавфсизлик ғояси марказий ҳокимият ёки ягона ҳукумат мавжуд бўлмаган анархистик табиат хос бўлган халқаро муносабатлар тизимида куч ишлатишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тийиб туриш ва тартибга солиш, ноқонуний куч ишлатишга нисбатан умумий мудофаани ташкил этиш, ҳуқуқий тартибот ва тинчликни таъминлашнинг муқобил ечими ҳисобланади. Унга кўра, давлатларнинг хавфсизлик дилеммаси алоҳида олинган давлат ёки кучлар мувозанати билан эмас, балки коллектив чоралар/мажбуриятлар институти ёрдамида бартараф этилади.

«*Бир киши ҳамма учун ва ҳамма бир киши учун*» принципи коллектив хавфсизлик тизимининг муҳим мезони ҳисобланади. Унга мувофиқ, ҳар бир давлат ўз иттифоқчиларининг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига таҳдид солувчи ҳар қандай давлатга қарши амалга ошириладиган ҳамкорликдаги хатти-ҳаракатларга қўшилиш мажбуриятини олади. Коллектив хавфсизлик тизими тегишли равишда фаолият юритиши учун қатор ҳарбий, сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар, хусусан, тинчликни сақлаш кучлари, манфаатдор давлатлар ўртасидаги сиёсий консенсус, ўзаро алоқаларда куч ишлатишга нисбатан

Коллектив хавфсизлик ғояси марказий ҳокимият ёки ягона ҳукумат мавжуд бўлмаган анархистик табиат хос бўлган халқаро муносабатлар тизимида куч ишлатишни ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тийиб туриш ва тартибга солиш, ноқонуний куч ишлатишга нисбатан умумий мудофаани ташкил этиш, ҳуқуқий тартибот ва тинчликни таъминлашнинг муқобил ечими.

Давлатларнинг хавфсизлик дилеммаси алоҳида олинган давлат ёки кучлар мувозанати билан эмас, балки коллектив чоралар/мажбуриятлар институти ёрдамида бартараф этилади.

Коллектив хавфсизликнинг аҳамияти нафақат реал таҳдидларга қарши туришда, балки келгусида давлатлараро муносабатларда кучни қўллаш имкониятини бартараф этувчи зарурий шарт-шароитларни яратишда ҳам намоён бўлади.

умумий тақиқ, агрессия актига нисбатан умумий ёндашув ва бошқаларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади.

БМТ Низоми руҳидаги универсал коллектив хавфсизлик тизими урушнинг халқаро ҳуқуққа зидлиги ҳамда куч ишлатишнинг ҳар қандай ноқонуний кўринишларини тақиқлашга асосланади. Универсал коллектив хавфсизлик тизими, авваламбор, ташкилот Низомининг 2, 24, 25-моддалари ҳамда VI, VII ва VIII боблари нормалари доирасида фаолият юритади. БМТ Низомининг 2-моддаси 4-бандига кўра, *«Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча Аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар».*

Коллектив хавфсизликка доимийлик хос, у тизим сифатида халқаро ҳуқуқ нормаларини бузувчининг мавжуд бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, доимий равишда фаолият юритади. Бошқача айтганда, коллектив хавфсизликнинг аҳамияти нафақат реал таҳдидларга қарши туришда, балки келгусида давлатлараро муносабатларда кучни қўллаш имкониятини бартараф этувчи зарурий шарт-шароитларни яратишда ҳам намоён бўлади. Коллектив хавфсизлик бир вақтнинг ўзида халқаро ҳамжамиятнинг ҳам кучли, ҳам нисбатан кучсиз аъзолари манфаатларини амалга оширишга хизмат қилувчи тизимдир. Бу тизим кучсиз давлатларга «коллективга аралашиб кетиш» ҳамда «бир давлат ва бир овоз» принципи асосида фаолият юритиш орқали унинг тўлақонли аъзосига айланиш имкониятини берса, кучли давлатларга – тизимда устунликка эришиш ва «коллектив қарорлар»га ҳавола этиб, ўз хатти-ҳаракатларига қонуний тус бериш имкониятини яратади.

Асосий мақсади кучлар мувозанатини таъминлаш бўлган коллектив мудофаа механизмларидан фарқли ўлароқ, коллектив хавфсизликнинг мақсади тизим доирасида тинчликни таъминлашдан иборат. Коллектив хавфсизлик доирасида қўлланиладиган чора-тадбирлар коллектив мудофаага қараганда анча кенг. Унинг доирасида ноҳарбий, яъни дипломатик, сиёсий, иқтисодий, гуманитар ва бошқа воситалардан кенг фойдаланилади: қуролли кучдан фойдаланишга эса сўнги чора сифатида қаралади. Коллектив хавфсизлик ташқи ҳарбий таҳдидлар билан бирга, ташкилот аъзолари ўртасида вужудга келадиган ўзаро низоларни ҳам ҳал этади.

Коллектив хавфсизликнинг *концептуал муаммоси* «бир киши ҳамма учун ва ҳамма бир киши учун» принципига риоя этиш жараёнида намоён бўлади: бир томондан, агрессия акти юз берган тақдирда коллектив хавфсизлик тизимини ташкил этувчи барча давлатлар агрессияга учраган давлатга ёрдам кўрсатиш *мажбурияти* бор. Иккинчи томондан, *миллий манфаатлар*

БМТ Низоми руҳидаги универсал коллектив хавфсизлик тизими урушнинг халқаро ҳуқуққа зидлиги ҳамда куч ишлатишнинг ҳар қандай ноқонуний кўринишларини тақиқлашга асосланади.

суверен давлат фаолиятини белгилаб берувчи асосий омил ҳисобланади. Ҳал қилувчи паллада коллектив хавфсизлик тизими иштирокчилари манфаатларининг «қутблашуви» («биполяризация») ҳамда мажбурият ёки манфаат дилеммаси вужудга келади.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг вето ҳуқуқидан фойдаланишда, авваламбор, ўз миллий манфаатларига амал қилиши ҳамда (вето ҳуқуқи боис) уларга нисбатан коллектив чораларни қўллаш имкониятининг мавжуд эмаслиги муайян маънода универсал коллектив хавфсизлик тизимининг самарадорлигини пасайтиради. Шу билан бирга, коллектив хавфсизлик халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этишнинг ҳамда ҳуқуқий тартиботни таъминлашнинг марказлашган тизими бўлиб қолмоқда.

Коллектив мудофаа – бош мақсади ташкилот аъзоси ёки шартнома иштирокчиси ҳисобланган давлатга нисбатан қуролли ҳужум ёки агрессия акти амалга оширилганда ҳарбий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи хавфсизликнинг анъанавий механизмидир.

Коллектив мудофаа тизимларининг анъанавий ташкилий-ҳуқуқий кўриниши альянслар ҳисобланади. Анъанавий коллектив мудофаа тизимлари, одатда, аниқ таҳдид («душман тимсоли»)га қарши туриш учун таъсис этилган. Улар аниқ мақсадни, яъни муайян давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан таҳдид ва қуролли ҳужумнинг юзага келишини бартараф этишни кўзлаб тузилган.

Альянслар *кучлар мувозанатини таъминлаш*да муҳим роль ўйнайди. БМТ Низоми коллектив мудофаа альянслари (51-модда), жумладан минтақавий альянсларни тузишга монелик қилмайди (52-модда). Альянслар, одатда, шартномавий ва муайян институт/ташкилот доирасида мавжуд бўлиши мумкин. Уларга мисол қилиб Европада инқилобий ҳаракатларни тийиб туриш мақсадида уч империя (Австрия, Пруссия ва Россия) томонидан 1815 йилда тузилган «Муқаддас иттифоқ»ни, «Учлар иттифоқи»ни (1882-1914) ҳамда «совуқ уруш» даврининг муҳим иштирокчилари саналган Ғарбий Европа иттифоқи (1948), НАТО (1949), АНЗЮС (1951) ва Варшава шартномаси ташкилотини (1955) келтириш мумкин. Хусусан, НАТО ташкилотини таъсис этган Шимолий Атлантика шартномаси преамбуласида унинг томонлари *«коллектив мудофаани яратиш, тинчлик ва хавфсизликни сақлаш мақсадида саъй-ҳаракатларини бирлаштиришга»* қатъий тайёр эканлигини таъкидлайдилар.

Жозеф Йоффенинг фикрига кўра, анъанавий коллектив мудофаа, бошқача айтганда, «гуруҳбозлик»дир. «Гуруҳбозлик, – унинг фикрича, – номи доимо ҳам ошкор этилмайдиган муайян душманнинг мавжудлигини назарда тутувчи белгиланган мақсад асосида тузилган давлатлар уюшмаси. Гуруҳбозлик албатта «А+В+n» «X+Y+n»га қарши



Жозеф Йоффе

**Коллектив мудофаа** бу бош мақсади ташкилот аъзоси ёки шартнома иштирокчиси ҳисобланган давлатга нисбатан қуролли ҳужум ёки агрессия акти амалга оширилганда ҳарбий ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи хавфсизликнинг анъанавий механизмидир.



тамойили асосида ҳамда душманни масофада ушлаб туриш, шунингдек, муайян объект ёки географик минтақани мудофаа қилиш ёки босиб олиш мақсадида тузилади».

Коллектив мудофаадан фарқли ўлароқ, коллектив хавфсизлик тизими аввалдан белгиланган душманга қарши давлатлар иттифоқини назарда тутмайди. Бу борада формула қуйидаги кўринишга эга бўлади: «(A+B+X+Y+n) Z га қарши». Бунда Z – агрессор ёки халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини бузувчи, яъни таҳдид манбаи сифатида қаралади. Шундай қилиб, агар коллектив мудофаа тизимида белгиланган таҳдид ҳақида гап борса, коллектив хавфсизлик механизмини потенциал таҳдид ҳаракатга келтиради.

Шундай қилиб, коллектив мудофаа механизмларининг ўзига хос қуйидаги жиҳатларини кўрсатиш мумкин:

*биринчидан*, Коллектив мудофаа – шартнома асосида давлатлараро уюшмалар доирасида аъзо-давлатларни ташқи ҳарбий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилувчи коллектив ҳарбий чора-тадбирлар тизимидир;

*иккинчидан*, анъанавий коллектив мудофаа тизимларининг фарқли жиҳати – «душман тимсоли»нинг мавжудлигидир. Коллектив мудофаа тизими муайян мақсад – таҳдид ва қуролли ҳужумнинг олдини олиш ҳамда бир-бирига ҳарбий ёрдам бериш мажбуриятини амалга ошириш мақсадида тузилади;

*учинчидан*, коллектив мудофаа тизимлари ҳар доим ҳам институционал асосга, яъни доимий фаолият юритувчи органларга эга эмас. Шунинг учун ҳам улар формал ёки ноформал турларга ажратилиши мумкин. Биринчисига мисол сифатида НАТО, АНЗЮС каби минтақавий тузилмаларни, иккинчисига эса – давлатлар иттифоқи, мудофаа тўғрисидаги ўзаро шартномаларни (мисол учун, АҚШ ва Япония ўртасидаги стратегик ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартнома) келтириш мумкин. Формал ёки ноформал минтақавий альянслар одатда эксклюзив бўлиб, манфаатлари уйғун ва ташқи ҳарбий таҳдидларга қарши кураш бўйича ўзаро мажбуриятлар олишга ўз розилигини билдирган давлатлар билан чеклангандир.

**Кооператив хавфсизлик** хавфсизликнинг нисбатан янги, асосан «совуқ уруш» тугаши билан оммалашган концепцияси. Кооператив ёки *ҳамкорликка асосланган хавфсизлик*, одатда, ўзаро уйғун халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали таъминланади.

Унинг тарафдорлари фикрига кўра, консультациялар конфронтацияни, ишонтириш кўрқитишни, шаффофлик эса махфийлик ўрнини эгаллаши лозим.

Либерал-идеалистик ғояларга асосланган ушбу концепция турли кўринишларга эга бўлиб, «гроцианчилик» (Уайт) ва «кантчилик» ғояларига асосланган икки тури кенг тарқалган. Уларнинг биринчиси, халқаро институтлар ва ҳуқуқий нормаларга муносабат қилса, иккинчиси, ахлоқ нормаларининг универсаллиги

Кооператив хавфсизлик хавфсизликнинг нисбатан концепцияси бўлиб, у ўзаро уйғун халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда давлатлараро ҳамкорликни чуқурлаштириш орқали таъминланади.

ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишни хавфсизликни таъминлашнинг асосий мезони ҳисобланади.

Кооператив хавфсизликнинг гроциан концепцияси Брукингс университети (АҚШ) олимлари томонидан ишлаб чиқилган. Уларга кўра, кооператив хавфсизлик агрессияни тийиб туришнинг шундай механизми бўлиб, у агрессияга қарши таҳдидларни вужудга келтириш ҳамда агрессор давлатни мағлубиятга учратиш орқали фаолият юритади.

Кооператив хавфсизлик ҳамкорлик, мулоқот, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чораларига таянади. Кооператив хавфсизликка эришишга қаратилган чора-тадбирлар ўзаро келишувга асосланиши ҳамда кооператив хавфсизлик тизими кенг жамоатчилик томонидан қонуний (легитим) деб топилган асослардан келиб чиқиши лозим.

Кооператив хавфсизликнинг асосий жиҳатлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади: 1) агрессорни қўрқитиш эмас, балки агрессияни бартараф этишнинг қатъий кафолатларини яратишга йўналтирилганлик; 2) иттифоқлар сиёсатига муқобилликни таъминлаш; 3) нафақат ҳарбий, балки хавфсизликнинг ноҳарбий бўлган соҳаларини ривожланишни таъминлашга эришиш (Дьюитт).




**Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш** – Осиёда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган халқаро форум.

Кенгашни чақириш ғояси БМТ Бош Ассамблеясининг 1992 йилдаги 47-сессиясида Қозоғистоннинг биринчи президенти Н. Назарбаев томонидан илгари сурилган. Асосий мақсади Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун самарали ва мақбул тузилмани яратиш эди. Кенгаш кооператив хавфсизлик механизми бўлиб, ишончни мустаҳкамлаш чоралари Кенгаш мақсадларига эришишнинг асосий воситалари ҳисобланади. Улар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: ҳарбий-сиёсий; янги хавф ва таҳдидларга қарши кураш; иқтисодиёт; экология ҳамда инсон ўлчами. *ОҲИЧКга аъзо давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи принциплар декларацияси* (1999), *Олмаота акти ва Низом* (2002) Кенгашнинг асосий ҳужжатларидир. ОҲИЧК котибияти Кенгашнинг маъмурий органи ҳисобланиб, унинг қароргоҳи Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида жойлашган.

Кооператив хавфсизликнинг асосий жиҳатлари қуйидагилар:  
1) агрессорни қўрқитиш эмас, балки агрессияни бартараф этишнинг қатъий кафолатларини яратишга йўналтирилганлик;  
2) иттифоқлар сиёсатига муқобилликни таъминлаш;  
3) нафақат ҳарбий, балки хавфсизликнинг ноҳарбий бўлган соҳаларини ривожланишни таъминлашга эришиш.

Кооператив хавфсизликнинг кантчилик (руҳидаги) концепцияси БМТ доирасидаги коллектив хавфсизлик тизимининг самарасизлигини танқид қилади. Кооператив хавфсизлик



**Кооператив хавфсизлик** – хавфсизликнинг «ҳарбийлашмаган» концепцияси, унинг доирасида куч ишлатиш хавфсизликни таъминлашнинг одатий воситаси саналмайди. Бироқ инсон хавфсизлиги ва умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш мақсадида «гуманитар аралашув»ни, яъни гуманитар мақсадларда қуролли кучларни қўллаш ғоясини инкор этмайди.

## Хавфсизлик асослари

хавфсизликнинг «ҳарбийлашмаган» концепцияси, унинг доирасида куч ишлатиш хавфсизликни таъминлашнинг одатий воситаси саналмайди. Бироқ инсон хавфсизлиги ва умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш мақсадида «гуманитар аралашув»ни, яъни гуманитар мақсадларда қуролли кучларни қўллаш ғоясини инкор этмайди. Бунда кооператив хавфсизлик коллектив хавфсизлик ва коллектив мудофаа тизимларининг ўзига хос синтези сифатида кўрилади (Коэн).

Давлатлараро амалиёт ҳозирги даврда ҳар уч хавфсизлик механизмларига эҳтиёж мавжудлигини тасдиқлайди. 21-асрда коллектив хавфсизликнинг анъанавий институтлари – коллектив мудофаа ва коллектив хавфсизлик халқаро муносабатларда ўз мавқеини сақлаб қолмоқда. Ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг трансформациясига ёки уларнинг замонавий талабларга мослашувига қарамай, давлатлар ўзаро муносабатларида кучлар мувозанатини таъминлаш воситаси сифатида уларнинг хизматидан воз кечишга ҳали тайёр эмасликларини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, хавфсизликнинг бўлинмаслигини ва улар тақдирининг боғлиқлигини чуқур англаш ва янги таҳдидлар хавфига нисбатан ожизлик кооператив хавфсизлик механизмлари аҳамиятининг ўсиб боришини ҳам англашмоқда.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Минтақавий ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми деганда нималар тушунилади?
2. Минтақавий ташкилотлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари нимада?
3. Коллектив хавфсизлик, концерт тизими ва стратегик ҳамкорлик тушунчалари ўртасидаги фарқлар нималардан иборат? Ҳар бир ҳолатга алоҳида мисоллар келтиринг.
4. Коллектив хавфсизликни таъминлашнинг қандай механизмларини биласиз?
5. Кооператив хавфсизлик концепциясининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Тункин Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н.Шестакова. – М.: Изд-во Зерцало, 2000. – 416 с.
2. Шмитт Н. Майкл. Борьба с терроризмом и применение силы с точки зрения международного права /Европейский центр изучения вопросов безопасности им. Джорджа Маршалла. Публикация №5. 2000.
3. Barry Buzan, Ole Waever. Regions and Powers: the Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 564 p.

4. Fawcett Louise. The Evolving Architecture of Regionalization //In: The United Nations and regional security: Europe and beyond /Michael Pugh and Waheguru Pal Singh, editors. – London, Lynne Rienner Publisher, 2003. – 309 p.

5. Hilaire McCoubrey and Justin Morris, Regional Peacekeeping in the Past-Cold War Era. – The Hague: Kluwer Law International, 2000. – 252 p.

6. Hurrell Andrew. Regionalism in Theoretical Perspective //In: Regionalism in World Politics: Regional Organization and International Order /Louise Fawcett and Andrew Hurrell, eds. - Oxford: Oxford University Press, 1995.

7. Luisa Vierucci, WEU – a Regional Partner of the United Nations? Chaillot Paper, No 12, December 1993, Institute for Security Studies of WEU. <http://www.iss-eu.org>


8. Nye S. Joseph. International Regionalism. – Boston: Little, Brown, Co. 1968.

9. Starr Harvey. Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict // International Studies Review, Vol. 7, 2005.



## V БЎЛИМ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК

### 18-МАВЗУ. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ВА БМТ



**Резюме.** Халқаро хавфсизлик – умумий тинчликни бузиш ёки халқлар хавфсизлигига қаратилган ҳар қандай шаклдаги таҳдидларни бартараф этишни ифодаловчи давлатлараро муносабатларнинг бўлиб, давлатларнинг суверен ривожланиши учун энг мақбул шарт-шароитларни яратиш имкониятини беради. Сиёсий реализм тарафдорлари халқаро хавфсизликни давлатлараро муносабатларда кучлар мувозанатининг таъминланганлиги билан изоҳлашади. БМТ универсал коллектив хавфсизлик тизими сифатида халқаро хавфсизликни таъминлашда марказий ўрин тутаяди.

**Таянч сўзлар:** халқаро хавфсизлик, халқаро-ҳуқуқий воситалар, универсал коллектив хавфсизлик тизими, БМТ Низоми, БМТ Хавфсизлик Кенгаши, халқаро шартномалар, ишончни мустаҳкамлаш чоралари, нейтралитет.

#### 18.1. Халқаро хавфсизлик тушунчаси

Халқаро хавфсизлик тушунчасига оид турли таърифлар мавжуд. Бир гуруҳ тадқиқотчилар халқаро хавфсизликни *қудратли давлатларнинг манфаатлари мувозанати* деб баҳолашса, иккинчи гуруҳ (реалистлар) фикрига кўра, *халқаро хавфсизлик – анархистик дунёда кучлар мувозанатининг таъминланганлиги ҳолатидир*. Мутахассислар кучлар мувозанатини халқаро муносабатлар тизимида мутлақ хаос ёки зўравонликка нисбатан муқобил ва ундан афзал бўлган тартиботни яратишга қаратилган давлатлар ўртасидаги ўзига хос компромисс сифатида баҳолайди.

Сиёсий реализм тарафдорлари фикрига кўра, халқаро майдондаги ҳукмрон давлат ёки давлатлар гуруҳи халқаро хавфсизликнинг мазмун ва моҳиятини белгилайди. Халқаро хавфсизлик биноси асослари иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли давлатлар томонидан яратилади. Хусусан, мазкур мактабнинг йирик вакилларида бири француз олими Р. Арон «...айрим ҳамжамиятлар, ўз ўлчамлари ва қудрати боис, амалда бутун тизимда ҳукмронлик қилади», деб ёзади.

Яна бир таъриф *умумий ёки ялли халқаро хавфсизликни урушларнинг вужудга келишига барҳам берувчи давлатлараро муносабатларни ташкил қилиш тарзида изоҳланади*. БМТ Низоми қоидаларига мос келувчи халқаро-ҳуқуқий таърифга

**Халқаро хавфсизлик –** умумий тинчликни бузиш ёки халқлар хавфсизлигига қаратилган ҳар қандай шаклдаги таҳдидларни бартараф этишни ифодаловчи давлатлараро муносабатлар.

кўра, халқаро хавфсизлик – қандай шаклда бўлишдан қатъи назар, умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этувчи давлатлараро муносабатларнинг ҳолатидир.

Таърифлардаги умумий жиҳат шундаки, уларда анъанавий ёндашув – давлат, куч ва ҳарбий таҳдидлар омили муҳим ўрин тутади. Бироқ халқаро муносабатларнинг замонавий босқичи ва тенденциялари халқлар, миллатлар ва инсон омили устувор аҳамият касб этиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, халқаро хавфсизликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини шакллантиришда давлатлараро муносабатларнинг тизим яратувчилик роли сақланиб қолаётганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Халқаро хавфсизлик тизими давлатлараро тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Р. Ароннинг фикрича, давлатлараро тизим давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш учун бири иккинчисининг фаолиятини диққат билан кузатиб бориши учун шароит яратувчи тизимдир.

Миллий, минтақавий ва халқаро хавфсизлик тизимида миллий хавфсизлик бирламчи характерга эга. Бу, биринчи навбатда, давлатга хос бўлган суверенитет билан белгиланади. Шунингдек, халқаро муносабатларнинг мазмуни, авваламбор, давлатларнинг фундаментал манфаатлари билан белгиланади. Айтиш жоизки, *миллий манфаатлар халқаро муносабатлар тизимини ҳаракатга келтирувчи кучдир.*


Глобал ва халқаро хавфсизлик айрим мутахассислар томонидан айнан ўхшаш тушунчалар сифатида кўрилади. Сўнги йилларда глобал хавфсизлик хавфсизликнинг нисбатан мустақил даражаси сифатида кишилик жамияти эволюциясининг табиий оқибати сифатида саҳнага чиқди. У бевосита инсон омили билан боғлиқ бўлиб, *инсон/инсоният манфаатларига* хавф ва таҳдид солувчи *глобал муаммолар* кўлами ва қамровининг кенгайиб бориши шароитида долзарб аҳамият касб этмоқда.

20-асрнинг 60-йилларидан бошлаб глобал миқёсдаги *табиий, ижтимоий-иқтисодий* ва *ҳарбий-сиёсий* характерга эга бўлган (ядро уруши хавфи, қуролланиш пойгаси каби) глобал муаммолар кескинлашди. Мазкур муаммолар бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир (Назаров). Глобал муаммолар ёки таҳдидларни муайян давлат чегаралари доирасида ҳал этиб бўлмайди. Уларнинг келиб чиқиши кўп жиҳатдан «табиий» аҳамият касб этиб, бевосита кишилик жамиятининг тараққиёти натижаси/«меваси» ҳисобланади. Глобал хавфсизлик предметини ташкил этувчи ушбу гуруҳ муаммолар, хавф ва таҳдидлар, авваламбор, инсоният ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг ёки ўзаро алоқадорликнинг бузилиши; инсоният ва техносфера; инсоният ва давлатлар ҳамжамияти ўртасидаги қарама-қаршилик негизида вужудга келади.



Раймон Арон

Халқаро хавфсизлик, авваламбор, давлатлараро тизимга хос ҳодиса бўлиб, биринчи навбатда сиёсий ва халқаро-ҳуқуқий куч ва воситалар доирасида таъминланади. Халқаро хавфсизликка оид хавф ва таҳдидларнинг келиб чиқиши давлатлараро муносабатларнинг табиати ва ҳолати билан боғлиқ.



Глобал ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида сўз юритганда, халқаро хавфсизлик, авваламбор, давлатлараро тизимга хос ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шунинг учун глобал хавфсизлик доирасида экологик, демографик, ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлик масалалари муҳим аҳамиятга эга. Глобал ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисида сўз юритганда, халқаро хавфсизлик, авваламбор, давлатлараро тизимга хос ҳодиса эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Яъни, мазкур хавфсизлик даражасининг асосий субъекти суверен давлат ва хавфсизлик давлат ихтиёридаги сиёсий, ташкилий ва халқаро-ҳуқуқий куч ва воситалар ёрдамида таъминланади.

**Давлатлараро тизим** – суверен тенглик, ҳудудий яхлитлик ва ички ишларга аралашмаслик принципларига асосланган давлатлар ҳамжамияти; замонавий халқаро муносабатларни ташкил этиш шакли. Давлатлараро ёки «Вестфалия тизими»нинг ибтидоси ўттиз йиллик уруш (1618-1648) якунлари бўйича тузилган Вестфалия сулҳ шартномасига (1648) бориб тақалади. Шартнома давлатлараро муносабатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий доирасини белгилаб берувчи энг муҳим қоидаларни ўрнатиш билан бирга, давлатларнинг биринчи даражали сиёсий актор сифатидаги мавқеини мустаҳкамлади. Суверен тенглик мазкур тизимнинг таянч нуқтаси ва марказий ғоясидир. Национализм ғоясининг кенг тарқалиши давлатлараро тизимнинг янада мустаҳкамланиши ҳамда суверенитет концепциясини миллий-давлат билан уйғун тарзда қурилишини таъминлади. Суверенитет анъанавий тарзда давлатлараро тизим ва халқаро тартиботнинг бир бутунлигини таъминловчи ва бирлаштирувчи куч сифатида эътироф этилди. Унга кўра, ҳар бир давлат ўз чегаралари доирасида олий ҳокимият ва мутлақ ваколатга эга. Миллий суверенитет ва миллий хавфсизлик деярли синоним тушунчалар сифатида кўрилди. Шу боис суверенлар ва улар ўртасидаги муносабатлар давлатлараро тизимнинг тизим яратувчи элементи деб эътироф этилди. Давлатлараро тизимнинг бошқа элементлари, жумладан, халқаро ташкилотлар, альянслар, дипломатия, кучлар мувозанати ҳамда халқаро ҳуқуқ ҳосилавий аҳамиятга эга. Чунки уларнинг яратилиши бирламчи акторларнинг иродасига боғлиқ. Бугунги кунда нодавлат ва трансчегаравий акторларнинг сиёсий саҳнага чиқиши; кибермакон, кибер уруш, интернет, ижтимоий тармоқлар, трансчегаравий таҳдидлар, пандемия каби янги кучларнинг вужудга келиши давлат чегаралари доирасида (фақатгина) давлатнинг имконияти билан назорат қилиш салоҳиятига, давлатлараро тизим мазмун-моҳиятига бевосита таъсир кўрсатиб, суверен давлатнинг халқаро муносабатлардаги мутлақ ёки ҳукмрон мавқеига дахл қилмоқда.

## 18.2. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари

Халқаро хавфсизлик барча давлатларнинг халқаро ҳуқуқ умумэътироф этилган норма ва принципларига риоя қилишига асосланади ҳамда халқаро-ҳуқуқий воситалар тизими орқали таъминланади.

**Халқаро-ҳуқуқий воситалар** – халқаро ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш ва халқаро хавфсизликни таъминлашга оид ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи. Халқаро-ҳуқуқий воситалар: халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари; коллектив хавфсизлик ва мудофаа тизимлари: халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (икки томонлама ва кўп томонлама битимлар, минтақавий ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари); нейтралитет ва кўшилмаслик ҳаракати; ўзаро ишонч чоралари; тинчликпарвар кучлар; замонавий таҳдидларга қарши курашувчи тузилмалар (масалан, аксилтеррор тузилмалар, тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар) ва бошқаларни ўз ичига олади.

**Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи** – замонавий халқаро ҳуқуқнинг нисбатан янги тармоғи. Мазкур тармоқни ташкил этувчи норма ва принциплар йиғиндиси давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг *халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга* қаратилган *муносабатларини* тартибга солади. БМТ Низоми ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг негизини ташкил этади. Коллектив хавфсизлик, қуролсизланиш ушбу ҳуқуқ тармоғининг муҳим институтлари саналади. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг махсус ёки тармоқ принциплари сифатида тенг ва бир хил хавфсизлик, хавфсизликнинг бўлинмаслиги, бошқа давлатлар хавфсизлигига зарар етказмаслик ва бошқаларни келтириш мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари – халқаро ҳуқуқнинг моҳияти, хусусий жиҳатларини белгилаб берувчи, олий даражадаги сиёсий, юридик ва маънавий нуфузга эга бўлган умумий нормалар. Улар умумий халқаро ҳуқуқнинг пойдеворини ташкил этади ва халқаро ҳуқуқ субъектлари фаолиятининг ҳуқуқийлигини белгиловчи асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари универсал, умумэътироф этилган ва умуммажбурий нормалардир. Шунинг учун ҳам халқаро ҳамжамият томонидан бир бутун тарзда қабул қилинади. Улар халқаро ҳуқуқнинг императив, *jus cogens*, нормалари бўлиб, улардан ҳар қандай оғиш тақиқланади.

**Халқаро-ҳуқуқий воситалар** – халқаро ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этиш ва халқаро хавфсизликни таъминлашга оид ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуи.

**Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари** – халқаро ҳуқуқнинг моҳияти, хусусий жиҳатларини белгилаб берувчи, олий даражадаги сиёсий, юридик ва маънавий нуфузга эга бўлган умумий нормалар.



Императив нормаларга зид бўлган шартномалар юридик кучга эга бўлмайди. Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган: БМТ Низоми, Халқаро ҳуқуқнинг принциплари тўғрисидаги декларация (1970) ва ЕХҲКнинг Яқунловчи акти (1975).

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларига қуйидагилар киради: куч билан ёки уни ишлатиш билан таҳдид қилишни тақиқлаш, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, суверен тенглик, халқаро ҳуқуқ бўйича олинган мажбуриятларни виждонан бажариш, ҳамкорлик (БМТ Низоми ва Декларацияда), инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, ҳудудий яхлитлик ва чегараларнинг бузилмаслиги (Яқунловчи актда) ва бошқалар.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий асоснинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

**Халқаро ҳуқуқ доктринаси** – муайян тарихий давр ва шароитда халқаро ҳуқуқнинг моҳияти ва мақсадига оид қарашлар тизими. БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасида Суд «ҳуқуқий нормаларни аниқлаш учун ёрдамчи восита сифатида турли давлатларнинг оммавий ҳуқуқ бўйича энг малакали мутахассисларининг доктриналари»ни қўллашининг мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Доктрина мамлакат Конституцияси, давлат раҳбарининг қарашларида, ташқи сиёсат ва хавфсизликка оид концептуал ва доктринал ҳужжатларда, миллий қонунчиликда ҳамда мамлакатнинг ташқи сиёсий ва халқаро-ҳуқуқий ташаббусларида ўз ифодасини топади.

#### **Халқаро шартномалар**

– давлатнинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви.

Жаҳон сиёсий саҳнасидаги вужудга келган мураккаб вазият, янги таҳдид ва хавфларнинг пайдо бўлиши ҳамда давлатлар хавфсизлигининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги шароитида **халқаро шартномалар** – давлатнинг бир ёки бир неча давлат, халқаро ташкилот ёхуд халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан халқаро муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир тенг ҳуқуқли ва ихтиёрий келишуви – халқаро хавфсизликни таъминлашнинг самарали халқаро-ҳуқуқий воситаси сифатида алоҳида муҳим аҳамиятга эга.


Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тизимида дунёдаги ва минтақадаги етакчи давлатлар билан тузилган стратегик шериклик, Марказий Осиё давлатлари билан тузилган абадий дўстлик, минтақавий хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга қаратилган шартномалар алоҳида ўрин тутади.

Шунингдек, давлатлараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилишга оид халқаро шартномалар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Миллий қонунчиликка кўра, мудофаа қобилиятига дахлдор масалаларга оид шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар ратификация қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади (15-модда). Миллий қонунчиликда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларининг қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан устунлиги мустақамлаб қўйилган.

**Ишончни мустақамлаш чоралари** – бир давлат ёки давлатлар гуруҳининг бошқа (одатда, эҳтимолий душман) давлатга қарши қуролли ҳужум қилишга тайёргарлик кўрмаётганлигини ҳамда уларнинг ҳаракатлари ушбу давлат хавфсизлигига зарар келтирмаслигини кафолатловчи шартнома ёки бошқа асосда ўрнатилган махсус, ҳарбий чоралар ва тадбирлар; ўзаро ишончсизликни ҳамда ҳарбий соҳада ўзаро келишмовчилик оқибатида муносабатларнинг ёмонлашуви/таранглашувини бартараф этишга қаратилган махсус ташкилий-ҳуқуқий чоралар мажмуи.

Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг нисбатан янги халқаро-ҳуқуқий воситаси сифатида ишончни мустақамлаш чоралари, авваламбор, қуролланиш устидан назорат ўрнатиш ёки қуролланишни чеклаш соҳасида кенг татбиқ этилган. Ҳарбий соҳада ишончни мустақамлаш борасидаги илк қадамлар, хусусан, қуролли кучлар ва ҳарбий саноатнинг ҳолатига оид маълумотларни алмашиш масалалари Миллатлар Лигаси Статутида ўз аксини топган (8-модда). 20-асрнинг 70-йилларига келиб, яъни «совуқ уруш»нинг юқори палласида ишонч чораларига бўлган эҳтиёж кучайди. Ушбу чоралар хавфсизлик дилеммасининг ўзига хос оқибати бўлиб, уларнинг кутилган асосий мақсад томонларнинг ҳаракатлари ва истакларига нисбатан мавжуд ўзаро ишончсизликни енгиб ўтиш, ҳарбий-сиёсий вазиятнинг таранглигини юмшатишдан иборат бўлган. Мавжуд ишонч чоралари тизими, аввало, ЕХҲК ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган. ЕХҲКнинг Яқунловчи



**Нейтралитет** – ушбу халқаро-ҳуқуқий мақомга эга бўлган давлат уруш (хусусан фуқаролар уруши)да бирор-бир урушаётган давлат (ёки курашаётган) томонида иштирок этмаслик ҳамда урушаётган томонларга бевосита қуролли ёрдам кўрсатмаслик мажбуриятини олади.



актида (1975) аъзо-давлатлар: курукликдаги қўшинларнинг барча йирик ҳарбий ўқув машқлари; ҳарбий ўқув машқлари; катта сондаги қўшиннинг ҳаракатланиши; ҳарбий ўқув машқларида кузатувчиларни алмашиш ва ҳ.к. борасида бир-бирларини олдиндан хабардор қилишга келишиб олдилар. ЕХХК Стокгольм конференциясининг якунловчи ҳужжати (1986) ишонч чоралари тушунчасини кенгайтирди ва унинг мазмунини янада бойитди. Ишончни мустаҳкамлаш функциялари қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартиришга оид шартномаларга мувофиқ тузиладиган органларга юклатилди. Ҳозирда ишонч чоралари ҳарбий-техник чоралардан комплекс мазмун этувчи чораларга айланиб бормоқда. Ҳамкорлар ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд ҳолати нафақат хабар (маълум) қилувчи, балки тийиб турувчи ва келажақда чекловчи чораларни ишлаб чиқиш ва қўллаш имкониятини яратмоқда (ЕХХК/ЕХХТнинг Вена ҳужжатлари (1990, 1992, 1994, 1999)).

Марказий Осиё минтақасида ҳарбий соҳадаги хавфларни камайтириш ва ишонч чораларини жорий этишга қаратилган уринишлар «Шанхай бешлиги» доирасида қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан, «Чегара районида ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлаш тўғрисида»ги (1996) ҳамда «Чегара районида қуролли кучларни ўзаро қисқартириш тўғрисида»ги (1997) шартномаларда ўз аксини топган.

**Нейтралитет** – ушбу халқаро-ҳуқуқий мақомга эга бўлган давлат уруш (хусусан фуқаролар уруши)да бирор-бир урушаётган давлат (ёки қурашаётган) томонида иштирок этмаслик ҳамда урушаётган томонларга бевосита қуролли ёрдам кўрсатмаслик мажбуриятини олади. Тинчлик даврида унга ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик мажбурияти юклатилади. Халқаро ҳамжамиятнинг бошқа аъзолари нейтрал давлатнинг мустақиллиги, ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишлари, яъни унинг ҳудудида ҳарбий ҳаракатларни амалга оширмаслик, қўшинни олиб ўтмаслик, ҳужум қилмаслик, ҳаво бўшлиғидан ҳарбий мақсадларда фойдаланмасликлари лозим. Нейтралитет мақоми давлатни БМТ Низомига кўра, ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқидан ҳамда коллектив мудофаа тизимларида иштирок этишига тўсқинлик қилмайди.

Нейтралитет хавфсизликни таъминлашнинг муҳим халқаро-ҳуқуқий воситаси сифатида суверен давлатларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳамда халқаро муносабатларда куч ишлатишни чекловчи муҳим аҳамият касб этади. Нейтралитет доимий, шартномавий, уруш давридаги нейтралитет (ёки урушдаги нейтралитет) ва декларатив бўлиши мумкин. 1815 йил Вена конгресси декларациясига кўра, Швейцария доимий нейтралитет мақомига эга. Марказий Осиё давлатлари орасида Туркменистон ўз нейтралитетини эълон қилган. Унинг ушбу ҳуқуқий ҳолати БМТ Бош Ассамблеясининг «Туркменистоннинг доимий нейтралитети» тўғрисидаги резолюцияси билан тасдиқланган (1995 йил 12 декабрь).

**Ядро қуролидан холи зона** – муайян минтақанинг манфаатдор давлатлари ўртасида тузилган халқаро шартнома асосида ядро қуролларини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган ҳудуд. Шунингдек, ушбу ҳудуд орқали ядро қуролли олиб ўтиш ҳам тақиқланади.

**Ядро қуролидан холи зона** – муайян минтақанинг манфаатдор давлатлари ўртасида тузилган халқаро шартнома асосида *ядро қуролларини синаш, ишлаб чиқариш ва жойлаштириш тақиқланган ҳудуд*. Шунингдек, ушбу ҳудуд орқали ядро қуролини олиб ўтиш ҳам тақиқланади.

Ядросиз ҳудуд халқаро, миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим халқаро-ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. Ядро қуролига эга давлатлар ушбу ҳудудда ядро қуролини жойлаштирамаслик, уни қўлламаслик ва қўллаш билан таҳдид қилмаслик мажбуриятини олади. Ҳозирга қадар ядросиз ҳудудлар тузиш бўйича бешта шартнома имзоланган: Антарктика тўғрисидаги шартнома (1959), Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартнома (Тлателолко шартномаси, 1967), Тинч океанининг жанубий қисмида ядросиз зона тўғрисидаги шартнома (Раротонга шартномаси, 1985), Жануби-Шарқий Осиёда ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома (Бангкок шартномаси, 1995), Африкада ядро қуролидан холи зона тўғрисидаги шартнома (Пелиндаба шартномаси, 1996) ҳамда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани яратиш тўғрисидаги шартнома (2006).

Марказий Осиёда ядросиз ҳудудни барпо этиш ташаббусини илк бор Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида илгари сурган. Шартнома минтақа давлатлари томонидан 2006 йилда Қозоғистоннинг Семипалатинск шаҳрида имзоланган.

### **18.3. БМТ Хавфсизлик Кенгаши халқаро хавфсизликни таъминлашнинг марказий бўғини**

Хавфсизлик кенгаши БМТнинг олти асосий органларидан бири бўлиб, мазкур универсал ташкилот доирасидаги ялпи коллектив хавфсизлик тизимининг марказий бўғинидир. БМТ Низомининг 24-моддасида *«тезкор ва самарали ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг аъзолари Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида бош масъулиятни юклайди»*, деб белгилаб қўйилган.

Хавфсизлик Кенгаши БМТ номидан превентив ва мажбурий характердаги коллектив чора-тадбирларни қўллаш ва аъзо-давлатларга нисбатан юридик жиҳатдан мажбурий қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган БМТ тизимидаги ягона орган. Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари халқаро ҳамжамият томонидан ҳарбий ёки ноҳарбий характердаги коллектив хавфсизлик чораларини қабул қилиш учун юридик асос бўлади. Зарурият туғилганда халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида Хавфсизлик Кенгаши БМТ Низомининг VIII бобига мувофиқ, коллектив хавфсизликнинг минтақавий тизимларига мурожаат қилиши мумкин.

Кенгаш БМТга аъзоликка қабул қилиш, аъзоликдан маҳрум қилиш ҳамда аъзо давлатнинг ҳуқуқ ва ваколатлардан

БМТ Низомининг 24-моддасида *«тезкор ва самарали ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг аъзолари Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида бош масъулиятни юклайди»*, деб белгилаб қўйилган.

Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари халқаро ҳамжамият томонидан ҳарбий ёки ноҳарбий характердаги коллектив хавфсизлик чораларини қабул қилиш учун юридик асос бўлади.



БМТ Хавфсизлик  
Кенгашининг доимий  
аъзолари – АҚШ, Буюк  
Британия, РФ, Франция  
ва ХХР.

фойдаланишни тўхтатишга оид тавсиялар беради. Кенгаш БМТ Бош котибини тайинлаш бўйича Бош Ассамблеяга тавсиялар беради, БМТ Халқаро суди судьяларини сайлашда иштирок этади ҳамда Низомда белгиланган бошқа ваколатлардан фойдаланади. Кенгаш 15 аъзодан иборат бўлиб, уларнинг 5 нафари доимий (АҚШ, Буюк Британия, РФ, Франция ва ХХР) ҳамда 2 йил муддатга сайланадиган 10 нафар нодоимий аъзолар ҳисобланади. Барча муҳим масалалар бўйича қарорлар Кенгашнинг 9 нафар аъзоси, жумладан, доимий аъзоларнинг барчаси ижобий овоз берган тақдирдагина қабул қилинади.

Постбиполяр дунёда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ваколатлари Низомнинг VII боби доирасида, унинг имкониятларига мос равишда кенгайиб бормоқда. Ҳозирда Кенгаш халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи ҳамда VII бобда кўзда тутилган чораларни қўллашга олиб келувчи вазиятларни квалификация қилиш бўйича қатъий чораларни амалга оширмоқда. Таъкидлаб ўтиш муҳимки, айнан икки қутбли дунёнинг барҳам топиши мазкур универсал ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини унинг Низомида белгиланган тарзда амалга ошириш учун тегишли имкониятларни яратди.

Жумладан, Кенгаш амалиётининг қуйидаги жиҳатларини келтириш мумкин:

- бевосита ички низоларни вазиятни кескинлаштирувчи ва халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солувчи фаолият ёки жараён сифатида баҳолаш (Руанда);
- инсон ҳуқуқларининг бузилишини халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид сифатида баҳолаш (Босния, Камбоджа);
- террористик актларни тинчликка таҳдид деб баҳолаш («Локерби иши», 2001 йил 11 воқеаларидан сўнг қабул қилинган резолюциялар) ва бошқалар.

**Тинчликка таҳдид** – БМТ Низомининг VII бобига асосан, *халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш* бўйича тегишли *коллектив чораларни кўришга* доир тавсиялар бериш ёки қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган вазият. Тинчликка таҳдид ҳар бир алоҳида олинган ҳолатда БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан аниқланади. Кенгаш халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ёхуд тиклаш учун тавсиялар бериш ва чоралар кўришдан аввал *«тинчликка ҳар қандай таҳдид қилиш, тинчликни ҳар қандай тарзда бузиш ёки агрессия актининг мавжудлигини аниқлайди»* (39-модда) (Низомнинг 99-моддасига мувофиқ, «Бош Котиб халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин деб ҳисоблаган ҳар қандай масалани Хавфсизлик Кенгашига маълум қилишга ҳақлидир»).

«Тинчликка таҳдид», «тинчликни бузиш» ва «агрессия акти» иборалари Низомнинг 1-моддасида ўз аксини топган. Бироқ Низомда ушбу тушунчаларнинг таърифи келтирилмаган. Тинчликка таҳдид қолган иккисидан фарқли равишда, ноҳарбий табиатга эга бўлган (мисол учун, иқтисодий ва ижтимоий беқарорлик, табиий офат) ёки давлат(лар)нинг халқаро ҳуқуққа хилоф бўлмаган хатти-ҳаракатлари (мудофаа мақсадларида ҳарбий бюджетни ошириш ва қуролланиш) натижасида ҳам вужудга келиши мумкин.



Ушбу тенденциялар Хавфсизлик Кенгашининг авваллари фақат давлатнинг ички иши деб қаралган фаолият соҳаларига кириб бориши/аралашувининг кучайишидан далолат беради. Айтилганларга қўшимча сифатида алоҳида олинган давлатнинг жинойий юрисдикцияси ва судлови соҳасида *ad hoc* трибуналларнинг тузилиши; тегишли давлатларнинг розилигисиз бундай юрисдикцияни халқаро ҳамжамиятга берилиши; давлатларга жиноят содир этишда айбланаётган фуқароларини ўзга бир суверен давлатга бериш тўғрисида кўрсатмалар берилиши (Ливия, Судан) ёки уларни Халқаро трибуналларга топшириш тўғрисида қарорлар қабул қилиши (Югославия); алоҳида олинган миллий қонунчилик ҳужжатларининг бекор қилинишини талаб этиши (Хорватия) ва бошқалар.

Хавфсизлик Кенгаши амалиётида унинг қарорларини жорий этилишини таъминлашга хизмат қилувчи ёрдамчи органларни тузиш кенг томир отиб бормоқда. Бу ҳолат, аввало, халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида намоён бўлмоқда. Халқаро терроризм БМТ Низомида белгиланган коллектив хавфсизлик чегараларини кенгайтириш ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо этмоқда. Хусусан, 1999 йил 1269-сон резолюция билан ҳисоб рақамлари музлатиб қўйилиши лозим бўлган шахсларнинг рўйхатини тузиш вазифаси юклатилган қўмита таъсис этилди. Хавфсизлик Кенгаши 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин 1373-сон резолюция талабларининг бажарилишини таъмин этишга қаратилган Аксилтеррор қўмитасини таъсис этди. «Ал-Қаида» ва «Толибон» ҳукуматига нисбатан қабул қилинган санкцияларнинг бажарилишини таъмин этиш мақсадида тузилган БМТнинг санкциялар бўйича қўмитаси қатор гуруҳларни БМТ санкциялари қўлланилиши лозим бўлган ташкилотлар рўйхатига киритди.

Маълумки, Хавфсизлик Кенгаши халқаро шартнома асосида тузилган халқаро ташкилотнинг органи. Табиийки, у ўз ваколатларини амалга оширишда БМТ Низомининг мақсад ва тамойилларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилиши керак. Унинг белгиланган чегарадан чиқиши эса Кенгаш учун *ultra vires* ҳаракатни амалга оширишни англатади, деган фикрлар мавжуд.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 10 тасодиимий аъзолари куйидаги **географик ҳудудлар** бўйича тақсимланади ва ҳар йили уларнинг 5 таси янги аъзолар билан алмаштирилади:  
Африка ва Осиё давлатларидан – 5 та;  
Шарқий Европа давлатларидан – 1 та;  
Лотин Америкаси давлатларидан – 2 та;  
Ғарбий Европа ва бошқа давлатлардан – 2 та.

БМТ Низомининг  
23-60 моддаларида  
Хавфсизлик  
Кенгашининг таркиби,  
вазифа ва ваколатлари,  
овоз бериш тартиби ва  
бошқалар келтирилган.

Мазкур ўринда таъкидлаб ўтиш муҳимки, Хавфсизлик Кенгаши фаолияти доирасини белгиловчи барча ҳаракатларнинг БМТ Низомида *de jure* акс эттирилмаганлигига қарамасдан, улар Низом руҳи ва мазмунига тўлиқ мос келади. Низомнинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга оид қоидаларида Хавфсизлик Кенгашига «бош масъулият»нинг юклатилганлиги (24-модда), Кенгаш зарур деб топган ҳолатларда халқаро ҳамжамият номидан мажбурий чораларни кўриш ваколати (40-42 модда), ёрдамчи органларни тузиш ҳуқуқи ва бошқалар Хавфсизлик Кенгаши фаолиятининг ҳозирги замон тенденциялари халқаро-ҳуқуқий асосга эга эканлигини англатади.

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. Халқаро хавфсизлик тушунчасининг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
2. БМТ ва унинг асосий органлари ҳақида маълумот беринг.
3. Халқаро хавфсизликни таъминлашда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг роли қандай?
4. БМТ Низоми билан танишиб чиқинг. Унинг халқаро хавфсизликка оид қоидаларига алоҳида эътибор беринг.
5. БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ва унинг фаолияти ҳақида нималарни биласиз?
6. Халқаро хавфсизликни таъминлашнинг қандай халқаро-ҳуқуқий воситалари мавжуд?
7. Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда минтақада ядро қуролидан холи ҳудуд яратишнинг аҳамияти нималардан иборат?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми. – Т., 2008.- 75 б.
2. Каримова А. Международные организации – инструмент многостороннего сотрудничества. Учебник. – Ташкент: Университет мировой экономики и дипломатии, 2002. – 159 с.
3. Касенов У.Т. Безопасность Центральной Азии: глобальные, региональные и национальные проблемы. – Алматы: Университет «Кайнар», 1998. – 280 с.
4. Касымов А., Неклесса Г. Международно-правовые аспекты создания зон свободных от ядерного оружия. – Ташкент, 1999. – 112 с.
5. Лукашук И.И. Нормы международного права в международной нормативной системе. - М.: «Спарк». 1997. – 322 с.
6. Международная безопасность: Учебное пособие для студентов вузов /В.М. Кулагин. – М.: Аспект Пресс, 2007. – 318 с.
7. Тункин Г.И. Теория международного права //Под общей ред. проф. Л.Н.Шестакова. – М.: «Зерцало», 2000. – 397 с.



8. Федоров В.Н. Организация Объединенных Наций, другие международные организации и их роль в XXI веке. – М.: Логос, 2007. – 944 с.

9. Ядерное нераспространение. Учебное пособие для ВУЗов / Под общ.ред. В.А.Орлова. в 2-х т. Т. 2. – М.: ПИР-Центр, 2002. – 528 с.

10. Ademola Abass. Regional Organisations and the Development of Collective Security: Beyond Chapter VIII of the UN Charter. – Oxford and Portland, Oregon: Hart Publishing, 2004. – 239 p.

11. Dan Sarooshi. The United Nations and the Development of Collective Security: The Delegation by the UN Security Council of its Chapter VII Powers. – Oxford: Clarendon Press, 1999. – 336 p.

12. Encyclopedia of Public International Law. Vol 4. Neutrality, Concept and General Rules. – Amsterdam. New York. Oxford: North-Holland Publishing Company, 1982.



## 19-МАВЗУ. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДА КУЧ ИШЛАТИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ



Аристид Бриан



Фрэнк Келлог

Давлатлараро муносабатларда куч ишлатиш ва уни тартибга солиш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг марказий мавзуси.

**Резюме.** Давлатлараро муносабатларда куч ишлатиш ва уни тартибга солиш халқаро хавфсизликни таъминлашнинг марказий мавзуси ҳисобланади. Асрлар давомида уруш ҳуқуқи суверен давлатнинг ажралмас ҳуқуқи бўлиб келган. 20-асрга келиб, жаҳон ҳамжамияти халқаро муносабатларда куч ишлатишни тақиқлаш бўйича қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилди. Бироқ 21-асрга келиб ҳам куч омили халқаро муносабатларда ўз «долзарблиги»ни сақлаб қолмоқда.

**Таянч сўзлар:** халқаро муносабатлар, халқаро хавфсизлик, куч ишлатиш, Миллатлар Лигаси Статути, Бриан-Келлог пакти, БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари, агрессия, аннексия, ўз-ўзини мудофаа қилиш, ҳимоя қилиш масъулияти, таклиф бўйича интервенция, гуманитар интервенция, прокси уруш, халқаро терроризм.

### 19.1. Куч ишлатишга оид халқаро тақиқлар

Урушларнинг олдини олиш халқаро сиёсатнинг асосий муаммоси саналади. Классик халқаро ҳуқуқ ёки уруш ҳуқуқига кўра, суверен давлатнинг уруш(га мурожаат қилиш) ҳуқуқи, *jus ad bellum*, халқаро низоларни ҳал этишнинг самарали воситаси, давлатнинг ажралмас ҳуқуқи ва табиий функцияси бўлиб келган.

20-асрнинг бошидан давлатлараро муносабатлар ва халқаро ҳуқуқда урушнинг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Гаага тинчлик конферецияларини (1899 ва 1907) «*урушга мурожаат қилиш эркинлигини чеклаш*»га уриниш сифатида баҳолаш мумкин.

Биринчи жаҳон урушининг оқибатлари давлатларнинг уруш ҳуқуқини жиддий шубҳа остига олди. Ҳолиб давлатлар келажакда бу каби ҳолатларнинг қайтарилиши олдини олиш мақсадида Миллатлар Лигасини тузди. Аммо ташкилот Статути қоидалари урушни тўғридан-тўғри тақиқламади. Статути қоидалари урушга нисбатан умумий тақиқни ўрнатмади.

Аъзо давлатлар ўзаро низоларни ҳал этиш учун Лига Кенгашига ёки ҳакамлар судига мурожаат қилишлари ҳамда Кенгаш ёки суд қарори қабул қилингандан сўнг, уч ой муддат ўтгунга қадар уруш очмасликка келишиб олдилар (12-модда).

1928 йилда тузилиб, дунёнинг деярли барча давлатларини бирлаштирган Бриан-Келлог пакти ёки «Миллий сиёсатнинг воситаси сифатида урушдан воз кечиш тўғрисида»ги шартнома

халқаро ва, биринчи навбатда, Европа хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган ҳужжат эди. Ҳужжат уни имзолаган барча давлатларни урушдан миллий сиёсатнинг қуроли сифатида воз кечишга ундаб, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишга чақиради.

Пактни тузиш ғояси Франция ташқи ишлар вазири *Аристид Брианга* тегишли бўлиб, у 1927 йил 6 апрелда АҚШнинг Биринчи жаҳон урушига кирганлигининг ўн йиллиги муносабати билан давлат котиби *Фрэнк Келлогга* «Абадий дўстлик» тўғрисида икки томонлама шартнома тузиш таклифи билан мурожаат қилади. Ф. Келлог бунга жавобан урушдан воз кечиш бўйича кўп томонлама шартнома тузиш таклифини илгари сурди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида пакт 23 давлат имзоси билан 1929 йилнинг 27 июлида кучга киради.

Пактнинг 1-моддасида томонлар «халқаро низоларни ҳал этишда урушга мурожаат қилишни қоралайди ва ўзаро муносабатларида ундан миллий сиёсатнинг қуроли сифатида воз кечади», деб белгилаб қўйилди. Сўз урушга мурожаат қилиш эркинлигидан урушни ялпи тақиқлаш тўғрисида кетди. Бироқ ушбу тақиқ унинг бажарилишини таъминловчи коллектив чоралар тизимига эга эмасди. Шундай бўлса-да, Бриан-Келлог пакти халқаро муносабатларда куч ишлатишни тақиқлашга қаратилган илк уринишлардан бири бўлиб, бу йўналишдаги халқаро-ҳуқуқий нормалар ва қарашларнинг *ижобий ривожига таъсир кўрсатди*.

БМТ Низоми аъзо давлатлар «*ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирор-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар*», деб белгилаб қўйди (2-модда 4-банд). Бу билан Пактдаги тақиқни фақатгина урушга тегишли эканлигига оид ҳуқуқий бўшлиқ тўлдирди. Ушбу норманинг муҳимлиги етакчи мутахассислар томонидан эътироф этилди: бу «*БМТ Низомининг юраги*» (Хенкин), «*замонавий халқаро оммавий ҳуқуқнинг таянч қоидаси*» (Аречага) ёки «*БМТ Низомида тинчликнинг пойдевори*» (Валдок) сифатида таърифланди.

Бироқ БМТ Низомининг куч ишлатишга оид тақиқлари мутлақ аҳамият касб этмайди ва Низомда истиснолар мавжуд. Булар собиқ душман давлатларга қарши чоралар (107-модда ва 53-модданинг 1-банди); Хавфсизлик Кенгашининг мажбурий чоралари (42-модда) ҳамда давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи (51-модда).

Шу билан бирга, куч ишлатишни қўллаб-қувватлашга оид қатор халқаро-ҳуқуқий доктриналарнинг мавжудлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Хусусан, халқлар ва миллатларнинг мустамлака ва ирқчилик режимларига қарши миллий-озодлик ҳаракати; фуқаролар ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида гуманитар интервенцияни амалга ошириш; превентив ўз-ўзини мудофаа қилиш ёки превентив зарбалар бериш ҳуқуқи.

БМТ Низомининг 2-моддаси 4-бандига кўра, «*БМТнинг барча Аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирор-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тиядилар*».

БМТ Низомининг куч ишлатишга оид тақиқлари мутлақ аҳамият касб этмайди ва Низомда истиснолар мавжуд.

**Агрессия актининг ягона субъекти** – давлат, объекти – суверенитет, ҳудудий дахлсизлик ва сиёсий мустақиллик - ҳисобланади.

БМТ Низомида «уруш» ибораси ўрнига «куч» атамасининг ишлатилиши халқаро муносабатларда кучни қўллашни тақиқловчи доирани янада кенгайтиради. Низомнинг 2-моддаси (4-банди) кейинчалик БМТ Бош Ассамблеясининг декларация ва резолюцияларида ривожлантирилди ва янада аниқлаштирилди. Хусусан, Давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияда (1970) Низом қоидаларида тақиқланган қуйидаги ҳаракатлар аниқ белгилаб қўйилди. Булар:

1. Агрессив урушлар.

2. Мавжуд халқаро чегараларни бузиш (жумладан демаркацион чизиқлар ва тинчлик ўрнатиш чизиқларини) ёки халқаро низоларни ҳал этишда куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш.

3. Куч ишлатиш орқали репрессияларни амалга ошириш.

4. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш мақсадида куч ишлатиш.

5. Бошқа давлат ҳудудидаги ички конфликтлар ва террористик актларни ташкил этиш, ёрдам бериш ёки уларда иштирок этиш ва бошқалар.

Кўп йиллик мунозаралардан сўнг 1974 йилда Бош Ассамблеянинг 29-сессиясида *Агрессия таърифи* қабул қилинди. Мазкур ҳужжат унда нафақат «тинчликка қарши жиноят» ҳисобланган ҳаракатлар белгиланганлиги билан аҳамиятли, балки, шу билан бирга, у 2 (4)-модданинг мазмунини ривожлантириш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Агрессия таърифи барча давлатларни ҳар қандай агрессия актини содир этишдан ўзини тийиб туришга чақиради.

Ушбу ҳужжатга кўра, агрессия акти бирор-бир давлат (ёки давлатлар гуруҳи)нинг бошқа давлатнинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши ёки ўзга бир тарзда БМТ Низомига зид равишда *куч ишлатиши/қуролли кучни қўллаши* (1-модда) ҳисобланиди. БМТ Низоми қоидаларини бузиш орқали биринчи бўлиб куч ишлатиш *prima facie* агрессия акти деб ҳисобланади. Агрессия *халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид* ҳамда *халқаро жиноят* сифатида баҳоланади. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Агрессия таърифи» (1974) Ташкилот Низомининг 39-моддасида белгилаб қўйилган «агрессия акти» тушунчасини мазмунан бойитди.

Ҳужжатда қуйидаги хатти-ҳаракатлар агрессия акти сифатида баҳоланишини белгилаб қўйилди:

1) бирор-бир давлат қуролли кучларининг бошқа бир давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужуми, ёинки ҳар қандай муваққат характерга эга бўлишига қарамай, бундай бостириб кириш ёки ҳужум оқибатидаги ҳар қандай ҳарбий оккупация, ёинки бошқа давлат ҳудуди ёки унинг бирор қисмини куч ишлатиш билан аннексия қилиш;

БМТ Низоми қоидаларини бузиш орқали биринчи бўлиб куч ишлатиш *prima facie* агрессия акти деб ҳисобланади.

2) бирор давлат қуролли кучларининг бошқа давлат ҳудудини бомбардимон қилиши ёки бирор-бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудига қарши ҳар қандай қуролни ишлатиши;

3) бирор давлатнинг портлари ёки қирғоқларини бошқа давлат қуролли кучлари томонидан қамал қилиниши;

4) бирор-бир давлат қуролли кучларининг ўзга давлатнинг қуруқлик, денгиз ёки ҳаво кучлари, ёки денгиз ва ҳаво флотига ҳужуми;

5) шартнома асосида бошқа давлат ҳудудида жойлашган бирор-бир давлат қуролли кучларининг мазкур шартномада белгиланган шартларни бузиш орқали қўлланиши ёки шартнома муддати тугаган бўлишига қарамай, ушбу давлат ҳудудида белгиланган муддатдан ортиқ бўлиши/туриши;

6) давлатнинг ўзга бир давлат ихтиёрига тақдим этган ҳудудидан мазкур давлатнинг учинчи бир давлатга қарши агрессия актини содир этиш учун фойдаланишга рухсат этиши/йўл қўйиши билан боғлиқ ҳаракати;

7) давлат ёки давлат номидан бошқа давлатга қарши юқорида санаб ўтилган ҳаракатларга тенг жиддий характерга эга бўлган тарзда қуролли кучни ишлатишни амалга оширган қуролли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланма шахсларнинг юборилиши, ёки унинг ушбу ҳаракатлардаги сезиларли иштироки.

Бироқ ушбу рўйхат тугал ва якуний эмас. «Агрессия таърифидан»нинг 4-моддасига кўра, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ташкилот Низомига мувофиқ бошқа актларни ҳам агрессия акти сифатида белгилаши мумкин.

Агрессия таърифига кўра, давлат мазкур халқаро жинойатнинг ягона субъекти сифатида эътироф этилади. Бунда икки ҳолатга эътиборни қаратиш лозим: биринчидан, қуролли кучлар институт сифатида суверен давлатга тегишлилиги; иккинчидан, агрессия объекти - *суверенитет, ҳудудий дахлсизлик ва сиёсий мустақиллик* - ўз навбатида давлатнинг мавжудлигини белгилаб берувчи фундаментал манфаатлардир.

Бироқ *Агрессия таърифидан*нинг 3-моддаси 9 бандига мувофиқ, бундай (иррегуляр) кучларга «қуролли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланма шахслар» киради. Бугунги кунда улар қаторига агрессия актига тенглаштирилладиган даражада жиддий аҳамият касб этувчи ҳаракатларни содир этган террористик ташкилотларни ҳам киритиш мумкин. Билвосита ёки эгри агрессиянинг хусусияти шундаки, инглиз тилида *proxies* ибораси билан изоҳланувчи «учинчи кучлар» ўзга бир давлатга қарши агрессия актини муайян давлат номидан ҳаракат қилгани ҳолда амалга оширади. Иррегуляр кучлардан фойдаланиш давлатларга душман билан тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувга киришмаслик ёки у билан кенг қамровли ҳарбий ҳаракатларни олиб бормаслик имкониятини беради.

«Агрессия таърифидан»нинг 4-моддасига кўра, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ташкилот Низомига мувофиқ бошқа актларни ҳам агрессия акти сифатида белгилаши мумкин.

**Билвосита агрессия –**  
расман бирор давлатнинг мунтазам қуролли кучлари таркибига кирмайдиган ёки уларга мансублигини ошкор қилмайдиган, бироқ муайян бир давлат томонидан ташкил этилган, унинг номидан ёки топшириғига асосан ҳаракат қиладиган қуролли тўдалар, гуруҳлар ва мунтазам кучлар ёки ёлланма шахслар томонидан амалга оширилган агрессия.

**Ўз-ўзини мудофаа қилиш** – давлатнинг бошқа бир давлатнинг қуролли ҳужуми натижасида бузилган сиёсий мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини тиклаш мақсадида қуролли жавоб чораларини амалга оширишга бўлган ажралмас ҳуқуқидир.

## 19.2. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи

Халқаро муносабатларда куч ишлатишнинг умумий тақиқидан ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи, яъни давлатнинг бошқа давлат томонидан унга қарши ноқонуний куч ишлатишга қарши кучдан фойдаланиш ҳуқуқи истисно ҳисобланади.

Ўз-ўзини мудофаа қилиш – давлатнинг бошқа бир давлатнинг қуролли ҳужуми натижасида бузилган сиёсий мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини тиклаш мақсадида қуролли жавоб чораларини амалга оширишга бўлган ажралмас ҳуқуқидир. БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи «*Ташкилот Аъзосига қуролли ҳужум содир этилган тақдирда*» гина юзага келади ва икки шаклда амалга оширилади: индивидуал ва коллектив. Биринчи ҳолатда қуролли ҳужумга учраган давлатнинг ўзи томонидан амалга ошириладиган жавоб чоралари тўғрисида сўз кетса, иккинчи ҳолатда эса, халқаро шартнома ёки халқаро ташкилот доирасида амалга ошириладиган ҳамкорликдаги (коллектив) жавоб чоралари назарда тутилади.

Ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқининг асосий талаби шундаки, мазкур ҳуқуқни амалга ошириш доирасида кўрилган чоралар Хавфсизлик Кенгашига дарҳол маълум қилиниши ва БМТ Низомига мувофиқ Хавфсизлик Кенгаши ваколатлари ва масъулиятига дахл қилинмаслиги керак.

Ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи муайян мезонларга жавоб бериши лозим. Зарурият, пропорционаллик (монандлик) ва зудлик/тезкорлик тамойиллари ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқининг энг муҳим (гарчи ягона бўлмаса-да) хусусиятлари бўлиб қолмоқда. Ҳозирги пайтда улар деярли умумэътироф этилган меъёрга айланган.

Зарурият тамойили қуролли ҳужумнинг олдини олиш учун бошқа муқобил вариант қолмаган ҳолатдагина куч ишлатиш мумкинлигини англатади. Пропорционаллик ёки монандлик тамойилига асосан, ўз-ўзини мудофаа қилишга қаратилган жавоб чоралари қуролли ҳужумни қайтариш ва истиқболда келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа ҳужум таҳдидларини олдини олиш учун зарур бўлган даражадан ортиб кетмаслиги керак.

Мудофаа *зарурияти* ўйлаш учун ҳеч қандай вақт ва ўзга восита самарасиз бўлганда мавжуд бўлиши мумкин. Мудофаа ҳаракатлари эса «асоссиз ёки ортиқча» бўлмаслиги керак. Вақт ўтиши билан ўзини мудофаа қилиш зарурийлик ва пропорционаллик мезонларига асосланиши керак, деган талаб мустаҳкамланиб борди. БМТ Халқаро суди Никарагуа иши юзасидан қабул қилган қарори, шунингдек, ядро қуролларини қўллашнинг қонунийлиги тўғрисидаги консультатив хулосасида мазкур талабларнинг мавжудлигини тасдиқлади.

Аммо Низомнинг 51-моддасида белгилаб қўйилган давлатларнинг куч ишлатишга бўлган «ажралмас ҳуқуқи» тадқиқотчилар ўртасида маълум мунозараларга сабаб бўлмоқда.

**Ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқининг асосий талаби** – мазкур ҳуқуқни амалга ошириш доирасида кўрилган чоралар Хавфсизлик Кенгашига дарҳол маълум қилиниши ва БМТ Низомига мувофиқ Хавфсизлик Кенгаши ваколатлари ва масъулиятига дахл қилинмаслиги керак.

## Хавфсизлик асослари

Гап шундаки, БМТ Низомида куч ҳодисаси билан боғлиқ турли тушунчалар қўлланилган: куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилиш, тинчликни бузиш, агрессия акти ва қуролли ҳужум. Бироқ мазкур барча ҳолатларда ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи юзага келавермайди. БМТ Низоми ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи суверен давлатга қуролли ҳужум содир бўлган тақдирдагина кучга киришини назарда тутди. БМТ Халқаро судининг Никарагуанинг АҚШга қарши иши юзасидан қабул қилган қарори бундай ёндашувни тасдиқлади. Суд давлат фақат қуролли ҳужум қурбони бўлган тақдирдагина индивидуал ёки коллектив мудофаанинг қонунийлигини белгилайди. Суд қарорида таъкидланишича, давлат агар қуролли ҳужумга учраган давлат унга ёрдам кўрсатилиши кераклигини сўрагандан кейингина ушбу давлатни қўллаш учун куч ишлатиши мумкин. Суд давлатга қуролли ҳужум бўлмаган тақдирда жавоб тарзда қурол ишлатиш ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлайди. Суд қуролли ҳужум бўлмаган ҳолатда, ҳатто зарурият ва пропорционаллик талабларига амал қилинган бўлса ҳам, коллектив мудофаанинг ҳуқуққа хилофлигини маълум қилади.

Бошқа томондан, агрессия таърифидан келиб чиқилса, қуролли кучларнинг бошқа давлатга нисбатан биринчи бўлиб тўғридан-тўғри ишлатилиши доимо ҳам агрессия акти ёки қуролли ҳужум деб баҳоланишига асос бўла олмайди (мисол учун, чегара инциденти). Чунки давлат томонидан мунтазам ҳарбий кучларнинг ишлатилиши айрим ҳолларда агрессия акти ёки қуролли ҳужум сифатида баҳоланиши учун етарли даражада жиддий характер касб этмаслиги мумкин.

Давлатлар қандай қилиб «қуролли ҳужум» даражасига етмаган, эҳтимолдаги қуролли ҳужум ёки хавфга жавоб беришади, деган савол қўйилади. Бу соҳадаги энг мураккаб ва қарама-қарши масалалардан бири **«превентив ёки олдинроқ (ҳаракат қилиб) зарбалар бериш»** концепциясидир. Жавоб ҳарбий ҳаракатларини бошлаш учун давлатга қарши ҳужум бошланишини кутиш керакми ёки агрессор биринчи зарбани бериб, устунликка эришиш имкониятини қўлга киритмаслиги учун олдини олувчи ҳарбий амалиётни қўллаши мумкинми?

Бу қарашга кўра, давлатнинг ҳаётий муҳим миллий манфаатлари ёки *олий миллий манфаатлари муқаррар таҳдид* остида қолган тақдирда қуролли кучлардан бир томонлама фойдаланишни англлатувчи тушунча. Алоҳида олинган давлатлар «амалиёти»да кенг қўллаб келинган бу ҳаракатлар, авваламбор, агрессия ҳамда терроризмни бартараф этишда самара беради.

Превентив зарбалар ёки олдинроқ (ҳаракат қилиб) зарбалар бериш тўғридан-тўғри БМТ Низоми ва бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилмаган. Низомга кўра, куч ишлатиш фақатгина *Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияси* (42-модда)га мувофиқ ҳамда БМТ аъзосига нисбатан «қуролли ҳужум» амалга оширилганида (51-модда) қонунийлиги белгилаб қўйилган.

БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи «Ташкилот Аъзосига қуролли ҳужум содир этилган тақдирда»гина юзага келади ва икки шаклда амалга оширилади: индивидуал ва коллектив.

БМТ Низомига кўра, куч ишлатиш фақатгина Хавфсизлик Кенгашининг резолюциясига мувофиқ ҳамда БМТ аъзосига нисбатан «қуролли ҳужум» амалга оширилганида қонунийлиги белгилаб қўйилган.

**Олдини олувчи (ёки олдинроқ ҳаракат қилиб берилувчи) зарбалар** – давлатнинг ҳаётий муҳим миллий манфаатлари ёки олий миллий манфаатлари муқаррар таҳдид остида қолган тақдирда қуроли кучлардан бир томонлама фойдаланишни англатувчи тушунча.

Анъанавий қарашдан фарқли ўлароқ, превентив ёки олдинроқ (ҳаракат қилиб) зарбалар бериш қуроли ҳужум ёки террористик акт юз бермасидан аввал қўлланиши мумкин ва бу ҳолат муқаррар таҳдид хавфи остидаги олий миллий манфаатларни ҳимоя қилиш билан оқланади.

Ушбу қарашларни ёқловчи мутахассисларнинг фикрича, таҳдиднинг муқаррарлиги шошилинич, тезкор ва бир томонлама куч ишлатиш заруриятини белгилаб беради. Таҳдиднинг муқаррарлигига оид ишончли разведка маълумотларининг мавжудлиги бундай зарбаларни бериш учун асос бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, мутахассислар превентив ва олдинроқ (ҳаракат қилиб) зарбалар бериш ўртасида муайян фарқли жиҳатларга эътиборни қаратади: биринчи ҳолатда таҳдид эҳтимолий/потенциал аҳамият касб этиб, давлатнинг манёвр қилиш, хатти-ҳаракатларни коллектив тарзда амалга ошириш ҳамда муқобил воситалардан фойдаланиш учун етарли вақт мавжуд бўлади; келажакда муайян таҳдидни воқеликка айланишини олдини олишга қаратилади. Иккинчи ҳолатда муқаррар таҳдид бартараф этилади. Таҳдиднинг муқаррарлиги тезкор ва бир томонлама ҳаракатларнинг зарурлигини белгилайди.

20-асрнинг 80-йилларида АҚШ давлат котиби Ж. Шульц *«актив мудофаа»* заруриятини ёқлаб чиққан эди. Бироқ ушбу қарашлар *Буш доктринаси*да ўз аксини топди. 2002 йилда қабул қилинган АҚШнинг Миллий хавфсизлик стратегиясида хавфсизлик соҳасидаги вазиятнинг аввалгиларидан тубдан фарқ қилиши, таҳдид ўсиб боргани сари ҳаракатсизликнинг салбий оқибатлари ҳам кучайиб бориши ва шу билан бирга давлатнинг ўз ҳимояси/мудофааси учун олдинроқ ҳаракат қилиш зарурати ҳам ўсиб бориши қайд қилиб ўтилди. Хусусан, 2002 йилда қабул қилинган стратегияда қуйидагилар қайд қилиб ўтилди: *«Терроризмни мағлубиятга учратиш узоқ муддатли стратегия ва эски моделлардан воз кечишни тақозо қилади. Биз глобал миқёсдаги янги душман билан курашяпмиз. Қўшма Штатлар бундан буён фақатгина тийиб туришга таяна олмайди ... Кураш душман ҳудудига кўчирилиши керак...»*.

«Терроризмни мағлубиятга учратиш узоқ муддатли стратегия ва эски моделлардан воз кечишни тақозо қилади. Биз глобал миқёсдаги янги душман билан курашяпмиз. Қўшма Штатлар бундан буён фақатгина тийиб туришга таяна олмайди ... Кураш душман ҳудудига кўчирилиши керак...».

**АҚШнинг Миллий хавфсизлик стратегияси. 2002 йил**

**Буш доктринаси** – 2001 йилнинг 11 сентябрида Америкада содир этилган террористик актларидан сўнг, АҚШ президенти кичик Ж. Буш томонидан илгари сурилган ташқи сиёсий доктрина. Унинг асосий ғоялари 2002 йилнинг 1 июнь куни Ж. Бушнинг Уэст-Пойнт (Нью-Йоркда Ҳарбий академия)даги нутқида ҳамда унинг маъмурияти томонидан 2002 йилда қабул қилинган Миллий хавфсизлик стратегиясида ўз аксини топган. Доктрина терроризм ва оммавий қирғин қуролининг тарқалишига қарши курашда анъанавий тийиб туриш стратегиясининг самарасизлигини таъкидлаб, душманнинг режаларини барбод қилиш ҳамда муқаррар таҳдидларни бартараф қилиш мақсадида превентив зарбалар бериш заруриятини оқлайди.

### 19.3. Таклиф бўйича интервенция

Таклиф бўйича интервенция халқаро муносабатларда давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан куч ишлатиш мумкинлигини белгиловчи ҳолат. Бундай интервенция коллектив ўз-ўзини мудофаа қилишнинг шакли сифатида бирор-бир суверен давлатга қуролли ҳужум содир этилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий доктринага кўра, таклиф бўйича интервенция маълум мезонларга жавоб бериши лозим. Хусусан:

1) қуролли ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги расмий мурожаатнома интервенция бошлангунга қадар (қўшин киритилишидан аввал) юборилган бўлиши;

2) мурожаатнома қонуний ўрнатилган ҳукумат томонидан юборилиши;

3) қўшин юбораётган давлат шундай илтимос билан мурожаат қилган давлатга ҳақиқатдан ҳам қуролли ҳужум амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилиши ҳамда интервенция конфликт характерини оғирлаштирмаслиги ва уни тинч йўл билан ҳал этилишига тўсиқ бўлмаслигини баҳолаши;

4) қуролли аралашув (интервенция)нинг характери ўз-ўзини мудофаа қилишнинг асосий (пропорционаллик, зарурият, мувофиқлик) мезонларига мос келиши;

5) қуролли интервенцияни амалга ошираётган давлат (давлатлар) БМТ Низомининг 51-моддасига мувофиқ, Хавфсизлик Кенгашини зудлик билан хабардор қилиши шарт.

Мутахассислар, шунингдек, ички конфликтлар юз бераётганда ҳам, жумладан, конфликт томони халқаро ҳамжамият аъзолари томонидан курашувчи томон мақомини олса, у таклиф билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлишини таъкидлайди. Замонавий босқичда терроризмга қарши кураш доирасида ҳам таклиф бўйича интервенциянинг қонунийлиги тан олинмоқда. Хусусан, «Толибон» ҳокимияти ағдарилгандан кейин, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган афғон ҳукуматининг АҚШ ва унинг иттифоқчиларига «Ал-Қаида» террористик ташкилотига қарши кураш мақсадидаги мурожаати, мутахассисларнинг фикрича, таклиф бўйича интервенция доирасида хорижий давлат қўшинини мамлакатда мавжуд бўлишининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилади.

### 19.4. Гуманитар интервенция

Гуманитар интервенция – классик халқаро ҳуқуқда кенг тарқалган «анъанавий» қарашга кўра, бир давлатнинг муайян давлат фуқаролари *ҳаёти ва мулкани ҳимоя қилиш* мақсадида бошқа давлатга қарши ҳар қандай кўринишда *бир томонлама куч ишлатиши*. Халқаро-ҳуқуқий концепцияга мувофиқ, давлатнинг ўз фуқароларини *ҳимоя қилиш имкониятига эга эмаслиги* ёки *хоҳиш-истагининг йўқлиги* ҳамда уларга нисбатан *ғайриинсоний муомалада бўлиши* унга нисбатан куч ишлатиш учун ўзига хос ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Таклиф бўйича интервенция** халқаро муносабатларда давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан куч ишлатиш мумкинлигини белгиловчи ҳолат.  
*Таклиф бўйича интервенция* коллектив ўз-ўзини мудофаа қилишнинг шакли сифатида бирор-бир суверен давлатга қуролли ҳужум содир этилган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Замонавий босқичда терроризмга қарши кураш доирасида ҳам таклиф бўйича интервенциянинг қонунийлиги тан олинмоқда.



Гуго Гроций

Давлат томонидан ўз фуқаролари (жумладан, учинчи давлат фуқаролари) ҳаёти ва мулкани ҳимоя қилиш учун ҳам куч ишлатиш қўллаб-қувватланади. Бироқ бу ҳолат ўз-ўзини *мудофаа қилиш* ҳуқуқи доирасида ҳам кўрилиши мумкин. Давлатларнинг ички ишларига зўравонлик билан аралашининг бошқа (сиёсий, иқтисодий, дипломатик) шаклларида фарқли ўлароқ, гуманитар интервенция *инсонпарварлик мақсадларида қуролли аралашуви* назарда тутати. Г. Гроций ва Э. де Ваттель (17-аср) халқаро ҳуқуқ бу каби интервенция ёки *droit d'ingerence* («*аралашуш ҳуқуқи*»)ни нафақат ман этади, балки айрим ҳолатларда қўллаб-қувватлайди, деб ёзади.

Халқаро муносабатларда куч ишлатиш БМТ Низоми қоидалари билан тартибга солинади. Низомда «гуманитар интервенция» тушунчаси тўғридан-тўғри келтирилмаган, шунингдек, халқаро ҳуқуқда инсонпарварлик принципларига асосланган интервенция назариясининг умумқабул қилинган таърифи ҳам мавжуд эмас. Низомда куч ишлатишнинг ҳар қандай кўринишлари тақиқланади (2-модданинг 4-банди), бироқ VII бобнинг тегишли (42 ва 51) моддалари бундан истисно. Шу билан бирга, *инсон ҳуқуқлари* ва *халқаро гуманитар ҳуқуқ жиддий тарзда бузилганда жавоб чораси сифатида қуролли интервенцияга* муурожаат қилиш зарурати кучайиб бормоқда.

«Совуқ уруш» йиллари Ҳиндистоннинг Покистон ва Бангладеш ўртасидаги конфликтга (1971), Вьетнамнинг Камбоджа (1978) ҳамда Танзаниянинг Руанда ички ишларига қуролли аралашуви (1979) гуманитар интервенция доирасида амалга оширилган ҳаракат сифатида баҳоланади.

20-асрнинг 90-йиллари гуманитар интервенцияларнинг ўн йиллиги сифатида баҳоланиши мумкин. Айнан шу даврда БМТнинг Ироқ ва Сомалидаги операциялари ҳамда НАТОнинг Косоводаги ҳарбий аралашуви юз берди. БМТ Бош қотиби Перес де Куэльяр (1991): «*Жабрланган ва эзилганларни ҳимоя қилишда давлат чегаралари ёки ҳуқуқий ҳужжатлар тўсиқ бўлмаслиги керак*», деган фикрни илгари сурди. Бутрос Ғолий Хавфсизлик Кенгашининг махсус сессиясида (1992) «*Суверенитет нафақат ҳуқуқлардан иборат, балки ташқи ва ички ишлар учун масъулиятни ҳис қилишни ҳам англатади. Давлат суверенитетини бузиш доимо ғайриқонуний фаолият ҳисоблаб келинган. Бироқ суверенитетни суиистеъмом қилиш инсон ҳуқуқларини тан олишга зарар етказади ҳамда тинч ҳаётига таҳдид солиши мумкин. Фуқаролар урушлари муайян давлатнинг ички иши бўлмай қолди, шу боис ушбу урушларда содир бўлаётган ваҳшийликлар халқаро ҳамжамиятни бефарқ қолдира олмайди*», деган фикрни билдирди.

Гуманитар интервенцияни амалга оширишга оид мезонларни ишлаб чиқиш масаласи 2000 йилда тузилган «*Интервенция ва давлат суверенитети бўйича халқаро комиссия*» доирасида кўриб чиқилди. Комиссия таклифи билан БМТнинг «*ҳимоя қилиш мажбурияти*» ташаббуси (2005) қабул



қилинди. Унга кўра, суверенитет нафақат имтиёз, балки мажбуриятдир. Халқаро ҳамжамият *оммавий жиноий ёвузликлар* («*массовые преступные злодеяния/massive atrocities crimes*»), хусусан, *геноцид*, *ҳарбий жиноятлар* ва *инсониятга қарши жиноятлар* рўй берганида ҳимоя қилишга мажбур ҳисобланади. Қатор давлатлар ва мутахассислар гуманитар интервенция *халқаро ҳуқуқнинг одат нормаси* сифатида тан олинганлигини таъкидламоқда. Одатда, гуманитар интервенция доирасида қуролли кучларни қўллаш учун интервенция амалга оширилади давлатнинг розилиги талаб этилмайди.

Гуманитар интервенциянинг қонунийлигини белгиловчи ҳал қилувчи мезон БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясининг мавжудлиги ҳисобланади. Кофи Аннан ташаббуси билан таъсис этилган «Олий мақом экспертлар гуруҳи» («Группа высокого уровня») (2002) хулосасида ҳам куч ишлатишга оид қарор фақат Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилиниши таъкидлаб ўтилади. Бироқ халқаро муносабатларда етакчи давлатлар ўзларининг геосиёсий манфаатларини таъминлаш мақсадида гуманитар шиорлар ниқоби остида куч ишлатишга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

### 19.5. Ҳимоя қилиш масъулияти

Ҳимоя қилиш масъулияти бугунги кунда халқаро хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид шаклланиб келаётган халқаро ҳуқуқнинг янги нормасидир. Канада ҳукумати шафелигида тузилган Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлат суверенитети бўйича халқаро комиссия илк бор «ҳимоя қилиш масъулияти» ибораси ва ғоясини илгари сурди.

Халқаро ҳамжамиятнинг дунёда юз бераётган кенг миқёсдаги гуманитар кризисларга қаратилган жавоби бўлиб, хавфсизлик, суверенитет ва инсон ҳуқуқлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни танқидий баҳолашни (rethink) назарда тутди. Вестфалия тизимига асосланган замонавий халқаро тартибот давлат суверенитети ва давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ғояларига асосланади ва давлат инсон ҳуқуқларини кафолатловчи асосий субъект саналади. Аммо ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият олдида *оммавий ёвуз жиноятлар/оммавий жиноий ҳаракатлар* («*массовые преступные злодеяния/massive atrocities crimes*»), хусусан, *геноцид*, *ҳарбий жиноятлар*, *этниқ тозалашлар* ва *инсониятга қарши жиноятларга қарши самарали курашиш масаласи* турибди.

БМТ томонидан қўллаб-қувватланган ушбу концепцияга кўра, суверенитет нафақат имтиёз, балки масъулият ва мажбуриятдир. Ташкилот шафелигида тайёрланган махсус маърузаларда суверенитет нафақат ички ишларни назорат қилиш ҳуқуқи, шу билан бирга уларга ўз чегаралари доирасида инсонларни оммавий жиноий ёвузликлардан ҳимоя қилишга оид давлатнинг фундаментал масъулияти эканлиги таъкидланади.

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва давлат суверенитети бўйича халқаро комиссия илк бор «ҳимоя қилиш масъулияти» ибораси ва ғоясини илгари сурди.

Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият олдида оммавий ёвуз жиноятлар/оммавий жиноий ҳаракатлар, хусусан, геноцид, ҳарбий жиноятлар, этниқ тозалашлар ва инсониятга қарши жиноятларга қарши самарали курашиш масаласи турибди.



Перес де Куэльяр

Бош котиб халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин, деб ҳисоблаган ҳар қандай масалани Хавфсизлик Кенгашига маълум қилишга ҳақлидир.

**БМТ Низоми 99-модда**

2005 йилда давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Бутунжаҳон саммитида БМТнинг барча аъзолари «ҳимоя қилиш масъулияти» принципини бир овоздан тасдиқлади. Ушбу принцип куйидаги уч асосга таянади: ҳар қандай давлат ўз аҳолисини оммавий жиноий ёвузликлардан ҳимоя қилишга мажбур; халқаро ҳамжамият ҳар қандай давлатни ушбу мажбуриятни амалга оширишида қўллаб-қувватлаши ва ёрдам бериши, агар давлат ўз аҳолисини ҳимоя қилишда муваффақиятсизликка учраса, бундай ҳолатда халқаро ҳамжамият БМТ Низомига мувофиқ тегишли коллектив чораларни амалга оширишга тайёр туриши шарт.

Концепциянинг асосий жиҳатлари БМТ Бош котиби Кофи Аннан ташаббуси билан Ташкилотни ислоҳ қилиш ҳамда 21-асрда тинчлик ва хавфсизликка қарши қаратилган таҳдидларга самарали жавоб бериш мақсадида тузилган «Олий мақом экспертлар гуруҳи» маърузасида ўз аксини топди. Унга кўра, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципи геноцид актлари ёки бошқа оммавий жиноий ёвузликларни яшириш учун асос бўлмаслиги керак.

Мазкур ўринда сўз «давлатнинг ички ишларига аралашуш ҳуқуқи» тўғрисида эмас, балки ҳар бир давлат учун тегишли бўлган «ҳимоя қилиш масъулияти» тўғрисида бормоқда. Шунингдек, улар қуролли аралашувни энг сўнгги чора сифатида қўлланиши кераклигини таъкидлайди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг тегишли резолюциясида (1674, 2006) Саммитнинг якуний ҳужжати қоидаларини тасдиқлади ва оммавий жиноий ёвузликларга қарши коллектив чораларни кўришга тайёрлигини билдирди.

Пан Ги Муннинг БМТ Бош котиби этиб сайланиши (2006) ушбу йўналишдаги ўз фаолиятини янада кучайишига олиб келди. Бош котибнинг ҳимоя қилиш масъулияти бўйича махсус маслаҳатчиси лавозими жорий этилди. Котиб геноциднинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш масъулияти бўйича кўшма орган (офис) таъсис этиш таклифини берди (2010). Давлатлар ҳамжамияти томонидан инсон ва ижтимоий гуруҳ хавфсизлигига устуворликнинг берилишини мутахассислар «Вестфалия суверенитети мантиғи»ни янги «инсонга йўналтирилган суверенитет масъулияти мантиғи» билан ўзгартиришга уриниш сифатида таърифлайди (Уильямс).

### Назорат саволлари ва топшириқлар:

1. «Куч ишлатиш» тушунчаси моҳиятини тушунтиринг.
2. Халқаро муносабатларда куч ишлатишни тартибга солувчи қандай ҳужжатлар мавжуд?
3. Халқаро муносабатларда куч ишлатишнинг замонавий кўринишларига мисоллар келтиринг.
4. Гуманитар интервенция нима?
5. Давлатларнинг ўз-ўзини мудофаа қилиш ҳуқуқи қайси ҳужжатларда белгилаб қўйилган?
6. Ҳимоя қилиш масъулияти нормасининг халқаро хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда тутган ўрни қандай?

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми. – Тошкент, 2008. – 75 б.
2. Бобоқулов И.И. Хавфсизлик атамалари луғати. – Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – 144 б.
3. Бэттлер А. Национальные интересы, национальная безопасность и международная безопасность // Полис. № 4, 2002.
4. Джозеф Йоффе. Коллективная безопасность и будущее Европы: не сбывшиеся мечты и тупики. // Survival (Spring 1992). – P. 36-50.
5. Договор об отказе от войны в качестве орудия национальной политики. // Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1996. – 864 с.
6. Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом Организации Объединенных Наций. 1970. // <https://www.un.org>
7. Политическая энциклопедия. В 2-х т. / Рук. проекта Г.Ю. Семигин. – М.: Мысль, 2000. Т.1. – 750 с.
8. Соглашение о создании Содружества Независимых Государств. // Действующее международное право. В 3-х томах. Составители Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. - М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1996. – 864 с.
9. Черниченко С.В. Теория международного права. В 2-х томах. Старые и новые теоретические проблемы. – М.: Издательство НИМП, 1999. Т. 2. – 531 с.



## ХУЛОСА

Сўнги йилларда халқаро майдонда кузатилаётган воқеа ва ҳодисалар хавфсизлик масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Бу борада давлатлар миллий хавфсизлик концепциялари ва стратегияларини қайта кўриб чиқиб, таҳдидларнинг янги кўринишларини аниқламоқда ва миллий манфаатларни мавжуд воқеликдан келиб чиқиб белгиламоқда.

«Хавфсизлик асослари» ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида нисбатан «ёш» фанлардан бири эканлиги ҳамда ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар даражасининг замонавий ҳолати мазкур йўналишда дарслик тайёрлаш заруратини белгилади.

Хавфсизлик асосларининг фан сифатида шаклланиш жараёни нисбатан янги саналганлиги боис, бугунги кунда ушбу фанни атрофлича ўрганиш бирмунча қийинчилик туғдиради. Хусусан, айрим олимлар «хавфсизлик асослари» доирасида миллий хавфсизлик тушунчасини, унга оид қарашларни, хавфсизликнинг субъектлари ва акторларини, хавфсизликнинг тизимости элементларини (шахс, жамият ва давлат) ўрганиш лозим, деб ҳисобласа, бошқа гуруҳ мутахассислар, хавфсизликнинг ҳар бир соҳаларини алоҳида фан доирасида ўрганишни таъкидлайдилар.

Хавфсизликка оид қарашларнинг турли мазмунда ифода этилиши, қолаверса, халқаро майдонда таҳдидлар янги кўринишларининг вужудга келаётганлиги, минтақавий конфликтларнинг авж олаётганлиги, «рангли инқилоб»ларнинг содир бўлаётганлиги «Хавфсизлик асослари» фанининг барқарор тушунчавий аппаратини яратишни тақозо этади.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, хавфсизлик масалалари нисбий ҳисобланиб, давлатлар миллий хавфсизлик сиёсатини ишлаб чиқишда ички ва ташқи сиёсатнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб белгилайди. Шунингдек, айрим давлатлар ўз хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳарбий ёки ахборот хавфсизлиги масалаларига алоҳида урғу берсалар, бошқалари иқтисодий, ижтимоий хавфсизлик соҳаларига эътибор қаратадилар.

«Хавфсизлик асослари» прогрессив фан ҳисобланади. Бу эса жаҳонда кузатилаётган воқеа ва ҳодисаларга эътибор беришни, янгиликларни таҳлил қилишни талаб этади. Шунинг учун ҳар қандай дарслик, ҳатто энг мукамал ўқув адабиёти ҳам таълим жараёнида ягона бўла олмайди. Илмий мақолалар, монографиялар ва ақлий марказларнинг таҳлилий ҳужжатлари илгари мавжуд бўлган маълумотларни таққослаш имконини беради, баъзи ҳолларда янги ҳодисалар ва тушунчаларни фанга татбиқ этишга замин яратади.

Маълумки, мамлакатнинг мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боришида, умуман, давлатнинг мавжуд бўлиб қолишида хавфсизлик муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун, ҳар бир давлат ўз хавфсизлигини таъминлаш, халқаро майдонда ўз миллий манфаатларини илгари суриш борасида доимий ҳаракат қилади, бу борада изланишлар олиб борилади. Шу жиҳатдан ҳар қандай мамлакатда хавфсизлик соҳасини чуқур ўрганиш, у бўйича мунтазам тадқиқотлар олиб бориш, уни алоҳида йўналиш сифатида ривожлантириб бориш, миллий хавфсизликка таҳдидларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича режалар ишлаб чиқиш вазифаси туради.

Ўз ўрнида, таъкидлаш жоизки, «Хавфсизлик асослари» номли мазкур дарслик юқоридаги мақсадларга эришиш йўлида дунёга келди. Шу муносабат билан «Хавфсизлик асослари» деб номланган мазкур дарслик ўқувчиларда хавфсизлик масалаларига оид умумий кўникма ва билимларини шакллантириш ва ривожлантиришга, халқаро майдонда кузатилаётган воқеа-ҳодисаларни мустақил таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқаришга, шунингдек, халқаро ва минтақавий жараёнларни Ўзбекистон миллий манфаатлари кесимида баҳолашга имкон беради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Миллий қонунчилик ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: Ўзбекистон, 2023, – 118 б.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонуни, 1995. // <https://lex.uz/docs/4193761>
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августдаги «Давлат чегаралари тўғрисида»ги 820-И-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/31166>
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий актлар тўғрисида»ги Қонуни, 2000. <https://lex.uz/docs/5378966>
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги 167-И-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/29526>
- 1.6. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги «Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида»ги ЎРҚ-471-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/3610935>
- 1.7. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида»ги ЎРҚ-458-сон Қонуни. // <https://lex.uz/docs/3495885>
- 1.8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2014. – 384 б.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси. // «Ватанпарвар». № 50. 2012.
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. // <http://lex.uz/docs/3107036>
- 1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>
- 1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони. // <https://lex.uz/docs/6600413>.
- 1.13. Устав Организации Объединенных Наций // Действующее международное право. В 3-х томах. Составители: Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1996. – 864 с.
- 1.14. Декларация о принципах международного права, касающихся дружественных отношений и сотрудничества между государствами в соответствии с Уставом Организации Объединенных Наций. 1970. <https://www.un.org>
- 1.15. Резолюция Генеральной Ассамблеи ООН «О создании зоны, свободной от ядерного оружия в Центральной Азии» A/RES/52/38 от 9 декабря 1997 г.
- 1.16. Соглашение о создании Содружества Независимых Государств. // Действующее международное право. В 3-х томах. Составители: Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т.1. – М.: Изд-во Московского независимого института международного права, 1996. – 864 с.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президентларининг асарлари

- 2.17. Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. // <https://president.uz>
- 2.18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. // <https://president.uz>
- 2.19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи. // <https://president.uz>
- 2.20. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз» - Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – 488 б.
- 2.21. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табриги. // <https://president.uz>
- 2.22. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
- 2.23. Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 393 б.
- 2.24. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.– 176 б.

## III. Монография ва махсус адабиётлар

- 3.25. Абдурахманов М.И., Боришполец В.А., Манилов В.Л. и Пирумов В.С. Основы национальной безопасности России // Под общей редакцией Манилова В.А. – М.: Друза, 1998. – 328 с.
- 3.26. Антюшин С.С. Военная безопасность как фактор стабильности российского общества: Социально-философский анализ // Автореферат дисс. на соискание ученой степени кандидата политических наук. – М.: ВУ – 2004. – 140 с.
- 3.27. Арон Р. Мир и война между народами /Под общей ред. В.И.Даниленко – М.: NOTA BENE,2000. – 459 с.
- 3.28. Ахмедов К.М. «Миллий манфаатлар» категорияси ва унинг халқаро тизимлар тараққиётида акс этиши: Сиёсий фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2001. – 156 б.
- 3.29. Бартош А. Эволюция стратегии национальной безопасности России. Национальная безопасность в эпоху глобализации // Обозреватель. – М.: 2016. – №7. – С. 21-32.
- 3.30. Белов П. Концептуально-критериальный базис системы национальной безопасности России //Обозреватель. – М., 2005, №8. – С.16-21.
- 3.31. Бобокулов И.И. Эволюция концепции безопасности: от военного к ее социальному пониманию // Международные отношения. – Ташкент, 2006. – №3, июль-сентябрь. – С.33-40.
- 3.32. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. – Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010. – 232 с.
- 3.33. Бобокулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. –160 б.
- 3.34. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизлик тушунчасининг концептуал таҳлили // Давлат ва бошқарув. – Т.: 2013. - №2.

3.35. Бобокулов И.И. Миллий хавфсизликни таъминлашнинг назария ва амалиёти. Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2019. – 115 б.

3.36. Бобокулов И.И. Хавфсизлик. Луғат-маълумотнома / Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри. – Т.: Олий мактаб, 2024 – 161 б.

3.37. Бокша Е.А. Духовные угрозы функционированию семьи в современном Российском обществе (социально-философский анализ): Автореф. дис. ... канд.. философских наук. – М.: 2008. – 23 с.

3.38. Бир, Фрэнсис А., Значение войны и мира, College Station: Texas A&M University Press, 2001.

3.39. Бэттлер А. Национальные интересы, национальная и международная безопасность //Полис. – М., 2002, №4.

3.40. Ватаман А. Национальные интересы и социальная идентичность //Обозреватель. – М.: 2017. - №2. – С.94-103.

3.41. Верещагина А.В., Самыгин С.И., Шевченко О.М. Система комплексной безопасности современного общества и основные аспекты национальной безопасности России в условиях новых вызовов и угроз. М.: Русайнс, 2016. – 152 с.

3.42. Вода для людей, вода для жизни. Доклад ООН о состоянии водных ресурсов мира. Обзор. - М.: Весь мир, 2003.

3.43. Военная сила в международных отношениях: учебное пособие / коллектив авторов; под общ. ред. В.И. Анненкова. – М.: КНОРУС, 2011. – 493 с.

3.44. Военно-политическая ситуация в мире и безопасность России./ Сборник докл. под ред. д.э.н. Г.Г. Тищенко. - М.: РИСИ, 2014. – 128 с.

3.45. Возьмитель А.А. Духовная безопасность: социологический анализ // Мир России. – М., 2006. № 2. – С. 147-159.

3.46. Гаджиев К.С. Политическая наука. – М.: Международные отношения, 1995. – 325 с.

3.47. Гатчин Ю.А., Климова Е.В. Основы информационной безопасности: учебное пособие. – СПб: СПбГУ ИТМО, 2009. – 84 с.

3.48. Гацко М.Ф. О сущности военной безопасности России и ее правовом регламентировании // Военная мысль, 2009. № 8.

3.49. Грачев Г.В. Информационно-психологическая безопасность личности: состояние и возможности психологической защиты. – М.: Изд-во РАГС, 1998. - 125 с.

3.50. Даниленко И.С. Политическая безопасность (К разработке методологии и практики вопроса) // Безопасность. Информационный сборник. – М.: 1993. - №3. – 400 с.

3.51. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси ҳамкорлигида ташкил қилинган халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Т.: 2019. – 121 б.

3.52. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: хавфсизлик ва барқарорлик (Глобал контекст). Т.: Академия, 2007 – 252 б.

3.53. Жўраев Т., Ақобиров С. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик (ўқув қўлланма). Т.: Академия, 2007. – 106 б.

3.54. Зателепин О.К. Объект преступления против военной службы. Дисс. канд. юрид. наук. - М., 1999. – 211 с.

3.55. Здравомыслов А.Г. Потребности. Интересы. Ценности. – М.: «Политиздат» 1986. – 223 с.

- 3.56. Зотова Л.В. Безопасность народа и государства как главная политическая ценность в учении Томаса Гоббса //Вестник Российского университета дружбы народов. - Сер.: Политология. – М.: 2003. - № 4.
- 3.57. Зоҳидов А.А. Марказий Осиё транспорт тизими: миллий манфаатлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. Монография. – Т.: СТИБОМ, 2014. – 230 б.
- 3.58. Иващенко Г.В. О понятии безопасности // <http://www.inet-lib.com>.
- 3.59. Исломов И.Н. Маънавий хавфсизлик (монография) // Т.: «Complex Print», 2023. – 188 б.
- 3.60. Исломов И.Н. Сиёсий хавфсизлик. (Давлат қурилишини модернизациялашнинг долзарб масалалари). Ўқув қўлланма. 1-қисм. // – Т.: СТИБОМ, 2023. – 168 б.
- 3.61. Исломов И.Н. Сиёсий хавфсизлик. (Фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва сиёсий барқарорликни таъминлаш масалалари). Ўқув қўлланма. 2-қисм. // – Т.: СТИБОМ, 2023. – 134 б.
- 3.62. Исломов И.Н., Махмудов Ш.А., Тешабоев А.А. Глобал сиёсий технологиялар. Монография //–Т.: Complex Print, 2023. – 118 б.
- 3.63. Исмоилов Б., Махмудов Н. Ҳозирги замон энергетик хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий йўллари // Халқаро муносабатлар. – Т.: 2009. – 4-сон (38).
- 3.64. Каплан Ричард, Международное управление разрушенных войной территорий: правление и реконструкция, Оксфорд: OUP, 2005.
- 3.65. Каримов И.М., Тургунов Н.А. Ахборот хавфсизлиги асослари: дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 98 б.
- 3.66. Касымов А., Неклесса Г. Международно-правовые аспекты создания зон свободных от ядерного оружия. – Т., 1999.
- 3.67. Кашинская Л.Ф. Национальная безопасность и правовая система // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Т., 2003, №1 (21).
- 3.68. Корявский А.И., Лутовинов В.И. Военная безопасность Российской Федерации и ее обеспечение в современных условиях. – М.: РАГС, 2006. – 218 с.
- 3.69. Козн Р., И Михалка М. Безопасность на базе сотрудничества: новые перспективы международного порядка //Европейский центр изучения вопросов безопасности им. Джорджа Маршалла. – Гармиш-Партенкирхен, 2000, №3.
- 3.70. Кулагин В.М. Международная безопасность. – М.: Аспект-пресс, 2007. – 318 с.
- 3.71. Логунов А.Б. Региональная и национальная безопасность: Учебное пособие. – М.: Вузовский учебник, 2009. – 432 с.
- 3.72. Лутовинов В.И., Мотин Ю.Н. Военно-политические процессы в мире и в России: Учебное пособие. Издание второе / Под общ. ред. А.А. Прохожева. – М.: Изд-во РАГС, 2007. – 142 с.
- 3.73. Макеев А.В. Политика и безопасность.– М.: Изд-во Щит-М, 1998. – 270 с.
- 3.74. Маккамбаев П.А. Актуальные проблемы обеспечения военной безопасности Республики Узбекистан. – Т.: Ташкентский государственный юридический институт, 2010.
- 3.75. Маккамбаев П.А. Международно-правовые проблемы пограничной безопасности Республики Узбекистан. – Т.: Ташкентский государственный юридический институт, 2009.
- 3.76. Маккамбаев П.А. От современного понятия «безопасность» в сущности международной безопасности // Общественное мнение. Права человека. – Т.: 2009. – № 4 (48).
- 3.77. Мангейм Дж., Рич Р. Политология. Методы исследования. – М.: Наука, 1997. – 346 с.

- 3.78. Материалы международной конференции «Взаимосвязанность в Центральной Азии: вызовы и новые возможности». – Ташкент: Baktria press, 2019.
- 3.79. Международные отношения: теория, конфликты, организации: Учебное пособие / Под ред. проф. П.А. Цыганкова. – М.: Альфа-М, 2004. (Серия «Спецкурс»). – 288 с.
- 3.80. Международное право: Учебник / Отв.ред. Ю.М.Колосов, Э.С.Кривчикова. – М.: Междунар.отношения, 2000. – 720 с.
- 3.81. Миллий хавфсизлик тизими. Муаллифлар жамоаси. -Т.: Akademiya, 2014. – 203 б.
- 3.82. Мираъзамов К.Ж. Миллий маданият манфаатлари ва миллий манфаатларнинг ривожланиши: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 1995 – 143 б.
- 3.83. Общая теория национальной безопасности: Учебник / Под общ. ред. А.А. Прохожева. – Изд. 2-е, доп. – М.: Изд-во РАГС, 2005. – 344 с.
- 3.84. Одилқориев Ҳ.Т., Очиллов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи. Дарслик. Т.: ЖИДУ, 2002. – 559 б.
- 3.85. Одилқориев Ҳ.Т., Раззоқов Д.Х. Сиёсатшунослик: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. – 229 б.
- 3.86. Олимов Ю.Ю. Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳарбий ҳамкорлик. Илмий мақола. Ахборотнома 6-сон, СТИБОМ. 2017 й.
- 3.87. Парошин А.А. Информационная безопасность: стандартизированные термины и понятия. – Владивосток: Изд-во Дальневост. ун-та, 2010. – 216 с.
- 3.88. Политология. Учебное пособие. Составители: Бирюков С., Ивлев С., Батурина Т., Мельниченко Е. – М.: Наука, 2001. – 278 с.
- 3.89. Проблемы экологической безопасности источников водоснабжения. - Экологические системы и приборы. 2006.
- 3.90. Раҳманкулов М.Х. Актуальные проблемы развития конституционно-правовых основ внешней политики Республики Узбекистан в условиях демократического обновления страны – Т.: УМЭД, 2015. – 132 с.
- 3.91. Раҳманов А.Р. Международно-правовые аспекты всеобъемлющей безопасности // Государство и право, 2003. – № 2.
- 3.92. Раҳманов А.Р. Проблемы безопасности. – Т.: Академия, 2009.
- 3.93. Ричмонд О.П. и Фрэнкс Дж., Либеральные мирные переходы: между государственным строительством и миростроительством, Издательство Эдинбургского университета, 2009.
- 3.94. Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир: У. Тожионов. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашри, 2001. – 320 б.
- 3.95. Саломов А.С., Олимов Ю.Ю. Методика изучения проблем военной безопасности. Учебно-методическое пособие. ВШСАиП. – 2016. – 42 с.
- 3.96. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. – Т.: Академия, 2010. – 172 б.
- 3.97. Сафоев С., Марказий Осиёдаги геосиёсат. – Т.: ЖИДУ, 2005. – 160 б.
- 3.98. Семигин Г.Ю. Политическая стабильность и безопасность // Социально-политический журнал. – М.: 1996. – №3.
- 3.99. Таджиев Ш.Ш. Центральная Азия в условиях трансформации мирового порядка: методологические и концептуальные подходы. Монография. – Т.: Complex Print, 2023. – 468 с.
- 3.100. Тункин Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н.Шестакова. – М.: Изд-во Зерцало, 2000. – 416 с.

- 3.101. Турсунов А., Нурназаров Р. Национальная безопасность Республики Узбекистан и правовое регулирование ее обеспечения. – Т.: 2004. – 47 б.
- 3.102. Тюшкевич С.А. Актуальные проблемы обеспечения военной безопасности России // Национальная безопасность и геополитика России. – 2004. - № 5-6.
- 3.103. Уткин А. Доктрина Буша: концепция, разделившая Америку //Россия в глобальной политике №4, 2005 июль/август.
- 3.104. Фалсафа: қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир: Қ.Назаров. – Т.: Шарқ, 2004. – 496 б.
- 3.105. Фатьянов В.М. Сетевые сообщества как пространство трансформации ценностных ориентации студенческой молодёжи. Материалы XIII Международной научной конференции молодых ученых и аспирантов «Наука. Образование. Молодежь». – Майкоп: редакционно-издательский отдел АГУ, 2016. – С. 178.
- 3.106. Федоров В.Н. Организация Объединенных Наций, другие международные организации и их роль в XXI веке. – М.: Логос, 2007. – 944 с.
- 3.107. Фомин С.А. «Обеспечение национальной безопасности».- М.: «Флинта» МПСИ. 2007. – 224 с.
- 3.108. Хасанов У.А. Региональная безопасность и национальные интересы (Центральноазиатский регион). – М.: 2004. – 189 с.
- 3.109. Хужанов Б.А. Геосиёсат атамалар луғати – Т.: «Complex Print», 2024. – 316 б.
- 3.110. Цыганков П.А. Теория международных отношений: учебник. – 2-е изд., испр. и доп. – М.: Гардарики, 2007. – 316 с.
- 3.111. Шаваев А. Национальная безопасность и национальные интересы // Власть. – М.: 2004. – №3. – С. 39-46.
- 3.112. Шаманов П.В., Лавренов С.Я. Международная миротворческая деятельность, миротворчество, миротворческая операция, национальные интересы ООН, НАТО, США // Обозреватель. – М.: 2016. -№10. – С.97-114.
- 3.113. Шилов В.Н. Политические ценности и их специфика // Право и политика. – Москва, 2003. - №4. – С. 7-21.
- 3.114. Шмитт Н. Майкл. Борьба с терроризмом и применение силы с точки зрения международного права / Европейский центр изучения вопросов безопасности им. Джорджа Маршалла. Публикация № 5. 2000.
- 3.115. Экологик хавфсизлик. Ўқув қўлланма. Муаллифлар жамоаси. Тошкент ирригация ва мелиорация институти, 2009. – 163 б.
- 3.116. Эргашев Т., Эргашев А. Экологическая безопасность среда жизни человека – Т.: Chinor ENK, 2007. – 160 с.
- 3.117. Эшмурадов А.Т. Жамиятда маънавий хавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш технологиялари: Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2020. – 53 б.
- 3.118. Ярочкин В.И., Бузанова Я.В. Теория безопасности – М.: Академический Проект: Фонд Мир, 2005. – 176 с.
- 3.119. Ярочкин В.И. Информационная безопасность: Учебник для студентов вузов. – М.: Академический Проект; Гаудеамус, 2-е изд. – 2004. – 544 с.

#### **IV. Хорижий тиллардаги адабиётлар**

- 4.120. Arnold Wolfers. «National Security» as an Ambiguous Symbol //Political Science Quarterly, No 4, Vol LXVII, December 1952, pp. 481-502.
- 4.121. Ashton B. Carter, William J. Perry, and John D. Steinbrunner, A New Concept of Cooperative Security, Washington, DC: The Brookings Institution Press, 1993.
- 4.122. Barry Buzan, Ole Waever. Regions and Powers: the Structure of International Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2003. – 564 p.
- 4.123. Barry Buzan. People, States, and Fear. – Brighton: Wheatsheaf, 1983. – 262 p.
- 4.124. Barry Buzan. Security: a New Framework for Analysis /by Barry Buzan, Ole Waever, and Jaap de Wilde. – London: Lynne Rienner Publishers, 1998. – 237 p.
- 4.125. Beard Ch. The Idea of National Interest. An Analytical Study in American Foreign Policy. – N.Y., 1934. – 583 p.
- 4.126. Bill McSweeney. Security, Identity and Interests: a Sociology of International Relations. – Cambridge: Cambridge University press, 1999. – 239 p.
- 4.127. Buzan, B. and Hansen, L. Chapter 7: 'Widening and deepening security', In: The Evolution of International Security Studies – Cambridge: Cambridge University Press, 2009. – 400 p.
- 4.128. Critical Security Studies and World Politics / Ken Booth, ed. – London: Lynne Rienner Publishers, 2005. – 323 p.
- 4.129. David A. Baldwin. The Concept of Security // Review of International Studies, No 23, 1997.
- 4.130. Eriksson, O. «Observers or Advocates? On the Political Role of Security Analysts», Cooperation and Conflict, 34 (1999).
- 4.131. Ernst B. Haas. Collective Security and the Future of International System //In: Falk and Black (eds), The Future of International Legal Order. – Princeton: Princeton University Press, 1969. – 117 p.
- 4.132. Fawcett Louise. The Evolving Architecture of Regionalization //In: The United Nations and regional security: Europe and beyond /Michael Pugh and Waheguru Pal Singh, editors. – London, Lynne Rienner Publisher, 2003. – 309 p.
- 4.133. Fischer, Dietrich (ed). 2013. «Johan Galtung: Pioneer of Peace Research». Springer-Verlag Berlin Heidelberg. Vol. 15.
- 4.134. Galtung, Johan and Karl G. Yakobsen. 2000. Searching for Peace: The Road to TRANSCEND, Pluto Press: London. – 290 p.
- 4.135. Hilaire McCoubrey and Justin Morris, Regional Peacekeeping in the Past-Cold War Era. - The Hague: Kluwer Law International, 2000. – 252 p.
- 4.136. International Relations Theory Today / Ken Booth, Steve Smith (eds.). – Cambridge, Polity press, 1995. – 367 p.
- 4.137. Josef Joffe. Collective security and the Future of Europe: failed dreams and dead ends // Survival. - Spring 1992, pp. 36-50.
- 4.138. Joseph S. Nye, Jr. Soft Power: The Means to Success in World Politics. – New York: PublicAffairs, 2004. – 191 p.
- 4.139. Ken Booth, Eric Herring. Key Guid to Information Sources in Strategic Studies. – London: Mansell, 1994.
- 4.140. Ken Booth. Theory of World Security. – Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 521 p.

- 4.141. Krause, K. 'Critical Theory and Security Studies: The Research Programme of «Critical Security Studies»', *Cooperation and Conflict*, 33 (1998).
- 4.142. Luisa Vierucci, WEU – a Regional Partner of the United Nations? Chaillot Paper, No 12, December 1993, Institute for Security Studies of WEU. <http://www.iss-eu.org>
- 4.143. Martin Griffiths and Terry O'Callaghan. *International relations: the key concepts*. – London and New York: Penguin Books, Routledge, 2002. – 407 p.
- 4.144. Matt McDonald. *Securitization and the Construction of Security //European Journal of International Relations* 14(4), 2008.
- 4.145. Morgenthau Hans J. *Politics Among Nations. The Struggle for Power and Peace*. Second Edition, Alfred A. Knopf. – New York: 1955. – 477 p.
- 4.146. Nick Vaughan-Williams, *Critical Security Studies, An Introduction// By Columba Peoples*, Routledge, 2010. – 182 p.
- 4.147. Ole Waever, 'Securitization and Desecuritization', in Ronnie D. Lipschutz (ed.), *On Security* (New York: Columbia University Press, 1995).
- 4.148. Osgood Robert E. *Ideals and Self-Interest in America's Foreign Policy*. – Chicago, 1953.
- 4.149. Pal L. *Public Policy Analysis: An Introduction*. – Scarborough: 1992. – 247 p.
- 4.150. Primo Levi. *If This Is a Man and The Truce*. - London: Abacus, 1996. – 398 p.
- 4.151. Richard H. Shultz, Jr., Roy Godson, George H. Quester. *Security Studies for the 21st Century*. – Washington, London: Brassey's, 1997. – 463 p.
- 4.152. Richard Ullman. *Redefining Security // International Security*, 1983. - №8 (summer), pp. 129-53.
- 4.153. Robert Jervis. «Security regimes» //In: Stephen Krasner (ed.). *International Regimes*. - Cornell University Press, Ithaca, 1983. – 372 p.
- 4.154. Robert L. Bledsoe and Boleslaw A. Boczek. *The international law dictionary*. – Oxford, ABC-Cio, 1987. – 422 p.
- 4.155. Rotfeld, Adam Daniel. *Security risks in the post-cold war world*. Presentation made at the George C. Marshall Center, 31 October 1996.
- 4.156. Rita Taureck. *Securitisation Theory and Securitisation Studies*. *Journal of International Relations and Development*, (9), pp. 53-61.
- 4.157. *Security Communities* - Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – 462 p.
- 4.158. Starr Harvey. *Territory, Proximity, and Spatiality: The Geography of International Conflict //International Studies Review*, Vol. 7, 2005.
- 4.159. Stephen M. Walt. *The Renaissance of Security Studies // International Studies Quarterly*. – Indiana, 1991.
- 4.160. Terry Terriff, Stuart Croft, Lucy James and Patrick M.Morgan. *Security Studies Today*. - Cambridge, Oxford: Polity Press, 1999. – 234 p.
- 4.161. *The Penguin Dictionary of International Relations // Graham Evans and Jeffrey Newnham*. – London: Penguin Books, 1998. – 623 p.
- 4.162. *Webster's New World College Dictionary / Michael Agnes, editor in chief*. – 4th ed. – Wiley: Wiley Publishing, Inc., 2004.
- 4.163. Zbigniew Brzezinski. *The Choice: Global Domination or Global Leadership*. – New York: Basic Books, 2004. – 242 p.

## V. Интернет-сайтлар

- 5.164. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz) (сайт Министерства иностранных дел Узбекистана).
- 5.165. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) (сайт национальной законодательной базы).
- 5.166. [www.un.org](http://www.un.org) (официальный веб-сайт ООН).
- 5.167. [www.dkb.gov.ru](http://www.dkb.gov.ru) (официальный веб-сайт ОДКБ).
- 5.168. [www.sectesco.org](http://www.sectesco.org) (официальный веб-сайт ШОС).
- 5.169. [www.nato.org](http://www.nato.org) (официальный веб-сайт НАТО).
- 5.170. [www.osce.org](http://www.osce.org) (официальный веб-сайт ОБСЕ).
- 5.171. [www.cis.solo](http://www.cis.solo) (официальный веб-сайт СНГ).
- 5.172. [www.marshallcenter.org](http://www.marshallcenter.org) (Центр им. Маршалла).
- 5.173. [www.ca-c.org](http://www.ca-c.org) (Центральная Азия и Кавказ).
- 5.174. [www.iimes.ru](http://www.iimes.ru) (Институт Ближнего Востока).
- 5.175. [www.iiss.org](http://www.iiss.org) (Международный институт современной политики).
- 5.176. [www.ipmb.ru](http://www.ipmb.ru) (Институт проблем международной безопасности).
- 5.177. [www.globalaffairs.ru](http://www.globalaffairs.ru) (Россия в глобальной политике).
- 5.178. [www.asiastrategy.ru](http://www.asiastrategy.ru) (Фонд стратегических исследований ЦАР).
- 5.179. [www.ivran.ru](http://www.ivran.ru) (Российская Академия Наук института Востоковедения).
- 5.180. <https://inosmi.ru> (Иносми.Ру).
- 5.181. <http://afghanistan.ru> (Новости Афганистана).
- 5.182. <https://www.afghanistan-analysts.org> (Afghanistan Analysts Network).
- 5.183. <https://www.fdd.org/projects/long-war-journal/> (Foundation for Defense of Democracies).
- 5.184. <http://www.understandingwar.org> (Institute for the Study of War).
- 5.185. <https://www.khaama.com> (The Khaama Press. News Agency).
- 5.186. <https://www.tolonews.com> (Tolo News).
- 5.187. <https://www.nytimes.com> (The New Your Times).
- 5.188. <http://www.cia.gov/factobook/> (Справочник ЦРУ США по странам).
- 5.189. <http://www.iimes.ru> (Институт Ближнего Востока (РФ)).
- 5.190. <http://www.imemo.ru> (Научно-исследовательский институт мировой экономики и международных отношений имени Е.М.Примакова РАН (РФ)).
- 5.191. <http://www.rand.org> (Аналитический центр РЭНД (США)).
- 5.192. <http://www.dgap.org> (Немецкое общество внешней политики (ФРГ)).
- 5.193. <http://www.swp-berlin.org> (Берлинский Фонд науки и политики).
- 5.194. <http://www.ifri.org> (Институт международных отношений (Франция)).
- 5.195. <http://www.chathamhouse.org> (Королевский институт международных отношений (Великобритания)).
- 5.196. <http://www.ciis.org.cn> (Институт международных исследований (КНР)).





Иномжон Бобоқулов

# ХАВФСИЗЛИК АСОСЛАРИ

Дарслик

Тошкент, «Complex Print» нашриёти, 2025

Масъул муҳаррир: проф. М. Атаев  
Муҳаррирлар: проф. И. Исломов  
проф. Б. Омонов

Босишга рухсат этилди 03.02.2025 й. Буюртма № 271  
Формати 84x108 1/16. Arial гарнитураси билан  
рақамли усулида чоп этилди.  
Ҳажми 29,4 ш.б.т. 100 нусха.

Нашр.лиц. №144995 13.10.2023 й.  
«Complex Print» нашриёти,  
Тошкент ш., Юнусобод тумани., Биллур МФЙ, 4 мавзеси, 42 б-уй.

«Complex Print» босмахонасида чоп этилди.  
Лицензия № 144939, 13.10.2023 й.  
Тошкент ш., Юнусобод тумани., Биллур МФЙ, 4 мавзеси, 42 б-уй.  
Тел.: +998 71 244 40 89

ISBN 978-9910-8906-9-7



9 789910 890697